


ЗУН. 01. 347.01.
1063 1063.

Я.А. КОМЕНСКИЙ
БУЮК ДИДАКТИКА



ЗУН.01
КСЗ

Я. А. КОМЕНСКИЙ

БУЮК ДИДАКТИКА

СССР ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОСИ,
АКАДЕМИК С. РАЖАВОВ ТАҲРИРИ ОСТИДА

«УЎҚИТУВЧИ» НАШРИЕТИ
Тошкент—1975

Машҳур чех педагоги Ян Амос Коменскийнинг «Буюк дидактика» асари XVII асрда яратилди. Педагогика фанида ва мактаб ишлари соҳасида тўла бурилиш ясаган бу асар жаҳон халқлари тилларининг деярли барчасига таржима қилиниб, «методикалар энциклопедияси» сифатида, асрлар оша, бизгача етиб келди.

Давр тақозосига кўра, диний пардага ўралган бу асарнинг сенсуалистик таълимотга ва табиатга мослик принципига асосланган дидактик қоидалари бугунги кунда ҳам, **шубҳасиз**, илмий ходимлар, педагогика институтларининг профессор-ўқитувчилари, аспирантлари ва студентлари учун, шунингдек, маориф ходимлари, мактаб ўқитувчилари ва тарбиячилар учун муҳим аҳамиятга эга.

Аминмизки, китобхонлар асардаги ҳозирги коммунистик жамият қуриш талабларига тўғри келмайдиган диний тушунчаларни улоқтириб ташлаб, биз учун муҳим ва фойдали, таълим-тарбия ишини яхшилашга ёрдам берадиган томонларни ажратиб оладилар.

16



«БУЮК ДИДАКТИКА» КИТОБИ

3 Ян Амос Коменскийнинг «Буюк дидактика» си жаҳон педагогикасининг нодир асарларидан бири ҳисобланади. Унда ўқитиш назариясига доир фикрлар билан бирга, мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларни ақлий, ахлоқий, жисмоний ва эстетик жиҳатдан тарбиялаш усуллари ҳам баён этилади. «Буюк дидактика» да тилга олинган ва ҳал этилган масалаларнинг кўлами ва аҳамиятини назарда тутсак, у, ҳақиқатан ҳам буюк ва классик асардир. Унда барча ўғил ва қиз болаларга таълим бериш учун мактаблар очиш, болаларни ўз она тилида ўқитиш, тарбиялаш, уларни амалий ҳаётга, турмушга тайёрлаш, хусусий методикаларни такомиллаштириш соҳасида илмий назариялар яратиш масаласи ўртага қўйилди ва асослаб берилди. Шунинг учун ҳам бу асар педагогика институтлари студентлари учун «Педагогика тарихи» фани зарурий адабиётлари рўйхатидан мустаҳкам ўрин эгаллади¹.

«Буюк дидактика» дастлаб чех тилида ёзилди. 1638 йилда муаллиф уни латин тилига таржима қилди. 1657 йилда Коменскийнинг Амстердамда нашр этилган педагогик асарлари тўпламида биринчи марта босилиб чиқди. XIX асрнинг 70-йилларида асарнинг таржимаси Россияда нашр этилди. /

Маълумки, атоқли чех педагогининг «Буюк дидактика» си феодализм ҳукмронлик қилган даврда яратилди. Замоннинг таъсири билан асарда диний қарашлар баён этилади. Унинг айрим бобларида бу ҳол айниқса кучли. Муаллиф таълим ва тарбия соҳасидаги илғор тажрибаларни, илмий характерга эга бўлган дидактик принциплар ва қоидаларни диний пардага ўраб баён этади. Уша даврдаги мавжуд ижтимоий муносабатларни назарда тутсак, бошқача бўлишини тасаввур этиш ҳам қийин. XVII асрдаги педагогик фикрларни тўла характерлаш учун ва бу гениал асарнинг яхлитлигини сақлаш мақсадида биз «Буюк дидактика»

¹ Программы педагогических институтов. История педагогики. Издательство «Просвещение», М., 1971, 24-бет.

нинг тўлиқ таржимасини китобхонларга ҳавола қилишни маъқул кўрдик.

Қўлингиздаги китоб «Буюк дидактика»нинг 1955 йилда босилиб чиққан русча нашридан (Ян Амос Коменский «Великая дидактика» китобидан) таржима қилинди. Асарнинг ўзбекча тексти 1939 йилда профессор А. А. Красновский тайёрлаган нашри (Ян Амос Коменский, Избранные педагогические сочинения, т. I. «Учпедгиз», М., 1939) билан ҳам таққослаб чиқилди.

Мамлакатимизда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонганидан буён ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. Шу давр ичида, айниқса, Улуғ Ватан урушидан сўнгги йилларда «Буюк дидактика»ни ўзбек тилига таржима қилиш соҳасида айрим уринишлар бўлган эди. Лекин уни ижобий яқунлаш имконияти бўлмади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўзбек тилида педагогика ва психологиядан нашр этилган асарларда терминлар ҳанузгача илмий асосда тадқиқ этилиб, ишлаб чиқилмаганлиги таржима жараёнида бирмунча қийинчиликлар туғдирди. Таржимада ўзбек тилининг хусусиятлари имкон берган даражада оригиналликни сақлашга, ўша даврга хос терминлар ва ибораларни, Коменскийнинг услубини сақлашга ҳаракат қилинди.

Ривожланган социалистик жамият барпо этилган ҳозирги даврда «Буюк дидактика»нинг ўзбек тилида нашр этилиши Коммунистик партия ва Совет давлати мамлакатимизда халқ маорифи ва мактабни янада ривожлантириш борасида белгилаб берган улуғвор вазифаларни самарали бажаришда кўмаклашди. Шу билан бирга, социалистик ҳамдўстликнинг ягона оиласида инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунистик жамият қураётган совет ва чехословак халқлари ўртасидаги интернационал ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЯН АМОС КОМЕНСКИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ПЕДАГОГИК НАЗАРИЯСИ

1 Машҳур донишманд, чехословакиялик гуманист-педагог Ян Амос Коменский демократик педагогиканинг асосчиси сифатида башарият тарихидан ўрин олди. У ўзининг онгли ҳаётини, амалий педагогик фаолиятини, илмий асарларини халқ болаларини ўқитиш ва тарбиялашдек олижаноб ишга бағишлади.

Ян Амос Коменскийнинг инсоният олдидаги буюк хизмати шундаки, у ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақидаги фан — педагогика фанининг вазифаларини пайқабгина қолмасдан, балки педагогика илмининг пойдеворини ҳам қурди, унинг кейинги ривожланиш йўллари ҳам кўрсатиб берди.

Ян Амос Коменский 1592 йил 25 мартда Нивница (Чехословакиянинг Жанубий Маравия қисмида) деб аталган жойда «Чех қардошлари» жамоасига тааллуқли оилада туғилди. Коменскийлар оиласи Нивницага Коомни деб аталган қишлоқдан кўчиб келишган эди. Шунинг учун ҳам уларнинг оиласи бу ерда коомниклар, яъни Коменскийлар оиласи деб аталган.

Коменский яшаган давр Европа мамлакатларида синфий кураш кескинлашиб, катта тарихий воқеалар содир бўлаётган йилларга тўғри келади. Бу даврдаги синфий кураш ва тарихий воқеаларнинг моҳияти феодал ишлаб чиқариш муносабатларининг секин-аста емирила бориши, капиталистик тузум асосларининг таркиб топаётганлиги билан характерланади.

Синфий кураш нақадар кескинлашганини тасаввур қилиш учун бу даврда содир бўлган тарихий воқеаларни эслатиб ўтишнинг ўзиёқ кифоя қилади. Чехияда бошланган ўттиз йиллик уруш, бу уруш ўзининг моҳияти жиҳатидан чех халқининг немис католик феодалларига ва Габсбурглар династиясидан чиққан немис императорларига қарши кураши эди. Европанинг барча кучли давлатлари бу урушда қатнашди; Англиядаги буржуа революцияси ғалаба қилди. Нидерландияда буржуа тузум ўрнатилди. Шунингдек, рус халқининг поляк феодал интервенциясига қарши кураши, украин ва белорус халқининг Польша феодал давлати зулмидан озод бўлиш учун кураши ана шу даврга тўғ-

ри келади. Кенг меҳнаткашлар оммаси жалб этилган бу курашдан Коменскийлар оиласи четда турмади, чунки Коменскийлар оиласи мансуб бўлган «Чех қардошлари» жамоаси буржуа-демократик ислохотлар ўтказишни талаб қилиб чиққан таборитлар сектасининг издошлари сифатида бу курашда иштирок этди.

Маълумки, XV—XVII асрларда пайдо бўлаётган янги синф — буржуазия ва халқ оммаси феодал дворянларга ҳамда феодализмнинг идеология соҳасидаги таянчи бўлган католик черкови-га қарши кураш бошладилар. Фридрих Энгельс таъкидлаб кўрсатганидек, у даврда феодализмга ва мулкый тенгсизликка қарши олиб борилган кураш диний-демократик, сектантчилик ҳаракати формасида майдонга келди. Буржуа-демократик ислохотлар ўтказишни қатъий талаб қилиб чиққан диний жамиятлардан бири таборитлар сектаси эди.

Таборитлар жамоаси тарқатиб юборилгач, унинг қолдиқлари «Чех қардошлари» деб аталган анча мўътадил демократик жамоага бирлашдилар. Бу жамоа аъзоларининг кўпчилиги ҳунарманд ва деҳқонлардан иборат эди. У ўз сафларига чех халқининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашиб келаётган ватанпарварларни бирлаштирди. Чех халқининг озодлик учун кураши Европа халқлари феодализмга қарши олиб бораётган курашнинг бир қисми бўлди. «Чех қардошлари» жамоаси таборитларнинг бир қанча демократик талабларини сақлаб қолдилар. Улар черковнинг айрим догма ва диний маросимларини бажаришдан воз кечдилар, католик черкови дворянларга қарши курашдилар, ҳамма болаларга ижтимоий таълим беришни амалга оширдилар, камбағал оилаларнинг болаларига моддий ёрдам бердилар.

Ян Амос Коменский 12 ёшида етим қолиб, муҳтожлик ва бошқа анча қийинчиликларни бошидан кечирди. «Чех қардошлари» жамоаси очган мактабда бошланғич таълим олди, 1608—1610 йилларда латин мактабида, яъни ўрта мактабда ўқиди. Қардошлар жамоаси уни Германияга университетда ўқиш учун юборади. Коменский Херборн ва Гейделберг университетларида таълим олади. Ана шу даврдаёқ Ян Амос Коменскийда халқни маърифатли қилиш, билим олиш йўллариини ҳаммага манзур қилиш идеяси туғилади. У «Ҳамма нарсалар театри» деб аталган алоҳида энциклопедия ёзишга киришди. Коменский шу йиллари она тилининг тўлиқ луғатини — «Чех тили хазинаси» («Сокровищица чешского языка»)ни туза бошлайди. Шу даврда В. Ратке-нинг дидактик идеялари билан танишади.

Ян Амос Коменский 1614 йилда ўз ватанига қайтиб келади ва 22 ёшида Пршеровадаги мактабда ўқитувчилик қила бошлайди. 1616 йилда у «Чех қардошлари» жамоасига хатиб қилиб сайланди. 1618—21 йилларда Коменский Фульнекеда яшаб, хатиблик билан бир қаторда, қардошлар жамоаси очган мактабга бошчилик ҳам қилади. Бу ерда у, Уйғониш даврида яшган Қомпанелла, Х. Вивес ва бошқа гуманистларнинг асарлари-

ни муталаа қилади. Коменский мактабда ишлаш жараёнида ўқитиш методларини такомиллаштиришга интилади.

Бу даврда мамлакатда ўттиз йиллик уруш давом этмоқда эди. Жамоа раҳбарларидан бири бўлган Ян Амос Коменский немис дворянлари ва католик черкови зулмига қарши олиб борилган курашда актив қатнашди. Реакция кучлари жамоанинг бошқа аъзолари сингари Коменскийни ҳам қаттиқ таъқиб остига олдилар. У қувғинда ҳаёт кечиради. Уруш натижасида Фульнеке босиб олингач, Коменский протестант князлари Жеротинский ва Садовскийлар ҳомийлигида яшайди, тарихий ва бадий-фалсафий асарлар ёзади.

Чех протестантлари қувғин қилинган оғир йилларда ҳам Коменский чех болаларини мактабда ўқитиш ва тарбиялаш ишини яхшилаш йўли билан ўз халқига ёрдам беришга, интилади. 1627 йилда у чех тилида «Чех дидактикаси» асарини ёзишга киришадди. Католик зулми ва қувғин ниҳоятда кучайгач, Коменский «Чех қардошлари» жамоасининг бошқа аъзолари билан бирликда ўз ватанини ташлаб, қочиб кетишга мажбур бўлади. Улар Польшага бориб, Лешно шаҳрида бошпана топадилар.

Шундан эътиборан, Коменский ҳаётида янги давр — сурункасига 28 йил давом этган педагогик фаолият даври бошланади. У Лешнода гимназия очиб, ўқитувчилик қилади. «Дидактика» асарини 1632 йилда чех тилида ёзиб тамомлайди. Сўнгра, 1633—38 йилларда бу асарни қайта ишлаб, латин тилига таржима қилади ва уни «Буёқ дидактика» деб атайдди. Бу асарида автор инсоният учун ҳаётий муҳим идеяларни илгари сурди ва шу идеяларга асосланиб, бир қанча дарслик қўлланмалар яратди. Ян Амос Коменскийнинг «Тиллар ва ҳамма фанларнинг очиқ эшиги» (1631), «Физика» (1633), «Астрономия» (1632), «Оналар мактаби» (1632) ва бошқа асарлари шулар жумласидандир.

Коменский Лешнода яшаган даврида памсофия идеясини, яъни ҳаммага ҳамма нарсани ўргатиш ҳақидаги таълимотни ишлашга астойдил киришди. Унинг пансофия идеяси европалик олимларда катта қизиқиш уйғотди. Фан ва техника ютуқларини умумлаштириш иши билан шуғулланадиган халқаро комиссия тузиш масаласини муҳокама қилиш учун Коменский 1641 йилда Англияга таклиф этилди. Лекин у ерда гражданлар уруши бошланиб кетиши сабабли, бу истак амалга ошмади.

Швеция ҳукумати Коменскийни ўз мамлакатига таклиф этди. Коменский Швецияда мактаб ислохоти ўтказишга тайёргарлик кўришга киришди ва мактабларда латин тили ўқитиш методикасини ишлаб чиқди.

1648 йилда тузилган Вестфал сулҳидан сўнг Коменский Лешно шаҳрига қайтиб келди ва Швеция ҳукуматининг топшириғига биноан ёзган «Латин тилининг муқаддимаси» («Преддверие латинского языка»), «Латинизм зали» («Зал латинизма») дарсликларини, шунингдек, «Тилларнинг энг янги методи» асарини боситиб чиқарди.

1660 йилда Коменскийни мактаблар ташкил этиш учун Венгрияга таклиф этадилар. Бу ерга келгач, у Шарошпатакеда ўзининг пансофик таълимоти асосида мактаблар очиш ҳақидаги фикрларини қисман амалга оширади. Бундай мактабнинг илмий жиҳатдан асосланган принциплари, ўқув плани, кунлик ўқиш тартибига доир масалалар Коменскийнинг «Пансофик мактаб» асарида баён этилган.

Шу йиллари Коменский бир қанча дидактик асарлар ҳам ёзди. Ўқитиш процессини жонлантириш, болаларда билимга қизиқиш уйғотиш учун Шарошпатакедаги мактабда у ўқув материалларини драмлаштириш усулини қўлланди. «Тиллар ва ҳамма фанларнинг очиқ эшиги» номли асари асосида 8 та ўқув пьесаси ёзди ва улардан «Ўйин — мактаб» китобини тузди.

1654 йилда Коменский «Ҳислар воситаси билан идрок қилинадиган нарсаларнинг суратлари» китобини ёзиб тамомлади. Бу асар инсоният тарихида биринчи иллюстратив дарслик ҳисобланади. Бу дарслик Европанинг айрим мамлакатларидаги мактабларда XIX асрнинг иккинчи ярмигача қўлланиб келди. Шунингдек, Коменский география, геометрия, космографияга доир дарсликлар ҳам тузди.

1654 йилда Ян Амос Коменский яна Лешно шаҳрига қайтиб келди. Швеция билан Польша ўртасида бошланган уруш натижасида Лешно шаҳри вайрон этилган эди. Коменскийнинг молмулки ва бир қанча қўл ёзмалари ёнғинда қолиб, куйиб кетди. Коменский бошпана излаб Голландияга кўчиб борди, машҳур педагог Амстердам шаҳрида ўрнашиб қолди, шаҳар сенатининг қарори билан Коменскийнинг дидактик асарлари нашр этилди. Я. А. Коменский 1670 йилнинг 15 ноябрида Амстердам шаҳрида вафот этди.

Коменский умрининг сўнгги йилларини халқлар ўртасида тинчлик ўрнатиш ва тинчликни сақлаш проблемаларини ўрганишга бағишлади. У Амстердамда «Кишилиқ жамияти ишларини яхшилаш ҳақида ҳаммага тааллуқли маслаҳат» («Всеобщий совет об улучшении дел человеческих») номли капитал асарини ёзиб тугатди. Бу асарида Коменский кишилиқ жамиятини реформа қилиш планини ишлаб чиқишга уринди. Колониялар учун урушаётган Англия билан Голландияни яраштириш мақсадида Коменский 1667 йилда «Тинчлик фариштаси» асарини ёзди ва унда низоли масалаларни қурол ишлатиш йўли билан эмас, балки тинчлик, хайрихоҳлик принциплари асосида ҳал этишга чақирди. Давлатлар ўртасида тинчликни сақлаш иши билан шуғулланадиган халқаро ташкилот — тинчлик совети тузиш тўғрисидаги идеяни биринчи марта Коменский таклиф қилган эди.

Ян Амос Коменский оташин ватанпарвар эди. У умр бўйи ўз ватанининг мустақиллиги учун курашди. Коменскийнинг барча асарлари чуқур ватанпарварлик ҳисси билан сугорилган. У хорижий мамлакатларда яшаб, халқ маорифи ишининг ташкилий масалалари билан шуғулланар экан, бу мамлакатларнинг

ҳукуматлари Чехиянинг мустақиллигини қайта тиклашга ёрдам беради деб умид қилди. Коменский чех халқ поэзияси асарларини катта қизиқиш билан тўплади, чех мақоллари тўпламини тузди, чех халқини ҳурматлаш, чех тилини ўрганишга даъват этди.

Ян Амос Коменский дунёқарашининг таркиб топишини феодализм жамияти билан эндигина вужудга келаётган капитализм ўртасида кескин кураш бораётган бир даврга тўғри келди. Коменский диндор киши эди. Я. А. Коменскийнинг педагогикага оид барча асарларида ўша даврнинг таъсири кўриниб туради, у вақтларда, Фридрих Энгельс ибораси билан айтганда, «ақлий фаолиятнинг ҳамма соҳаларида илоҳият энг улкан ҳукмрон эди, чунки бу ҳол мавжуд феодализмнинг черковнинг энг юксак даражадаги умумлаштириши ва санкция қилишининг зарурий натижаси эди»¹. Аммо совет китобхони Я. А. Коменскийнинг асарларидаги бу тарихан зарур бўлиб қолган диний пардаларни осонгина улоқтириб ташлайди ва амалий аҳамиятга эга бўлган ажойиб ғояларни топиб олади. Лекин унинг эътиқоди демократик характерга эга. Ўша вақтларда тез суръатлар билан ривожланаётган табиёт фанлари Коменский дунёқарашининг таркиб топишига кучли таъсир этди.

Коменскийнинг дунёқарашига, айниқса унинг дидактик таълимотига XVI—XVII аср табият фалсафасининг (Жордано Бруно, Галилей) ҳамда Бэкон Веруламскийнинг сенсуалистик философиясининг таъсири кучлидир. К. Маркс Бэконнинг сенсуалистик философиясига юқори баҳо бериб, уни «инглиз материализмининг ва умуман энг янги замондаги тажриба фанларининг чинакам асосчисидир»² деган эди. Коменский «идрок қилинган нарсаларнинг ҳаммаси аввало сезгиларда мавжуддир» деб ҳисоблайди. Бу — Бэконнинг сенсуалистик фалсафасига мос келади. Коменский Бэконнинг «Фанларнинг улуг тикланиши» асарини янги давр фалсафасининг энг яхши асари деб атади. Бэконнинг индуктив методини, у, табиат сирларини билишнинг йўли, деб ҳисоблади. «Сезги, — деган эди Бэкон, — ҳар қандай билишнинг манбаидир». Коменский унга эргашиб: «Олдин сезилмаган ҳеч бир нарсани онда мавжуд бўлмайди», — дейди. Хуллас, Бэкон ва янги давр (XVI—XVII аср) натуралаш фалсафасининг таъсирида Ян Амос Коменскийнинг асосий дидактик қарашлари — сезиш орқали реал дунёни билиш, реализм ва кўрсатмалик принципи вужудга келди.

Уйғониш давридаги сектантлик ҳаракатининг демократизми, динчилиги ва педагогик тажрибаси Коменскийнинг дунёқарашини ва педагогик ғояларига катта таъсир этди. Ўша даврларда айрим диний жамоалар демократик принципларни, жумладан, ҳамма болаларга ижтимоий тарбия ва таълим беришни амалга

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Соч., VIII том, Госиздат, 1930, 128-бет.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, III том, 157-бет.

оширдилар. Масалан, анабаптистлар сектаси мактабгача тарбия ёшдаги ўғил ва қиз болаларни «Оналар уйи» да тарбиялаганлар. Бу ерда болаларга жисмоний тарбия берилар, гигиена қоидалари ва ўз-ўзига хизмат қилиш ўргатиларди. Болаларга теварак-атрофдаги муҳит ҳақида дастлабки маълумот берилар, суҳбатлар ўтказиш йўли билан уларнинг нутқи ўстирилар эди.

Шундан сўнг ҳамма болалар «Ўқиш уйи»га берилар ва у ерда «Ўқув усталари» раҳбарлигида бир неча йил давомида ўқиш, ёзиш, ҳисоб, дин ва меҳнатга ўргатиларди.

Сектантлар тарбиясининг жуда кўп хусусиятлари Коменскийнинг педагогик системасидан ўрин олди. Бунини, айниқса, Коменскийнинг мактабгача тарбия, она тилида умумий таълим бериш, қўл меҳнатига ўргатиш, интизомга доир мулоҳазаларида яққол кўриш мумкин. Сектантлик ҳаракати ўзининг демократик характери, меҳнаткашларга бўлган чуқур хайрихоҳлиги, дворянлар ва католик черковига салбий муносабати билан Коменскийга катта таъсир этди. Бу демократизм Коменскийнинг ҳамма болалар учун ягона типда мактаб бўлиши керак, жинси, табақаси ва ота-онасининг мол-мулкидан қатъи назар, ҳамма болаларга умумий мажбурий таълим бериш каби талабларида ўз ифодасини топди. У ҳамма болаларни: ўғил ва қиз болаларни ҳам, шаҳар ва қишлоқ жойларидаги болаларни ҳам ўз она тилларида ўқитишни талаб этди. Умумий таълим берилмаётганлиги туфайли, кўпинча, камбағаллар орасидан етишиб чиқиши мумкин бўлган зўр истеъодлар, одатда сезилмай қолади ва ҳалок бўлиб кетади, деб газабланган эди Коменский.

«Чех қардошлари» жамоасининг ҳаётга реал ва амалий муносабати дин билан боғлаб олиб борилар эди. Бу қарама-қаршиликни биз Коменскийда ҳам учратамиз. Коменскийнинг педагогик системаси умумий реалистик характерга эга бўлишига қарамай, унинг назарий-педагогик мулоҳазаларида диннинг таъсири кучлидир. Хуллас, Коменский дунёқарашида, бир томондан, стихияли материализм ва реализмни баъзи элементлари, турмушга, тажрибага таяниш, иккинчи томондан эса, диндорлик бир-бирига аралашиб кетган. Оламни худо яратган, «худо бўлмаса, табиатнинг ўзи ожиздир», билиш — бу, худони излашдан иборат, деб ҳисоблайди Коменский.

Ян Амос Коменский дунёқарашининг кўп хусусиятлари Уйғониш даври таъсирида вужудга келди: ҳаётни севиш, инсонпарварлик бунга яққол мисол бўла олади. Коменскийнинг фикрича, инсон табиатнинг энг такомиллашган, энг гўзал мавжудотидир. «Инсон табиатга эргашиб, ҳамма нарсани билиб олиши мумкин». Коменский инсоннинг хотирасига қойил қолади. Унинг назарида инсон хотираси ҳамма нарсани қамраб олади, тиклайди, лекин ҳеч қачон тўлиб-тошиб кетмайди.

Коменский ўрта асрчиликдан янги даврга, феодализмдан

капитализмга ўтиш даврида яшади. У Чехияда демократик табақа ҳисобланган ҳунарманд ва деҳқонларнинг вакили эди ва уларнинг манфаатларини ифодалади. Коменскийнинг дунёқараши ва асарларида учрайдиган баъзи қарама-қаршиликлар у яшаган давр тақозосидир. Коменский асарларида янги мазмун, кўпинча, эски идеалистик қобиққа ўралган ҳолда баён этилади. У, бир томондан, бу дунёда яшашдан мақсад у дунё учун тайёргарлик кўришдан иборат, деса, иккинчи томондан, таълим ва тарбия ёшларни амалий ҳаётга тайёрлаши зарур деб ҳисоблайди.

Коменский тарбия ҳақида фикр юритганда индуктив методга асосланади, яъни у тажрибага суянади, фактлардан хулосалар чиқаради. Ўрта аср схоластикасига қарама-қарши ўлароқ, у нарса ва ҳодисаларни ўрганишга даъват этади, ўқитишда догматик усулга қарши чиқади. Бу билан у схоластикага катта зарба берди, лекин Коменский билишнинг манбаи илоҳий китоблардир (таврот, инжил ва ҳоказо) деб ҳисоблади.

Коменский мактаб болани маърифат оламига бошлаганида, аввало, уни ҳиссий билишга, сўнгра эса, ақлий билишга ўргатмоғи лозим, дейди. Кўриниб турибдики, Коменский бу ерда ўқитиш процессини ҳиссий идрокдан бошлаш керак деган материалистик талабни қўяди, лекин бу фикрни исботлаш пайтида у идеалистик йўлдан боради, чунки у бундай тартибни худо яратган, деб ҳисоблайди. Форма билан мазмуннинг бир-биридан ажратилиши, материалистик сенсуализмнинг диний пардага ўралган бўлиши Коменский таълимотидаги чуқур қарама-қаршиликларга сабаб бўлди.

Коменскийнинг демократизми ва инсонпарварлиги ҳам тарихан чеклангандир. Ўзи яшаган жамиятдаги қабилликларни танқид қилса ҳам, Коменский бу қабилликларнинг асл моҳияти жамиятнинг эксплуататор синфларга бўлинганлигида эканини тушунмади. У жамиятнинг табақаларга бўлиниши ва монархия усулида идора этилишига қарши чиқмади. Коменский халқ омасини маърифатли қилиш, ёшларга умумий таълим беришни орзу қилар экан, бу ишни феодализм тузуми шароитида амалга ошириш мумкин деб хом хаёл қилди, айрим давлат бошлиқлари бу ишни бажаради деб ўйлади.

Коменский тарбиянинг мақсадини диндан келтириб чиқарса ҳам, унинг дунёқараши ўрта асрчилик диний аскетизмидан, инсонни гуноҳкор осий банда деб ҳисобловчи диний хурфотдан кескин фарқ қилар эди, чунки Коменский инсонни баркамол, ажойиб мавжудот деб ҳисоблади. Коменскийнинг дидактикаси эса реал мақсадни, яъни болани амалий фаолиятга тайёрлашни назарда тутди. Унинг фикрича, тарбиянинг уч вазифаси бор: ўзини ва теварак-атрофдаги оламни билиш (ақлий тарбия), ўз-ўзини бошқариш (ахлоқий тарбия), худони таниш (диний тарбия). Коменский ўрта аср педагогикасидан фарқли ўлароқ болага ақлий тарбия беришни жуда муҳим иш деб ҳисоблайди. Бу

талаб Коменскийнинг инсонни ҳар томонлама ривожлантириш ҳақидаги гуманистик интилишларидан келиб чиқади. Коменский кишиларни у дунёни, «жаннат»ни қўл қовуштириб, пассив бўлиб кутиб туришга ундамайди, балки, инсонни ер юзидаги ҳаётга актив равишда аралаштиришга, жамиятдаги барча қабилаларни тугатишга, ер юзида жаннат яратишга даъват этади.

31 Буюк чех педагоги Ян Амос Коменскийнинг педагогик меросида ёш авлодни мактабда ўқитиш ва тарбиялаш масаласи асосий ўрин олади. Коменский яшаган замонда таълим, тарбия, ўқитиш терминларини — «дидактика» сўзи билан ифодалаш одати мавжуд эди. Аслида дидактика (didasca) юнонча сўз бўлиб, «ўқитаман» деган маънони билдиради. Қадимги юнон тилида бу тушунчанинг синоними ҳам бўлиб (paidewa), «тарбиялайман» деган маънони билдирар эди. Ян Амос Коменский бу терминларнинг ҳар иккаласини ҳам яхши билар эди. Лекин у «дидактика» терминини ишлатишни маъқул кўриб, ўз асарини «Буюк дидактика» деб атади. Шунингдек, 1657 йилда Амстердамда нашр этилган асарлари тўпламини ҳам «Дидактикага доир асарларнинг тўлиқ тўплами» («Полное собрание сочинений по дидактике») деб атади.

Дидактика сўзи ҳозирги пайтда ўқитиш назарияси деган маънони англатади. Коменский бу терминни кенг маънода, яъни ҳозирги «педагогика» термини маъносида ишлатган. Коменскийнинг дидактикага доир асарларини диққат билан ўқиган киши, бу фикрнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилади.

Коменский «Буюк дидактика» асарида ёш авлодни ўқитиш тўғрисида фикр юритибгина қолмасдан, балки мактабгача тарбия ва мактаб ёшидаги болаларга ақлий, ахлоқий, жисмоний ва эстетик тарбия бериш ҳақида гапиради. Буни, ҳатто, асарнинг темасида ҳам кўришимиз мумкин: «Буюк дидактика» ҳаммани ҳамма нарсага ўргатишнинг универсал назариясини ёки ҳар бир христиан давлатининг барча жамоа, шаҳар ва қишлоқларида ўғил ва қиз болаларнинг барчасига, ҳеч бир истисносиз, билим, ахлоқий ҳамда диний тарбия берадиган, натижада ёшлик йилларида бу дунё ва у дунё учун керак бўладиган ҳамма нарсага ТЕЗ, ҚИЗИҚАРЛИ, АСОСЛИ қилиб ўргатадиган мактаблар ташкил қилишнинг тўғри ва пухта ўйланган усулини ўз ичига олади. Бунинг ҳаммаси учун АСОС — нарсаларнинг ўз табиатидан олинадиган унинг ҲАҚИҚАТЛИГИ — механик санъат соҳасидан параллел мисоллар келтириш билан исботланади; тартиб — йиллар, ойлар, кун ва соатларга қараб белгиланади ва, ниҳоят, уни тез амалга оширишнинг ОСОН ва ТЎҒРИ йўли кўрсатилади».

Коменскийнинг «Буюк дидактика» асарида ўқув-тарбия ишининг мақсади, шарт-шароитлари, имкониятлари ва амалий аҳамияти каби умумпедагогик масалалар асосий ўринни эгаллайди. Дидактика ҳақидаги таълимотни Коменский илмий жиҳатдан асослаб берди. Дидактика педагогиканинг умумий масалала-

3 с.и. Ҳаммаси ўргатилган.

ри билан узвий боғлиқ ҳолда янгича, илмий асосда ишлаб чиқирилиши зарур деб ҳисоблади.

«Буюк дидактика»нинг кириш қисмида Коменский «Китобхонларга салом» йўллаб, давлат ва черков бошлиқларига, мактаб раҳбарларига, ота-оналарга мурожаат қилади, дидактиканинг аҳамиятини тушунтиради. Ўқитиш назариясини илмий асосда ишлаб чиқиш ва уни тўғри йўлга қўйиш, аввало, ота-оналар учун, сўнгра муаллимлар ва ўқувчиларнинг ўзлари учун, мактаблар учун, шунингдек давлат ва черков учун муҳим эканлигини таъкидлаб кўрсатади. «Буюк дидактика»нинг асосий бобларида, яъни мантиқий жиҳатдан бир-бири билан узвий боғланган 33 бобда, педагогиканинг умумий масалалари, дидактикага доир илмий таълимот баён этилади.

Дарҳақиқат, «Буюк дидактика»нинг дастлабки, I—XII боблари педагогиканинг умумий масалаларини ўз ичига олади. Бу бобларда, биринчидан, инсоннинг тақдири ва унинг вазифаси, иккинчидан, билим беришнинг шарт ва имкониятлари, учинчидан, мактабларнинг характери ва уларни қайта ташкил этиш масалалари баён этилади. XIII—XIV бобларда мактабларни янгича ташкил этишнинг асослари: ҳар бир ишда аниқ тартиб ўрнатиш — мактабларни тубдан ўзгартиришнинг асоси эканлиги ва бундай тартибни табиатдан ўрганиш лозимлиги кўрсатиб ўтилади. XV—XIX бобларда дидактиканинг умумий асослари, ўқиш ва ўқитишга бўлган умумий дидактик талаблар баён этилади. XX—XXV боблар хусусий методика, яъни таълим ва тарбия методлари масаласига бағишланади. XXVI бобда ўқув интизоми проблемаси ёритилади. XXVII—XXXII бобларда мактабларни тўрт босқичли қилиб қайта ташкил этиш, бу мактабларнинг ўқув плани ва таълим-тарбия ишининг методикаси асослаб берилади. Ва, ниҳоят, охири XXXIII бобда Коменский ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақидаги идеяларини амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар ҳақида гапиради, ҳукмдорларга, давлат ва черков бошлиқларига, олимларга, ота-оналарга мурожаат этиб, умумий таълим иши учун маблағ ажратишга оғринманг, куч-ғайратингизни аяманг, дейди.

Асарнинг «Буюк дидактика» деб аталиши ҳам тасодифий бир ҳол эмас, чунки унда тилга олинган ва ҳал этилган масалаларнинг қўлами ва аҳамияти жиҳатидан қараганда, у ҳақиқатан ҳам буюк ва классик асардир. Коменский ўзининг бу асарида: а) ҳеч бир истисносиз, ҳар икки жинсдаги ҳамма болаларни ўқитиш учун мактаблар очиш, б) болаларни ўз она тилида ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда уларни амалий ҳаётга тайёрлаш проблемасини, в) мактабларда ўқитиладиган фанлардан дарс бериш методикасини яхшилаш масаласини ва, ниҳоят, г) бу проблемаларнинг ҳаммаси юзасидан илмий жиҳатдан асосланган назариялар яратиш проблемасини ўртага қўйди, асослаб берди.

«Буюк дидактика»да баён этилган асосий фикрлардан бири

тарбия ва ўқитишнинг табиатга уйғун бўлиши ҳақидаги ғоядир. Тарбиянинг табиатга мос бўлиши ҳақидаги фикр дастлаб қадимги юнон файласуфи Аристотелнинг (Арастунинг) асарларида учрайди, лекин Аристотель бу масалани батафсил ёритмаган эди. Коменскийдан кейин яшаб ижод этган Жан Жак Руссо, Иоганн Генрих Песталоцци, Адольф Дистервег каби педагогларнинг асарларида ҳам тарбиянинг табиатга мос бўлиши тўғрисидаги масала тилга олинади. Бу педагогларнинг ҳар бири тарбиянинг табиатга уйғун бўлиши масаласини турлича талқин қилади. Шунинг учун ҳам табиатга мослик принципини Коменский қандай тушунганлигини аниқлаш муҳимдир.

Ян Амос Коменский тарбиянинг табиатга мослик принципини педагогикада биринчи марта назарий жиҳатдан асослаб берди. Бу масалада стоицизм (антик фалсафада материализм билан идеализм ўртасида иккиланиб турувчи оқим) вакиллари Коменскийнинг узоқ салаблари бўлса, Рабле, Монтэнъ, Кампанеллалар унинг яқин салаблари ҳисобланади, чунки Коменский стоицистик фалсафа вакиллари Цицерон, Сенека ва бошқаларнинг асарларидан кўплаб далиллар келтиради.

Коменский педагогик принцип ва қоидаларни асослаш учун инсонни ўраб турган ташқи табиатдан жуда кўп далил, мисол ва аналогиялар келтиради. «Буюк дидактика»нинг XVI—XVIII бобларида бундай ўхшатишларни ниҳоятда кўп учратиш мумкин. Лекин Коменскийнинг табиатга молик идеясида ташқи табиатга эмас, балки инсон табиатига бўлган қарашлари марказий ўринни эгаллайди. Асарнинг IV—VII бобларида Коменский инсон табиати ва унинг имкониятлари тўғрисида фикр юритади. Коменский инсонни ердаги «энг буюк мавжудот», «ажойиб микрокосма» (I боб, 3), деб ҳисоблайди. «Буюк мавжудотнинг мақсади ҳам юксак бўлиши лозим» (II боб, 1-§ «...танамиз секин-аста куч-қувватга тўла борган сари, руҳий фазилатларимиз ҳам ўса боради; биз ... доимо нимадир қиламиз, ўйлаймиз, бирор иш бошлаймиз ва руҳимизнинг бу олдинга қараб интилиш хислати ҳамма вақт сақланади, бу ҳаракат ҳеч қачон тугамайди. Чунки ҳаётда кишининг орзу-ҳаваслари, ниятлари чексиздир» (II боб, 6-§).

«Буюк дидактика»нинг V—VI боблари инсон табиатининг моҳияти ва сифатларини, унинг атрофдаги оламни билиш қобилиятларини баён этади. Кишининг билишга интилиш қобилияти туғма ва чексиз эканлигини таъкидлайди. «Инсон ақли фақат кўриб турган нарсаларнигина эмас, балки олдин бўлиб ўтган ва узоқда жойлашган нарса, воқеаларни ҳам қамраб олади, юксакликларга кўтарилади... ҳатто ақл бовар қилмайдиган нарсаларни ҳам билиб олишга уринади. Агар инсон ер юзида минг йил умр кўрса ҳам, шу минг йил давомида ҳам узлуксиз равишда қандайдир янгилликларни ўрганар, ниманидир билиб олган бўлар эди, шундан сўнг ҳам инсонда бошқа нарсаларни идрок қилиш имконияти мавжуд бўлур эди. Тубсиз нарса сингари ин-

сон онгининг идрок қилиш, билиш имкониятлари ҳам чексиздир» (VI боб, 4-§).

Бирор фазилатни ўйлаб чиқариб, уни инсонга зўрма-зўраки ёпиштиришнинг ҳеч зарурати йўқ, балки инсонда мавжуд бўлган ҳислатларни аниқламоқ ва ўстирмоқ лозим, деб ҳисоблайди Коменский. Инсон ақл эгаси бўлиши билан бирга, унда кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм ва тери сезгилари мавжуд. «Ташқи оламдаги ҳар бир нарсани ё кўриш, ё эшитиш, ё ҳидлаш, ёки ёб кўриб, таъмини билиш, ё ушлаб сезиш ва натижада ҳар бир нарсанинг моҳияти ва сифатини аниқлаш мумкин, демак сезги ва ақл эгаси бўлган инсон оламдаги нарсаларнинг ҳаммасини билиб олиши мумкин» (VI боб, 6-§), Коменскийнинг фикрича, инсон табиати ҳамма вақт ниманидир билишга, ўрганишга интилади, ҳаракат қилади, бу йўлда инсон ҳатто, қийинчиликлардан ҳам қайтмайди.

4 | Коменскийнинг педагогик таълимоти, тарбия ва ўқитиш ҳақидаги фикрлари унинг табиатга мослик идеясига асосланган. Таълим-тарбия «боланинг табиий қобилиятларига мосланса, енгил ва осонроқ ўқитиш мумкин». Бунинг учун:

I. Ўқитишни ўз вақтида, яъни кишининг фикри бошқа нарсаларга бўлинмасдан туриб бошлаш керак.

II. Боланинг ақли ўқитиш учун етарли даражада тайёрланган бўлиши лозим.

III. Ўқитишда умумийдан хусусийга қараб бориш зарур.

IV. Осонроқ нарсаларни ўрганишдан қийинроқ нарсаларни ўрганишга ўтиш керак.

V. Ўрганиладиган материал кўплик қилиб, болани қийнаб қўймасин.

VI. Ҳамма нарсани секин-аста ўргата бориш лозим.

VII. Боланинг ёшига тўғри келмайдиган нарсаларни унга мажбуран ўргатмаслик керак.

VIII. Ҳамма нарса ташқи сезги органлари орқали идрок этилиши зарур.

IX. Ўқитишни ҳар доим бир хил усулда олиб бориш керак.

Коменскийнинг «Буюк дидактика» асарида баён этилган назарий фикрлар ўша даврдаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва ўқитиш процессида ўқувчиларни шахсан кузатиш натижасида вужудга келди. Коменский ўз фикрларини исботлашда аналогия усулидан кенг фойдаланди. Ўрта асрчиликда бирор фикрни исботлаш учун «инжил»дан далиллар келтирилар эди. Коменский бу эски усулдан воз кечмагани ҳолда, янги усулни, яъни табиатдан далиллар келтиришни ҳам ишлатди. Бу усул Уйғониш даврида яшаган илғор кишиларни қойил қолдирди. Аналогиялар воситаси билан Коменский таълим ва тарбия процесси табиат ҳодисалари сингари қатъий тартибли бўлиши лозим деган фикрни исботлади.

Коменский инсон табиатининг бир бўлаги ва у табиатнинг бир қисми сифатида унинг энг асосий ва умумий қонунларига бўй-

сунади, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, табиатнинг бу қонунилари ўсимликлар ва ҳайвонлар оламида, шунингдек, инсонга нисбатан ҳам ўз таъсирини ўтказиб туради. Мактаблар учун аниқ тартибни табиатдан ўрганмоқ керак, таълим-тарбия масаласида ҳам табиат ҳамма жойда ўз ҳаракатларида намоён қилаётган процессларни кузатишга асосланиш лозим. Коменский табиат ва жамият учун, ўсимликлар, ҳайвонлар дунёси ва инсон ҳаёти учун умумий бўлган қандайдир қонунлар мавжуд, деган фикрга келди, лекин у ўша даврдаги тарихий шароит ва илм-фан тараққиёт даражаси тақозосига кўра, бу қонунларни очиб бера олмади.

Коменскийнинг табиатга мослик назариясида бир қанча ғайри илмий ҳамда салбий томонлар ҳам бор (табиатдан механистик аналогиялар келтириш, айрим ҳодисаларни диний-илоҳий нуқтаи назардан изоҳлаш кабилар). Лекин ўша давр тақозоси билан изоҳланадиган бу камчиликлардан қатъи назар, Коменскийнинг табиатга мослик назарияси тарбиянинг прогрессив ва демократик принципи ҳисобланади. Марксча-ленинча педагогика ва психология фани талаблари асосида танқидий нуқтаи назардан қаралса, Коменскийнинг «Буюк дидактика» ва бошқа асарларида баён қилинган табиатга мослик ғояси совет педагогикаси учун ҳам аҳамиятлидир.

Коменский яшаган даврда (ва ундан олдин ҳам) тарбия икки йўл билан: мактабда ва оилада амалга оширилар эди. Коменский ёш авлодни мактабда ўқитиш ва тарбиялашни афзал деб ҳисоблади. «Буюк дидактика»нинг VIII бобида ёшларни бир жойга тўплаб ўқитиш, бунинг учун эса мактаблар очиш зарурлиги асослаб берилган.

Мактаб очишнинг сабабларига тўхталиб, Коменский бундай деб ёзади: «Лекин ота-оналар ҳар хил бўлгани ва уларнинг касби турли-туманлиги сабабли ўз боласини тарбиялай олиш қўлидан келадиган ёки ишдан сўнг етарли вақт топиб, бола тарбияси билан шуғуллана оладиган ота-оналар жуда кам топилади. Шунинг учун ҳам неча асрлардан буён кўпчилик силалар ўз болаларини билимли, оғир табиатли махсус кишиларга бериб, ўқитиб келмоқдалар. Ёшларни тарбияловчи бундай кишилар, одатда устоз, тарбиячи, муаллим, профессор деб атаб келинади, болаларни тўплаб бирга машғулот ўтказадиган жойни эса мактаб, ўқув юрти, аудитория, коллегия, гимназия, академия ва ҳоказо деб юритилади» (VIII боб, 2-§).

Коменский бу фикрини VIII бобнинг еттинчи параграфида давом эттиради: агар ўз боласини ўқитиш ва тарбиялаш ота-онанинг қўлидан келган тақдирда ҳам, ёшларнинг жуда кўпчилигини бир жойга тўплаб ўқитиш яхшироқ бўлур эди, чунки тузукроқ ўқийдиган бола бошқаларга намуна бўлади, натижада, ўқитиш самарали ва унумли бўлади. Бу фикрнинг тўғрилигини исботлаш учун Коменский табиат ва санъатлар соҳасидан мисоллар, аналогиялар келтириб, хулоса чиқаради: демак, балиқ-

лар — махсус ҳовузларда, мевали дарахтлар — боғда парвариш қилинганидек, ёшларни ўқитиш учун мактаблар очиш зарур.

Коменский «Буюк дидактика» асарида мактаблар жуда қадим замонларда вужудга келганлигини таъкидлаб ўтади. Халдейда, шунингдек, Вавилонда, «Миср»да мактаблар кўп бўлиб, уларда турли фанлар, жумладан, астрономия ҳам ўқитилгани ҳаммага маълум. «Мактаблар очишни мисрликлардан греклар ўрганиб олди, греклардан эса римликлар ўрганишди; христанлик кенг ёйилгач, тақводор князь ва епископларнинг ҳушёрлиги, ғамхўрлиги туфайли, бу яхши одатни римликлар Империянинг ҳамма ерида жорий этдилар» (VIII боб, 3-§).

Мактабнинг мақсади ва вазифалари тўғрисида Коменский «Буюк дидактика»да гуманизм руҳи билан суғорилган, прогрессив, демократик таълимот яратди. У барча жамоа, шаҳар ва қишлоқларда ўғил ва қиз болаларнинг ҳаммасини ўқитиш, уларга илм ва ахлоқни, реал ҳаётда керак бўладиган нарсаларнинг ҳаммасини тез, осон ва асосли ўргатиш учун мактабларни пухта ўйлаб ташкил қилиш масаласини кун тартибига қўйди. Шунинг учун ҳам Коменский умумий таълим мактаблари очиш ғоясининг асосчиси ҳисобланади. Унинг бу ғояси ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Коменскийнинг буюк хизматларидан бири шундаки, у ўрта асрчилик давридаги мактабларнинг яроқсизлигини ва халққа қарши характерини очиб ташлаш билан бирга, мактаблар системасини демократик асосда қайта қуриш йўллариини ҳам кўрса-тиб берди. У мактаб таълими системаси принципларини ишлаб чиқди, унинг асосий бўғинлари ва структурасини белгилаб берди. «Буюк дидактика»нинг XII боби мактабларни тубдан ўзгартириш, яхшилаш масаласига бағишланади. Биз мактабларни шундай ташкил этишни ваъда қиламизки, — деб таъкидлайди Коменский — бунинг натижасида:

1. Худо ақлидан бутунлай маҳрум қилмаганлардан ташқари ҳамма ёшлар таълим олади.

2. Инсонни доно, яхши фазилатли, тақводор қилишга ёрдам берадиган нарсаларнинг ҳаммаси ёшларга ўргатилади.

3. Ёшларни ҳаётга тайёрлаш мақсадида, таълим инсон балогатга етгунча амалга оширилади.

4. Ўқитиш жуда енгил ва осон, гўё ўз-ўзидан, яъни урмасдан, қаттиқ қўллик ёки мажбур қилмасдан амалга оширилади...

5. Ёшларга бериладиган билим зоҳирий эмас, балки ҳақиқий, юзаки эмас, балки асосли бўлади... Инсон бировнинг фикри билан эмас, балки ўз ақли билан иш қилсин, нарсалар ҳақида бошқаларнинг фикрини китобдан ўқиб тушуниш ёки ҳатто ёдлаб олиб, айнан такрорлаб бериш билангина чекланмасин, балки унда нарсаларнинг моҳиятини англай олиш қобилияти ўссин, у нарсалар тўғрисида ҳақиқий билимга эга бўлиб, улардан турмушда фойдалана олиши мумкин.

6. Таълим ортиқча куч сарфлашни талаб этмаслиги, балки

жуда осон бўлиши керак. Мактабда ўқиш учун ҳар куни тўрт соатдан ошиқ вақт сарфланмасин (XII боб, 2).

«Буюк дидактика»нинг IX бобида ўғил болалар билан бир қаторда қиз болаларни ҳам ўқитиш зарурлиги асослаб берилди. «Мактабларда фақат бойлар ва аслзодаларнинг болаларинигина эмас, балки умуман ҳаммани; барча шаҳар ва қишлоқлардаги аслзодалар ва оддий халқни ҳам, бойлар ва камбағалларни ҳам, ўғил ва қиз болаларни ҳам ўқитиш керак» (IX боб, 1).

Ожизаларни ҳам мактабларда ўқитиш зарурми, деган саволга Коменский ижобий жавоб беради. Хотин-қизлар ҳам, эрлар сингари, кўпинча эрлардан кўра ҳам ўткир ақл-идрокка эга, эрлар қатори энг юқори лавозимларни бажариб келмоқда, деб кўрсатади.

Инсоннинг ўсиш йилларини Ян Амос Коменский тўрт даврга бўлади: гўдаклик, болалик, ўсмирлик, етуклик. Ҳар бир давр олти йилни ўз ичига олади. Ҳар бир ёш даврига мос келадиган мактаб бўлиши лозим. Чунончи, гўдаклик даври учун — она мактаби, болалик даври учун — бошланғич мактаб (она тили мактаби), ўсмирлик даври учун — латин мактаби ёки гимназия, етуклик даври учун — академия бўлмоғи лозим (XXVII боб, 3).

Коменскийнинг фикрича, ҳар бир оила, ҳар бир хонадон она мактаби деб ҳисобланиши лозим, чунки тарбия дастлаб оилада берилади. Она тили мактаби — ҳар бир жамоада, ҳар бир қишлоқда, гимназия — ҳар бир шаҳарда, академия — ҳар бир давлат ёки вилоятда бўлиши зарур. Оилада амалга ошириладиган мактабгача тарбияни Коменский «она мактаби» деб атади. Она мактабида боланинг ташқи сезгиларини ўстиришга кўпроқ эътибор берилади, чунки бола теварак-атрофдаги муҳим нарсаларнинг барчасини билиб, улар билан тўғри муоамала қилишни ўрганиши лозим. Олти ёшгача бўлган болалар сув, ер, ҳаво, олов (ўт), ёмғир, қор, муз, тош, темир, дарахт, қуш, балиқ, ҳўкиз кабиларнинг нималигини билиб олиши мумкин. Астрономиядан эса бола осмон, қуёш, ой, юлдузларнинг нималигини; уларнинг чиқиши ва ботишини фарқлай билиши керак. Шунингдек, бола ўзи яшаётган ва тарбия олаётган жойнинг хусусиятига мувофиқ: тоғ, водий, дала, дарё, қишлоқ, шаҳар, қалъа нималигини билиб олади. Меҳнат соҳасида дастлабки тажриба ҳосил қилиш учун боланинг бирор ишни бажаришига рухсат этибгина қолмасдан, балки ҳамма вақт унга ниманидир бажаришни ўргатиб ҳам бориш лозим. «Она мактаби»да айниқса ахлоқий тушунча ва маънавий тарбия таркиб топтиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Бола тозалikka риоя қилиш, катталарни ҳурматлаш, тўғри сўзлаш; чидамли бўлиш, хушмуомалалик каби фазилатларни эгаллай бошлаши зарур.

«Буюк дидактика»нинг XXIX бобида Коменскийнинг «Она тили» мактаби, яъни бошланғич мактаб ҳақидаги мулоҳазалари баён этилган. Муаллиф, аввало, «она тили» мактабига, ҳеч ис-

тисносиз, ҳамма болаларни жалб этиш зарурлигини асослаб, сўнгра бошланғич мактабда ўргатиладиган билимлар доираси ва мақсадини батафсил баён этади. «Она тили» мактаби болага бемалол ўқиш ва чиройли, хатосиз ёзишни ўргатиши; нутқини ўстириши, арифметика ва геометрия элементларини, музыка асосларини ўргатиши, шунингдек, катехизис ва муқаддас китобга доир айрим маълумотларни ўргатиши керак деб ҳисоблайди.

Ян Амос Коменский «латин мактаби»да (гимназияда) «Етти эркин санъат» деб аталиб келинган традицион фанларни: грамматика, риторика, диалектика, арифметика, геометрия, астрономия, музыка назариясини ўқитишни тавсия қилади. Бундан ташқари, у ўрта таълимнинг мазмунига физика (табиёт), география, тарих фанларини ҳам киритади. Гимназияда тўртта тил: латин тили, грек тили, она тили ва янги тиллардан бири ўқитилар эди.

Коменский фанларни ўқитиш тартибида ҳам айрим ўзгаришларни таклиф қилди. Мавжуд схоластик мактабларда аввал тривиум (грамматика, риторика, диалектика), сўнгра квадриум (арифметика, геометрия, астрономия, музыка) ўқитилар эди. Коменский эса болалар тил (грамматика)ни ўргангач, реал фанларни: физика, математикани ўқисинлар, сўнгра диалектика ва риторикани ўрганиб, гимназияни битириб чиқсинлар, деб ҳисоблайди.

Латин мактабида бола олти йил ўқиши керак. Олти йилга мўлжалланган таълимнинг вазифалари турлича бўлгани учун олтига ҳар хил синф таъсис этиш лозим ва уларнинг номи қуйидагича бўлиши мумкин: 1) грамматика, 2) физика, 3) математика, 4) ахлоқ, 5) диалектика, 6) нотиклик санъати (XXX боб, 4).

Коменскийнинг академия, яъни олий мактаблар ҳақидаги мулоҳазалари ҳам диққатга сазовордир. Унингча, академиялар зиммасига «ҳамма фанлар ва таълимнинг барча олий предметларини тўлиқ ўргатиш ва ривожлантириш вазифаси юклатилди». Коменский академияда, ўша даврдаги одатга кўра, илоҳиёт, юридик ва медицина факультетлари бўлиши кераклигини кўзда тутди. Академияда таълим-тарбия ишлари самарали бўлиши учун Коменский қуйидагиларга эътибор беришни талаб этади:

1. Академияга фақат ақли ўткир кишиларни, ёшларнинг сарасини қабул қилиб, бошқаларни эса, табиий қобилиятига қараб, деҳқончилик, қосиблик ва савдо-сотиқ каби ишларга юбориш лозим.

2. Ҳар ким табиатан нимага лаёқатли бўлса, фақат ўша иш билангина шуғулланиши керак, кимнинг нимага қодирлигини ташқи белгиларига қараб билиб олиш мумкин.

3. Қобилияти кучли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш керак, токи кенг маълумотли ва донишмандликни пухта эгаллаб олган кадрларга муҳтожлик сезилмасин.

4. Академиялар фақат меҳнатсевар, виждонли ва қобилиятли кишиларни тарбиялаб чиқарсин. Унда сохта студентларга ўрин бўлмаслиги керак, чунки бундайлар зеб-зийнатга берилиши ва фаолиятсизлиги билан бошқаларга салбий таъсир этади, отасининг мол-мулкини исроф қилади ва ёшлик даврини зое кеткизади (XXXI боб, 4, 5, 6, 7).

Ян Амос Коменский «Буюк дидактика» асарида, юқорида эслатиб ўтганимиздек, таълимнинг мақсадини жуда кенг маънода талқин қилади. Ўқитишни шундай ташкил этиш лозимки, киши ёшлик йилларда ҳаёт учун зарур бўладиган нарсаларнинг барчасини самарали, осон, тез ва асосли тарзда билиб олсин. Демак, Коменскийнинг фикрича, ўқитиш қуйидаги тўртта талабга жавоб бериши лозим: а) самарадорлик, б) осонлик, в) асослилик, г) қисқалик.

«Буюк дидактика»нинг XVI боби таълимнинг самарадорлигини ошириш масаласига бағишланади. Ўқитишнинг самарали бўлиши учун инсонга таълим беришни умрнинг баҳорида, яъни болалик даврида бошламоқ керак; ўқув машғулотлари учун эрталабки соатлар жуда қулай; сўз ва қоидалардан олдин нарсаларнинг ўзини ўргатиш керак; бола мактабда ўқишни охиригача давом эттирсин; ўқувчилар маълум даврда фақат бир фанни ўргансинлар; аввало боланинг фикрини, сўнгра хотираси ва нутқини ўстириш лозим; ўқитишни оддий нарсалардан бошлаб, секин-аста чуқурлаштириб бориш керак; ўқув материални вақтга қараб аниқ тақсимлаб чиқиш зарур кабилар. Бу қоидаларга амал қилиш ўқитишнинг самарадорлигини оширишга имкон беради.

«Буюк дидактика»нинг XVII бобида осон ўқитиш ва ўқиш масалалари батафсил таҳлил этилади. Осон ўқитиш учун қуйидаги талабларга риоя қилиш зарур: ўқитишни ўз вақтида, яъни кишининг фикри бошқа нарсаларга бўлинмасдан туриб бошлаш керак; боланинг ақли ўқитиш учун етарли даражада ҳозирланган бўлсин; таълимда умумийдан хусусийга қараб бориш зарур; оддийроқ нарсаларни ўргатишдан мураккабга қараб бориш лозим; материал кўплик қилиб, ўқувчини қийнаб қўймасин; ҳамма нарсани секин-аста ўргата бориш лозим; боланинг ёшига мос келмайдиган нарсаларни мажбуран ўргатмаслик керак; билимлар ташқи сезгилар орқали идрок этилиши зарур; олинган билимларни турмушда қўлланиб, ундан бевосита фойдаланиш мумкин бўлсин; ўқитишни ҳар доим бир усулда олиб бориш керак (XVII боб, 2).

Асосли ўқитиш масаласи асарнинг XVIII бобида атрофлича ёритилади. Таълимнинг асосли бўлиши учун қуйидаги ўн та қоидага амал қилиш зарурлигини Ян Амос Коменский етарли далиллар билан исботлайди: 1) фақат ҳаётда керак бўладиган билимларнигина пухта ўрганиш лозим; 2) бундай нарсаларнинг барчасини ҳеч бир истисносиз билиб олиш зарур; 3) илмларни асосли равишда ўрганиш керак; 4) асослар мустаҳкам бўлиши

лозим; 5) кейин ўрганиладиган билимлар фақат шу асосларга таянсин; 6) ўрганиш керак бўлган нарсаларнинг ҳаммасини жуда аниқ билиб олиш лозим; 7) кейин ўрганиладиган билимлар олдингиларига асосланиши зарур; 8) ўзаро боғлиқ нарсаларнинг барчасини доимо биргаликда ўрганиш лозим; 9) ҳамма нарса ақл, хотира ва нутққа баравар тақсимланган бўлиши зарур; 10) машқларни бажариб билимни мустаҳкамлаб бориш керак (XVIII боб, 4).

Ўқувчилар билимларни тезроқ ўрганиб олишлари учун таълимнинг энг қисқа, ихчам усулини қўлланиш лозим. Бунинг учун қуйидагиларга амал қилиш талаб этилади: бир муаллим бир мактабга ёки камида бир синфга бошчилик қилсин; ҳар фандан фақат бир муаллифнинг асари (дарслиги) қўлланилсин; вази-фани синфдаги ҳамма ўқувчилар биргаликда бажариши лозим; барча фанлар ва тиллар бир усул билан ўқитилиши керак; ҳамма нарсани асосли, қисқа ва ишонарли қилиб ўқитиш лозим; ўзаро боғлиқ нарсаларни ажратмасдан, биргаликда ўргатиш зарур; ўқитишда изчилликка риоя қилиш лозим, бугун ўрганилган илмлар кеча билиб олинганларни мустаҳкамласин, эртага ўрганиладиганига замин яратсин; ва, ниҳоят, аҳамияти йўқ нарсаларни ўргатмаслик керак (XIX боб, 14).

Коменский асослаб берган бу дидактик талаб ва қоидалар муҳим прогрессив аҳамиятга эгадир. Улардан кўпчилиги ҳозирги даврда ҳам ўзининг назарий ва амалий қийматини йўқотмаган.

Ян Амос Коменский таълимнинг психологик асослари масаласига катта эътибор берди. Унинг фикрича, таълим ягона процесс бўлиб, ақл, ирода, қобилият бу жараённинг ажралмас томонларидир, муаллимлар боланинг қизиқишларини мутлақо эътиборга олмайдиган, ўқишга қизиқиш ва муҳаббат уйғотиш тўғрисида ғамхўрлик қилмайдиган схоластик мактабларни Коменский қаттиқ танқид қилди. «Қайси фанни ўқитишдан қатъи назар, — деб ёзади у, — аввало, ўқувчиларда шу фанга астойдил қизиқиш уйғотиш, уни ўрганишнинг зарурлиги, аҳамияти кабиларни исботлаб бериш лозим» (XVIII боб, 16).

Муаллим ҳамманинг диққатини ўзига қарата билиши керак. Ўқитувчининг нутқи илм манбаи эканлигини болалар яхши билишлари ва у гапираётганда бирор нарсани ҳам эътибордан четда қодирмай, диққат билан тинглашлари зарур (XIX боб, 19).

Муаллим бутун дарс давомида ўқувчиларнинг диққатини жалб қилиш ва тўплаш учун қуйидаги шартларга амал қилиши лозим. «Буюк дидактика»да баён этилган бу шартлар қуйидагилардан иборат:

1. Ўргатилаётган нарсадан бола мамнун бўлсин ва манфаат олсин; шунда ўқувчилар жонли диққат ва иштиёқ билан ишга киришадилар.

2. Муаллим дарсни бошлашдан олдин ёки ўқувчиларда шу темани ўрганишга қизиқиш уйғотиши ёки олдин ўтилганларни

янги материалга боғлаш учун саволлар бериб, уларнинг ҳушёрлигини ошириши лозим. Ўқувчилар бу соҳада ҳали билимлар камлигини пайқаб, янги дарсни зўр қизиқиш билан идрок этсинлар.

3. Муаллим баландроқ жойда туриб, ҳамма ўқувчиларга қараб бориши, бирорта боланинг ҳам бошқа иш билан шуғулланишига йўл қўймаслиги керак. Болаларнинг кўзи, фикру хаёли фақат муаллимда бўлсин.

4. Муаллим ҳамма вақт ташқи сезгилар воситасида боланинг диққатини иложи борица жалб этиши лозим.

5. Дарс бераётганда муаллим баъзан тўхталиб, қани, фалончи, айт-чи, мен ҳозир нима ҳақда гапирдим? Бу қисмини такрорлаб бер-чи? Сен айт-чи, шундан сўнг нима бўлган эди? Бу ҳамма ўқувчиларнинг ҳушёрлигини оширади.

6. Бирор ўқувчидан худди шу тариқа сўралганда у жавоб бера олмаса, саволни такрорламасдан, иккинчи, учинчи, ўнинчи, ўттизинчи ўқувчини турғизиб сўраш керак. Бундан мақсад — бир ўқувчига айтилаётган гапга ҳамма диққат қилиб борсин, ундан ҳамма манфаат олсин.

7. Бундай бўлиши ҳам мумкин: чақирилган ўқувчи бирор саволга жавоб беролмай қолса, шу саволни умумий қилиб ўртага ташлаш лозим, биринчи бўлиб ёки тўлиқ жавоб берган ўқувчини ҳамманинг олдида мақташ керак, бошқалар ундан ўрнат олсин.

8. Ниҳоят дарс охирида ўқувчилар тушунолмайд қолган жойларини муаллимдан сўраб олсинлар (XIX боб, 20).

Коменскийнинг бу гаплари изоҳлашни талаб этмайди. Таълим жараёнида боланинг диққатини сақлаб туриш учун, дарсининг самарадорлигини ошириш учун бу шартларга риоя қилиш зарурлиги эндиликда ҳаммага аён.

Ян Амос Коменскийнинг дидактик таълимотида ўқитишнинг умумий принциплари муҳим ўрин олади. Дидактика тарихида Коменский биринчи марта бу принципларга амал қилиш зарурлигини кўрсатибгина қолмасдан, балки ўқитиш принципларининг моҳиятини ҳам очиқ берди. Коменский дидактик принциплар деганда қуйидагиларни назарда тутди: 1) онглилик ва активлик принципи; 2) кўрсатмалилик принципи; 3) изчиллик ва системалилик принципи; 4) машқ қилиш, билим ва малакаларни пухта эгаллаш принципи.

Онглилик ва активлик принципи таълим жараёнида ўқувчиларнинг пассив бўлиб, материални тушунмай, механик равишда куруқ ёдлашини эмас, балки билим ва малакаларни фалол равишда англаб, чуқур ва асосли билиб олишини тақозо қилади. Совет педагогикасида таълимнинг онглилик ва активлик принципи Коменский талқин этганидан бирмунча фарқ қилади. Лекин шунга қарамай таниқли совет олими Д. О. Лордкипанидзе Коменскийни бу принципнинг асосчиси деб атади. «Коменскийнинг дидактикаси, — деб ёзади у, — бутунлай онглилик

ва активлик ғояси билан суғорилган ва бу жиҳатдан уни онгли таълим дидактикаси деб аташ мумкин. Нарса ва ҳодисаларни ўқувчиларнинг чуқур, асосли тушуниши ва билиб олиши, билимларнинг реаллиги ва уларни практикада, ҳаётда актив қўлланиш Коменский дидактикасининг моҳиятини ташкил этади»¹.

Самарали таълимнинг асосий шартини нарс ва ҳодисаларнинг моҳиятини билиб олишдан иборат. Бу ҳақда Коменский шундай деб ёзади: «...ёшларга тўғри таълим бериш — бу ҳар хил муаллифларнинг асарларидан тўпланган сўзлар, иборалар, ҳикматлар, фикрлар йиғиндисини боланинг миёсига жойлаш деган гап эмас, балки нарсаларнинг моҳиятини англаш қобилиятини ўстириш демакдир...» (XVIII боб, 22). Ўқувчига нимани ўргатишдан қатъи назар, бу нарса турмушда қандай наф келтириши тушунтирилса, бола уни яхшироқ англаб олади (XVII боб, 44).

Ян Амос Коменский сенсуалистик фалсафага амал қилиб, таълимнинг кўрсатмалилик принципини асослаб берди. Ўқувчи билимларни нарса ва ҳодисаларни бевосита кузатиш орқали, сезгилар воситасида билиб олиши зарур. Бунини Коменский таълимнинг олтин қондаси деб атади.

Таълимда кўрсатмалиликдан фойдаланиш жуда қадимий тарихга эга. Ҳатто ёзув ва мактаблар бўлмаган замонларда ҳам одамлар турмушда бу усулдан фойдаланганлар. Қадимги Миср, Юнонистон, Рим ва бошқа мамлакатларда очилган мактабларда ўқитиш жараёнида кўрсатмалар қўлланилган. Таълимнинг кўрсатмалилик принципи тўғрисидаги ғоя, Аристотелнинг асарларида тилга олинади. Ўрта асрчилик даврида диний-схоластик педагогика бу принципни ишлатишдан воз кечади. Лекин гуманист-педагоглар кўрсатмали ўқитиш ҳақидаги масалани яна кун тартибига қўйди. Ян Амос Коменский кўрсатмали таълим масаласини назарий жиҳатдан ишлаб чиқди, уни дидактиканинг умумий принципи деб атади. Бу принципни Коменский фақат кўрсатиб ўтиш усули тариқасидагина эмас, балки, шу билан бирга, барча сезги органларини нарсалар ва ҳодисаларни энг равшан, асосли ва мустақкам, пухта ўзлаштириб олишга жалб қилиш воситаси тариқасида кенг маънода ва тўғри тушунди.

Таълим процессида кўрсатмалилик принципини жорий этиш учун Коменский қуйидагиларга амал қилиш зарур деб кўрсатди: 1) мавжуд нарсаларнинг ўзини кўрсатиш ёки табиий ҳолда кузатишлар ўтказиш; 2) нарсаларнинг моделини ёки нусхасини кўрсатиш; 3) нарса ва ҳодисалар тасвирланган суратларни кўрсатиш.

Илм сирларини билиб олиш учун ёшлардан, Коменскийнинг фикрича, қуйидаги тўрт нарса талаб этилади: 1) соф ақлга эга бўлиш; 2) ўрганиш зарур бўлган нарсани кўриш; 3) диққатни тўплай олиш; 4) кузатилиши лозим бўлган нарсаларни маълум тартибда, кетма-кет кўрсатиш.

¹ Д. Лордкипанидзе. Я. А. Коменский, Издательство «Педагогика». М., 1970, 245-бет.

Билим эгаллаш жараёнида нарса ва ҳодисаларни кузатиш, сезиш ва идрок этишнинг муҳимлигини таъкидлаб, Коменский бундай деб ёзади: «...ўқувчилар сезиб идрок этиши мумкин бўлган нарсаларни, албатта, сезгилар воситаси билан, хусусан: кўриш мумкин бўлган нарсаларни кўз билан кўриб, ҳиди бор нарсаларни — ҳидлаб кўриб, таъмини сезиш мумкин бўлган нарсаларни — татиб кўриб, ушлаб сезиш мумкин бўлган нарсаларни — ушлаб билиб олишлари керак... Бирданига кўп сезгилар ёрдамида идрок этиш мумкин бўлган нарсаларни, иложи бори-ча, бир неча сезгилар иштирокида идрок этиш лозим... Болаларга ҳақиқий ва мустаҳкам билим бериш учун, умуман, ҳамма нарсани бевосита кузатиш ва сезгилар асосида ўқитиш керак» (XX боб, 6, 8).

Сезгилар воситасида мукамал идрок қилинган нарсалар, ҳодисалар хотирада узоқ ва мустаҳкам сақланади. «Агар киши бирор марта қанд еган бўлса, — деб ёзади Коменский, — туяни бир кўрган бўлса, булбул хонишини бир марта эшитган бўлса, Римга бир марта бориб, уни диққат билан томоша этган бўлса — албатта буларнинг ҳаммаси хотирада мустаҳкам қолади ва эсдан чиқиб кетмайди... Одам гавдасининг тузилишини бир марта диққат билан кўрган киши уни ўз кўзи билан кўрмай, батафсил баёнини ўқиган кишига нисбатан тезроқ тушунади ва яхшироқ эсда қолдиради. Кўз билан кўрилган нарсани исботлашнинг ҳожати йўқ, деган ибора ҳам шундан олинган» (XX боб, 9).

Шунинг учун ҳам Коменский мактаблар ва муаллимлар дарсларда кўрсатма қуролларни кўпроқ ишлатишлари зарур деб ҳисоблайди. Бундай кўрсатма қуролларни (айниқса ўзини кўрсатиш имкони бўлмаган нарсаларнинг тасвирини) ҳамма фанлар юзасидан тайёрлаш ва мактабларга элтиб қўйиш лозим. Тўғри, бунинг учун анча маблағ ва меҳнат сарфлаш зарур, лекин бу харажатлар ортиғи билан қопланади (XX боб, 10).

Коменскийнинг фикрича, ўқитишда изчиллик ва системалилик принципи катта аҳамиятга эга. Фан асосларини изчил баён қилиш ва системали тарзда ўргатиш ҳозирги замон дидактикасининг ҳам муҳим принциpidир. Ўқувчилар системага солинган билимларни маълум бир мантиқий ва методик изчилликда ўрганишлари талаб этилади. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида изчиллик билан системалиликни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Изчиллик ва системалилик, аввало, қуйидаги масалаларда яққол кўриниб туради: ўқув материални мантиққа хилоф иш қилмасдан тўғри тақсимлаб чиқиш; ўқитишни нимадан бошлаш ва унда кетма-кетликка риоя қилиш; янги материал билан олдин ўтилганларни бир-бирига боғлаш, таълим босқичлари ўртасида узвий боғланиш бўлиши кабилар.

Таълим изчил бўлиши керак, деганда, Ян Амос Коменский, аввало, ўқитиш вақтида, таълим муддатида аниқ тартиб бўлишини назарда тутди. Сўнгра ўқитиш боланинг билим даража-

сига мос келиши зарур, деб ҳисоблайди. Коменский ўқитишни болалик чоғидан бошлаб, етуклик давригача (24 ёшгача) давом эттириш, ўқув машғулотларини синфларга аниқ тақсимлаб чиқиш лозим, деганда ана шу талабларни назарда тутди.

Коменскийнинг фикрича, таълим бошланишидан охиригача изчил давом этсин, таълимнинг пойдевори мустаҳкам қурилсин, ҳозир ўрганилаётган билимлар олдингисига асослансин, кейингисига йўл очсин. «Ёшларга, ҳаммадан аввал, таълимнинг умумий асосларини ўргатиш керак, яъни ўқув материални шундай тақсимлаш лозимки, кейинги машғулотлар олдин ўрганилган нарсаларнинг давоми бўлиб, уларни бир оз чуқурлаштириш ва тўлдиришдан иборат бўлсин» (XVI боб, 45).

Ниҳоят, Коменский ўқитилаётган билимларни етарли далиллар билан асослашни талаб этади. Билимларни асосли ўргатиш — ҳамма нарсанинг сабабларини тушунтириб ўқитиш демакдир, яъни бир нарсанинг қандай ҳосил бўлишини ўргатибгина қолмасдан, балки у нима учун бошқача бўлиши мумкин эмаслигини ҳам тушунтириш демакдир, чунки бирор нарсани билиш — нарсаларнинг зарурий боғланишларини англашдан иборатдир (XVIII боб, 36).

Таълимдан: умумийдан хусусийга, осондан қийинга, маълумдан номаълумга, яқиндан узоққа каби қондаларга амал қилиш талаб этилади. Ўқитишда фактлардан хулосаларга, мисоллардан қондаларга ўтиш ва шу фактлар ҳамда мисолларни қондалар системасига солиб, умумлаштириб бермоқ керак, чунки акс ҳолда улар бир-бирига боғланмаган ҳодисаларнинг системасиз уюмидан иборат бир нарсага айланади.

Ўқувчилар учун ёзиладиган дарсликларда ҳам ўқув материалларини изчил ва системали жойлаштириш талаб этилади. Ян Амос Коменский яратган дарсликлар ана шу талабларга риоя қилишнинг яққол намунаси бўла олади. Коменскийнинг изчиллик ва системалилик тўғрисидаги таълимотида ҳам, бошқа масалалардаги сингари, қимматли фикрлар билан бир қаторда чекланган, формал, догматик мулоҳазалар ҳам учрайди.

Ян Амос Коменскийнинг асарларида **машқ қилиш, билим ва малакаларни пухта эгаллаш** принципига катта эътибор берилди. Ўқувчилар эгаллаган билимларнинг тўлалиги фақат билимларни тушуниб олишдангина иборат бўлмай, шу билан бирга билим ва малакаларни чуқур, асосли ва пухта ўзлаштиришга, уларни амалда қўллана билишга ҳам боғлиқ. Такрорлаш ва машқларни систематик суратда бажариш таълим ва тарбия ва-зифаларини амалга оширишга хизмат қилади. Машқлар ва такрорлашларсиз ўқитишни тасаввур этиш қийин. Такрорлаш — ўқитишнинг онаси деган ҳикмат ҳам шундан келиб чиққан.

Таълимнинг бу қадимий принципини Коменский янгича талқин қилади. Коменскийнинг фикрича, машқ ишлаш ва такрорлаш принципи ўқувчиларнинг онглилиги ва активлигига асосланиб, билимларни пухта эгаллашга хизмат қилиши керак.

Машқлар натижасида бола сўзларни қуруқ ёдлаб олмаслиги, балки нарса ва ҳодисаларни тушуниб олиши, билимларни ўзлаштириши ва амалда қўлланишини ўрганиши лозим. «Бола ўқиб, тўғри тушуниб олган билимларнинг барчаси унинг хотирасида мустаҳкам сақланиб қолади» (XVIII боб, 32). Ўргатмоқчи бўлган нарсани болага амалда бажартириш лозим. Тез-тез ва айтиқса моҳирона уюштирилган машқ ва такрорлашларсиз билим мустаҳкам бўлмайди. (XVIII боб, 43).

«Болалар фақат ўзлари яхши тушуниб олган нарсаларнигина ёдда сақласин. Шунингдек, бола пухта ўзлаштириб олган нарсаларнигина ундан сўраш лозим» (XVII боб, 38).

Машқлар ўртача ўзлаштирадиган болаларга мослаб бажартирилиши лозим. «Ҳар бир дарсда янги материални қисқача баён этиб, сўзларнинг маъносини яхшилаб тушунтириб, уни амалда қандай қўллаш мумкинлигини кўрсатиб бўлгач, дарҳол ўқувчиларнинг бирини ўрнидан тургазиш керак, у, худди муаллимнинг ўзига ўхшатиб, қайтадан гапириб берсин, ўша мисолларни келтириб, қонидани тушунтирсин. Бола бирор жойда янглишиб қолса, дарҳол унинг хатосини тузатиш лозим. Сўнгра бошқа ўқувчи ўрнидан туриб, худди шундай такрорлаб берсин, лекин синфдаги ўқувчилар уни тинглаб туришлари керак; сўнгра учинчи, тўртинчи ва бошқа ўқувчилар ҳам (ҳамма ўқувчилар дарсни яхши тушуниб, билиб олганларини гапириб бера оладиган, ўзлари бошқаларни ўқита оладиган бўлгунча) такрорлайдилар. Бунда ҳар доим қандайдир бирор махсус тартибга риоя қилиш шарт эмас, фақат аввал зеҳни ўткирроқ болани чақириш маъқул, чунки кўпроқ ўқувчилар руҳланиб унга эргаша олсинлар» (XVIII боб, 45).

Коменскийнинг таъкидлашича, бундай машқларнинг аҳамияти тубандагилардан иборат:

I. Ўқувчиларнинг диққат-этибори ҳамма вақт муаллимда бўлади, чунки ҳар бир ўқувчи муаллим чақириб қолса, дарҳол ўрнидан туриб, ўтилган дарсни такрорлаб бериши лозим, шунинг учун ҳам ўқувчи жавобгарликни ҳис этади, хоҳласа-хоҳламаса диққат қилишга, бирор нарсани ҳам этибордан четда қолдирмасликка мажбур бўлади. Бир неча йил давомида шу тариқа диққатни бир жойга тўплаш натижасида бола турмушда хушёрликка ўрганади.

II. Дарс берувчи ўргатган нарсаларини ҳамма болалар (яхши) ўзлаштириб олганликларига аниқ ишонч ҳосил қилади. Агар бирор нарсани болалар етарлича ўзлаштира олмаган бўлса, бу камчиликни дарҳол тузатиш имкони туғилади.

III. Бир материални шунча марта такрорлаш натижасида ҳатто энг бўш ўқувчилар ҳам дарсни бошқалар қатори тушуниб олади, зеҳни ўткирроқ болалар эса материални тўла тушуниб олганидан ишонч ва қаноат ҳосил қилади.

IV. Бунча марта такрорлаш натижасида ҳамма ўқувчилар синфнинг ўзидаёқ, дарсни уйда узоқ вақт тиришиб-тирмашиб

ўқигандан кўра яхшироқ ўзлаштириб олади ва кечқурун ҳамда эрталаб китобни кўздан кечириш биланоқ, ўқувчи ҳазил-ҳазил билан дарсни яхши билиб олганига ишонч ҳосил қилади.

V. Шу тариқа, бола ҳар куни «муаллимлик» қилавериб, унда илмга қизиқиш ва ўз кучига ишонч туғилади, катта йиғиларда ҳам ҳатто муҳим масалалар ҳақида эркин гапира оладиган бўлади, ҳаётда бунинг жуда катта аҳамияти бор (XVIII боб, 46).

Шундай қилиб, Коменский машқ қилиш ва такрорлашни билимларни онгли ва пухта ўзлаштириш мақсадига қаратади. Ўқувчилар хат ёзишни машқ қилиш билан — ёзишни, гапиришни машқ қилиш билан — нутқни, қўшиқни машқ қилиш билан — ашула айтишни, хулосалар чиқариб бериш йўли билан — хулоса чиқаришни ўрганишлар. Машқларни бутун ишни бажаришдан бошламай, балки шу ишнинг элементларини бажаришдан бошлаш лозим. Бу усул ўқишни ўргатишда ҳам, ёзишни ўргатишда ҳам, грамматикани ўргатишда ҳам, шунингдек бошқа малакаларни ҳосил қилдиришда ҳам татбиқ қилинмоғи керак.

Коменскийнинг инсоният олдидаги буюк хизматларидан бири таълимнинг синф-дарс системасини ишлаб чиқишдан, дарс мактабда ўқитишнинг формаси эканлигини асослашдан иборат.

Дарс ўқув машғулотини ташкил этишнинг асосий формаси сифатида қуйидагиларни тақозо қилади: а) билим даражаси бир хил бўлган ўқувчиларнинг ўзгармас состави; б) ўқув машғулотларини, дарсларни қатъий жадвал асосида ташкил этиш; в) муаллим бир вақтнинг ўзида синфдаги барча ўқувчиларга бир фанни ўргатиши; г) бутун ўқув машғулоти давомида ўқитувчининг раҳбарлик роли.

Коменскийнинг кўрсатишича, болаларни мактабга ҳар йили бир марта, яъни куз фаслида қабул қилиш лозим. Ўқишга қабул қилинган болалар синфларга тақсимлаб чиқилиши керак. Мактабда синфлар сони қанча бўлса, синф хоналари ҳам шунча бўлиши зарур. Бошланғич синф ўқувчилари ҳар куни тўрт соат, гимназия талабалари эса олти соат ўқиши лозим. Ҳар бир дарсда маълум вазифани бажариш керак. Қўнғироқ чалингач, ҳар бир бола синфга кириб, ўз жойида ўтириши зарур. Муаллим бирор нарсани тушунтираётганда ҳамма болалар диққат билан тингласинлар. Ҳар бир дарсдан сўнг дам олиш учун таънаффус берилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, Коменскийнинг педагогик назария ва «Буюк дидактика» асарида ўқитиш ҳақида илмий таълимот яратилди. Бу асарда ўша даврда яшаган илғор кишиларнинг дидактика соҳасидаги тажрибаси умумлаштирилди.

Коменскийдан сўнгги даврларда яшаган ўнлаб тадқиқотчиларнинг фикрича, «Буюк дидактика» педагогик фикрларнинг юксак чўққиси ҳисобланади. Унда қуйидаги масалалар кун тартибига қўйилди ва асослаб берилди.

Инсоният бахт-саодатининг муҳим воситаси сифатида умумий таълимни амалга ошириш; ёш авлодга чуқур ва кенг маъ-

лумот берадиган мактаблар системасини яратиш; хотин-қизларга ҳам эркаклар сингари билим, маълумот бериш; мактабгача тарбиянинг мукамал системасини ишлаб чиқиш; ҳамма болаларга ўз она тилида бошланғич маълумот бериш; ўрта асрчилик мактабларидаги формализм ва қуруқ ёдлашга қарши чиқиб болаларга реал билимлар беришни талаб этиш; мавжуд традицион ўқитиш усулларига қарши чиқиб, таълим-тарбия ишларини табиатга мослик принципи асосида ишлаб чиқиш, дидактик принципларни асослаш; таълимнинг синф-дарс системасини яратиш; болаларга нисбатан даҳшатли ва бераҳм бўлиб келган мактаб муаллимини ўқувчиларнинг энг яқин дўсти ва ғамхўрига, инсонпарвар кишига айлантириш.

Ян Амос Коменский бутун дунёда педагогик фикрлар ва мактаблар тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Шунинг учун ҳам бутун инсоният Коменскийни беҳад қадрлайди. Айниқса социалистик Чехословакияда Ян Амос Коменскийнинг номи катта ҳурмат билан тилга олинади. Бир қанча мактаблар, илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртларига Коменскийнинг номи берилган; унга ҳайкаллар ўрнатилган, Чехословакия Фанлар академияси Коменскийнинг 36 томдан иборат асарлар тўпламини академия ҳузурида ташкил этилган Коменскийнинг педагогик меросини ўрганиш бўлимининг ташаббуси билан нашр этган.

Совет Иттифоқидаги барча халқлар, социалистик мамлакатларнинг халқлари Коменскийнинг бой педагогик меросини севиб ўқимоқдалар, ундан танқидий фойдаланмоқдалар. Совет ҳокимияти йилларида Ян Амос Коменскийнинг асарлари рус, украин, белорус, грузин ва бошқа тилларда босилиб чиқди.

Агар Коменский бошқа ҳеч иш қилмай, фақат «Буюк дидактика» асарини ёзиш билан чекланганда ҳам у инсониятнинг абадий ҳурмати ва миннатдорчилигига сазовор бўлур эди.

Академик Сиддиқ Ражабов.

БУЮК ДИДАКТИКА

ҲАММАГА ҲАММА НАРСАНИ ЎРГАТИШНИНГ УНИВЕРСАЛ НАЗАРИЯСИНИ

ЕКИ

ҳар бир христиан давлатининг барча жамоа, шаҳар ва қишлоқларида ўғил ва қиз болаларнинг ҳаммаси,
ҳеч истисносиз ва қаерда туришидан қатъи назар,
илм олиши, ахлоқни такомиллаштириши,
тақводорликни бажо келтиришига имкон берадиган, натижада, уларга ёшлик давридаёқ ҳозирги ва келажак ҳаётда зарур бўладиган нарсаларнинг ҳаммасини
ҚИСҚА, ОСОН, АСОСЛИ
ўргатадиган мактабларни ҳақиқий ва пухта ўйлаб ташкил қилиш йўллари йўзи
га олади, буларнинг ҳаммаси

учун:

АСОС — нарсаларнинг ўз табиатидан олинади;
ҲАҚҚОНИЙЛИГИ — механистик санъат соҳасидан параллел мисоллар келтириб исботланади;
ТАРТИБ — йиллар, ойлар, кун ва соатлар бўйича тақсимланади ва ниҳоят уни ҳаётга тез татбиқ этишнинг ОСОН ва ТЎҒРИЙ ЙЎЛИ кўрсатилади.
Цицерон 2. De dio (кармат қилиш ҳақида).

«Ешлар шунчалик бузилиб кетган, уларни умумий куч билан жиловлаш ва тийиб туриш лозим бўлган бизнинг замонимизда давлатга ёшларни ўқитиш ва маълумотли қилишдан кўра катта ва тузукроқ қанақа совға таклиф қилиш мумкин».

Диоген ва Стобей, 41: Τις οὐκ ἀρχα πολιτείας ἀπάσης; Νέων τροφᾶ.

«— Ҳар қанақа давлатнинг асоси нимада?

— Ешларни тарбиялашда».

Иоганн Валентин Андреэ. «Христиан адабиёти тўғрисида» Теофил диалоги:

«Ешларга тўғри раҳбарлик қилиш — давлатни барпо қилиш ва тубдан ўзгартириш демакдир. Очигини айтсам, менга бу борада кўп нарсаларни пухта ўйлаб кўришга, тадқиқ этишга, ўзгартиришга, юмшатишга, тажрибадан четга чиқиб, умид билан кўрқинч орасида ишлашга тўғри келди. Бу соҳада обрўга кўр-кўрона инонмаслик ва ўз кашфиётларига берилиб кетмаслик ақлга жуда мувофиқ ишдир».

Ш у н и н г д е к:

«Ғалабадан ноумид бўлиш — шармандалик, бошқаларнинг маслаҳатини менсимаслик — адолатсизликдир».

Дидактикамизнинг йўл-йўриқ кўрсатувчи асоси:

Муаллимлар камроқ ўқитиб, ўқувчилар эса кўпроқ билиб оладиган усулни тадқиқ қилиш ва кашф этиш; мактабларда шовқин, довдирашлар, беҳуда меҳнат камроқ бўлиб, бўш вақт: хурсандлик ва асосли ютуқлар кўпроқ бўлса ҳамда христиан давлатида зулмат, саросималик, адоват камроқ бўлиб, рўшнолик, тартиб, тинчлик ва хотиржамлик кўпроқ бўлса.

П с а л . LXVI 2, 3.

Танграм бизга илтифотли бўл ва бизга ижозат бер. Нуринг билан оламни ёрит, биз ер юзида сен кўрсатган йўлдан борайлик, барча одамлар сендан нажот кутади.

КИТОБХОНЛАРГА САЛОМ

1. *Дидактика ўқитиш назариясидир.* Айрим машҳур донишмандлар мактабда ўқиш — деярли вақтни беҳуда ўтказишдан иборат эканлигини англаб, сўнгги пайтларда ўқитиш назариясини тадқиқ қилишга киришдилар.

2. Баъзилар фақат у ёки бу тилдан бир оз осонроқ дарс бериш учун қисқа қўлланма ёзишни ўзларига мақсад қилиб олдилар. Бошқа бировлар у ёки бу фанни, ёхуд, у ёки бу санъатни тезроқ ўргатишнинг осонроқ ва қисқароқ йўллариини излай бошладилар. Учинчилари эса яна бошқа бирор нарсани таклиф этдилар. Лекин уларнинг деярли барчаси бу ишда оддий тажрибадан иборат бўлган ташқи кузатишга асосландилар, яъни *à posteriori*¹ усулида иш тутдилар.

3. Биз Буюк Дидактикани, яъни ҳаммага ҳамма нарсани ўргатишнинг универсал санъатини яратиш ваъдасини беришга журъат этдик. Шу билан бирга, *албатта, самарали ўқитиш*; самарасиз ўқитишга имкон қолдирмаслик; *тез ўқитиш*, яъни ўқитувчини ҳам, ўқувчини ҳам қийнамай ва зериктирмай, таълим процессидан ҳар иккала томон ҳам катта қаноат ҳосил қилиб, тез ўқитиш; юзаки эмас, демак номигагина эмас, балки ўқувчиларнинг ҳақиқий илм олиши, ҳушахлоқликни ва чуқур тақводорликни эгаллаши учун *асосли ўқитиш* ваъдасини беришга журъат этдик. Ниҳоят, буларнинг барчасини биз *argiori* усули билан, яъни жонли булоқдан туганмас ирмоқлар оқиб чиқаётгани сингари нарсаларнинг ҳақиқий ўзгармас ўз табиатига биноан аниқлаймиз; сўнгга, бу ирмоқлар қўшилиб, катта бир дарёни ҳосил қилганидек, биз

¹ Коменский бу ерда «*à posteriori*» (сўнгги), «*à priori*» (олдинги) терминлари ўрта асрнинг машҳур файласуфлари қўлланган маънода ишлатади. У пайтда *à posteriori* исботлашнинг оқибатдан унинг сабабини аниқлашга қараб бориш усулини англатар эди; *à priori* — исботлашнинг сабабдан бошланиб, ундан келиб чиқадиган оқибатларга қараб бориш усулини англатган. Исботлашнинг *argiori* — усули *à posteriori* усулига нисбатан мукамалроқ ҳисобланарди. Коменский бу ўринда ўзи қўлланган *argiori* усулининг афзаллигини таъкидлаб кўрсатади. «Буюк дидактика» нинг XVIII боб, 36- бандига қаранг.

ҳам ҳамма ўқий оладиган мактаблар яратишнинг бир қадар универсал санъатини белгилаймиз.

4. Биз ваъда қилаётган нарса жуда муҳим ва ниҳоятда қимматли эканлиги шубҳасиз. Бу гаплар кимларгадир масаланинг асл моҳиятини баён этишдан кўра орзу-хаёлдек бўлиб туюлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Китобхон, ким бўлсангиз ҳам бу ерда гап нима ҳақда бораётганлигини билиб олмасдан туриб, хулоса чиқаришга шошилманг, масаланинг моҳиятини билиб олгач, фақат хулоса чиқарибгина қолмасдан, балки у ҳақда гапирish ҳам мумкин бўлади. Ахир, кимдир бизнинг қарашларимизга берилиб кетиб, ҳали тадқиқ қилинмаган нарсага ишона қолишини истамайман, бунга интилмаётганлигимни гапирмаёқ қўя қолай; кимки бу масалани тадқиқ этмоқчи бўлса, ўз фикри билан чиқишини, ўшанда ҳам сохта мулоҳазалар ҳеч бир путур етказа олмайдиган мукамалроқ фикрлар билан чиқишини астойдил илтимос қиламан, шунга ишонтиришга уринаман, талаб этаман.

5. Дарҳақиқат, бу ниҳоятда жиддий иш, шунинг учун ҳам, бир томондан, унга ҳамма эътибор бериши керак, иккинчи томондан уни умумий фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб баҳолаш ва кўпчиликнинг умумий кучи билан олға силжитиш лозим, чунки у бутун инсониятнинг умумий бахт-саодатини назарда тутати. «Ёшлар шунчалик бузилиб кетган, уларни умумий куч билан жиловлаш ва тийиб туриш лозим бўлган бизнинг замонимизда давлатга ёшларни ўқитиш ва маълумотли қилишдан кўра катта ва тузукроқ қанақа совға таклиф қилиш мумкин». Бу, Цицероннинг фикри. Филипп Меланхтон эса бундай деб ёзади: «Ёшларга тўғри таълим бериш — *Трояни* бўйсундиришдан кўра ҳам бирмунча каттароқ аҳамиятга молик». Григорий Назианзиннинг машҳур ҳикмати ҳам шунга тааллуқли: «*Инсонни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамма нарсадан ҳам қийин ва мураккаб нарсадир — санъатларнинг санъатидир*».

6. Бинобарин, «санъатлар санъати» ни яратиш ниҳоятда мураккаб иш ва у биргина кишининг эмас, балки кўп кишиларнинг атрофлича муҳокама юритишини талаб этади, чунки бир одам ҳар қанча зеҳни ўткир бўлса ҳам шунчалик кўп нарсанинг ҳаммасини диққат марказида сақлаб туриши асло мумкин эмас.

7. Шундай қилиб, ўз китобхонларимдан қуйидагиларни талаб қилишга тўла ҳаққим бор, шу билан бирга, менинг бу асаримдан хабардор кишиларнинг барчасидан инсониятнинг бахт-саодати учун қуйидагиларни ўтиниб сўрайман: биринчидан, шунчалик қийин ва шундай буюк ишни бажаришга қарор қилибгина қолмасдан, балки катта ваъда ҳам бераётган одам топилиб қолгани учун мени айбга буюрмасликларини сўрайман, чунки бу қарор ва ваъдалар жуда муҳим масалага, нажотбахш мақсадга тааллуқли. Иккинчидан, аввало биринчи тажриба дарҳол кўнгилдагидек чиқмаслиги ва биз таклиф қилаётган ишларни тўла такомилга етказмаётганимиздан китобхонлар умидсизликка тушмасинлар. Ахир, аввало нарсаларнинг куртаги вужудга келиши

зарур ва сўнгра вужудга келган нарсалар босқичма-босқич ўсиб улғая боради. Шунинг учун ҳам биз бошлаган бу иш мукамал ва ҳали мўлжалланган мақсадга эришилмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда, бу ерда юқори босқичга, ҳозиргача бўлган уринишларга қараганда мақсадга яқинроқ босқичга эришилганлигини ишнинг ўзи, тажриба кўрсатади. Ниҳоят, мен китобхонлардан бу ишга улар катта эътибор бериб, ҳаракат қилишларини ва фақат эркин мулоҳаза юритишгина эмас, балки энг буюк ишларга молик заковат сарфлашларини ўтиниб сўрайман. Менинг бурчим — ўзим бошлаган ишнинг баҳсини бир неча сўз билан кўрсатиб бериш ва бу янгиликнинг айрим муҳим омилларини жуда оддий шаклда баён этиш, сўнгра эса бир нарсани тўла ишонч билан лутфан муҳокамага ҳавола қилиш, бошқаларини эса баркамол фикр юритадиган барча кишиларнинг янада татбиқ қилишига имкон бериш.

8. *Ўқитиш ва ўқиш санъатининг* чамаси, эндиликда кўтарилишга интилаётган бу мукамал босқичи ўтган асрларда деярли номаълум эди ва шу тариқа ўқув машғулоти ва мактаблар заҳмат ва қийноқларга, шубҳа ва ўз-ўзини алдашларга, ҳато ва янглишларга тўла эди, зотан ҳаддан ташқари истеъдоди билан ажралиб турган кишиларгина бир қадар асослироқ маълумот ола билганлар.

9. Лекин яқиндагина бошланган, агар таъбир жоиз бўлса, янги эра учун худо эрта тонг ато этди ва Германиядаги айрим мўътабар донишмандлар дилида мактабларда қўллаиб келинаётган ўқитиш усулининг чалкашликларига қарши нафрат ҳиссини уйғотди, улар тил ва санъатларни ўқитишнинг бирор осонроқ ва қисқароқ усули тўғрисида ўйлай бошладилар. Уларнинг бири кетидан иккинчиси энг шимариб ишга киришди ва натижада улардан баъзилари бошқаларига нисбатан мўлжалланган мақсадга дурустроқ эриша бошладилар. Бу улар бостириб чиқарган дидактикага доир китоблардан ва уларнинг тажрибаларидан кўриниб турибди.

10. Бу ерда: Ратихий, Лубин, Гельвиг, Риттер, Бодин, Главмий, Фогелий, Вольфштирнийни ва ҳали менга номаълум бўлган бошқа барча кишиларни назарда тутаман. Лекин мен ҳаммадан олдин тилга олишим лозим бўлган киши — бу, Иоанн Валентин Андреэ (у қимматбаҳо асарларининг турли жойларида черков ва давлатнинг ҳам, шунингдек, мактабларнинг ҳам иллатларини моҳирона очиб ташлади ва уларни тузатиш усулларини қисман кўрсатиб ўтди). Францияда ҳам бу қийин ишга қўл урувчилар топилди, ҳатто Жан Сесиль Фрей 1629 йилда Парижда «Юксак фан ва санъатларга, тиллар ва экспромт — нутқ¹ ларга элтадиган янги ва энг осон йўл» номли диққатга сазовор дидактикани бостириб чиқарди.

11. Қаердандир бирор имконият туғилиб, бу асарларни ўқий бошлаган пайтларимда мен, айтиш мумкинки, сўз билан ифо-

¹ Экспромт — нутқ — махсус тайёргарликсиз сўзланадиган нутқ.

12. Бу фикр, айтишим мумкинки, менда ички қаноат ҳисси билан қўшилган эзгу ишончни уйғотди. Лекин шундай улуг ишнинг асосини мен етарли даражада аниқлай олмаганимга ишона борганим сайин, бу умид сўнаётганини ҳис этдим.

14. Фақат улардан биттаси (машҳур И. В. Андреэ) машъални³ бизга узатганини билдириб, лутфан жавоб қайтарди, бу билан у, ҳатто мени катта ишга журъат этишга бир қадар руҳлантирди. Ва мен бундан руҳланиб, ўз уринишим тўғрисидаги фикр, ҳаммага манфаат келтиришга интилиш мени батамом қамраб олгунча, бу ишга астойдил киришиш истаги туғилгунча тез-тез фикр, мулоҳаза юрита бошладим.

15. Шунинг учун ҳам бошқаларнинг очган янгиликлари, фикр-мулоҳазалари, кузатишлари, панд-насиҳатларини бир четга қўйиб, мен ишни янгидан бошлашга ва таълимнинг (ўқитиш санъатини Тертуллиан шундай аташни таклиф этади) мақсади, усуллари, асослари ва сабабларини тадқиқ этишга қарор қилдим.

1 Уттиз йиллик уруш давридаги Чехия назарда тутилади.
2 Давний сингари айрим шахслар назарда тутилади.

² Ратихий сингари айрим шахслар назарда тутилади.

3 Машъал, бу ўринда символик ифодани англатади. У бир олим илм машъалини, яъни маълум соҳадани (бу ўринда — педагогика соҳасидаги) ўз илмий ишларини давом эттириш учун иккинчи олимга ҳавола қилаётганини билдиради. Бу ибора қадимги Грециядан олинган. У ерда ой худоси — Бендита (Артемид) шарафига бир неча йилда бир марта тақдорланадиган байрам ўтказиш одати мавжуд эди. Шу байрам чоғида кечқурун чавандозлар қўлла-рига машъал ушлаб, пойга ўтказар эдилар. Одатда олдиндаги ҳар бир чавандоз пойга вақтида отни тез чоптириб кетатуриб, ёниб турган машъални изидан келатган чавандозга отиб ўтказиши, у ҳам отни тез чоптириб келатуриб, ёниб турган машъални ушлаб олиши лозим эди. Платоннинг энг яхши асарларидан бири — «Давлат» одатда ҳеч Афинадан четга чиқмаган Сократнинг (Сукротнинг) бу ажойиб манзарани томоша қилмоқ учун Пирей гаванига бордини тасвирлашдан бошланади.

17. Инсонга бўлган муҳаббат бизни тангри одамзоднинг манфаати учун инъом этган нарсани қизганиб, бошқалардан яширмасликка, балки уни бутун жаҳонга манзур қилишга (доктор Д. Л у б и н ўз дидактикасида айтганидек) даъват этади. Чунки барча яхшиларнинг табиати шунақа бўлади, деб давом эттиради ўша ёзувчи; биз бундан, айниқса, барча яхши нарсалардан ҳаммани хабардор қилишимиз керак, кўп одамлар ундан кўпроқ хабардор қилинса, бу ҳаммани тўлароқ қаноатлантиради.

19. Мабодо бирорта педант (майдакаш одам) чиқиб қолиб, теология (ақоид) олими вазифаси мактаб масалалари билан шуғулланишга имкон бермайди, деб ҳисоблайдиган бўлса, у киши билиб қўйсинки, одамни қийнайдиган бу фикр менинг ҳам кўнглимнинг энг тўрида бўлиб ўтди. Лекин шунга ишончим комилки, тангрининг хоҳишини адо этмасдан туриб ва диний кўрсатмалар менга сингдирган нарсаларни ҳамма олдида баён этмасдан туриб, ундан қутилиш мумкин эмас.

20. Христианлар, сизлар билан батамом ошкора гаплашишга ижозат бергайсизлар. Мени яқиндан таниган одамлар биладикки, мен-доно киши эмасман, бунинг устига илмий маълумотим ҳам деярли йўқ. Лекин, замонамизнинг қашшоқлигидан ташвишланиб, очиқ кўриниб турган камчиликларни, агар бирор иложи топилиб қолса, ўзимнинг ёки бошқаларнинг янгиликлари билан (булар, фақат таъғирнинг марҳамати билан бўлиши мумкин) тугатишни жуда-жуда истардим.

3*

устози бўлиш (агар бу иш менга бирор соҳада насиб этган бўлса) ва ўқувчининг шогирди бўлиш (агар ундан бирор нарса ўрганишимга ишонч бўлса) нинг ҳеч бир фарқи йўқ.

22. Шундай қилиб, мен тангрининг марҳамати билан нимани англаган бўлсам, бу ерда (асарда) уни ҳаммага кўрсатиб ўтдим. Майли, бу — умумий мулк бўла қолсин.

23. Агар бирор киши яхшироқ нарса топса, ўз қўлидаги минани¹ рўмолчага тугиб, бекитиб, парвардигорнинг қазабига учрамаслик учун менга ўхшаб иш тутсин, чунки худо бандаларидан ўз қўлларидаги миналарни айрибошлашга туширишларини, ҳар кимнинг саррофга (пул майдаловчига) берган минаси мина топишини истайди (Лука, XI, 19).

«Буюк нарсани излашга ижозат этилади, бундай қилишга рухсат берилган ва ҳар доим йўл қўйилаверади: парвардигорнинг амри билан бошланган иш зое кетмайди».

БАРЧА ИНСОНИЙ МУАССАСАЛАРНИНГ БОШЛИҚЛАРИГА, ДАВЛАТЛАРНИНГ ҲУҚМДОРЛАРИГА, ЧЕРКОВЛАРНИНГ ПАСТИРЛАРИГА, МАКТАБЛАРНИНГ РЕКТОРЛАРИГА, ОТА-ОНАЛАР ВА БОЛАЛАРНИНГ ВАСИЙЛАРИГА.

Парвардигор сизларга эсон-омонлик берсин, осойишталик ато этсин, исо пайғамбар мададкор бўлсин¹

Иккита ажойиб нарсанинг: жаннат ва одамнинг яратилиши.

Одамни жаннатга таққослаш.

1. Тупроқдан ясалган одамни худо дастлаб киши ҳузур-ҳаловат қиладиган, Шарқда жойлашган жаннатга юборди ва фақат у жаннатни қўриқлаб, обод қилиб туриши учунгина эмас (Быт., II, 15) балки унинг ўзи ҳам тангри учун жаннатни бир гулдек безаб туриши учун юборди.

2. Жаннат дунёнинг энг гўзал жойи ҳисобланганидек, инсон ҳам ер юзидаги мавжудотлардан энг дилбаридир. Жаннат Шарқда барпо этилган. Инсон ибтидосидан, Мангулик кунлардан бошланган нарса натижасида яратилади. Ер юзининг турли жойларида ўсадиган барча дарахтлардан чиройлилари ва ширин мева берадиганлари жаннатда ўстирилади. Илоҳий доноликнинг барча санъатини кўрсатиш учун инсонда оламнинг барча моддаси ва барча гўзаллиги, уларнинг даражалари гўё яхлит қилиб мужассамлаштирилди. Жаннатнинг яхшилик ва ёмонликни билиб

¹ «Барча инсоний муассасаларининг бошлиқларига, давлатларнинг ҳукмдорларига, черковларнинг пастирларига, мактабларнинг ректорларига, ота-оналар ва болаларнинг васийларига» деб аталган бу мурожаат бутунасига тарихнинг христиан диний фалсафаси руҳида баён қилишнинг ёрқин намунаси, бу фалсафа, ижтимоий кулфатлар, урушлар ва одамлар ўртасидаги низо каби барча оғир тарихий фактларни (Одам Ато ва Момо Ҳаво) гуноҳи ва асабият ҳолатлари тўғрисида библия (таврот христианлар билан яҳудийларнинг бош диний китоби) таълимотига биноан изоҳлайди. Бу кулфатлардан ҳолис бўлиш имкони ҳам гуноҳдан тавба қилиш тўғрисидаги христиан таълимотдан келтириб чиқарилади. Лекин Коменский «Илоҳий китоб» дан усталик билан танлаб олинган текстлар ёрдамида ва қадим замонларда яшаган машҳур ёзувчиларнинг асарларидан далил келтириб, мактабларни инсонпарварлик руҳида ривожлантириш ва равнақ топтириш учун «Мактабларни одамни шакллантирадиган ҳақиқий ва жонли устахонага айлантириш учун» ҳаммининг ғамхўрлик қилиши зарурлиги тўғрисидаги фикрни асослайди. Бундан ташқари, у фақат черковларни ободонлаштириш учунгина эмас, балки «давлат ва хўжаликлар» ни гуллаб-яшнатишда ҳам мактабларнинг роли катта эканлигини кўрсатади. Шундай қилиб, Коменский диний қарашлар пардаси остида соф ҳаётий масалаларни ва янги даврда (уйғониш даврида) ижтимоий турмушни соғломлаштириш йўлида мактабларнинг аҳамиятини баён этади.

¹ Бир мина қадимги Грецияда 100 дирхамга тенг келадиган пул ўлчови.

оладиган дарахти бор эди. Инсонда нарсаларни бир-биридан фарқлаш учун ақл-идрок; яхши ёки ёмонни танлаб олиш учун ирода мавжуд. Жаннатда ҳаёт (умр) дарахти бор эди. Инсонга боқий умр ва, хусусан, илоҳий донолик абадий берилган (Сир. I, 14). Ҳузур-ҳаловат чашмасидан жаннатни суғориш учун дарё оқиб чиқади ва сўнгра у тўрт тармоққа бўлиниб кетади (Быт., II, 10). Инсон дилини суғориш учун илоҳий руҳнинг турли инъомлари келиб тўкилади, улар одамнинг дилини равшан қилади ва ундан яна ҳаёт дарёси оқиб чиқади (Иоанн, VII, 38), яъни одамга, инсон онгига турли йўллар билан илоҳий донолик берилади ва у ҳамма томонга дарё сингари оқади. Ҳаворий ҳам бунга гувоҳлик бериб айтганки, фалакдаги куч ва қонунлар, худонинг барча доноликлари черков орқали маълум қилинади (Эфес., III, 10):

3. Демак, тўғриси айтганда, ҳар ким кўчиб келиб ўрнашган жойни обод этса, қўлидан чиқармаса, тангрини шод этган бўлади. Худди шунга ўхшаш, худонинг содиқ бандалари тўпланадиган черков Қутлуғ китобда кўпинча жаннатга, илоҳий боққа, тоқзорга тенглаштирилади.

Иккала жаннатдан ҳам ажралиш.

4. Эвоҳ! Бахтсизлик юз берди! Танимиз лаззат олиб турган жаннатдан жудо бўлдик, шу билан бирга, биз руҳий роҳатни ҳам (ўзимизни ҳам) йўқотиб қўйдик. Биз ер юзидаги саҳрога бадарға қилиндик ва қуруқ саҳро, ташландиқ бир жой, уятсиз ва нопок бўлиб қолдик. Худо жаннатда танимиз ва руҳимизни ярлақганининг қадрига етмадик; шунинг учун уларнинг иккаласидан ҳам ўринли маҳрум этилдик ҳамда руҳимиз ва танимиз кулфатларга дучор қилинди.

Бунга худонинг қаҳри келди.

5. Бу тўғрида пайғамбарнинг сўзларига қулоқ солайлик, у гердаиб кетиб, ўлим жазосига ҳукм этилган. Тир подшосига қарата бундай деган: «Сен тангрим ато қилган жаннатда ҳузур қилиб ётган эдинг, кийимларингни сарой, топаз (жуда қаттиқ, ялтироқ ва турли рангдаги қимматбаҳо тош), аметист (бинафша рангли қимматбаҳо шаффоф тош), хризолит (олтиннамо яшил рангли қимматбаҳо тош), оникс (ҳақиқ хилидан бўлган тош), берилл (кўк зумрад), сапфир (кўк ёқут) ва олтин билан зумрад каби қимматбаҳо нарсалар беэаб турарди. Туғилган кунинг сенга атаб қўшноғора ва сурнайлар тайёрлаб қўйилган эди. Мен сени шоҳ либосига буркаганимдан бошлаб, сен олий фариштага айландинг. Мен сени бошқалардан илгарига қўйганимдан бери сен юқори мартабага эришдинг, доимо оловдек ловуллаб турган тошларга бурканиб юрдинг. Сен ноҳақлик йўлига киргунча туғилган кунингдан бошлаб, умр бўйи баркамол киши эдинг. Савдо-сотиқларинг кучайиб кетганидан, сен ноҳақ ишлар қила бошладинг ва гуноҳкор бўлдинг. Ниҳоят, мен сени мартабадан туширдим ва ҳалок қилдим. Сенинг қалбинг ҳуснижамолинг туфайли кўкларга кўтарилганда сен доноликдан юз ўгирдинг, мен сени ерга ағдариб ташладим» ва ҳоказо (Иезек., XXVIII, 13).

... Қулатдим, эвоҳ! Тангрининг чинакам қаҳри келиб бизга барҳам берди; биз Эдем боғи сингари обод бўлсак ҳам, бамисоли ташландиқ саҳрога айландик.

Парвардигор шафқат қилиб, жаннатимизни бизга қайтариб берди.

6. Лекин бизни қувлаб юборса ҳам аммо абадий саҳрога бадарға қилмади ва раҳм-шафқати келган парвардигорнинг шуҳрати баланд, обрўси ортиқ бўлсин, унга шон-шарафлар бўлсин. Шу билан бирга, осмонни, ерни ва барча нарсаларни яратган, ўз ҳикматини юбориб, йўқотилган жаннатни, яъни одамзодни ўз шафқати билан қайтадан яратди, яъни қалб дарахтининг қуриган ва ёввойи шоҳчаларини табар, арра, қирғич билан тозалаб, ўз қонунига биноан, осмондаги жаннатдан янги куртаклар келтириб пайванд қилди. Бу янги ниҳоллар илдиз отиб ўссин деб, уларни ўз қони билан суғорди, худди булоқ суви сингари муқаддас руҳнинг турли инъомларини аямади, шунингдек, тангрининг бу янги (ёш) ниҳолларини тўғри парвариш қилишлари учун ўз хизматкорлари — муқаддас боғбонларни юборди. Ахир, худо Исога ва у орқали бошқа кишиларга мурожаат этиб деганки: «Мен ўз сўзларимни: осмонни ва ерни яратганимни, Сионга қарата: «Сен менинг халқим» деб айтганимни сенинг тилингдан (номингдан) баён этдим ва қўлимнинг сояси билан сени бекитдим. (Ис., LI, 16).

Жаннатдек гуллаб яшнаётган черков.

7. Шундай қилиб, тангрининг қувончи — черков боғи яна ям-яшил бўлиб кўкара бошлади, у Исо тилидан (номидан) айтганки (XII, 3): «Парвардигор Сионга тасалли берсин, барча жабр-дийдаларини юпатсин; саҳродан ҳузур-ҳаловат олсин ва унинг чўллари жаннат боғи бўлсин. Шодлик ва ҳузур унда мадҳия ўқиш ва ғазалхонликка айлانسин». Соломон ҳам бундай ёзади: «Таъқиқланган боғ — менинг синглим, келин; бузилган қудуқ — печатлаб қўйилган манба. Анор-олмалари, ажойиб мевалари бор, одамлар билан тўла боғ — сен таъсир ўтказадиган жой» (Песнь песней, IV, 12, 13). Унга черков-келин бундай жавоб қайтаради: «Сен ўзинг — боғлар манбаи, Ливан дарёсидан шарқираб оқиб келаётган ҳаётбахш сув булоғисан. Шамол, шимолдан ва жанубдан эсин, боғимни орола, чор атрофга муаттар ҳидлар тарқалсин. Севгилим боғимга келсин ва бу қимматбаҳо мевалардан еб, маза қилсин» (ўша жойда, V, 16).

Лекин тезда яна сўлиб қолиш.

8. Лекин жаннатнинг бу янги кўчатлари бизнинг хоҳишимизга биноан ва етарли даражада гуллаб яшнаяптими? Уруғларнинг ҳаммаси эсон-омон униб чиқаяптими? Янги экилган дарахтларнинг барчаси нард мойи (нард ўсимлигидан олинадиган мой), шафран (заъфарон), долчин, ладан (тропик ўсимликлардан олинадиган хушбўй смола), атир ва қимматбаҳо мевалар бераяптими? Худонинг черковга айтган сўзларига қулоқ солинг: «Мен-ку сенга ҳамма жойда ҳосилдор новдаларни, тоза уруғларни танлаб эккан эдим, сен қандай қилиб бегона новдадан кўкариб, ёввойи-

лашиб кетдинг?» (Иер., II, 31). Жаннатнинг бу янги кўчатлари ҳам, айниб, сўлиб бораётганидан тангри булар билан бизни огоҳлантирмоқда.

Худонинг ва донишмандларнинг бундан норозилиги.

9. Тавротда шунга ўхшаш ҳасрат жуда кўп. Одамзоднинг ишини кўздан кечириб олмоқчи бўлган, ҳатто черковнинг ишларига назар ташламоқчи бўлган барча кишилар кўзи кўр, қулоғи қар қабилида иш қилмоқда, кишилардан энг донишманди Соломон, (Сулаймон пайғамбар) ер юзида содир бўлаётган ишларнинг барчасини ҳисоб-китоб қилиб, ҳатто ўз фикр-хаёлларини, сўзи ва қилмишларини ўйлаб, кўзига ёш олиб, бундай деди: «Дунёда оврагарчилик ва руҳий қийналишдан бошқа ҳеч нарсани учратмадим, қийшиқ нарса тўғри бўлмайди, ўзи йўқ нарсани санаб ҳам бўлмайди» (Эккл., I, 15). Шундай қилиб, донолик-руҳий қийналишнинг ўзгинаси, доноликни кўпайтирган киши ғам-ғусса ва қайғуни кўпайтиради (ўша жойда, I, 18):

Нега бу ҳақда халқ жон куйдирмайди?

10. Ўз касалини билмаган киши касалини даволай олмайди, бир жойи оғриганини сезмаган одам, оҳ-воҳ демайди, ҳавф-хатарни сезмаган киши, агар у тубсиз жарга қулаб бораётган бўлса ҳам ёки бошқа бирор чуқурга тушиб кетаётган бўлса ҳам, ҳеч нарсдан қўрқмай, бепарво юриб бораверади, худди шунингдек, инсониятни ва черковни емириб бораётган тартибсизликларни пайқамаган киши, табиийки, бундан ташвишга ҳам тушмайди. Лекин ўзи ва атрофидаги одамларни мараз еб бораётганини кўриб турган киши, ўз дардини ҳам, бошқаларнинг дардини ҳам сеза бошлаган киши, яраинг борган сари йиринглаб, унинг қўланса ҳидига чидаб бўлмас, жуда тез кучайиб бораётганини сезаётган киши; ўзи ҳам, бошқалар ҳам жуда хавфли чуқурга, таги йўқ жарга, — тушиб кетаётганини, унинг йўлини тўрлар тўсиб турганини, ҳатто муттасил таги йўқ жар ичида юганини ва гоҳ у, гоҳ бу чуқурга тушиб, ҳалок бўлиб кетаётганини кўриб турган киши ваҳимага тушмаслиги, довдираб, қотиб қолмаслиги, қайғудан ҳалок бўлмаслиги қийин.

Бизда ҳамма иш тескари ва бузуқ эканлигини индукция¹ йўли билан исботлаш.

11. Лекин, ҳар ҳолда бизда ва биз қилаётган ишларда ўз жойида зарур ҳолатда турган нарсаси борми? Ҳеч қаерда бундай нарса, ҳеч бир нарса йўқ. Ҳамма нарса чаппа ва тартибсиз бўлиб, ё харобаларда ётибди, ёки емирилиб бўлиш ўрнига (бу соҳада бизни фаришталарга тенглашишимиз зарур эди), кўпчилик одамларнинг онги пасайиб кетаяптики, улар билишлари зарур бўлган нарсаларни ҳайвонларга ўхшаб билмайдилар. Тадбиркорлик фазилати туфайли абадий, мангу барҳаёт одамзод ўзини абадий ҳаётга тайёрлаши керак эди, бунинг ўрнига биз фақат абадий ҳаётни

¹ Коменский бу ўринда «индукция» терминини ўша даврдаги оддий маънода, тажрибани умумлаштириш маъносидан ишлатади.

эмас, ҳатто ўлимни ҳам унутиб қўймоқдамиз, кўпчилик одамлар кундалик ва ўткинчи ишларга, ҳатто ўлим хавфи кўриниб турган ишларга ҳам берилиб кетмоқдалар. Самовий донолик туфайли, яхши нарсалардан энг яхшисини билиб олиш, уни қадрлаш ва ундан ҳузур-ҳаловат олиш ўрнига, биз худони унутиб қўйиб, шармандаларча ҳаракат қиляпмиз, яшаяпмиз, ва, энг ёмони, унинг муқаддас иродасини таҳқирламоқдамиз. Ўзаро бири-бирига муҳаббатли ва одил бўлиш ўрнига бир-бирини кўролмаслик, душманлик, уруш ва ўлдириш кўпаймоқда. Адолат ўрнига адолатсизлик, хафа қилиш, эзиш, ўғирлик, талон-тарож авжига чиқмоқда. Иффат ўрнига номуссизлик, фикрда, нутқда ва амалий ишда уятсизлик ҳукмрон. Оддийлик ва ростгўйлик ўрнига — ёлғончилик, алдамчилик, маккорлик қиладилар. Камтарлик ўрнига, димоғдорлик ва бошқаларга нисбатан такаббурлик қилиш мавжуд.

Бинобарин, биз мутлақо ҳалок бўлдик.

12. Шунчалик пасткашланиб қолган бахтсиз авлод, шўринг қурсин. Парвардигор самодан одамзод фарзандига назар солиб, ақлга кираётганлари, худони излаётганлари бормикан, деб қарабди. Лекин ҳамма ундан узоқлашиб, қабиҳ бўлиб кетибди, яхшилик қиладиган бирорта ҳам одам қолмабди (Псал. XIII, 2, 3). Ҳатто одамларга бошлиқман деб юрганлар ҳам уларни тўғри йўлдан бошламаётибди, илгарилаб боролмаяпти, машъал бўлиб бошқаларнинг йўлини ёритиши зарур бўлган кишилар, кўпинча, зулмат тарқатаётибди. Мабодо, бирор жойда бирор яхшилик ва ҳаққоният мавжуд бўлса, у майиб қилинибди, расвоси чиқарилибди, тилка-пора қилиб ташланибди; бунинг устига, агар мавжуд бўлиши зарур бўлган нарсалар билан таққосласак, бу ҳали соя, алдамчи мулоҳазадир. Бунимки кўрмаётган бўлса, кўзи кўр бўлиб, қолганини билиб олсин. Донишмандлар, ўз ишлари ва бошқаларнинг қилмишларига қараб: кўраётган нарсаларини одамларнинг мавжуд фикр-мулоҳазаси кўзи билан эмас, балки ҳақиқатнинг ёрқин нури туфайли кўрадилар.

Икки карра тасалли. Мангу жаннат.

13. Лекин бизга икки карра тасалли қолади. Биринчиси, худо ўзи ярлақанган бандаларини мангу жаннатга юборади, у ерда одамзод камолотга эришади, ҳозир биз йўқотиб қўйганга қараганда ҳам тўлароқ, мукамалроқ камолотга эришади. И со ҳам ўз танасини ташлаб, шу жаннатга кирган (Лука, XXIII, 43), Павелни ҳам ўша ерга элтганлар (2 Коринф., XII, 4) ва Иоанн ҳам уни тамоша қилиш шарафига муяссар бўлган (Апок., II, 7 ва XXI, 10).

Ер юзида черков жаннатининг энди қайта тикланиши.

14. Иккиламчи тасалли шундан иборатки, энди шу жойнинг ўзидаёқ, яъни ер юзида, худо, одатда, черков жаннатини қайта тиклайди ва юқорида келтирилган илоҳий сўзлар кўрсатиб турганидек, унинг саҳролари ҳузурбахш боққа айланади. Бундай ҳолатлар: Одам Ато ва Момо Ҳаво гуноҳидан

сўнг, тўфондан сўнг, Ханаан ерларга халқни киритгандан сўнг, Довуд ва Соломон (Сулаймон) даврида, Вавилондан қайтиб келиб, Иерусалимни қайта тиклаганда, Исо осмонга учиб кетиб, инжил мажусийлар орасида тарғиб қилинганда, **Константин** даврида ва бошқа вақтларда бўлиб ўтгани каби тантанали равишда қайта тикланганини бир неча марта кўрдик. Агар, балки ҳозир ҳам, шунчалик қирғин урушлардан сўнг, мамлакатлар шунчалик вайрон этилгач¹, шафқатли парвардигор бизларга мурувват кўзи билан қараса, биз тангрига миннатдорлик билдириб, ўзимиз ҳам ер юзидаги ишларимизда ҳар нарсани ўз жойига қўядиган оқил худо кўрсатган йўллар ва усуллар билан ўзимизга кўмаклашишимиз лозим.

Қайта тиклашнинг энг яхши усули — ёшларни тўғри тарбиялаш.

15. Аввало худо каломи бизга нима деб таълим берганлигини эслайлик. Ер юзида инсон бузуқликларини тузатиш учун ёшларга тўғри тарбия беришдан кўра бошқа бирор яхшироқ йўл йўқ. Инсон янглишишларнинг барча томонларини тадқиқ этган ва эгри нарсани тузатиб ҳамда хатоларни ҳисоблаб бўлмайди, деб зорланган **Соломон** ҳам, ниҳоят, ёшларга мурожаат этади. У ёшларга насиҳат қилиб, яратганни эсда тутишни, ундан ҳайиқишни ва унинг васиятларига амал қилишни маслаҳат беради, чунки уларнинг барчаси инсон учундир (Эккл., XII, 13). Бошқа бир жойда у бундай дейди: «Сафари бошланган пайтда болага насиҳат бер: у ҳатто, қариган чоғида ҳам сен кўрсатган йўлдан четга чиқмайди» (Притч, XXII, 6). Довуд ҳам бунга даъват этади: «Болалар, келинлар, менинг сўзларимга қўлоқ солинлар: сизларга худодан ҳайиқишни ўргатаман» (Псалт., XXXIII, 12). Аммо илоҳий Довуднинг ўзи ҳам ва худонинг боқий фарзанди, бизларни ўзгартириш учун самодан юборилган чин Соломон ҳам бармоғини чўзиб, бизга ўша йўлни кўрсатиб, айтганки: «Менинг ҳузуримга кириш учун болаларга рухсат этинг, уларга тўсқинлик қилманг, чунки улар тангрининг қувончи» (Марк, X, 14). Бизларга (бошқаларга) қарата айтган: «Агар ўзгармасангиз ва болаларга ўхшамасангиз, у дунёда жаннатга киролмайсиз» (Матф., XVIII, 3).

Болалар фақат чинакам тикланиш предметиғина бўлиб қолмай, балки унинг намунаси ҳамдир.

16. О, бу жуда ажойиб гап-ку! Уни тингланг ва буларнинг барчасини парвардигор ва барчанинг устози болаларни катта тутиб гапирётганини пухта ўйлаб кўринг. У хабар берганидек, фақат болаларгина тангрининг марҳаматига моликдирлар; шу билан бирга, улар жаннатнинг ҳам ворисларидирлар; фақат болаларга ўхшаганларгина жаннатга боришлари мумкин. О, азиз болалар, қош-ки Сизларга ато қилинган бу самовий афзалликларни тушуна қолсангиз эди! Бу гўзалликларнинг барчаси, одамзодга ато қи-

¹ Уттиз йиллик уруш давридаги қирғинлар, вайронагарчиликлар назарда тутилади.

линган самовий ватанга бориш ҳуқуқининг барчаси — сизнинг Исонгиз, руҳингизнинг равшанлиги, худонинг сизга шафқати, келажак асрга эгалигингиз, буларнинг барчаси сизники, сизнинг устунлигингиз ва бунинг устига, бу нарса фақат биргина Сизга тааллуқлими ёки ўзгариб сизга ўхшайдиганларнинг барчасига тааллуқлими, бундан қатъи назар, сизнинг устунлигингиз шакл-шубҳасиздир. Биз, катталар, яъни фақат ўзимизни одам ҳисоблаб, сизларни маймунчалар деб, ўзимизнигина — доно, сизни — ақлсизлар деб ўзимизнигина нотик, сизни — гап билмаслар деб ҳисобловчилар, энди бизлар сизнинг ўқувчингиз бўлиб қолдик. Сизлар — ўргатувчи сифатида юборилгансизлар, сизларнинг қилиқларингиз бизлар учун намуна ва ибратдир.

Худо кичик болаларни нега бунча қадрлайди?

17. Агар кимдир худо болаларни нега бунча қадрлаши ва кўкларга кўтариб мақташининг сабабини билмоқчи бўлса, яхшиси болаларда ҳамма нарса жуда оддий, улар даволаш учун жуда қулай эканлигини унутмасин, одамзоднинг ишлари ҳозиргидек аянчли ҳолатда турган бир пайтда, тангри шундай бўлишини афзал кўради. Одам Атонинг гуноҳкорлигидан бошланган иллат халқимизнинг ҳаммасига юққан бўлса ҳам, лекин иккинчи Одам Ато — Исо одамзодни яна ўзига, ҳаёт дарахтига қайтарди ва бундан ҳеч ким мустасно эмас, фақат ўзига ишонмаган кишигина бундан четга чиқиб қолиши мумкин, лекин болаларда бундай хислат бўлмайди (Марк., XVI, 16). Бундан келиб чиқадики, ҳали гуноҳ ва ишончсизлик иллати билан заҳарланмаган болалар жаннатнинг ягона ворислари деб эълон қилинади; фақат улар ўзларидаги илоҳий сифатларни сақлаб қолишлари ва мавжуд бузуқликлардан ўзларини тийиб туришлари лозим. Бошқаларга қараганда болалар бунга тезроқ ўрганиб олишлари мумкин, чунки улар ҳали ёмон нарсаларга одатланганлари йўқ.

Нега Исо бизларни — катталарни болалардан ибрат олишга йўллайди?

18. Исо, турмушда ёмон тарбия ва ёмон намуналар туфайли, биз катталар одатланиб қолган ёмон қилиқлардан қутулишимиз учун, аввалги оддий, ювош ҳолатга, камтарлик, софлик, итоаткорлик ҳолатига қайтишимиз учун болаларга ўхшашимизни талаб этади. Одатланиб қолган нарсдан қутулишдан кўра қийинроқ иш бўлмаса керак, чунки одат — инсоннинг иккинчи табиати, эшикдан қувлаб чиқарсанг, у деразадан кириб келаверади, бундан келиб чиқадиган ҳулоса шуки, ёмон тарбия олган кишини қайта тарбиялашдан кўра қийинроқ нарса йўқ. Дарахт баланд ёки паст бўлиб, шохчаларини атрофга тўғри ёки эгри-бугри ёйиб ўсган бўлса, у шундай-лигича қолади ва ўз кўринишини ўзгартирмайди. Тажриба кўрсатиб турибдики, агар ғилдирак тўғринини тўғриламақчи бўлсангиз, у синиб кетади, лекин тўғри бўлмайди. Ёмон қилиқларга одатланиб қолган одамларни ҳам тангри шунга ўхшатади. «Эфиопиялик ўз терисининг рангини, қоплон терисидаги қашқаларни

ўзгартира оладими? Шунингдек, сизлар ҳам ёмонлик қилишга ўрганиб қолган бўлсангиз, яхшилик қила оласизми?» (Иез., XIII, 23).

Черковни ўзгартиришни болалардан бошлаш зарур.

19. Бундан муқаррар равишда шундай хулоса келиб чиқади: *одамзоднинг бузилганини* (ахлоқсизлигини) *тузатиш учун бирор чора-тадбир қўллаш зарур бўлса, бу, асосан — ёшларни авайлаб ва пухта тарбиялаш орқали амалга оширилиши зарур*. Худди шунингдек, боғдаги дарахтларни янгиламоқчи бўлган киши ёш ниҳолларни ўтқазиши ва сўнгра яхши ўсиши учун уларни авайлаб парвариш қилиши керак, мабодо боғбон эски дарахтларни бошқа жойга кўчириб экса ёки уларга бошқа ҳосилдор новдани пайванд қилса, бу ишнинг самараси камроқ бўлади. Шунинг учун, ҳали беҳуда дунёвий ўй (ҳаёл) лар қамраб олмаган ёш қалбларни ва ёмон одатлар булғамаган мурғак ақлларни тангри хуш кўради.

Тангри гувоҳ. 20. Худо бунни пайғамбарнинг кўнглига аён қилади ва у ҳамманинг бузуқлигидан нолиб, дейди: «Бошқаришни ўргатиш учун ва насиҳат билан тўғри йўлга солмоқ учун эндигина сут эмишдан ажратилган гўдаклардан бошқа бирорта ҳам одам қолмади» (Ис., XXVIII, 9).

Бунни Исо образли қилиб тушунтиради. 21. Чамаси худди шуни билдириш учун пайғамбар Иерусалимга бормоқчи бўлганида урғочи эшак ва хўтик келтиришни буюрибди, лекин урғочи эшакни эмас, хўтикни миниб борибди, Инжил муаллифи бунга қўшимча қилиб: «пайғамбар одамлардан бирортаси ҳам ҳали минмаган хўтик келтиришни буюрди»,—дейди (Лука, XIX, 30). Бунни шунчаки бир мақсадсиз қилинган ва гувоҳлик берилган деб ўйлайсизми? Мутлақо ундай эмас! Исонинг катта ва кичик ҳар бир насиҳати ва унинг ишлари, Таврот китобининг ҳар бир ҳарфи сингари, биз йўл-йўриқ олишимиз учун ўзида кўп сирларни сақлайди. Гарчи, Исо ўз ёнига қари ва ёшларни чақириб, уларнинг ҳаммасини илоҳий Иерусалимга хурсандлик билан бошлаб борса ҳам, лекин ёшлар, яъни турмуш ҳали эзмаганлар, Исонинг асоратига ўргатиб олиш учун қулайроқ эканлиги, ҳаёт ўзининг оғир юки билан бузган ва белини синдирганлардан кўра ёшлар афзалроқ эканлиги кўриниб турибди. Шунинг учун Исога ёшларни бошлаб бориб тўғри қиладилар: Исо шодлик билан уларга ўзини ва эзгу-асоратини топширади.

Ёшларни эҳтиёткорлик билан тарбиялаш дегани нима?

22. Ёшларни эҳтиёткорлик билан тарбиялаш ҳақида ғамхўрлик қилиш демакдир, уларнинг қалбига экилган ахлоқ уруғларидан, доимий насиҳатлар ва соф намуналар туфайли, бахт ниҳоллари униб чиқсин демакдир, ва, ниҳоят, худони, ўзларининг кимлигини ва турли нарсаларни билиб олиш йўли билан уларнинг ақли ортсин, ҳамда бу дунёда тангридан рўшнолик

кўришни, уни ҳамма нарсадан ортиқ севишни ва ҳурматлашни ўрганиб олсин демакдир.

Бу қанақа фойда келтиради?

23. Агар бу содир бўлганда, диний оятда айтилган қуйидаги гаплар ҳақиқатан ҳам рост эканлиги аниқ бўларди: худонинг амри билан чақалоқ ва гўдаклар, болалар қасоскор душман гапирмаслиги учун душманларни шод этиб, уларни шарафлайдилар (Псал., VIII, 3), яъни маҳкум этилганлиги учун ўч олиш ниятида ёшларга қирғин солаётган шайтонни йўқотиш учун тангрининг бу ёш ниҳоллари ўзининг жуда хато мулоҳазаларидан келиб чиқадиган турли иллатлар туфайли, ўзини дўзах ўти билан (турли попоқлик намуналари ва бузуқ фикрлар билан) бутунлай заҳарлайди; ёки ёш ниҳолларни: ё бутунлай қуритади ва ҳалок қилади, ёки ҳеч бўлмаганда, уларни сўлдиради, қовжиратади ва фойдасиз бир нарсага айлантиради.

Тангри ёшлар ҳақида қандай ғамхўрлик қилади?

24. Ёшлар тарбияси ҳақида ғамхўрлик қилиш учун парвардигор, аввало, ўз фаришталарини — ҳимоячиларни юборади (Матф. XVIII, 10), сўнгра, илоҳий панд-насиҳатлар ва муқаддас таълимотга биноан тарбиялашни амр қилиб (Ефес., VI, 4), бу ишга тарбиячи — ота-оналарни қўяди; ниҳоят, бошқа барча кишиларга ёшларга ёмон намуна кўрсатиб, уларни бузмаслик, йўлдан оздирмасликни буюради ва бунга амал қилмаганларни дўзахга абадий бадарға қилади (Матф., XVIII, 6, 7).

Демак, биз патриархлардан ибрат олишимиз керак.

25. Дунёда тартибсизликлар шунчалик кўпайиб кетган бу замонда биз бунни қандай қилиб бажара оламиз? Патриархлар замонидан, у муқаддас донишмандлар жамиятдан четда, алоҳида яшаб, ҳар бирлари ўз оиласида фақат оила бошлиғигина эмас, балки руҳонийлик, муаллимлик ва тарбиячилик қилган пайтларда иш анча енгил эди. Чунки, улар ўз болаларини ёмон одамлар даврасидан четда тутиб, ўзларининг яхши фазилатлари билан намуна кўрсатар, панд-насиҳат қилиб, уларни ишонтирар, лозим бўлганда танбех берар ва шу тариқа болаларни ўз кетидан эргаштириб борар эдилар. Кўпинча Авраам (Иброҳим) худди шундай қиларди, худо шунга ишора қилиб, айтган: биламан, у болалари ва оиласига кейинчалик ҳам тангрининг йўлидан боришни, ҳаққоний ва одил бўлишни васият қилади (Быт., XVIII, 19).

Ёмон ҳамжамоалар энди болаларни ҳалок қияпти.

26. Энди ҳаммамиз бир жойда жамоа бўлиб яшаймиз, яхшилик ёмонлик билан аралашди ва яхши одамларга қараганда ёвуз ниятли ёмон кишилар сони ниҳоятда кўпайиб кетди. Ёшлар ёмон одамларга шунчалик кучли қизиқиб, уларнинг кетидан эргашиб бормоқдаки, бунга қарама-қарши қилиб, яхши фазилатларга амал қилиш тўғрисида бераётган насиҳатларимиз ё мутлоқ таъсир этмайди, ёки унинг фойдаси жуда оз бўлаяпти.

Ота-оналар ҳам ёвузликка қарши курашмаяптилар ёки унга қарши курашишни билмайдилар.

бунга унча эътибор қилмайдилар.

Муаллимларнинг ҳам ҳаммаси эмас.

уни дарҳол бирор ди ва унинг қобилияти халққа манфаат келтирмайди.

Натижада ҳамма ёввойилашиб ва тез тубанлашиб кетаяпти.

Ўсмоқда. Оқибатда ёввойи ҳамда қайсар хулқ ва одатлар ер юзини, барча шаҳарлар ва қишлоқларни, оилалар ва одамларни эгаллаб олаяпти, ҳамма жойда уларнинг тани ва жонида жуда кўп тартибсизликлар мавжуд. Агар **Диоген, Сократ, Сенека, Соломонлар** тирилиб, шу кунларда дунёга қайтиб келсалар, бу ерда ҳеч бир янгиликни учратмаган бўлар эдилар. Самодан бизга қараб турган худо тилга кириб, гапирганида эди, ўша бир вақтлар айтган гапини такрорлаган бўлар эди: «Хаммаси издан чиқди, яроқли ҳеч нарса қолмади; яхшилик қилаётган бирорта ҳам одам йўқ» (Псал., XIII, 2).

Демак, умумий ҳаловат учун ҳамма бирлашиб ғамхўрлик қилиши керак ёки худонинг ғазабини кутиб туриш лозим.

фикр юритсин, ёлворсин. «Кўрни йўлдан чалғитган — малъун», — деган тангри (Второз., XVII, 18). *Йўлдан адашиб кетаётган кўрни йўлга чиқариб қўйиши мумкин бўла туриб, бу ишни қилмаган одамнинг ҳам падари қусур.* Исо, кичик болалардан бирортасини йўлдан урган кишига ҳам лаънат, деган (Матф., XVIII, 6, 7). Шунингдек, йўлдан адашгани тўғри йўлга қайтариши мумкин бўла туриб, қайтармаган кишининг ҳам шўри қурисин. Худо ўрмонда ёки далада адашиб қолган ё оғир юк босиб қолган эшакни ёки ҳўкизни ташлаб ўтиб кетмасликни, башарти у кимники эканлигини билмасанг ҳам, ёки ҳатто у сенинг душманингникилигини билсанг ҳам, унга ёрдам беришни буюради (Исх., XXIII, 4. Второз., XXII, 2). Агар, биз фаҳмсиз ҳайвон эмас, балки онгли мавжудот янглишаётганини, бир ёки икки киши эмас, балки дунёдаги барча одамлар адашиб кетаётганини кўра туриб,

27. Ҳатто фазилатлар тўғрисидаги насиҳатлар ҳам онда-сонда берилишини гапириб туришга ҳожат бормикан? Ўз болаларига бирор яхшироқ нарсани ўргата оладиган ота-оналар ҳам кам топилади, чунки бунини уларга ҳеч ким ўргатмаган ёки бошқа ишлар билан банд бўлиб,

28. Ёшларга одоб қондаларини яхши сингдира оладиган муаллимлар ҳам кам. Мабодо бу иш қўлидан келадиган муаллим топилиб қолса, амалдор ўз боласини тарбиялатиш учун ёллайди.

29. Бунинг натижасида бошқа ёшлар ҳеч ким экиб кўқартирмаган, ҳеч ким суғормаган, ортиқча новдалари кесиб ташланмаган, эгри ўсаётган шохлари тўғрилаб қўйилмаган дарахтга, ёввойи ўрмонга ўхшаб, етарли парваришсиз

ёввойи ўрмонга ўхшаб, етарли парваришсиз

30. Шунинг учун, агар бирор маслаҳат берадиган ёки бирор нарсани ўйлаб топадиган, ёки ёлвориб, илтимос қилиб, йиғлаб ва кўзига ёш олиб, ўсмоқда бўлган ёш авлодга тузукроқ ғамхўрлик қилиш тўғрисида худодан бирор йўл-йўриқ сўраб оладиган кимса топилиб қолса, зинҳор у жим турмасин, маслаҳат берсин,

парво қилмай ўтиб кетаверсак, ёрдам беришга уринмасак, наҳотки бу ишимиз худога ёқади деб ўйлаш мумкин?! Бундай бўлиши мумкин эмас ва бўлмайди!

Янглишлар Вавилонига қилич яланғочламоқ кетмади.

31. Тангри буюрган ишни бажаришда муғамбирлик қиладиган киши қуриб кетсин ва Вавилонга қилич кўтармаган одамга ҳам лаънат (Иер., XVIII, 10). Ахир, агар биз ўзимизнинг қуриб кетгур янглишлар Вавилонига тоқат қилиб турсак, бизга айб тушмайди деб ишониш мумкинми? О, кимнинг белбоғида қилич осилган бўлса ёки қанақа қинга солиб қўйилган бўлса ҳам қиличларни яланғочланглар. Агар худо раҳмат қилсин десанг, Вавилонни қириб ташлашда¹ ёрдам кўрсат.

Граждан ҳокимиятига.

32. Сиз, ҳукмдорлар — тангрининг хизматкорлари, бу савоб ишни бажаринглар, парвардигор белбоғингизга осиб қўйган қилич билан ҳам, адолат тиги билан ҳам дунёни босиб кетган ва тангрининг ғазабини келтираётган тартибсизликларга барҳам беринглар.

Черковларнинг бошлиқларига ҳам.

33. Исонинг содиқ хизматкорлари, руҳонийлар, бу ишга сизлар ҳам киришинглар ва сизга берилган, икки томони ўткир қилич билан, яъни сўз тиги билан балони қириб ташланглар. Сизлар балони таг-томири билан йўқ қилиш, хонавайрон қилиш, кулини кўкка совуриш яқсон қилиш учун ва унинг ўрнига яхшиликни яратиш ва барқарор этиш учун қўйилгансизлар (Иером., I, 10, Псал., CII, 5; Посл. Римл., XIII, 4 ва б.). Жамиятдаги офатни йўқотиш учун бу ишни инсоннинг ёшлик чоғида бажариш қулай эканлигини тушуниб олдингиз; абадиёт учун мўлжалланган ёш дарахтларни ниҳоллик пайтида экиб, парвариш, қилишдан қулайроғи йўқ; агар тирик илоҳий тошларни (ёшларни) ўз вақтида бўлаклаб, силлиқлаб, ялтиратиб, муқаддас бинога қўйилмаса, Вавилон ўрнида Сионни бунёд этиш мумкин эмас. *Демак, агар черков, давлат ва хўжалик ишлари обод бўлсин ва гуллаб-яшнасин десак, аввало, мактабларни тартибга келтирайлик, уларни гуллатайлик, токи улар иш қизғин бораётган ва ҳақиқий одамгарчиликни ўргатадиган устахонага, черковлар, давлатлар ва хўжаликлар учун (кадрлар тайёрлаб берадиган) кўчатзорларга айлانسин.* Шундай қилсак — мақсадга эришамиз, бошқа йўл билан — ҳеч қачон.

¹ Таврот ривоятларига қараганда, ўз куч-қудратидан, бойлиги ва олим-лигини мағрурланиб кетган вавилонликлар кибрланиб, жуда кўп хатоликларга йўл қўйдилар. Бу параграфнинг сарлавҳаси сифатида «Янглишлар Вавилони» деган ибора ўшандан олиб ишлатилган. Коменский «Янглишлар Вавилони» деган иборани ўзи яшаган даврдаги жамиятга нисбатан, келишмовчиликлар, жаҳолат, саросималик, ҳақиқий таълимга тўсқинлик қилиш кабилар тўлиб-тошиб ётган феодал жамиятига нисбатан қўлланади. Бинобарин, Коменский бу камчиликларга қарши муросасиз курашга чақиради.

Энди бу ишнинг
усулини баён этиш
ва ўлчаб кўриш
лозим.

учун — ақл берган бўлса — қаранг, тингланг, барчасини уқиб
олинг.

Нима қилиш ке-
рак, кимдир бу ер-
да қисман янги
ёруғликни кўради-
ми ёки йўқми?

тузат, ёки уни тузатиш учун дегин: бир кишига нисбатан кўпчи-
лик қараса, кўпроқ кўради.

Бу ишда фаол
қатнашганларни
шуҳрат кутади.

34. Аммо ишга киришиш ва мўлжалланган
мақсадга қандай қилиб эришишни, худо хоҳ-
ласа, кўз олдингизда баён этамиз. Бунинг мо-
ҳияти нимадан иборат? Қимга тангри кўриш
учун — кўз, тинглаш учун — қулоқ ва тушуниш
35. Агар бировга олдин сезилмаган нур (ёруғ-
лик) йилтираб кўринса, у тангридан миннат-
дор бўлсин ва бу янги нурни янги даврдан
(асрдан) сир сақламасин. Агар бу нурнинг
йилтирашида ҳатто бирор кичкина камчиликни
сезсанг, ё ўша ёруғликни кучайтир ва хатони
36. Шундай қилиб, бу муқаддас ишни бажар-
ишда тотувлик билан, ўзаро бир-биримизга
ёрдамлашайлик; шу йўл билан бу муқаддас
ишда муғамбирлик қилганларга аталган қар-
ишдан қутуламиз; шу йўл билан дунёнинг энг қимматбаҳо хази-
наси ҳақида, ёшлар тўғрисида ҳаммадан тузукроқ жон куйдирган
бўламиз: шу йўл билан бошқаларга адолатни ўргатган кишилар-
га ваъда қилинган шуҳратга сазовор бўламиз (Дан., XII, 3).
Тангрининг бизга раҳми келсин, унинг рўшнолигидан баҳраманд
бўлайлик. Омин!

ДИДАКТИКАНИНГ ФОЙДАСИ

Дидактиканинг таълим назариясини тўғри
йўлга қўйиш:

1. *Ота-оналар учун зарур*, чунки ота-оналарнинг кўпчилиги
ҳанузгача ўз болаларини нима учун ва қандай тарбиялашдан
хабардор эмас эдилар. Ота-оналар ўқитувчилар ёллаб, уларга
ялиниб-ёлворадилар, совға-саломлар билан уларнинг қўнглини
овлайдилар, унча-мунча фойда кўриб ёки фойда кўрмай уларни
ҳатто тез-тез алмаштириб ҳам турадилар. Лекин тарбия методи
мукаммал ишлаб чиқилса, такомиллаштирилса, иншоолло, нати-
жа унга ҳамма вақт ишонаверилмаса ҳам чиқмай қолмайди.

2. *Ўқитувчилар учун зарур*, чунки ўқитувчиларнинг кўпчилиги
дидактикани мутлақо билмас эди, натижада ўз бурчларини ба-
жармоқ учун ўзларини қийнар, меҳнатсеварлик, ҳаракатчанлик
қиламан деб ўзини чарчаттар; у ё маълум бир усул билан муваф-
фақият қозонишга интилиб, ортиқча вақт ва меҳнат сарфлаб,
методни ўзгартирар эдилар.

3. *Ўқувчилар учун керак*, чунки ўқувчиларни қийнамай, зе-
риктирмай, дўқ-пўписа қилмай ва урмай, балки, аксинча, ўйна-
шиб ва ҳазиллашиб, уларни фан чўққиларига бошлаб чиқиш
лозим.

4. *Мактаблар учун керак*, чунки методлар тўғри қўлланилса,
мактабларни яшнаган ҳолатда сақлашгина эмас, балки уларни
кун сайин кўпайтириш ҳам мумкин бўлади. Ахир у вақтда
мактаблар ҳақиқатан ҳам болалар қувнаб-яйрайдиган, завқ ола-
диган, мамнун бўладиган жойга айланади-да. Шундай қилган
тақдирда ҳар қандай ўқувчи ҳам маълум даражада олим бўлиб
етишади. Мактабларнинг яхши бошлиқларига нисбатан ҳеч
қачон танқислик сезилмайди, ўқув машғулотлари ҳамма вақт
равнақ топади.

5. *Давлатлар учун зарур*, уни Цицерондан юқорида келтирил-
ган далилдан ҳам кўриш мумкин. Пифагорчи — Диоген (Стобей)
нинг: «Давлатнинг барқарорлиги нимага боғлиқ? — Ёшлар
тарбиясига!» — деган машҳур ибораси бу фикрни тасдиқлайди.

Ахир, ток кўчатлари яхши парвариш қилинмаса, ҳосил бермаслиги ҳаммага маълум-ку.

6. *Черков учун муҳим*, чунки мактаблар тўғри ташкил этилган тақдирдагина, черковнинг маълумотли руҳонийларга бўлган эҳтиёжи қондирилади, ўқимишли руҳонийларнинг ҷтоаткор муридлари ҳам кўпаяди.

7. *Ва, ниҳоят, само учун муҳим*, чунки мактаблар киши руҳининг ҳақиқий ва универсал марказига айлантирилиши лозим, черков кўнғироқларининг овози ғафлатдан уйғота олмаганларни ҳам худонинг марҳаматидан баҳраманд қилиб, жаҳолатдан қутқариш осонлашади. Инжил ҳамма жойда тарғиб қилинса ҳам (охиратгача шундай бўлаверишига биз ишонамиз), лекин шундай ҳоллар ҳам бўладик, бирор мажлисда, бозор жойида, майхоналарда ёки одамлар тўпланадиган бошқа жойларда фақат дин ҳақида гапираётган одамларнинг сўзларинигина тинглаб қолмайдилар, балки биров билан учрашганда, турганда ёхуд ўтирганда айрим бемаъни кишиларнинг сафсатасига ҳам қулоқ соладилар. Руҳонийлар ҳар қанча иштиёқ билан тушунтирсалар ҳам, бақриб гапирсалар, панд-насиҳат қилсалар, қасам ичиб ёлворсалар ҳам, одамларнинг кўпчилиги уларга қулоқ солмайди. Одамларнинг кўпчилиги диний йиғинларга аҳён-аҳёндагина, фақат бирор сабаб билан келади: айримлари эса, келсалар ҳам, диққат билан тингламайдилар, чунки уларнинг фикри-ёди бошқа нарсалар билан банд бўлади. Ва, ниҳоят, улар диний васиятларнинг маъносини диққат билан тингласалар ҳам, лекин бу васиятлар уларга етарли даражада таъсир этмайди, чунки руҳий қолоқлик, гуноҳкорлик одати кишиларнинг ақлини пасайтиради, карахт, сезмайдиган қилади ва оқибатда улар ғафлатдан қутула олмайдилар. Улар кишанланган сингари, жоҳил ва гуноҳкор бўлиб қолаверадилар; демак доимий гуноҳкорликдан уларни худодан бошқа ҳеч ким қутқазолмайди; черков бошлиқларидан бири айтганидек, ашаддий гуноҳкорлардан бирортасининг тавба қилишини деярли мўъжиза дейиш мумкин. Аммо худонинг ўзи йўл кўрсатган бошқа ҳолларда мўъжиза талаб қилиш — худони алдаш экан, демак бу ерда ҳам аҳвол тузук эмаслигини тан олмоқ керак. Шунинг учун ҳам барча христиан ёшларининг ақлини жадал уйғотадиган, самога муҳаббатини оширадиган воситаларни топиш бизнинг бурчимиз эканлигини унутмайлик. Агар биз бунга эриша олсак, худонинг қудрати ва марҳамати янада ортади.

Демак, ҳеч ким бундай муқаддас ишга ўз диққат-этиборини, интилиши, куч ва воситаларини аямаслиги лозим. Хоҳиш берганининг ўзи, уни бажаришга ҳам кўмаклашади. Буни ибодат вақтида худой-таоллонинг ўзидан сўрамоқ, ишонч-этиқодни сақламоқ лозим. Чунки бу ерда гап одамларни қутқазуш ва худой-таолло ҳақида боради.

Иог. Вал. Андреев:

«Ғалабадан ноумид бўлиш — шармандалик, бошқаларнинг маслаҳатини менсимаслик — адолатсизликдир».

БОБЛАРНИНГ МАЗМУНИДА БАЁН ҚИЛИНАДИГАН ҚОИДАЛАР

1. Инсон энг мукаммал, олижаноб ва энг гўзал мавжудотдир.
2. Инсоннинг сўнгги мақсади нариги дунёдир.
3. Бу дунёда яшаш абадий ҳаёт учун кўриладиган тайёргарликдир, холос.
4. Абадий ҳаётга кўриладиган тайёргарлик уч босқичдан иборат: ўз-ўзини ва теварак-атрофидаги оламни билиш, ўз-ўзини бошқариш, худони таниш.
5. Илм, фазилат ва тақводорликни эгаллаш имкониятларини бизга табиатнинг ўзи инъом этган.
6. Инсон бўлиш учун киши илм олиши зарур.
7. Инсонга илм беришни болалик чоғидан бошламоқ керак. Ўқитиш фақат ёшлик йилларидагина самарали бўлади.
8. Ўспиринлар бирга ўқишлари керак, бунинг учун эса мактаблар зарур.
9. Ўғил ва қиз болаларнинг ҳаммаси мактабга жалб этилиши лозим.
10. Мактабларда ўқитиш универсал бўлиши керак.
11. Ҳанузгача талабга тўлиқ жавоб берадиган мактаблар йўқ эди.
12. Мактабларни намунали қилиб ташкил этиш мумкин.
13. Ҳамма соҳада аниқ тартиб бўлиши — мактабни намунали қилиб ташкил этишнинг асосидир.
14. Мактаблар учун аниқ тартибни табиатдан ўрганмоқ керак.
15. Ҳаётнинг давом этиши учун асослар.
16. Ўқиш ва ўқитишнинг умумий қоидалари, яъни қандай қилиб ўқимоқ ва ўқитмоқ керак.
17. Осон ўқиш ва ўқитишнинг асослари.
18. Пухта ўзлаштириш ва ўқитишнинг асослари.
19. Энг оддий усул билан ўқитишнинг асослари.
20. Фан методлари.
21. Санъат методлари.
22. Тилларнинг методлари.

23. Ахлоқ тарбияси методлари.
24. Тақводорликни ўргатиш методлари.
25. Агар биз мактабларни христиан дини асосида тўла қайта ташкил этмоқчи бўлсак, маъжусийларнинг китобларини бутунлай улоқтириб ташлашимиз керак, ҳеч бўлмаганда, уларни ҳозиргига қараганда жуда кам ишлатиш лозим.
26. Ўқув интизоми ҳақида.
27. Ўқувчиларнинг ёши ва билим савиясига қараб, тўрт босқичли мактаблар ташкил этиш ҳақида.
28. Оналик мактаби очерки (ғояси).
29. Она тили мактаби очиш ғояси.
30. Латинча мактаб ташкил этиш ғояси.
31. Академиялар, саёҳатлар, жаҳон коллегиялари ташкил этиш ҳақида.
32. Мактабларни умумий ва мукаммал ташкил этиш ҳақида.
33. Бу умумий методни амалда қўлланиш учун зарур бўладигон шароитлар ҳақида.

ДИДАКТИКА

166

ИНСОН ЭНГ МУКАММАЛ, ОЛИЖАНОБ ВА ЭНГ ҒУЗАЛ МАВЖУДОТДИР¹

«Ўзинг ўзлигингни билиб ол» деган ҳикматли сўзни осмондан тушган, деб ҳисоблаганлар

1. Бир вақтлар Питтак «ўзинг ўзлигингни билиб ол» деган ҳикматли сўзни эълон қилганида, донишмандларга маъқул тушиб, уни халқ орасида абадийлаштириш мақсадида бу ҳикматли сўзни само юборди деб ҳисоблаганлар ва уни одамлар жуда кўп тўпланадиган Аполлон Дельф² черковининг пештоқига олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйишни буюрганлар. Бу ҳикматли сўзнинг олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйиши донолик ва художўйликдир, уни осмондан тушган, дейилиши уйдирма гап-у, лекин умуман ҳақиқатга яқиндир; бу нарса улардан кўра ҳам кўпроқ бизга маълум.

Ва лекин бу сўз аслида осмондан тушган

2. Ахир, Таврот китобда айтилган гаплардан: «Эй инсон, мени билиб олишга интилсанг, сен ўзингнинг ҳам ким эканлигингни билиб оласан» деган маъно келиб чиқмайдими? Бу ерда мен — абадийлик, донолик ва фароғат демакдир, ўзинг — менинг мавжудотим, менинг қиёфам, менинг ҳузур-ҳаловатим демакдир³.

¹ «Буюк дидактика»нинг педагогиканинг асосий масалалари Я. А. Коменскийнинг ички қарама-қаршиликлар қурашидан иборат принципиал фикрлари ифодаланади. Бу бобларда, бир томондан, инсоннинг яратилиши ва тақдири ҳақида биз учун мутлақо номақбул бўлган христианча диний тасаввур ва умуман табиат ҳақида, хусусан инсоннинг тақдири ҳақида қадимги диний дунёқараш; иккинчи томондан, инсоннинг қадр-қиммати ҳақида гуманистик фикрлар ҳеч қандай ички боғланишларсиз, аралашиб кетган. Гуманистик фикрлар Коменский педагогик ғояларининг асосий моҳиятини ташкил этади. Бу фикрларни асослаш учун илоҳий китобдан далиллар келтиришни ўша давр шароити тақозо этган.

² Дельфдаги Аполлон черкови бир қанча майда-майда шаҳар-давлатчаларга бўлиниб кетган қадимги грекларни бирлаштириб турувчи жой эди. Бу черков ўзининг башорат қилиб айтилган доно васиятлари билан шуҳрат қозонади, шунинг учун ҳам унга одамлар жуда кўп келар эди.

³ Қадим замонда яшаган донишманднинг «ўзингнинг ким эканлигингни билиб ол» деган ҳикматли сўзини Коменский суғийлаштириб, худони билишнинг жуда муҳимлиги ҳақидаги христиан динининг ақидаларидан бирига айлантиради.

Инсон табии- нинг буюклиги

3. Мангуликда менга ҳамроҳ бўласан, деб сени танладим, ер ва осмонни, ундаги ҳамма нарсани сен учун яратдим, бошқа жониворларга ё тирикчилик, ё ҳаёт, ё сезги, ё идрок (ақл) ато қилган бўлсам, буларнинг ҳаммасини биргаликда фақат сенга бердим. Мен яратган нарсаларнинг ҳаммасига сени ҳукмрон қилдим, барча жониворларни, қўй ва ҳўкизни ҳам, дала ҳайвонларини ҳам, осмонда учадиган қушларни ҳам, денгиздаги балиқларни ҳам сенга итоат эттирдим; ҳуллас, сени шон ва шуҳратга буркадим (Псал, VIII). Ниҳоят, сен ҳеч қандай камчилик сезмагин деб, мен ўз қиёфамни ҳам, моҳиятимни ҳам сенга абадий бердим, ҳолбуки катта ва кичик жониворларнинг ҳеч бирортасида бу фазилат йўқ. Зеро, на осмондаги, на ердаги бирорта жонивор, худо менга фаришта бўлиб кўринди, мен унинг зот-зурриётиданман, деб айта олмайди (I Тим. III, 16), худо, фақат мени кўрсинлар ва таажжубланиб томоша қилсинлар (I Петра; I, 12) деб эмас, балки сажда қилсинлар, деб одам боласи ва худонинг зот-зурриёти қиёфасида кўринди (Евр, I, 6; Иоанн, I, 52; Матф; IV, II). Демак, шуни билиб олгинки, мен яратганлар орасида сен энг буюк мавжудотсан, ажойиб микрокосмасан¹ ва худонинг ердаги ноибисан, шуҳратимнинг гултожисан.

II боб

ИНСОННИНГ СЎНГГИ МАҚСАДИ НАРИГИ ДУНЕДИР²

1. Буюк мавжудотнинг мақсади ҳам юксак бўлиши керак

1. Ақл-идрок амр қиладики, инсон шунчалик буюк мавжудот экан, бошқа жониворларга қараганда унинг мақсади ҳам юксак бўлиши лозим. Инсон худонинг қиёфаси, зоти-зурриёти, шуҳрати ва энг юксак даражада такомиллашган мавжудод бўлгани учун тангрининг марҳаматидан, жаннатнинг ҳузур-ҳаловатидан абадий баҳраманд бўлсин.

¹ Грекча *μικρός* — кичик ва *κόσμος* — олам деган сўзлардан ясалган бўлиб, кичкина олам ёки кўча маънода, инсон оламнинг сурати, ойнаси демакдир. Инсон ҳақидаги бу таълимот қадимги замон фалсафасида ҳам, ўрта асрчилик давридаги фалсафада ҳам мавжуд эди. Халқ Уйғониш даврида яшаган гуманист файласуфлар бу таълимотга айниқса катта эътибор бердилар. Гуманистлар микрокосма дейиш билан инсоннинг қадр-қиммати юксак эканини таъкидлаб кўрсатдилар. *Микрокосма* тушунчасига (сўзига *макрокосма* сўзи) (тушунчаси) қарама-қарши қўйилади (қаранг, V боб, 5), *макрокосма* — грекча *μέγας* — катта ва *κόσμος* — олам, яъни катта дунё, ягона олам демакдир.

² Бу бобда биологик ҳодисалар диний-илоҳий нуқтаи назардан тушунтирилган, инсон ҳаёти бир-биридан ажралиб турадиган уч хусусиятга: ўсувчанлик, ҳайвонийлик, ақлий ёки руҳий хусусиятларга эга деб кўрсатилган. Бу фикр Коменский яшаган замонда кенг тарқалган эди, ваҳоланки бу уч хислатни бир-биридан ажратиш бўлмайди. Биологик ҳодисаларни илоҳий нуқтаи назардан изоҳлаш V бобнинг иккинчи параграфида қисқача қилиб, қуйидагича ифодаланган: «Мавжудотларнинг ҳаммаси ҳам бирор мақсад учун яратилган».

2. Бу аниқ.

2. Юқоридаги фикрлар илоҳий китобда аниқ айтилган бўлса ҳам, бунга бизнинг ишончимиз комил, худо бу дунёда бизнинг шу юксак мақсадимизни қандай йўллар билан ифодалаганини қисқа-қисқа бўлса ҳам баён этсак, меҳнатимиз зое кетмайди.

1) Яратилиш тарихидан.

2) Бизнинг ўз табиатимиздан.

3. Бу, албатта, аввало, инсоннинг ўзида ифодаланган. Ахир инсон бошқа жониворларга ўхшаб, оддийгина ҳаёт кечирмасин деб, худо уни яратишдан олдин тантанали йиғин ўтказган; инсоннинг танасини ҳар ҳолда худо ўз қўли билан ясаган ва ўз нафаси билан унга жон киритган.

4. Тана тузилишимиз биздаги фазилатларнинг яшаш учун етарли эканлигини кўрсатиб турибди, *чунки бизда уч хил яшаш: ўсиш, ҳайвоний, руҳ (ақл) ий хислатлар мавжуд*, булардан биринчиси танамизнинг ўзига хос, иккинчиси ҳиссиёт ва ҳаракатимиз туфайли буюмларга йўналади, учинчиси эса, фаришталар сингари, танадан ташқарида ҳам яшайверади. Чамаси инсон ҳаётининг бу учинчи, энг юқори босқичини олдингилари жуда хиралаштириб, қоплаб олган, шу туфайли ҳам уни такомиллаштириш учун алоҳида жой талаб қилинади.

ётган ва бошдан кечи- раётганларнинг жамидан. -едежер энг (с

5. Биз бажараётган ва бошдан кечи-раётган нарсаларнинг ҳаммаси шуни кўрсатиб турибдики, биз сўнгги мақсадга бу дунёда эриша олмаймиз, чунки бизнинг ўзимиз сингари моҳиятимизнинг ҳам бошқа вазифаси бор. Бизнинг бутун моҳиятимиз, барча ишларимиз, фикр-ўйимиз, гапимиз, ниятларимиз, эришган ва қўлга киритган нарсаларимиз—буларнинг ҳаммаси юксак мақсад йўлида қўйилган бир қадамдир; биз доимо шу йўлдан юриб, илгарилаб борганимиз-борган, лекин ҳеч қачон бу йўлнинг охирига ета олмаймиз. Дастлаб инсон мангуликдаги сингари мавҳум эди, у она қорнида ота қони томчисидан пайдо бўлади. Шундай экан, бошда инсон нима эди? Шаклсиз ва қуюқ жисм эди. Сўнгра у кичкина чақалоқ шаклига киради, лекин ҳали унда ҳиссиёт ва ҳаракат бўлмайди. Кейинроқ она қорнида қимирлай бошлайди ва табиатнинг кучи билан туғилади; секин-аста кўзи очилади, қулоғи эшита бошлайди ва бошқа сезги органлари тараққий этади. Йиллар ўтиши билан ички ҳиссиётлар ҳам уйғонади, чунки у кўрган, эшитган, сезган нарсаларни тушунадиган бўлади. Сўнгра, нарсаларнинг фарқини кузатиш туфайли фаросат пайдо бўлади. Натижада ирода айрим нарсаларга йўналтирилиб, баъзи нарсалардан нафратланиб, инсон хатти-ҳаракатларини бошқаради.

3. Буларнинг ҳаммаси кетма-кет содир бўлади, лекин ҳеч қачон тугамайди.

6. Юқорида кўрсатилган айрим босқичларнинг ўзида ҳам кетма-кетлик мавжуд. Ахир, эрта-лабки қуёш зулмат бағрини ёриб чиққани ва бутун оламни секин-аста ёритгани сингари, дунёни билиш ҳам секин-аста бўлади ва инсон

умрининг охиригача (агар, мабодо киши молфаҳм бўлиб чиқмаса) давом этаверади. Бизнинг хатти-ҳаракатларимиз ҳам бошда ожиз, кучсиз, қўпол ва ниҳоятда палапарттиш бўлади. Секин-аста танамиз куч-қувватга тўла борган сари, руҳий фазилатларимиз ҳам ўса боради; биз тирик эканмиз, доимо нимадир қиламиз, ўйлаймиз, бирор иш бошлаймиз (агар кишининг эси жуда паст бўлиб, у тириклайин ўлган бўлмаса) ва ажойиб руҳимизнинг бу олдинга қараб интилиш хислати доимо сақланади, лекин бу ҳаракат ҳеч қачон тугамайди. Чунки ҳаётда кишининг орзу-ҳаваслари, ниятлари чексиздир.

Буни ҳар кимнинг тажрибасидан ҳам кўриш мумкин.

Искандар Зулқарнайн мисолида кўриш мумкин. Иззатикромга муккасидан кетган киши ер юзидаги одамларнинг ҳаммаси унинг оёғига бош урса ҳам кўнгли жойига тушмайди. Ҳирсиётга берилган киши атрофида жононлар парвона бўлиб юрса ҳам гўё зерикиб қолаверади ва унинг кўнгли янги-янгисини истайверади. Фалсафага берилиб кетган киши уни ўрганиб охиригача ета олмайди, чунки киши қанча кўп билса, яна шунча кўп нарса билиши кераклигини тушуниб олади. Соломон (Сулаймон): «Кўз кўриб, қулоқ эшитиб тўймайди» (Эккл, 1,8), деб жуда тўғри айтган.

4. Ҳатто ўлим ҳам инсон ҳаётининг сўнгги нуқтаси эмас.

8. Дунёдан ўтаётган кишиларнинг тажрибаси шунини кўрсатиб турибдики, кишиларнинг ташвиши ҳатто ўлганда ҳам тугамайди. Яхши умр кечирган киши янада яхши ҳаётга бораётганидан хурсанд бўлади, ёруғ дунёда яшашни яхши кўрадиган киши эса ўлим яқинлашаётганини, ҳаёт билан видолашиш зарурлигини сезгач, қўрқа бошлайди, худога тан бериб, одамлар билан муроса қилади (агар шундай қилишга бирор йўл билан имконият топа олса). Азоб-уқубатдан мадорсизланган тана ҳолсизланиб ҳислар сўна бошласа ва ҳаёт сўнса ҳам, лекин инсон руҳи ўз вазифасини олдингидан ҳам жадалроқ бажараверади. Ўзи ҳақида, оила аъзолари, мол-мулки, давлат ва бошқалар тўғрисида тақводорлик билан, жиддий ва эҳтиёткорона васиятлар қилади, тақводор ва доно кишининг ўлаётганини кўрсангиз, албатта, тўзиб кетаётган тупроқ заррачасини эслайсиз, лекин унинг васиятларини эшитсангиз, ўзингизни гўё фариштанинг нутқини тинглагандек ҳис қиласиз. Уй эгаси ўз кулбасини вайронага айлантириб, абадий сафарга жўнаётганини ҳар ким тан олиши керак. Буни маъжусийлар (бутпарастлар)нинг ўзлари ҳам тушунар эди. Фестнинг таъкидлаб кўрсатишига қараганда, римликлар ўлимни оқибат (пировард) деб ҳисоблаганлар, аммо грекларда кетмоқ деган феъл ўлиш, вафот этиш маъносидан ишлатилган. Нега бундай? Киши вафот

этгач, бошқа жойга кетади деб ўйлаганлари учун эмасми-кан?¹

5. Исо—одамнинг намунаси инсон мангулик учун яратилганини кўрсатиб турибди.

9. Бу—айниқса биз христианларга аниқ, чунки инсонларда сўниб кетган худо руҳини қайта тиклаш учун осмондан тушган, жонли худонинг боласи Исонинг намунаси бунини яққол кўрсатиб турибди. Ахир, она қорнида пайдо бўлиб, сўнг-ра туғилган Исо инсонлар орасида турди; сўнг-ра вафот этди, қайта тирилди ва самога кўтарилиб кетди. У энди мангу яшайди. Аслида Исо бизнинг бобомиздир (Евр, VI, 20), биродарлар орасида тўнғичидир (Римл, VIII, 29). Умнатларнинг бошлиғидир (Эфес., I, 22), худо қиёфасида қайта тириладиганларнинг дастлабкисидир (Римл., VIII, 29). Шундай қилиб, Исо бу ерда абадий қолиш учун эмас, балки ўз вазифасини ўтаб, мангуликка кетиш учун туғилган эди, шундай экан, унинг умнатлари бўлган бизларга ҳам бу дунёда қолиш ҳукм қилинмаган, балки бошқа жойга кўчиб ўтиш лозим бўлади.

Исонинг учала макони.

10. Шундай қилиб, ҳар биримизга уч марта яшаш ва ҳаёт кечириш учун учта макон (она қорни, ер юзаси, кўк гумбази) тайинланган. Биринчи жойдан иккинчисига туғилиш орқали, иккинчисидан учинчисига ўлиш ва қайта тирилиш орқали ўтилади, инсон учинчи маконда мангу яшайди. Биринчи маконда оддий ҳаракат ва сезгилар билан ҳаёт эндигина бошланади; иккинчисидан — яшаймиз, ҳаракатлар қиламиз, ҳис-туйғу ва ақл пайдо бўла бошлайди; учинчисидан — ҳар томонлама тўлиқ камолотга эришилади.²

Ва уч ҳаёт.

11. Биринчи ҳаёт, яъни она қорнидаги ҳаёт иккинчиси учун тайёргарликдир, ер юзидаги ҳаёт учинчиси учун, яъни нариги дунё учун ҳозирлик кўришдан иборат. Нариги дунёдаги ҳаёт мангудир. Ҳаётнинг биринчи формасидан иккинчисига ва иккинчисидан учинчисига ўтиш қисқа муддатда ва азоб-уқубат билан содир бўлади, чунки жўжа тухум пўчоғини ёриб чиққанидек, биринчисидан йўлдошни ташлаб, иккинчисидан танани ташлаб чиқишга тўғри келади. Биринчи ва иккинчи маконлар устахонага ўхшаган жойдир, чунки у ерда яшаш учун инсоннинг танаси она қорнида шаклланади, ер юзида яшаш даврида эса ақлли руҳ охират (мангулик) учун ҳозирлик кўради, нариги дунё эса унисини учун ҳам, бунисини учун ҳам юксак камолот ва ҳузур-ҳаловат бағишлайди.

¹ Ўлимни «бошқа жойга» кўчиб ўтмоқ деб ҳисоблаш, шунингдек, киши ўлгач, кўк гумбази (осмони фалакка) боради (қаранг: 10-§), деб тасаввур қилиш ибтидоий кишиларнинг анимистик (ҳар бир нарсада руҳ бор деб ҳисоблайдиган) дунёқарашларидан келиб чиққан. Қадимги дунёда яшаган идеалист файласуфлар ва христиан дини ақидалари анимистик дунёқарашни қайта ўзгартириб ривожлантирди.

² Шу бобнинг 8-параграфига берилган изоҳга қаранг.

Буни исроилликлар
мисоли кўрсатиб
турибди.

12. Масалан, исроилликлар (буни таққослаб кўрсатишга худонинг ўзи йўл берсин) мисрда туғилган эди, сўнгра улар тоғ даралари ва Қизил денгиз орқали саҳрога элтиб қўйилди. Улар саҳрода чодирлар қуриб, бу ерларнинг қонунларини ўргандилар, ҳар турли ёвларга қарши курашдилар ва, ниҳоят, Иордан дарёсидан ўтиб, сут ва асал кони бўлган Ханаан ерларига жойлашиб олдилар.

III боб¹

БУ ДУНЁДА ЯШАШ АБАДИЙ ҲАЁТ УЧУН КЎРИЛАДИГАН ТАЙЁРГАРЛИҚДИР, ХОЛОС.

Далиллар.

1. Бу дунё — ўткинчи дунёдир, аслини олганда ер юзидаги ҳаёт умр ҳам эмас, балки ҳақиқий ва мангу ҳаётнинг муқаддимасидир, буни, биринчидан, бизнинг ўз табиатимиз кўрсатиб турибди, иккинчидан, олам ҳодисалари буни исботлаб бермоқда ва, ниҳоят, диний муқаддас китобда айтилган гаплар ҳам бунга далил бўлади.

1. Бизнинг ўзимиз.

2. Агар биз ўз-ўзимизга бир эътибор бериб қарасак, атрофимиздаги нарсаларнинг ҳаммаси изчиллик билан (кетма-кет) олдинга интилаётганини кўрамиз, олдин содир бўлган нарсалар кейингилари учун йўл очади. Инсоннинг она қорнидаги ҳолати бунга мисол бўла олади. Нега бола дастлаб она қорнида ҳаёт кечиради. Ўз осойишталиги учунмикан? Асло. Дунёдаги ноз-неъматлардан баҳраманд бўлишимизга имкон берадиган ва руҳимиз учун макон бўлиб хизмат қиладиган танани шакллантириш учунгина у ерда (она қорнида) ҳаёт кечиради. Тана шаклланиб бўлгач, бола туғилади, чунки қоронғида (она қорнида) яшаш учун бошқа зарурият қолмайди. Худди шунга ўхшаб, ер юзида яшашдан мақсад ҳам нариги дунё учун тайёргарлик кўришдан иборат, яъни тана ёрдамида руҳ у дунёда ўзи учун зарур бўладиган нарсаларнинг ҳаммасини ҳозирлайди. Шу мақсадга эришишимиз биланоқ, дарҳол бу дунёни тарк этамиз, чунки ёруғ дунёда қиладиган бошқа ҳеч қандай ишимиз қолмайди. Тўғри, баъзи бировлар тайёргарлик кўрмасданоқ кетиб қолади, ёки аниқроғи турли сабаблар билан чала туғилади ва яшамайди. Бу нарса иккала ҳолатда ҳам, худонинг хоҳиши бўлишига қарамай, кишиларнинг айби билан содир бўлади.

¹ Учинчи бобда нотўғри ва ғайри илмий бўлган, христианча диний-илоҳий дунёқараш янада ривожлантирилади.

2. Бу дунё инсон
учун парваришхо-
на, ниҳолхона, мак-
табдир, холос.

3. Бу дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг қайси бирига қараманг, улар инсоннинг (туғилиб) кўпайиши, овқатланиши, фаолият (кўрсатиши) учун яратилганини кўрамиз.

Фаришталарнинг ҳаммасини бир дақиқада яратгани сингари, барча кишиларни бирданига яратишни худо лозим кўрмай, эр билан хотинни яратди, уларга куч-қувват ва туғишиб кўпайиш имкониятини берди. Кишиларнинг (инсоннинг) секин-аста туғилиб кўпайиши учун етарли вақт зарур эди; бунинг учун бир неча минг йил берилди. Лекин шу даврда олам тартибсиз, жимжит ва қоронғи бўлмасин деб худо осмонни кенгайтди, унда қуёш, ой ва юлдузларни яратди, уларга доира бўйича айланиб, соатлар, кунлар, ойлар ва йилларни ўлчашни топширди. Сўнгра, инсоннинг жисмоний мавжудот сифатида нафас олиб, ҳаракат қилиб яшашига макон, ўсиши учун озиқ-овқат, яланғоч қолмаслиги учун кийим-кечак зарурлигини назарда тутиб, ер юзини кенгайтди, ер атрофини ҳаво билан ўради, қор-ёмғир ва дарёларни (сувни) яратди, бир амаллаб тирикчилик ўтказиши учунгина эмас, балки инсон нозу неъматлардан баҳраманд бўлсин деб ҳар хил ўсимликлар ўстириш ва ҳайвонларни парвариш қилишни буюрди. Бинобарин, худо инсонни ўзига ўхшатиб яратгани, унга ақл-идрок ато қилгани учун, ақл-идрокнинг ўсишига сабаб бўлсин деб айрим жониворларни бир қанча турларга бўлди. Кўриниб турган олам худонинг буюк қудрати, донолиги, марҳаматининг кўзгуси бўлиб кўринсин ва ундаги нарсаларни кўрган санин инсон уни яратган тангрига тан бериб, уни танишга интилинсин, унга меҳр-муҳаббати орта борсин деб, тубсиз мангулик ичида бекиниб ётган, кўзга кўринмайдиган пухталиқ, гўзаллик, жозибдорлик ҳамма жойда мавжуд нарсалар ва жониворларда намоён бўлди ва уларни сезиш, кўриш, ейиш имконияти яратилди. Шундай қилиб, бу дунё биз ўсиб улғаядиган парваришхона, ниҳолхона, мактабдан бошқа нарса эмас. Демак, бу дунёдан ташқарида бизни камолотга эриштирадиган қандайдир макон бор; бу мактабнинг тайёрлов босқичларини ўтагач, биз абадий академияга борамиз. Буларнинг ростлигини ақл-идрокнинг ўзи айтиб турибди. Лекин бу нарса илоҳий ҳикматларда янада очиқроқ кўрсатилган.

3. Худонинг гаплари ҳақдир.

4. Худонинг ўзи Осида гувоҳлик бериб айтганки, осмон ер учун яратилган, ер бугдой, май ва мой ишлаб чиқариш учун, буларнинг ҳаммаси эса инсон учун яратилган. (Ос, II, 21, 22.) Демак, ҳамма нарса, ҳатто вақтнинг ўзи ҳам инсон туфайли мавжуд. Чунки олам ҳам белгиланган (худо томонидан) миқдорда кишилар яратилгунча яшайди, холос. (Апок., VI, 11). Шу мақсад амалга оширилгач, осмон ва ер учун жой қолмайди, улар тугаб кетади (Апок., XX, 7). Чунки адолат ҳукм сурадиган бошқа осмон ва бошқа ер пайдо бўлади (Апок. XXI, 1; 2, Пётр, III, 13). Ниҳоят, диний муқаддас китобда бу дунёдаги ҳаётга берилган таъриф ҳам, у дунёга тайёр-

гарлик кўришдан бошқа нарса эмаслигини кўрсатиб турибди. Чунки у китобда бу дунё ўткинчи, йўл, эшик, кутиш дейилган; инсонни эса ўзга юртлик, келгинди, ёлланган, бошқа шаҳарга ўтиб кетаётган доимий қаландарлар дейилган (Быт., XLVII, 9; Псал. XXXIX, 13; Иов., VII, 12; Лука, XII, 34).

4. Тажриба.

5. Буларнинг ҳаммасини бизга тажриба ва ҳаммага кўриниб турган умумий аҳвол ўргатиб турибди. Ахир, биз абадий яшаш учун яратилган бўлсак ҳам (онадан) туғилганларнинг қайси бири тирик қолди? Лекин биз абадий ҳаётга яратилганимиз учун ҳам бу дунёда фақат бир ўткинчи ҳолатида яшаймиз. Шунинг учун ҳам Исо айтганки: «Огоҳ бўлинглар, чунки, азроил қачон келишини ҳеч ким билмайди» (Матф., XXIV, 44). Шу сабабдан (бу ҳам бизга диний муқаддас китобдан маълум) худо Е н о х а г а ўхшаш баъзи етарли тайёргарлиги бўлган кишиларни ёшлигиданоқ бу дунёдан чақириб олади (Быт., V, 23, ер, Премудр., IV, 14). Нега худо ёмон ниятли одамларни тезроқ чақириб олмайди, сабр қилади. Хусусан шунинг учунки, худо ҳеч кимни ҳам етарли тайёргарлик кўрмасдан, ўз гуноҳларига тавба қилмасдан вафот этишини истамайди (2 Петр., III, 9). Агар бирор кимса, худонинг сабри-тоқатини суиистеъмол қилса, худо уни гумдон қилишни буюради.

Хулоса.

6. Шундай қилиб, она қорнидаги ҳаёт бу дунёда яшаш учун тайёргарликдан иборат эканлиги қанчалик рост бўлса, бу дунёда яшаш ҳам абадий давом этадиган у дунёда яшаш учун тайёргарликдан иборат эканлиги шунчалик ростдир. Она қорнида барча органлари яхши шаклланиб туғилган киши бахтлидир, бу дунёдан пок ва баркамол имон билан кетаётган киши минг карра бахтлироқдир.

IV б о б

АБАДИЙ ҲАЁТГА ҚУРИЛАДИГАН ТАЙЁРГАРЛИК УЧ БОСҚИЧДАН ИБОРАТ: ЎЗИНИ ВА ТЕВАРАК-АТРОФДАГИ ОЛАМНИ БИЛИШ, ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ВА ХУДОНИ ТАНИШ.

Инсоннинг асл мақсадидан келиб чиқадиган иккинчи даражали мақсадлари қандай билиб олинади.

1. Шундай қилиб, инсоннинг асл мақсади худонинг марҳаматидан абадий баҳраманд бўлишдир. Бу ўткинчи дунёда яшашдан инсоннинг мақсади нима эканлиги худо инсонни яратиш олдидан ўтказган илоҳий кенгашда айтган сўзларидан кўриниб турибди: «Инсонни, — деган эди худо, — ўзимизга ва ўз қиёфамизга ўхшатиб яратдик ва у денгизда яшайдиган балиқларга ҳам, осмонда учадиган

¹ Инсоннинг ўзини ва тева-рак-атрофдаги оламни билиши, ўз-ўзини бошқариши ёки иккинчи параграфда ай-тилганидек, «инсон бутун оламнинг бошқарувчиси» эканлиги худони таниш, шунингдек, «у дунёга ҳозирлик кўриш» ҳақидаги христианча-илоҳий таълимот билан узвий равишда боғлиқ эмас.

қушларга ҳам, ер юзидаги ҳамма ҳайвонларга ҳам ҳукмронлик қилсин». (Быт. II, 1, 26.)

Инсонда уч хислат бор:

- 1) ақл-идрок
- 2) ўзини идора этиш ва
- 3) худони хушнуд этиш

2. Бундан кўриниб турибдики, инсон ер юзидаги ҳамма жониворлар орасида:

1. Ақл эгасидир.

II. Бошқа мавжудотларга ҳукмронлик қилувчи мавжудотдир.

III. Яратувчисининг қиёфасини (образини) ва шод-хуррамлигини ифодаловчи мавжудотдир.

Инсоннинг бу учала хислати шундай бирлашиб кетганки, уларнинг бирортасидан ҳам воз кечи-б бўлмайди, чунки ҳозирги ва келажак ҳаётнинг пойдевори шуларга асосланади.

Инсон ақл эгасидир дейилишининг маъноси нима?

3. Ақлли мавжудот дейишимизнинг боиси шундаки, инсон ҳамма нарсани (оламни) текшириб ўрганади, нарсаларнинг ҳаммасига ном қўяди ва ҳисоблайди, яъни «Бытия китобида» ай-тилганидек, оламдаги ҳамма нарсаларни билиш, номларини айтиш ва тушуниш имкониятига эгадир. (II, 19). Ёки С о л о м о н таъкидлаб кўрсатганидек «Дунёнинг тузилишини, табиий ҳодиса (офат) ларнинг ҳаракатини, вақтнинг бошланиши, охири ва ўртасини; куннинг узайиши, қисқариши ва йил фаслларининг алмашинуви-ни, йилларнинг такорланиши ва юлдузларнинг ҳолатини; жониворларнинг табиати ва ваҳший ҳайвонларнинг хулқ-олатини; шамолнинг ҳаракати ва одамларнинг фикрини, ўсимликларнинг бир-биридан фарқи ва илдизларининг кучини; қисқача қилиб айтганда яшириниб ётган ва кўриниб турган нарсаларнинг ҳаммасини билиб олиши керак. (Премудр., VII, 17 и пр.) С и н С и х а р о в айтганидек, на кичик, на катта нарсаларнинг бирортасида ҳам бирор нарса ноаниқ бўлмаслиги учун касб-хунарни ўрганиш ва нутқ маданиятини эгаллаб олиш лозим» (Сир., V, 18). Аслини олганда ҳамма нарсанинг тузилиши (асослари)ни тушунган тақдирдагина инсон — ақл эгасидир, деган номга муносиб бўла олади.

Инсон барча мавжудотларнинг ҳукмронидир, дейишнинг маъноси нимада?

4. Ҳамма нарсанинг ҳукмрони бўлиш — ҳар бир нарсани мақсадга мувофиқлаштириб, ундан ўз манфаати йўлида фойдаланиш демакдир, ҳамма жойда ўз қадр-қиммати ва фази-латларига муносиб бўлиш, ўз ўрнини билиш (яъни ёлғиз худони ва унинг фаришталарини ўзидан юқори қўйиш, ҳамкасбларини ўзига тенг кўриш, бошқаларнинг ҳаммасини ўзи-дан паст тутиш), унга берилган афзалликларнинг қадр-қиммати-га етиш; ҳеч бир мавжудотга, ҳатто ўз жисмига (танасига) ҳам хизмат қилмаслик; ҳамма нарсадан ўзи учун бемалол фойдала-ниш, яъни ҳар бир нарсани қаерда, қачон, қандай қилиб ва қай даражада оқилона ишлатишни, ўз танасининг ҳаракатларига қаерда, қачон, қандай қилиб ва қай даражада йўл қўйишни, яқин кишиларига қаерда, қачон, қандай қилиб ва қай даражада ён босиш кераклигини яхши билиши лозим, қисқароқ қилиб айтган-да ўзининг ва бошқаларнинг хатти-ҳаракатларини, шунингдек,

ички ва ташқи ҳаракат ва таъсирни оқилона бошқара оладиган бўлиши керак.

Худонинг қиёфасидир (образидир), дейишнинг маъноси нима?

Бу уч хислат, биринчидан, таълим бериш орқали, иккинчидан яхшилик қилиш ва учинчидан, тақводорлик орқали амалга оширилади.

I. Илмий таълим.

II. Фазилят ёки ахлоқ.

III. Диндорлик ёки тақводорлик.

Илмий таълим — бутун оламни, санъат ва тилларни билиш демакдир; ахлоқ деганда фақат юзаки муомалагина эмас, балки чуқур ички эътиқод, ҳатти-ҳаракатлар, орзу-истаклар ҳам назарда тутилади, тақводорлик эса худога сидқидилдан снгинишдир.

Бу дунёда инсоннинг бутун моҳияти шу уч хислатдан иборат; кишининг бошқа сифатлари иккинчи даражалидир.

Зарарли тўсиқдир. Кимки ортиқча ҳаракат қилиб, жон куйдириб, бу сифатларга эришаман деб уринса, ўзини бекорга овора қилган ва энг муҳим нарсани эсдан чиқариб қўйган ҳисобланади.

Бунинг қуйидаги нарсалар мисолида кўриш мумкин:

1. Соат.

Устидаги ғилофи, ҳайкал шаклидаги тасвирлар, суратлар, олтин безаклар—буларнинг ҳаммаси қўшимча нарсалардир, чунки булар соатни бир оз чиройлироқ кўрсатиши мумкин, лекин унинг моҳиятини (сифатини) ўзгартира олмайди. Агар бирор кимсе соатнинг тўғри юришидан кўра чиройли бўлиши маъқул деса, кулгига қолади, чунки у соатнинг нима учун зарурлигини тушунмаган бўлур эди.)

2. От.

Отнинг қадр-қиммати унинг кучи, ғайрати, чопқирлиги ва чавандознинг бир ишораси билан чопиб (йўртиб) кетишидадир. Отнинг осилиб турган ёки тугиб қўйилган думи, таралиб тикка турган ёли, олтиндан ясалган юган-сувлиғи, кашталиқ ёпиғи эгар-жабдуғи ва турли

5. Ниҳоят, худонинг қиёфаси бўлиш — унинг буюклигини аниқ мужассамлаштириш демакдир. Худонинг ўзи: «Мен сингари табаррук бўлинглар» (Лев, XIX, 2) деган эди.

6. Бундан инсонга нисбатан қўйиладиган қуйидаги асосий талаблар келиб чиқади:

1) ҳамма нарсани билиш;

2) нарсаларни ва ўзини бошқариш;

3) инсонни ва бутун оламни худо яратганини тан олиш; Бу учта талабни қуйидагича ифода-лаш ҳам мумкин:

7. Инсоннинг бутун афзаллиги ҳам ана шу уч хислатда, чунки фақат шу хислатларгина бу ва у дунёдаги ҳаётнинг бирдан бир асосидир. Бошқа сифатлар (саломатлик, куч, чирой, бойлик, шухрат, дўстлик, ишдаги катта муваффақият, узоқ умр) худо берган ҳаётнинг қўшимчаси ва ташқи безагидан бошқа нарса эмас; ёки ошиқча беҳудалик, фойдасиз, оғир юк ва

8. Аниқроқ қилиб айтсак, соатлар (қуёш соати ҳам, автоматик соат ҳам) вақтни ўлчаш учун жуда зарур ва нозик асбобдир. Соатларнинг моҳияти—ҳамма ички қисмларининг бир-бирига мувофиқ ишлашидадир. Унинг

абзаллари уни бир оз кўркемроқ кўрсатади, агар бирор кимса шу ташқи безакларигагина қараб, отнинг қанақалигини аниқламоқчи бўлса, уни нодон деб атаган бўлур эдилар.

3. Саломатлик. Ниҳоят соғлиқнинг яхши бўлиши овқатни тузук ҳазм қилиш ва ички органларнинг нормал ишлашига боғлиқ. Юмшоқ жойда ётиш, яхши кийиниш танқис овқатларни топиб ейиш соғлиқни яхшилашга ёрдам бермайдигина эмас, кўпинча соғлиққа зарар келтиради. Шунинг учун ҳам фойдали нарсаларга эмас, балки ёқимли нарсаларга кўпроқ эътибор берган киши ақлли иш қилмаган бўлиб чиқади. Одам бўламан деб, муҳим хислатларга эътибор бермай, зеб-зийнатларга берилиб кетган киши энг тубан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳаётни эрмак, фойда келтирадиган бозор деб ҳисобловчилар илоҳий китобда нодон ва гуноҳкорлар деб аталган, бундай кишилар худонинг даргоҳидан ва марҳаматидан четда қолади. (Премудр, XV, 12, 19).

Хулоса.

9. Демак, шуни қатъий ёдда тутмоқ керакки, яхши фазилят ва тақводорликни эгаллашга қанчалик ҳаракат қилсак, инсоннинг асл мақсадига шунчалик яқинлашган бўламиз. Шунинг учун ҳам юқорида айтилган уч хислат инсон ҳаётида энг муҳим ҳисобланиши керак, бошқа нарсаларнинг ҳаммаси иккинчи даражали, халақит берадиган, ташқи безакдир.

V боб

ИЛМ, ФАЗИЛАТ ВА ТАҚВОДОРЛИКНИ ЭГАЛЛАШ ИМҚОНИЯТЛАРИНИ БИЗГА ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ИНЪОМ ЭТГАН!

Инсон табиати дастлаб пок бўлган, биз гуноҳкорликдан пок ҳолатга қайтишимиз керак.

I. Табиат деганда биз, инсон ахлоқсизлик қилиб қўйиб, худонинг ғазабига учраганидан кейинги гуноҳкорлик ҳолатини эмас, балки инсон яратилган дастлабки пок ҳолатни назарда тутамиз ва инсон дастлабки пок ҳолатга қайтиши зарур деб ҳисоблаймиз. Лўдвиг Виттес шу маънода: «Христиан бўлиш — шайтон йўлдан оздирган кишининг асл табиий ҳолатга қайтиши, гўё ондан қайта туғилиш эмасми?» (Кн. I «О согласии, о несогласии»)

¹ Айрим лаёқатлар (қобилият нишонлари)нинг туғма бўлиши масаласида Коменскийнинг фикрлари изчил эмас. Бу боб туғма идеялар масаласига бағишланган бўлса ҳам, 9-нчи параграфда Коменский Аристотелнинг инсон руҳи «Ҳали ҳеч хат битилмаган тоза доскага ўхшайди, ваҳоланки унга ҳамма нарсани ёзиш мумкин эди» деган ўхшатишга хайрихоҳлик билдириб, унга асосланади. Шу бобнинг 10-нчи параграфидан мияни, яъни «бу тафаккур устахонаси»ни «муҳр босиладиган ёки кичкина ҳайкалчага ясаладиган мумга» ўхшатишни Коменский «жуда ўринли» деб ҳисоблайди. Шунингдек, VI-бобнинг 5-нчи параграфига ҳам қаранг.

деган эди. Сен еканинг қуйидаги сўзларини ҳам худди шу маънода тушунмоқ лозим: «Табиий ҳолатга қайтиш ва инсон (Одам Ато ва Мома ҳаво) гуноҳ қилиб қўйгач, чиқариб юборилган жойга — жаннатга яна интилиш — донолик бўлур эди». У яна шундай деган эди: «Инсон — кам-кўстсиз эмас, лекин, у ўзининг ким эканлигини билиб, худонинг марҳаматидан баҳраманд бўлишга интилиш учун пок ҳолатга қайта олади. Нуқсони борлиги туфайли ҳеч ким чиқариб юборилган жойига қайтишга ҳаракат қилмайди («Письмо, 93).

Бу нопокни ҳам пок қила оладиган тангрининг қудратидир.

2. Шунингдек, «Табиат» деганда умумий илоҳий тақдир ёки ҳар бир жониворнинг қисмати нима бўлса шуни рўёбга чиқара оладиган тангрининг қудрати ҳам назарда тутилади. Зеро, тангрининг донолиги ҳам шундаки, у ҳеч бир нарсани бекорга яратмайди, яъни у ҳар бир нарсани бирор мақсадни кўзлаб яратар экан, шу мақсадга эриштирадиган воситаларни ҳам муҳайё қилади. Шундай қилиб, мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси нима учундир яратилган (бирор мақсадни кўзлаб яратилган) ва шу мақсадга эришиш учун барча зарур органлар ва ёрдамчи воситаларга эга ҳамда ўша мақсадга қараб маълум даражада интилади. Бу, яъни ўз мақсадига интилиш, монелик ва хоҳишга қарши эмас, балки ҳавас билан, табиий завқ билан бўлади, агар бу интилиш сунъий равишда тўхтатиб қўйилса, азоб-уқубат ва ўлимга олиб келади. Демак, шубҳа йўқки, инсон нарсаларни билиш, яхшилик қилиш, худони ҳаддан ташқари севиш (буни олдинги бобда ҳам кўриб ўтган эдик) га қодир бўлиб туғилган. Ҳар бир дарахтнинг илдизи борлигига шубҳа бўлмаганидек, инсон табиатида ҳам бу уч хислат мавжудлигига ҳеч бир шубҳа бўлмаслиги керак.

Ҳикмат инсонга ато қилган доимий хислатлар:

3. Инсонда мавжуд бўлган донишмандлик, ҳиммат ва дин асосларини бир кўздан кечирайлик. Шунда Сирахнинг ҳикмат инсонга ато қилган доимий хислатлар ҳақидаги гапини ҳам аниқроқ тушуниш мумкин бўлади. (Сир. I, 14). Шундагина, инсоннинг қанчалик оқилона яратилганини билиш мумкин.

1. Нрсаларни билиш қобилияти. Бу худо инсонни ўзига ўхшатиб яратганидан ҳам аниқ кўриниб турибди.

4. Ҳар бир инсон худонинг зоти-зурриёти, қиёфаси бўлгани учун ҳам нарсаларни билиб олишга қодир бўлиб туғилади. Агар у худо зотидан эканлиги аниқ бўлса, унда яратганининг айрим хислатлари бўлмоғи зарур, акс ҳолда у худонинг қиёфаси бўла олмайди. Ҳамма нарсани билиш хислати худонинг энг муҳим фазилатларидан бири бўлгани учун, табиийки, бу хислат маълум даражада инсонга ҳам хосдир. Нега, шундай бўлмас экан? Ўткир ақл эгаси бўлган инсон шарсимон ойна сингари, шубҳасиз, оламда содир бўлаётган воқеаларнинг марказида туради. Хонанинг ўртасига осиб қўйилган шарсимон

ойна атрофидаги нарсаларнинг ҳаммасини ўзида акс эттиради. Шунингдек, инсон ақли ҳам фақат кўриниб турган нарсаларнигина эмас балки олдин бўлиб ўтган ва узоқда жойлашган нарсавоқеаларни ҳам қамраб олади, юксакликларга кўтарилади, сирни ҳам пайқайди, яшириб қўйилган нарсани ҳам топади, ҳатто ақл бовар қилмайдиган нарсаларни ҳам билиб олишга уринади, демак, инсон ақли чексиз ва бепоёндир. Агар инсон ер юзида минг йил умр кўрса ҳам, шу минг йил давомида ҳам узлуксиз қандайдир янгиликларни ўрганар, ниманидир билиб олган бўлар эди; шундан сўнг ҳам инсонда бошқа нарсаларни идрок қилиш имконияти мавжуд бўлур эди. Тубсиз нарса сингари, инсон онгининг қабул қилиш, билиш имкониятлари ҳам чексиздир. Бизнинг жуда кичкина гавдамизнинг сезиш доираси унча катта эмас, овозимиз салгина узоққа боради, кўзимиз осмон гумбази тагидаги нарсаларнигина кўради, лекин ақлни осмон гумбази билан ҳам, унинг нариги ёғи билан ҳам қатъий чегаралаб бўлмайди. Ақл осмондан ҳам юқори кўтарила олади, тубсиз нарсалардан ҳам пастга туша олади, башарти бу нарсалар ўз ўзидан минг қарра баланд ёки пастда бўлса ҳам ақл кўз очиб юмгунча етиб боради. Ақл ҳамма нарсага қодир эмас дея оламизми? Ақл ҳамма нарсани қамраб олмайди дея оламизми?

Кичик олам.

5. Файласуфлар инсонни микрокосм (кичик олам) деб атадилар; инсон тўрт томонда ястаниб ётган бутун олам (макрокосм)ни ўзида мужассамлаштирган. Бунга биз кейинроқ тўхталамиз. Шундай қилиб оламни акс эттирадиган инсон ақли (онги) ни уруғлик билан ёки дон билан таққослаш жуда ўринли бўлур эди, чунки уруғликда дарахт ёки ўсимликнинг шаклини қуриб бўлмаса ҳам, аслида дарахт ёки ўсимлик тушунчаси унда мавжуддир. Уруғлик экилгач, пастга майда илдизлар отади ва юқорига қараб ўсади, тана ва шохчалар чиқаради, барг ёйиб гуллайди ва ҳосил беради, чунки бу уруғликка хос бўлган табиий хислатлардир. Демак, бирср фазилатни ййлаб чиқариб уни инсонга зўрма-зўраки ёпиштиришнинг ҳеч зарурати йўқ, балки инсонда мавжуд бўлган хислатларни аниқламоқ ва ўстирмоқ, уларнинг аҳамиятини кўрсатмоқ лозим. Шунинг учун ҳам Пифагор қуйида гапларни кўп такрорлар эди; ҳамма нарсани билиш инсон табиатига жуда хосдир агар етти ёшлик боладан философияга оид ҳамма масалалар оқилона сўралса, бола ҳамма саволларга жавоб бериши мумкин, чунки ақл-идрок ҳамма нарсани қамраб олишга қодир. Эндликда эса, яъни инсон гуноҳ қилиб қўйгандан сўнг ақл ўз-ўзидан хиралашиб, чалкашиб қолган, у ўзига кела олмай юрибди, ақлни ўстириши лозим бўлган кимсалар эса, аксинча уни баттар хиралаштириб қўймоқдалар.

3. Сизгиларнинг мавжудлиги.

6. Инсонда, ақлнинг (руҳнинг) бу хислатларидан ташқари, кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм ва тери сезгилари мавжуд. Бу органлар воситасида инсон руҳи ташқи оламдаги ҳамма нарсани текшириб

ўрганади, демак, бирор нарсa ҳам (у қаерда бўлишдан қатъи назар) ақл доирасидан четда қолмайди. *Тайқи оламдаги ҳар бир нарсани ё кўриш, ё эшитиш, ё ҳидлаш ёки еб таъмини билиш, ё ушлаб кўриш (сезиш) ва натижада ҳар бир нарсанинг моҳияти ва сифатини аниқлаш мумкин, демак, сезги ва ақл эгаси бўлган инсон оламдаги нарсаларнинг ҳаммасини билиб олиши мумкин*¹.

4. Билиб олишга интилиш.

7. Шунингдек, инсон табиятан ҳамма вақт ниманидир билишга, ўранишга интилади, ҳаракат қилади, бу йўлда инсон ҳатто қийинчиликлардан ҳам қайтмайди (қўрқмайди). Бу хислат кичик болалик давридаёқ бевосита намоён бўлиб, бутун умр бўйи давом этади. Биров билан суҳбатлашишни, бирор нарсани бориб кўришни, бирор янгилик яратишни ким истамайди, дейсиз? Ҳар кун бирор жойга бориш, дилкаш киши билан суҳбатлашиш, ҳасратини унга айтишдан ҳар ким ҳам ҳузур олади. Шуни ҳеч қачон унутмаслик керакки, кўз доимо кўришни, қулоқ эшитишни, терилар эса сезишни, ақл эса билишни қўмсаб туради, тирик одам учун қимирламаслик ва бекорчиликдан кўра қийинроқ нарсa йўқ. Ҳатто жоҳил одамлар ҳам буюк олимларга суқланиб (таажубланиб) қарайди, шунинг ўзиёқ ҳатто уларда ҳам ниманидир билишга табиий интилиш зўр эканлигини кўрсатмайдими? Агар қўлларидан келса, улар ҳам кашфиётлар яратган, янгиликлар очган бўлур эдилар, бундай қилишга қурби етмаганидан улар афсусланади ва ўзидан қобилиятлироқ, устунроқ турадиган кишиларни ҳурматлайди.

Шунинг учун ҳам кўп одамлар ташқи оламни мустақил равишда ҳар томонлама билиб оладилар.

8. Автодидактларнинг² тажрибаси шунни яққол кўрсатиб турибдики, инсон табиятга эргашиб билан ҳамма нарсани билиб олиши мумкин. Ўқитувчилари бўлмаса ҳам баъзилари мустақил ўқиб-ўрганиб ёки Бернград айтганидек ўрмонларда сайр қилиб ва фикр юритиб, қаттиқ қўл ўқитувчидан таълим олганлардан кўра ҳам кўпроқ нарсани билиб олганлар. Бу ҳол ҳақиқатан ҳам инсонда чироқ ҳам, пилик ҳам, мой ҳам, чақмоқтош ва бошқа зарур асбобларнинг ҳаммаси ҳам борлигидан далолат бермайдими? Инсон фақат чақмоқдан учқун чиқариб, шамчироқни ёқса бўлгани, у ўзини ва буюк оламни худо қандай ажойиб қилиб яратганини (ҳамма нарсa миқдори, узун-қисқалиги, оғир-енгиллигига қараб, тартибга солиб қуйилганини) кўра олади. Кишининг ўз кўлидаги (қалбидаги) шамчироқ ёнмасдан, унинг

¹ Бу ерда Коменский оламни билиш масаласида сенсуалистик таълимот (манбаларнинг) аҳамиятини тўла равишда баён этади. Бу таълимотга кўра, инсон сезгилар воситаси билан ташқи оламни билиб олади. Я. А. Коменский «Буюк дидактика»ни ёзишдан олдин Бэконнинг сенсуалистик таълимоти билан танишган эди, шунинг учун ҳам у бу масалада Бэконнинг фикрларига жуда яқинлашиб келади.

² Автодидакт — ўз-ўзидан ўрганган ёки ўқиган одам. (грекча — *авто* ўзи, *διδάσκω* — ўрганиш, ўқиш).

ёнидан бошқа кишилар қилган шамчироқ кўтариб ўтиб кетаётган пайтдаги аҳволини бир тасаввур қилинг: бундай кишининг аҳволи қоронғи аваҳтага қамаб қўйилган кишининг атрофидан машъал ёқиб олиб ўтганга ўхшайди; албатта, қамоқхонанинг тешикларидан ичкарига машъалнинг ёруғлиги унча-мунча тушиб туриши мумкин, лекин у аваҳтанинг ичини равшан қила олмайди. Сенека айтган қуйидаги гаплар ҳам худди шунга ўхшаб кетади: «Ҳамма фанларни ўрганиш имкониятини табиат бизга инъом этган, лекин, худо доно муаллим сингари яшириниб ётган лаёқатларимизни руёбга чиқаради». (О благод, IV. 6)

Инсон ақли:
1) ерга,
2) боққа,
3) хат битилмаган доскага ўхшайди.

9. Инсон ақли таққосланадиган нарсалар ҳам бунни кўрсатиб турибди. Диний муқаддас китобда инсон қалби кўпинча ер билан қиёс қилинади, зотан ерга экилган ҳар турли уруғлик ҳам униб чиқмайдими? Ёки боғда ҳар хил ўтлар, гуллар ва хушбўй ўсимликлар ўстириш мумкин эмасми? Агар боғбон доно ва ҳаракатчан бўлса, албатта, мумкин. Ўсимликлар қанчалик хилма-хил бўлса, боғ шунчалик гўзал, хушбўй ва унда ҳузур қилиб ҳордиқ чиқариш мумкин бўлади. Ар истотель (Арастун) инсон руҳини ҳеч хат битилмаган доскага ўхшатади, ваҳоланки унга истаган нарсани ёзиш мумкин эди. Демак тоза доскага билимдон ёзувчи ўзи хоҳлаган нарсани ёзиши ёки рассом истаган суратини чизиши мумкин бўлганидек, ўқитиш санъатини яхши билган киши инсон онгини хоҳлаганича ривожлантириши мумкин. Амалда шундай бўлмаётган экан, чин гапни айтганда, бу ерда айб доскада эмас (баъзан, мабодо, доска ғадир-будир чиқиб қолмаса) балки хат битаётган ёки сурат чизаётган кишидадир. Булар ўртасидаги фарқ шунда бўлиши мумкинки, чизиқни досканинг фақат четигагина чизиб бориш мумкин, ваҳоланки инсон онгига чексиз равишда ёзиш ва чизиш мумкин, чунки (юқорида айтганимиздек) ақл бепоёндир.

4. Ақл — истаганча муҳр босиш мумкин бўлган мумга ўхшайди.

10. Инсон мияси (бу фикрлар устахонаси) муҳр босиш ёки турли шакллар ясаш мумкин бўлган мумга жуда ўхшайди. Мумни истаган шаклга киритиш, ундан бирор фигурани ясаш ва уни бузиб бошқа истаган фигурани қайта ясаш мумкин бўлганидек, инсон мияси ҳам барча нарсаларнинг образини, бутун оламни акс эттира олади. Бу ўхшатиш инсон тафаккури ва билими нималарга қодир эканлигини ҳам яхши ифодалайди. Кўз кўрган, қулоқ эшитган, ҳидлаб, еб ёки ушлаб кўрилган ҳамма нарсаларнинг изи, образи мияда сақланади, ҳатто бу нарсалар биздан узоқлаштирилса ҳам (агар эътиборсизлик қилинган бўлмаса) унинг образи миямизда қолади, қолмаслиги мумкин ҳам эмас. Масалан, агар бирор кишини кўрган ёки у билан суҳбатлашган бўлсак, ёки бирор жойга сайр қилиб борганда тоғ, дарё, дала, ўрмон, шаҳар ва шунга ўхшаш нарсаларни кўрган бўлсак ёки бирор вақт момақалдиروқнинг гулдирашини, музика овозини бирор кимсанинг нутқини тинглаган бўл-

сак, ёки китобнинг бирор жойини диққат билан ўқиган бўлсак ва ҳоказолар—буларнинг барчаси миямизда акс этади ва ҳар сафар эслаганимизда ўша нарса кўз ўнгимизда тургандек, қулоғимизга эшитилаётгандек, таъми ёки ҳиди келиб тургандек хотирамизда қайта тикланади. Миямиз баъзи таассуротларни бошқаларга нисбатан ажратиброқ, аниқроқ, пухтароқ қабул қилса ҳам, лекин бу нарсанинг ҳар бири у ёки бу даражада идрок этилади, тасаввур қилинади ва хотирада сақланади.

Миямизнинг идрок этиш қобилияти — худонинг кароматидир.

11. Кичкинагина мияни неча миллионлаб образларни идрок эта оладиган қилиб яратган худонинг қудратига тан беришимиз керак. Чунки ҳар биримиз (айниқса, илм-фан аҳллари) шунча йиллар давомида қанча-қанча нарсани кўрганмиз, эшитганмиз, ўқиганмиз, еганмиз, тажрибада ўтказиб, фикр юритганмиз, ҳаётда зарур (керак) бўлгани учун уларни эслаб қолганмиз, буларнинг ҳаммаси, албатта, мияда сақланади; булар қачонлардир кўрилган, эшитилган, китобда ўқилган ва ҳоказо нарсаларнинг образларидир, мияда тўпланган бу образларнинг сони миллион-миллионлардан ҳам ортиқ ва улар чексиз равишда кўпайиб боради, чунки биз ҳар куни қандайдир бирор янгиликни (янги нарсани) кўрамиз, эштамиз, ўқиймиз, текшириб биламиз ва ҳоказо.

Лекин шуларнинг ҳаммаси мияга сиғади. Бу, худой-таоллонинг каромати, ақл бовар қилмайдиган донолик-ку! Соломон (Сулаймон) ҳамма дарёлар денгизга бориб қуйилаётганини, денгиз эса тўлиб-тошиб кетмаётганини кўриб, ҳайратда қолган эди (Эккл., 1,7). Миямизнинг тубсиз эканлиги кимни ажаблантирмайди, ахир у ҳамма нарсани ўз ичига сиғдиради ва қайта тиклай олади, лекин ҳеч қачон тўлиб-тошиб кетмайди, камайиб ҳам қолмайди! Шундай қилиб, инсон ақли аслида ташқи оламдан ҳам буюкроқдир, чунки бирор нарсани ўз ичига жойлаштирадиган буюм жойлашадиган нарсадан каттароқ бўлиши зарур.

12. Ниҳоят, инсон ақлини кўз ёки ойнага таққослаш жуда ўринли бўлур эди. Чунки ойна олдида нимани қўйсак ҳам ва қўйилган буюм қанақа шаклда ва рангда бўлишидан қатъи назар, унинг аниқ тасвири акс этади. Албатта буюмни қоронғи вақтда ойна қаршисига қўйиш, ёки ойнанинг орқа томонига қўйиш бундан мустаснодир, ёки буюм ойнадан ҳаддан ташқари узоқ жойга қўйилса, ёки буюмни қимирлатиб, ойнада акс этишига халақит берилса, ёки хиралаштирилса — албатта бундай пайтлардаги тасвир аниқ (яхши) чиқмайди. Аммо бу ерда гап табиий равишда ойдагина, буюм ойна олдида тўғри қўйилган ҳолат ҳақида бораётир. Маълумки, бирор буюмни кўриш учун кўзни мажбуран очиш ва қарашга ҳеч бир зарурият йўқ, чунки кўз табиатан, ўз-ўзидан ёруғликка қараб очилади (интилади) ва ҳамма нарсани кўради (фақат кўзга кўриниб турган буюмлар жуда кўплик қилиб, идрокни хиралаштириб қўймаса, бўлгани), лекин кўз, ҳеч қачон кўриб тўймайди. Худди шунга ўх-

шаш ақл (онгимиз) ҳам оламдаги нарсаларни билишга муштоқ бўлиб туради, онгимиз, табиатан, ўзи ҳамма нарсани сезиш, идрок қилиш, хотирада сақлаб қолишга мойил; кўп нарсани бирдан ўргатиб қўйилмаса ёки нарсалар кетма-кет ва изчиллик билан идрок этилса, у ҳеч қачон толиқмайди.

Хуш ахлоқлилик илдизи гармониядир.

13. Хушахлоқлилик инсон табиатига хос эканлигини ҳатто бутпарастлар ҳам тушунар эди. Тўғри улар бундан ташқари, худой-таолло ато этган ва мангу ҳаёт учун берилган бошқа бирор рўшнолик, ишончлироқ йўлбошчи борлигини билмас эдилар, лекин улар анча-мунча уриниб, табиий ёруғликнинг ўша шуъласидан ҳам ўзларига машъаллар ясаб олганлар. Масалан, Цицерон бундай деган эди: «Инсон руҳида табиатан яхшилик қилишга мойиллик мавжуд; агар бу фазилатнинг ўсишига имкон берилганда эди табиатнинг ўзи бизни бахтли ҳаётга элтган бўлур эди» (бир оз бўрттириб юборилган!). Ваҳоланки, фақат инсонгина она қорнида парвариш олиб дунёга келади, туғилади, лекин инсон доим бузуқ муҳитда яшайди, гўё инсон гўдаклик даврида-ноқ, деярли она сути эмиш билан бирга хатоликка йўл қўя бошлайди (Туск, 3). Лекин айрим хушахлоқлик фазилатлари инсон табиатида мавжуд эканлигидан қуйидаги икки нарса далолат беради: биринчидан, ҳар қандай киши ҳам гармониядан завқ олади ва иккинчидан, инсон ички жиҳатдан ҳам, ташқи томондан ҳам гармониядан бошқа нарса эмас.¹

Гармония ҳамма вақт инсонга завқ беради, хусусан: кўзга кўринадиган хушбичим нарсалар.

14. Инсоннинг хушбичимлик (гармония) дан завқланиши ва унга астойдил интилиши ҳаммага маълум. Чиройли одамни, хушбичим отни, ажойиб ҳайкални, яхши суратни кўриб, ким завқ олмайди дейсиз? Нега шундай? Шу буюмдаги ранглар ва қисмларнинг бир-бирига уйғунлигидан эмасмикин? Кўриб, кўзимиз қувонишининг табиий боиси ҳам шунда. Шунингдек, музика оҳангини ким севмайди дейсиз? Ва нега шундай?

Музика оҳанги, мазали овқат, мўътадиллик ва ҳатто хушфёзлик.

Хусусан, товушларнинг бир-бирига уйғунлигидан ёқимли оҳанг ҳосил бўлади. Мазали қилиб тайёрланган овқатни ким ёқтирмайди? Бунинг сабаби таъм берадиган моддаларнинг меъёрда бўлишидадир. Ўртача иссиқ-совуқликни, нормал дам олиш ва ҳаракат қилишни ҳар ким ҳам хуш кўради. Нега шундай? Табиатдаги барча мўътадил нарсалар самарали яхши эканлиги ва номўътадил нарсалар зарарли ва ҳалокатга олиб келиши мумкин бўлгани учун эмасмикин? Шунингдек, биз кишиларни ҳам хушфёзлиги, хушмуомалалиги учун яхши

¹ Бу ва кейинги параграфларда «гармония» сўзини Коменский, қадимги юнон файласуфлари сингари, оламдаги нарса ва ҳодиса элементларининг бир-бирига уйғун, мувофиқ ва мос келиши, эстетик завқ берадиган хушбичимлилик маъносига ишлатади. Музика (саводи)даги гармонияни ифодалаш учун Коменский лотинча «consonantia» (оҳангдор) терминидан фойдаланган.

кўрамиз (хатто кўрс кишиларнинг ҳам хушфеъл одамларга ҳаваси келади, лекин улар «ножўя қилиқларни йўқотишга қурбимиз етмайди» деб хушмуомала бўлишга унча интилмайдилар ҳам). Хўш, нега ҳар ким ўзидаги яхши хислатларнинг қадрига етмайди? Инсон табиатида гармония мавжудлигини тушунмасак, демак, биз кўзи очиқ кўрлар эканмиз.

2. Ҳар кимда ҳам гармония мавжуд: а) танасида

15. Шунингдек, инсоннинг ўзида (танасида ҳам, руҳида ҳам) гармония мавжуд. Зеро коинотнинг ўзи ҳам сон-саноксиз қисмлардан моҳирона ясалган буюк соат механизмига ўхшайди, ҳаракатнинг узлуксизлиги ва гармония учун ундаги қисмларнинг бири иккинчисига мувофиқдир. Инсон ҳам худди шунга ўхшайди. Ниҳоят даражада маҳорат билан яратилган инсон танасини юрак ҳаракатга келтиради. Юрак ҳаракат ва ҳаёт манбаидир. Бошқа органлар ҳам юрак ёрдамида ишлайди. Мия тана ҳаракатини бошқарувчи кучдир. У, филдиракни тартиб ва бўшатиб турадиган ишга ўхшаш нервлар ёрдамида турли органлар ҳаракатини тартибга солади. Ички ва ташқи органлар фаолиятининг хилма-хиллиги ҳаракатларнинг мутаносиблигига боғлиқ.

б) руҳида.

16. Шунга ўхшаш, руҳий ҳаракатларда, асосан, айланувчи филдирак — иродадир; иродани ҳаракатга келтирувчи, бошқарувчи восита (ричаг) хоҳиш ва ишқибозликдир. Бирор хатти-ҳаракатнинг воқе бўлиши ёки бўлмаслиги ақлга боғлиқ, чунки нимани, қаерда, қай даражада бажариш ёки бажармаслик зарурлиги ақл билан ўлчаниб аниқланади. Қолган бошқа руҳий ҳаракатлар унча муҳим ҳисобланмайди ва ўз ўзидан бажарилаверади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, агар хоҳиш ва ишқибозликка берилиб кетилмаса ва ақл орзу-ҳавасларни тартибга (меъёрга) солиб турса, гармония ва фазилатларнинг уйғунлиги, яъни (актив) ҳаракат билан пассив ҳолатларнинг мувофиқлиги ҳосил бўлади.

Бузилган гармонияни қайта тиклаш мумкин.

17. Демак, инсонда ҳақиқатан ҳам гармония мавжуд. Биз яхши соат ёки яхши музика асбобини, агар у бузилган ёки тори узилган бўлса улоқтириб ташламаймиз, чунки бундай асбоб ёки соатни сошлаш, тузатиш мумкин. Шунингдек, гуноҳкорлик туфайли хато йўлга кирган одамни ҳам, худонинг хоҳиши билан, маълум тарбиявий воситалар қўллаб, тузатиш мумкин.

Инсонда тақводорлик хислати мавжудлигини қуйидагилар исботлайди:

1. Худонинг моҳияти.

¹ Бу фикрнинг сунъий ва уйдирма эканлиги аниқ. Лекин бу уйдирма фикр воситасида инсоннинг ўсиш ва таълим олиш қобилиятлари чексиз эканлиги ҳақида жуда тийрак, қувноқ ва тўғри гоё баён қилинади. Коменский асарининг бошқа жойларида ҳам ўз фикрларини исботлаш учун илоҳий китобдан ва қадимги замон авторларидан далиллар келтиради.

бу — ҳаммага хос ўзгармас қонундир (Сир., XIII, 19). Худодан бошқа ҳеч нарса инсонга ўхшамагани учун ҳам (худо инсонни ўзига ўхшатиб яратган) инсон, ўзини яратганини ихтиёр этади, унга интилади, фақат, инсон худонинг ким эканлигини яхши билса, бўлгани.

2. Худоларни ҳамма туғма суратда иззат қилади.

19. Маъжусийлар хатто худо сўзини айтишга ўргатилмаган бўлсалар ҳам, фақат табиат таъсирида улар худо бор деган фикрга келганлар, бутларга сажда қилиб, худоларини жуда иззат-ҳурмат қилганлар (қайси худони ва қандай қилиб иззат қилишни билмасалар ҳам). Аристотель бундай деган эди: «Ҳамма одамлар ҳам худо борлигини билади, ҳар ким ҳам бирор илоҳий нарсага эътиқод қилади» («О небе», кн. I, гл. 3). А. Сенека айтганидек: «худоларни иззат қилиш — аввало, уларга ишониш (эътиқот қилиш), қудратига ва шафқатига тан бериш демакдир, чунки усиз ҳеч нарса содир бўлмайди; худо оламни, коинотни яратган ва уни бошқаради, одамларга ғамхўрлик қилади» (Письмо, 96). Ҳаворийлар ҳақидаги китобда («Апостол»да) айтилган ҳикматли сўз ҳам шунга жуда ўхшайди: «Худой-таоллонинг даргоҳидан баҳраманд бўламан деган киши, худо борлигини тан олиб, уни излаганини худо ҳам тақдирлашига инонмоғи лозим» (Евр. XI, 6).

3. Энг юксак бахтга, яъни худого интилиш.

20. Платон (Афлотуб) бундай деган эди: «Худо энг юксак эзгуликдир, у ҳар қанақа субстанция ва табиатдан юқори туради; ҳамма нарса унга қараб интилади» (Платон, в письме). Цицерон ҳам «тақводорликка ўргатадиган биринчи муаллим—худодир» (I. Кн, «О природе богов»), дейиш билан юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Шунинг учун ҳам, Лактанций ибораси билан айтганда, биз инсонни яратган худого, тоат-ибодат қилиш учун туғилганмиз, худони таниб олишимиз, унга эргашишимиз лозим (Кн. 4, гл. 28). Тақводорлик бизни худого яқинлаштиради (бунинг учун худодан миннатдор бўлишимиз керак, дин яъни religio) деган сўз ҳам шундан олинган.

Инсоннинг гуноҳкорлиги туфайли худого интилиш хислати мутлақо йўқолиб кетмайди.

21. Шунинг тан олмоқ керакки, худого, яъни энг юксак бахтга қараб табиий интилиш гуноҳкорлик туфайли камайди, инсон хато йўлга кириб кетди ва у ўз ҳолига қўйилса, ҳеч қачон тўғри йўлга қайтиб кела олмайди. Лекин худонинг меҳри шафқати ва сўзи кимнинг қалбини қайта ёритса, унда худого интилиш янада кучаяди. Давид (Довуд алайҳиссалом) худой-таоллога хитоб қилиб: «Самода менинг сендан бошқа кимим бор! Ерда ҳам фикру ёдимда ўзингсан. Танам ва юрагим дармонсизлашади. Худо—юрагимнинг таянчи, тақдири—азалимдир» (Псал. I, XXII, 25, 26), деган эди.

Демак, тақводор-
ликка интилишга
тўқинлик қилиш—
инсофсизликдир.

22. Биз инсонни гуноҳкорлик ҳолатидан қут-
қариш воситалари туғрисида фикр юритар
эканмиз, мавжуд нопокликни ҳадеб таъна қи-
лавериш ярамайди, чунки бундай қилиш худой-
таоллонинг хоҳиши ва донолигига шак келти-
риш бўлур эди. Гуноҳкорлиги учун Навуходоносордан ин-
соний ақл-идрок кетиб, ваҳшийлик унинг бутун вужудини қоплаб
олган пайтда ҳам, агар у яратганга сизиниб, худой-таоллонинг
амрини бажо келтирса, ҳар ҳолда унга ақл-идрок, ҳатто, подшо-
лик мартабасини ҳам қайтариш имконияти сақланган эди.
(Дан, IV, 23). Шунингдек, инсон ҳам гўё жаннатдан томири
билан суғуриб олиб, чиқариб ташланган дарахтга ўхшайди,
уни қайта экиб, суғорилса, худонинг шафқати билан қуёш нур-
лари ерни қиздирса, у яна ўсиб кетиши мумкин. Ҳатто ин-
сон гуноҳ қилгач, ўлим ҳукми эълон қилингандан кейин ҳам
худо бизга бахт (ҳузур-ҳаловат) ато этишга розилик бериб,
қалбимизга янгидан меҳр-шафқат нишонасини солмадими?
Ахир, гуноҳкор бандаларини нопокликдан нутқариш учун худой-
таолло ўз фарзандини (Исони—М. О. инсонлар ҳузури-
га юбормадими?

Путурдан кетган
Одам-Ато Исога
қарши қуролланма-
са ҳам бўлади.

23. Инсоннинг гуноҳкорлиги ҳақида ҳар доим
шов-шув қиламиз-у, лекин унинг қайта тири-
лиши ҳақида лом-лим демаймиз, бу, динсизлик
ва ноумидликдир. Путурдан кетган Одам Ато-
нинг инсонда қолдирган таъсирини тан оламиз-
у, лекин янги Одам-Ато—Исонинг таъсирини ўрганмаймиз.
Тўғри, «Апостол» барча қайта тирилганлар номидан: «Исо мадад
бергани учун мен ҳамма нарсага қодирман» (Филипп, IV,13), де-
ган эди. Тол ёки тёрн (мевасининг ранги олхўрига ўхшаган бута
ўсимлик) ёки бошқа бирор дарахтга пайванд қилинган қаламча
кўкариб ҳосил бериши мумкин экан, нега энди илдининг ўзига
пайванд қилинса (искана пайванд қилинса) ўсиб, ҳосил берма-
син? «Апостол»да (ҳаворийлар китобида) келтирилган далилни
бунга бир таққослаб кўрайлик-чи (Римл, XI,20): «Агар худой-
таолло ўз фарзандини (Исони—М. О.) инсонлар ҳузури-
қаришга қодир бўлса (Матф, III,9), нега энди худонинг фарзанди
бўлиб яратилган, Исо фарзандим деб ҳисоблаган, тангрининг
рахм-шафқати туфайли пок ҳолатга қайтарилган инсонни яхши
ишларга ундай олмасин?»

Худонинг дарго-
ҳи кенг, унинг мар-
ҳаматидан баҳра-
манд бўлмоқ ло-
зим.

24. Худонинг даргоҳи кенг, у меҳр-шафқатини
инсондан аямайди. Агар инсон Исога ихлос
қўйиб, худой-таоллонинг фарзанди эканлигини
билса, агар биз, инсон—авлод-аждоди билан
жаннатда яшашга муносиб эмас десак, у ҳолда
нега Исо (Христос) болаларни «жаннатнинг гуллари» деб атаган?
Ёки унинг жаннатга бораган киши болалар билан боладек
муомала қилсин (Матф, XVIII,3), деган гапларини қандай ту-
шунмоқ керак? Нега ҳаворийлар китобида («Апостол»да) хрис-

тианларнинг боласи (гарчанд боланинг ота-онасидан биттаси дин-
дор бўлса ҳам) жаннатидир ва улар нопок эмас (I Коринф, VII,
14) деб ҳисобланади? Ҳатто ашаддий гуноҳкорлар ҳақида гап
борганда ҳам «Апостол» бундай дейди: «Сизларнинг ҳам баъзи-
ларингиз худди шундай эдингиз, лекин сиз жаннат сувида чўмил-
дингиз, дилингиз равшан бўлди. Исо пайғамбар сизларни худо
номидан ёрлақад» (I Коринф, VI, II). Шунинг учун ҳам биз
христиан болалари (путурдан кетган Одам-Атонинг аجدодлари
эмас, балки Исонинг муридлари, худой-таоллонинг зоти-зурриё-
ти, пайғамбаримизнинг укалари ва сингиллари) таълим олиши ва
тақводорликни эгаллаши керак, деган талабни қўйсак, бу талаб-
ни бажариш мумкин эмас, дея оладиган киши топилармикан?
Ахир, биз ёввойи зайтун дарахтидан мева олмоқчи эмасмиз, ле-
кин умр дарахтига пайванд қилинган қаламчаларни парвариш
қилсак, ўсиб ҳосил беради.

Хулоса

25. Демак, нопоклик (гуноҳкорлик) инсоннинг
камолотга эришишига тўқинлик қилиши қи-
йин, ундан кўра, худо хоҳласа, инсон учун донолик, хушфеъллик
ва муқаддаслик (тақводорлик) фазилатларини эгаллаб олиш
табиийроқ, осонроқдир. Ахир, ҳар қандай нарса ўзининг асл ҳо-
латига осонлик билан қайта келиши мумкин. Илоҳий китобда ҳам
шу нарса таъкидлаб ўтилган. «Донишмандликни севган ва уни
эгаллаб олишга ҳаракат қилган киши ўз мақсадига эришади;
донишмандлик уни излаганлардан олдинроқ йўлга чиқиб туради.
Эрталабдан уни излаганлар чарчамайди ҳам, чунки у, эшик
олдида турган бўлади» (Премудр, VI, 13,14). Венециялик шоир
Горацийнинг қуйидаги сўзлари ҳаммага маълум: «Агар киши
таълимни қунт билан фақат эшитиб олган тақдирда ҳам қалби
юмшамайдиган қўрс одам топилмаса керак!» (Гораций, Посл, I,
39—40).

VI боб

ИНСОН БУЛИШ УЧУН КИШИ БИЛИМ ОЛИШИ ЗАРУР.

Уруғлик — ме-
ва деган сўз эмас.

1. Илм, ахлоқ, тақводорликни эгаллаш имко-
ниятларини, олдинги бобда кўриб ўтганимиз-
дек, бизга табиатнинг ўзи инъом этган, лекин
бу ҳали илм, фазилат ва тоқводорлик эгаллаб олинди, деган
сўз эмас. Бу хислатлар ибодат қилиш, ўқиш, фаолият нати-
жасида қўлга киритилади. Шунинг учун ҳам кимдир, инсон—
ўқишга қобилиятли мавжудот, деб жуда тўғри таърифла-
ган эди, чунки ўқитилмаса, ҳеч ким ҳақиқий инсон бўла ол-
майди.

Инсонда билим эгаллаш қобилияти мавжуд, лекин у ҳали билим эмас.

худой-таоллонинг ўзигагина хосдир. Фаришталар ва одамларга ўтқир ақл берилди, ақл ёрдамида улар илоҳий нарсаларни ва натижада билим хазиналарини эгаллаб олишлари мумкин. Шунинг учун, фаришталар ҳам инсон сингари сезиб биладилар (I Петр., I. 12; Эфес., III, 10; I Царств., XXII, 20; Иова, I, 6), уларнинг билимлари ҳам инсонники сингари тажрибага асосланади, деган фикр мавжуд.

Инсон бўлиш учун киши билим олиши зарур, бунинг қуйидагилар мисолида кўриш мумкин:

1. (Инсондан) бошқа нарсалар ва жониворлар.

ларни бўлаклаб, пардозлаб териб чиқилган тақдирдагина улардан шу мақсадларда фойдаланиш мумкин. Шунингдек безак учун ишлатиладиган марварид донаси ва қамматбаҳо тошларга ҳам аввало ишлов берилади, пардозланади, силлиқланади. Инсоннинг муҳим эҳтиёжлари учун ишлатиладиган металллар ҳам аввало қазиб чиқарилади, эритилади, тозаланади, турли қолипда қуйилади ва болға билан ясалади. Шундай қилинмаса, унинг ердаги балчиқдан фарқи кам бўлади. Инсон ўсимликлардан озиқ-овқат, ичимлик, дори-дармон сифатида фойдаланади, лекин унинг учун турли ўтлар ва дон экинларини экиш, чопиқ қилиш, ўриб олиш, янчиш, ун қилиб тортиш, туйиб майдалаш лозим, дарахтларни эса — экиб кўкартириш, буташ, тағига гўнг солиш, мевасини йиғиштириб олиш, қуёшга ёйиб қуритиш. . . керак, агар улардан дори-дармон ёки қурилиш материали сифатида фойдаланиладиган бўлса, янада кўпроқ ишлов бериш зарур бўлади. Турли ҳаракатлар қилишга қодир бўлган тирик жониворлар гўё ўзидан ҳамма ишни бажариб кетаверишлари лозим эди-ку. Лекин инсон биз учун яратилган бу ҳайвонлардан фойдаланиш учун, аввало уларни маълум бир ишни бажаришга ўргатиши лозим бўлади. Масалан, от ўз табиятига кўра (табиатан) ҳарбий ишда, ҳўкиз — ер ҳайдашда, эшак — оғир юкларни кўтаришда, ит — ов қилиш ва ўй-жойларни қўриқлашда, лочин ва қарчиғай — қушларни овлашда фойдаланилади. Шунга қарамадан, бу жониворларни машқ қилдириб, шу ишларни бажаришга ўргатилмаса, уларнинг фойдаси жуда кам тегади.

2. Ҳақиқий билиш тўғрисида гап борадиган бўлса, ёлғиз худонинг ўзи ҳамма нарсани бир қарагандаёқ кўриб, билиб олади. Инсон билан фариштага чексизлик ва мангулик сингари бу хислат берилмади, чунки бу фазилатлар

3. Демак, билим олмасдан туриб ва одамдек ҳаракат қилишни (яшашни) ўрганмасдан туриб, ҳақиқий инсон бўлиш тўғрисида ўйлаш ҳам нотўғри бўлур эди. Ҳатто, оламдаги нарсалар инсон учун яратилган бўлса ҳам, у фойдаланишдан олдин бу нарсаларни ўз қўли билан маълум даражада ўзгартиради. Масалан, тошлар ўй, минора, девор, устун ва бошқа иншоотлар қуриш учун яратилган, лекин тош-

2. Инсоннинг гавда тузилиши.

3. Ҳатто инсон жаннатда яшаган вақтида ҳам машқ қилиб ўрганиши лозим бўлган экан, демак: эндиликда гуноҳкорлик (нопоклик) пайтида бу нарса жуда ҳам зарур.

Агар Мома-ҳавонинг тажрибаси кўпроқ бўлганда эди, у илон билан бундай осонгина гаплашавермаган бўлур эди, чунки у илон гапира олмаслигини ва, демак, у алданаётганлигини сезган бўлур эди. Эндиликда эса, яъни гуноҳкорлик ҳолатида инсон билим олиш учун ўқиши (ўрганиши) жуда ҳам зарур. Чунки, инсон туғилганида унинг ақли силлиқ доска сингари тоза бўлади, у гапиришни ҳам билмайди, бошқаларнинг гапини ҳам тушунмайди, бирор ишни қила олмайди ҳам: буларнинг ҳаммасини ўрганиб олиши зарур. Бинобарин, биз буларнинг ҳаммасини жуда катта қийинчилик билан ўрганиб оламиз, чунки нарсаларнинг моҳияти қоронғилашган ва тиллар аралашиб кетган. Бирор кимса, илм-фан йўлида қадимги ва ҳозирги тилларда ёзилган турли манбалардан фойдаланмоқчи бўлса, у бир тилни эмас, балки бир неча тилларни билиши зарур: бунинг устига она тиллар ҳам жуда чалкашиб кетган ва ўз-ўзидан ҳеч нарсани билиб бўлмайди.

4. Тажриба шунинг кўрсатиб турибдики, агар инсон тарбияланмаса, у ҳайвондан ҳеч фарқ қилмайди.

вонларниқидан фарқ қилмаган. Фактларга мурожаат этайлик.

4. Инсоннинг гавдаси меҳнат қилиш учун яратилган. Лекин инсон туғилган пайтда унда фақат меҳнат қилиш лаёқатигина мавжуд бўлади, инсон секин-аста ўтиришни, тикка туришни, юришни, ишлаш учун қўл ҳаракатларини ўрганиб олади. Демак, зарур тайёргарлик машқлари ўтказилмаса, инсон руҳи қандай қилиб ўзидан камолотга эриша олсин? Шунинг учун ҳам ҳамма нарсалар ва жониворлар учун бир хил қонуният мавжуд: улар йўқ нарсадан бошланади, уларнинг моҳияти ҳам, ҳаракатлари ҳам секин-аста камолотга эриша боради. Ахир, камолот жиҳатидан худога яқин турадиган фаришталар ҳам, олдинроқ кўриб ўтганимиздек, бошда жуда оз нарсани билган, лекин секин-аста ажойиб илоҳий ҳикматни ўргана бориб, камолотга эришган.

5. Шунингдек, маълумки, инсон пок ҳолатда яшаган вақтида ҳам жаннатда мактаб мавжуд бўлиб, у, бу мактабда секин-аста камолотга эришиши мумкин эди. Тўғри, жаннатда яратилган кишилар туғилган пайтиданоқ юришни ҳам, гаплашишни ҳам, фикрлашни ҳам билганлар. Лекин Мома-ҳавонинг илон билан қилган суҳбатидан шу нарса маълумки, одамлар нарсаларнинг хусусиятларини тўлиқ билмаганлар ва уни тажрибадан ўрганиб олганлар.

Агар Мома-ҳавонинг тажрибаси кўпроқ бўлганда эди, у илон билан бундай осонгина гаплашавермаган бўлур эди, чунки у илон гапира олмаслигини ва, демак, у алданаётганлигини сезган бўлур эди. Эндиликда эса, яъни гуноҳкорлик ҳолатида инсон билим олиш учун ўқиши (ўрганиши) жуда ҳам зарур. Чунки, инсон туғилганида унинг ақли силлиқ доска сингари тоза бўлади, у гапиришни ҳам билмайди, бошқаларнинг гапини ҳам тушунмайди, бирор ишни қила олмайди ҳам: буларнинг ҳаммасини ўрганиб олиши зарур. Бинобарин, биз буларнинг ҳаммасини жуда катта қийинчилик билан ўрганиб оламиз, чунки нарсаларнинг моҳияти қоронғилашган ва тиллар аралашиб кетган. Бирор кимса, илм-фан йўлида қадимги ва ҳозирги тилларда ёзилган турли манбалардан фойдаланмоқчи бўлса, у бир тилни эмас, балки бир неча тилларни билиши зарур: бунинг устига она тиллар ҳам жуда чалкашиб кетган ва ўз-ўзидан ҳеч нарсани билиб бўлмайди.

6. Шундай ҳоллар ҳам бўлганки, айрим болаларни ёшлиқда ёввойи ҳайвонлар олиб кетиб қолган, ёввойи ҳайвонлар орасида ўсган болалар деярли шу ҳайвонларга ўхшаб қолган. Агар бундай болалар кейинроқ яна одамлар орасига тушиб қолган бўлмаса, уларнинг овози ҳам, қўл, оёқ ҳаракатлари ҳам ваҳший ҳайвонларниқидан фарқ қилмаган. Фактларга мурожаат этайлик.

1540 йилда бўлса керак, ўрмонлар орасида жойлашган гессен қишлоқларидан бирида ота-онасининг эътиборсизлиги натижа-сида уч ёшлик ўғил бола йўқолади. Орадан бир неча йиллар ўтгач, деҳқонлардан бири бўрилар галасида бўрига ўхшамай-диган, яъни тўрт оёқли, лекин юзи одамга ўхшаган қандайдир бир ҳайвонни кўриб қолади. Бу ҳақда гап тарқалгач, шу ернинг бошлиғи овчиларга ўша «ҳайвон»ни тирик тутиб олишни буюради. Уни тутиб олиб, бошлиқ ҳузурига келтирадилар ва сўнгра ландграф Касселскийга олиб борадилар. Князнинг ҳовлисида келтирилгач, у ечилиб қочади, скамейкалар тагига бекиниб, жон-жаҳди билан бўрига ўхшаб «ув»лай бошлади. Князь уни одам-лар орасида асрашни буюради. У секин-аста қўлга ўргана бош-лади, сўнгра ўрнидан туришни, икки оёқлаб юришни ва ниҳоят гапиришни ўрганиб олди, инсон қиёфасига кирди. Шундан сўнг у ўзини бўрилар олиб кетиб, эмизиб катта қилганини ва сўнгра бўрилар билан ов қилганини гапириб берган. М. Дрессер қадимги ва янги тарбия ҳақидаги китобида ана шу воқеа таф-силотини ёзган. Камерарий («Горы», т. I, гл. 75) ҳам бу во-қеани эслатиб ўтади ва шунга жуда ўхшаб кетадиган бошқа бир воқеани ҳам келтиради. А. Гуларцийнинг («Чудеса на-шего века» асарида) ёзишча, 1563 йилда Франциянинг бир неча номдор кишилари овга чиқиб, ўн икки бўрини ўлдирадилар ва ўшанда яланғоч, терилари сарғайиб, жунлари пахмайиб кетган етти ёшлар чамасидаги бир ўғил болани ҳам тўрга тушириб, ушлаб оладилар. Боланинг тирноқлари бургутникига ўхшаб қай-рилиб кетган эди. Бола гапиришни билмас, балки нималардир демоқчи бўлиб тўнғиллар эди. Уни қалъага элтиб, оёқ-қўлларини зўрға кишанлаб олдилар, чунки у ваҳшийлашиб қолган эди. Ле-кин у бир неча кун очликдан қийналгач, юввош бўлиб қолди ва етти ойдан сўнг гапиришни ҳам ўрганиб олди. Одамларга кўр-сатиш учун уни шаҳарма-шаҳар олиб юриб, катта фойда ҳам олдилар. Ниҳоят, бир камбағал аёл уни кўриб ўз бола-си эканлигини таниб ҳам олади. Демак, Платоннинг аса-рида (кн-6, «О законах») айтилган қуйидаги гаплар ҳақиқат-дир: «Инсон, тўғри тарбияланса энг беозор, энг художўй мавжудотдир: агар инсон тарбия кўрмаса ёки ёмон тарбия олса, ер юзидаги ҳайвонлар орасида энг ваҳшийси бўлиб ети-шади».

1. Зехни. паст одамлар ҳам, истеъдодли кишилар ҳам ўрганиши, тарбияланиши керак.

7. Умуман шуни айтиш керакки, билим олиш ҳамма учун зарур. Агар биз одамларнинг хис-лати турлича эканлигига бир назар солсак, уларнинг билим ва тарбия олишлари зарурли-гини тушуниб олган бўлур эдик. Ахир зехни паст одамлардан бу нуқсонни йўқотиш учун уларни кўпроқ ўқитиш зарур десак, ким бу фикрнинг тўғрили-гига шубҳа қилиши мумкин? Аммо, ростини айтганда истеъдо-ли кишиларни ўқитиш ва тарбиялаш ундан кўра ҳам зарурроқ, чунки ўткир ақл бирор фойдали иш билан банд бўлмаса,

қуруқ бекорчи бўлиб қолади ва кишини ҳалокатга олиб ке-лади.

Тупроқ унумдор бўлса, тёрн ва қушқўнмас (тиканли ёввойи ўсимлик) жуда кўп ўсади. Шунингдек, зехни ўткир киши дониш-мандлик ва яхши фазилатларни ўргана бормаса, унинг ақли қу-руқ орзулар билан банд бўлади. Масалан, юриб турган тегирмон тошига ғалла солиб турилмаса, у бир-бирига сийқаланиб, тош-нинг гарди чиқа бошлайди, ҳатто айрим жойлари ўйилиб зарар-ланади, ғижирлаб, чарс-чурс қилиб учқун чиқаради. Худди шун-га ўхшаб, ўткир ақл ҳам бирор муҳим ишга қаратилмаса, ҳеч нарсага арзимайдиган, қуруқ ва зарарли нарсаларга берилиб кетади ва ҳалокатга олиб келади.

2. Бойлар ва кам-бағаллар.

8. Бой кишилар донишманд бўлмаса, кепак еб қорни тўйган чўчқадан фарқ қилмайди, шу-нингдек, камбағалнинг ақли бўлмаса, у оғир юкларни ташийдиган эшакдан нима билан фарқ қилади? Киши қадди-қомати келишган, гўзал бўлса-ю, ўзи жоҳил бўлса, у, патлари чиройли тўтиқўшга ёки кимдир жуда тўғри айтгани-дек, қўрғошиндан ясалган, қилич солиб қўйилган олтин ғилофга ўхшамайдими?

3. Бошлиқлар ва бўйсунувчилар.

9. Қачонлардир одамларни бошқаришни зарур бўладиган кишилар, яъни подшолар, князлар, магистрлар, черков пастирлари ва оламлар шуни унутмаслиги керакки, йўл бошловчига — кўз, таржимон-га — тил, карнайга — овоз, қиличга — тиг қанчалик зарур бўлса, уларга ҳам аввало донишмандликни билиб олиш шунчалик зар-рур. Худди шунингдек, бўйсунувчиларни ҳам ўқитиш, маърифат-ли қилиш лозим, чунки улар мажбур бўлгани ва иложи йўқлиги-дан эмас, балки ўз ҳожиши билан, тартибни сақлаш зарурлигини тушуниб, доно ҳукмдорларга оқилона итоат этишни билиб олсин-лар. Ахир, онгли мавжудотни қўрқитиш, қамаш, калтаклаш йў-ли билан эмас, балки ақл билан бўйсундириш керак. Онгли ра-вишда итоат қилинмаётган экан, демак, бўйсунувчилар худонинг зоти зурриёти номига доғ туширмоқдалар ва одамлар ўртаси-даги муносабатлар, ҳозиргига ўхшаб, зўравонлик ва тартибсиз-ликлардан иборат бўлади.

Демак, ҳеч мус-тақносиз ҳамма би-лим олиши керак.

10. Демак, инсон бўлиб туғилганларнинг ҳам-маси ҳеч шубҳасиз, одам бўлиши учун ва ак-синча ёввойи ҳайвон, ваҳший махлуқ, тепса-тебранмас аҳмоқ бўлиб қолмаслиги учун билим олиши зарур. Бошқалардан устунроқ бўлишнинг сири ҳам кўпроқ ўқиб ўрганишдадир. Демак, бу бобни Премудр китоби-дан олинган қуйидаги сўзлар билан хулосаласак бўлади: «До-нишмандлик ва насихатни назар-писанд қилмайдиган киши — бахтсиздир, бундай киши мақсадига ҳам эриша олмайди, унинг меҳнати ҳам зое кетади, бировга фойдаси ҳам тегмайди» (Пре-мудр., III, 12).

**ИНСОНГА ИЛМ БЕРИШНИ БОЛАЛИК ЧОҒИДАН
БОШЛАМОҚ КЕРАК. УҚИТИШ, ФАҚАТ ЕШЛИК
ИЙЛАРИДАГИНА САМАРАЛИ БУЛАДИ.**

Инсон дарахтга ўхшайди. 1. Бу соҳада инсон билан дарахт бир-бирига ўхшайди. Ҳар ҳолда мевали дарахт (олма, нок, анжир, ток) лар қаровсиз қолдирилган тақдирда ҳам ўсиши мумкин, лекин бундай ҳолатда ўсимлик ёввойилашиб, мевасининг таъми бузилади, мазали ва ширин мева олиш учун эса тажрибали боғбон кўчат ўтқозиши, суғориб, дарахт тагига ишлов бериши, уни бутаб туриши зарур. Бошқа мавжудотлар сингари инсон ҳам ўзи ўсиб улғайиши мумкин, лекин, ҳар ҳолда унга донишмандлик, хушахлоқлик ва тақводорлик қаламчалари авайлаб пайванд қилинмаса, у онгли, доно, хушахлоқ ва тақводор мавжудот бўла олмайди. Дарахт кўчатини ёшлик пайтида пайванд қилиш лозимлигини унутмаслик керак.

Инсонга илм беришни болалик чоғидан бошламоқ керак: сабаби:
1. Умр боқий эмас.

2. Инсонда бунинг учун олти асос бор. Биринчиси, умр боқий эмас, ҳаёт билан видолашишга тўғри келади, лекин қаерда ва қачонлигини ҳеч ким билмайди. Аммо, зарур тайёргарлик кўрмасдан оламдан ўтиш катта хатолик бўлур эдики, сўнгра уни тузатиб ҳам бўлмайди. Шубҳасиз, ҳаёт шунинг учун берилганки, инсон худонинг марҳаматига сазовор бўлади, ёки абадий унинг ғазабига учрайди. Бола она қорнида шаклланиб, туғилган пайтда мабодо унинг бирор аъзоси кам ёки ортиқ бўлса, демак, у, бутун умр бўйи шу нуқсон билан ҳаёт кечирилади. Биз ҳаёт пайтимизда руҳимиз худонинг ҳақ эканлигини танийди ва у билан бирлашиш учун ҳозирлик кўради, мабодо бирор кимса тириклигида бунга эриша олмаса, вафот этгач бунинг учун, ҳатто имкон ҳам, вақт ҳам бўлмайди. Бундай жуда муҳим нарса ҳақида гап бораётгани учун ҳам имиллаш ярамайди, токи ҳеч ким гафлатда қолмасин.

2. Яшаш учун инсон аввало ҳаётга тайёрланган бўлиши керак.

3. Ҳатто тўсатдан ўлим хавфи бўлмаса ҳам, кишининг узоқ умр кўришга ишончи комил бўлса ҳам, барибир ўқишни иложи борида ёшликда, эртарақ бошлаш зарур, чунки инсон ўқиш учун яшамайди, балки ҳаёт кечириш учун ўқийди. Шунинг учун ҳам ёшларни ҳаётга эртарақ тайёрлаш лозим, токи яшашни билиб олмасданоқ ўқишни тўхтатиб қўйишга тўғри келмасин. Бундан ташқари, башарти биров бутун ҳаётини илмга бағишламоқчи бўлса, шуни унутмаслиги лозимки, оламдаги нарсалар чексиз хилма-хил қилиб яратилган ва шунчалик битмас-туғамаски, агар киши Нестордек узоқ умр кўрганда ҳам уларни ўрганиб охирига ета олмаган бўлур эди. У, илоҳий ҳикматнинг хуфий ётган хазиналарини ҳамма жойдан топа ол-

ган ва бахтли турмуш кечириш учун бу воситаларни ишга солган бўлур эди. Демак, инсоннинг оламни билиш қобилиятини ёшликдан ўстирмоқ лозим, чунки у умр бўйи кўп нарсаларни билиб олиши, синаб кўриши ва бажариши зарур.

3. Ҳар нарсани ҳам ёшликда тўғри парвариш қилиш осон бўлади

4. Ҳамма мавжудотлар ёшликда эгилувчан бўлиб, уларни истаган шаклга киритиш мумкин: ўсиб улғайгач, уларни ўзгартириш қийин бўлади. Юмшоқ мумни ясаб бошқа шаклга киритиш унча қийин эмас, лекин мум қотиб қолган бўлса ясаган пайтда майдаланиб кетади. Ниҳолни экиш, кўчат қилиб бошқа жойга ўтқозиш, буташ, истаган томонга букиш мумкин: лекин у ўсиб катта дарахт бўлгач, бундай қилиб бўлмайди. Уқ-ёй ясамоқчи бўлган киши ўсиб турган ёш новдани кесиб олиши лозим: эски, қуриб қолган серкўз ёғочни букиб бўлмайди. Янги тухум бостирилса, жўжа очиб чиқади, эскириб қолган тухумдан жўжа чиқмайди. Чайқовчи семиртириб сотиш учун отни, деҳқон қўш ҳайдашга ўргатиш учун хўкизни, овчи — ов қилишга ўргатиш учун ит ва қарчиғайни, шунингдек, қизикчи — ўйинга ўргатиш учун айикни, ишқибоз одам гап ўргатиш учун зағизғон, қарға, тўтини ёшликдан парвариш қилади: чунки ёш молни семиртириш, қуш ва бошқа жониворларни ёшликда турли ишларни бажаришга ўргатиш осон бўлади: кекса жониворларни ўргатмоқчи бўлган кишининг меҳнати зое кетади.

Шунингдек, инсонни ҳам ёшликда тарбиялаш осон.

5. Юқорида айтилган гаплар инсонга ҳам тўла тааллуқлидир. Сизги органлари орқали нарсаларнинг образини акс эттирадиган инсон мияси мумга ўхшаб, ёшлик пайтида юмшоқ, тоза бўлиб, ҳар нарсани тез идрок этади: сўнгра мия секин-аста қота бошлайди, бирор нарсани эсда қолдириш, тажрибадан кўриб турганимиздек, борган сари қийинлаша боради. Цицероннинг «Болалар жуда кўп нарсаларни тезда ўрганиб олади» деган машҳур ибораси шунга асосланган. Демак, фақат болалик чоғида, мускуллар ҳали унча қотиб қолмаган пайтда қўлни ва бошқа органларни касб-ҳунар ёки бирор бошқа ишни бажаришга ўргатиш осон. Хаттотлик, рассомлик, тикувчилик, темирчилик, музикачилик сингари бирор касбни яхши ўрганамаган деган киши ёшликдан, яъни ҳаёли кучли, бармоқлари юмшоқ пайтидан бу иш билан шуғулланиши керак, акс ҳолда ҳар қанча уринса ҳам уни эгаллай олмайди. Шунингдек, тақводорликни ҳам ёшликдан ҳар кимнинг қалбига сингдириб бориш лозим. Хушахлоқликни ҳар томонлама ўстирмоқчи бўлсак, бу ишни ёшлик даврида бошлаш лозим. Фалсафани чуқур ўрганамаган деган киши илҳоми тўлиб-тошган, ақли ўткир, хотираси кучли пайтда, яъни ёшликда бу ишга меҳр қўйиши зарур. «Элементларни (асосий қоида, бошланғич маълумот) ўрганмоқчи бўлган кекса одам ўзига ярашмаган, кулгили ишга қўл урган бўлур эди; ёшликда ўқиб ўганиш, кексаликда эса унинг ҳузурини кўриш лозим», деган эди Сенека (Письмо, 36).

4. Инсоннинг ўсиб улғайиши учун жуда кўп вақт берилган ва бу вақтни (ёшлик даврини) бекорга ўтказмаслик керак.

6. Инсон билим олсин деб узоқ давом этадиган ёшлик йиллари яратилди, бу даврда кишининг қўлидан бошқа иш келмагани учун ҳам у фақат билим олишга қунт қилсин. Чунки, ҳақиқатда ҳам от, ҳўкиз, фил ва бошқа ҳайвонлар (ҳар қанча гавдаси катта бўлса ҳам) бир-икки йил ичида ўсиб камолотга етади; фақат инсоннинггина ўсиш даври йигирма ёки ўттиз йил давом этади. Агар бирор кимса буни тасодифий ҳол ёки унча аҳамиятга молик эмас, дегудек бўлса, у ўзининг нодонлигини ошкор этган бўлур эди. Наҳотки, худо бошқа жониворларнинг ўсиб катта бўлиши учун зарур бўладиган вақтни тўғри белгилаб бергану, фақат оламнинг ҳукмрони бўлган инсоннинг ўсиб-улғайиши учун янглишиб, бирор мақсадсиз вақтни кўп ажратиб юборган бўлса? Бундан кўра, худо табиатга ён бериб, инсоннинг ўсиб-улғайишини секинлаштириш билан одамнинг билим олиши учун имконият яратган деб ўйлаш тўғрироқ бўлмасмикан? Ахир табиат бир неча ойдаёқ одамдан кўра каттароқ нарсаларни ҳам осонгина ярата олади-ку. Демак, бундан шундай хулоса келиб чиқадики, худоё-таолло инсоннинг ўсиб-улғайиши учун атайлаб кўп вақт бериб бизга мурувват кўрсатди, илмларни ўрганиб олишимиз учун имконият яратди, ёшлик йилларида киши иқтисодий ва сиёсий фаолиятга қобил бўлмаса ҳам бу даврда ўқиб, билим олиб турмушга (ҳатто мангу ҳаётга) яхшироқ, пухтароқ тайёрланишига имкон берди.

5. Ёшлик давридагина билим мустақкам эсда қолади.

7. Фақат ёшлик даврида ўрганиб олинган нарсасига узоқ ва мустақкам эсда сақланади. Бу фикрни юқорида келтирилган мисоллар ҳам тасдиқлайди. Янги идишга нима солинган бўлса, ҳатто идиш синганда ҳам, ўша нарсанинг ҳиди унда сақланади. Ниҳолнинг юқорига, пастга, атрофга қараб ўсган новдалари, агар у қесиб олинмаса, юз йил ўтса ҳам тураверади. Жун дастлаб қанақа буёққа бўялса, ўша рангини доимо сақлайди, уни қайтадан бўяб бўлмайди. Филдиракнинг ёғоч тугини қотиб қолгач, уни қайта тўғрилаш асло мумкин бўлмай қолади. *Шунга ўхшаб, кишининг дастлабки таассуротлари ҳам мустақкам эсда қолади, дастлабки таассуротни унуттиш ҳодисаси инсон ҳаётида жуда камдан-кам учрайди.* Шунинг учун билимни ёшликда ҳақиқий донишмандлик қоидаларига биноан ўрганиш жуда ҳам тўғридир.

6. Нотўғри тарбия олиш жуда хавфли нарса.

8. Ниҳоят, инсон гўдаклик пайтиданоқ тўғри тарбияланиши зарур, бунга эътиборсизлик қилиш жуда хатарли оқибатларга олиб келади. Чунки ташқи сезги органлари ишлай бошлагач, инсон руҳи тинч тура олмайди: ё фойдали бирор иш билан шуғулланади, ёки ёмон кишилар таъсирида бирор бўлмағур, ҳатто зарарли нарсага берилиб кетади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ёшликда ўрганган одатдан воз кечиш ё жуда қийин бў-

лади ёки мутлақо мумкин бўлмайди. Дунё ёвузликлар билан тўла, ҳатто ҳукуматлар ҳам, черков аҳллари ҳам бу офатни тугатишга ожизлик қилаётир, натижада ёвузлик илдиэларини суғуриб ташлаш учун ҳанузгача тузукроқ бир ҳаракат ҳам қилинмаётир.

Хулоса.

9. Шундай қилиб, ҳар ким ўз боласининг бахтли бўлишини, сиёсий ва диний муассасаларнинг бошлиқлари эса барчанинг фаровонлигини истар экан, демак, кишиларни билимдон, хушахлоқ ва тақводор қилиб ўстириш учун ҳамма ўз вақтида зарур чора-тадбирлар кўриши, бу илоҳий дарахтни вақтида экиб кўкартириши, бутаб ва суғориб парвариш қилиши лозим.

VIII боб

УСПИРИНЛАР БИРГА УҚИШЛАРИ КЕРАК, БУНИНГ УЧУН ЭСА МАКТАБЛАР ЗАРУР.

Болаларни тарбиялаш аслида ота-оналарнинг вазифаси.

1. Жаннат гуллари ҳисобланган христиан ёшлари ўрмондаги дарахтлар сингари ўз-ўзидан ўсавермайди, балки улар катталарнинг ёрдамига муҳтож. Шундай экан, ёшларга ғамхўрлик қилиш кимнинг вазифаси эканлигини ҳам аниқ қилиб кўрсатиш лозим. Бу иш аслида ҳаммадан кўра ота-онанинг зиммасига юклатилади, чунки болага ҳаёт бахш этган ота билан она унга донолик, хушахлоқлик ва тақводорликни ҳам ўргатиши лозим. Худоё-таолло айтганидек, Авраам учун бу иш оддий бир табиий одат эди: «Ўз ўғилларига ва уйидагиларига ўзидан кейин ҳам ҳақиқат ва адолат учун худоё-таоллонинг йўлидан четга чиқмасликни васият қилсин деб мен уни танладим» (Быт, XVIII, 19). Худо ота-оналарни шунга даъват этади: «Менинг васиятларимни болаларингга уқтир, уйда ҳам, йўлда ҳам, ухлашга ётаётганингда ҳам, уйқудан турганингда ҳам шу ҳақда гапир» (Второз., VI, 7). Худо Хаворий тили билан айтганки: «Оталар ўз болангизнинг ғашини келтирманг, балки уларни ўқишга, художўйликка ўргатиб, тарбияланг» (Эфес, VI, 4).

Лекин бу ишда ота-оналарга муаллимлар ёрдам беради.

2. Лекин ота-оналар ҳар хил бўлгани ва уларнинг касби турли-туманлиги сабабли ўз боласини тарбиялай олиш қўлидан келадиган ёки ишдан сўнг етарли вақт топиб бола тарбияси билан шуғуллана оладиган ота-оналар жуда кам топилади. Шунинг учун ҳам неча асрлардан буён кўпчилик оилалар ўз болаларини билимли, оғир табиатли махсус кишиларга бериб ўқитиб келмоқдалар. Ёшларни тарбияловчи бундай кишилар одатда устоз, тарбиячи, муаллим, профессор деб атаб келинади, болаларни тўплаб бирга машғулот ўтказиладиган

жойни эса мактаб, ўқув юрти, аудитория, коллегия, гимназия, академия ва ҳоказо деб юритилади.

Мактабларнинг пайдо бўлиши ва кўпайиши.

3. Иосиф Флавийнинг кўрсатишича бурунги замонда биринчи мактабни патриарх СИМ очган ва кейинчалик уни яҳудий мактаби деб атаганлар.¹ Халдейда, айниқса Вавилонда мактаблар кўп бўлиб, уларда турли фанлар, шунингдек, астрономия ҳам ўқитилгани ҳаммага маълум. Кейинчалик (Навуходоносор замонида) Даниил ва унинг шериклари, шунингдек, Мисрда Моисей ҳам ана шу халдея² илмларини ўрганганлар (Дан., 1,20; Деян., VII, 22).

Исроил шаҳарларида, худонинг хоҳиши билан, синагога деб аталган мактаблар пайдо бўлади, уларда қонун ўргатилган. Бу мактаблар Исо пайгамбар замонида ҳам мавжуд бўлиб, Исо ва унинг издошлари (хаворийлари)нинг насиҳатларини кенг ёйиш билан шуҳрат қозонди. Мактаблар очишни Мисрликлардан греклар ўрганиб олди ва греклардан эса римликлар ўрганишди: христианлик кенг ёйилгач, тақводор князь ва епископларнинг сезирлиги, ғамхўрлиги туфайли бу яхши одатни римликлар империянинг ҳамма ерида жорий этдилар. Тарихдан маълумки, Карл Великий (Буюк Карл) бирор мажусий халқни бўйсундириши билан дарҳол епископ ва ўқитувчилар тайинлаб, у ерда ибодатхона ва мактаблар қурдирган. Бошқа христиан императорлари, подшо, князь ва давлат бошлиқлари ҳам ундан намуна олдилар, натижада мактаблар сони шунчалик кўпайиб кетдики, ҳатто уларни санаб чиқиш ҳам қийинлашиб қолди.

Нихоят, ҳамма жойда мактаб очиш зарур, бунинг сабаби:

да ҳам) ёшларни тўплаб (ўқитиш) тарбиялаш учун мактаблар бўлсин.

Бунинг сабаби: 1. Ҳар ишнинг тартиб қондасига риоя қилиш лозим.

4. Ҳар бир христиан давлати бу муқаддас одатни сақлаб қолиш билангина чекланмаслиги, балки янада кенг кўламда давом эттириши лозим, токи, одам яшайдиган ҳар бир обод жойда (пойтахтда ҳам, шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам) ёшларни тўплаб (ўқитиш) тарбиялаш учун мактаблар бўладир.

5. Оламдаги мавжуд тартиб мақташга лойиқдир. Ахир онла бошлиғи хўжалик учун зарур бўладиган нарсаларнинг ҳаммасини ўзи қилишга вақт ҳам, имконият ҳам топмаганидан ҳар хил ҳунармандларга мурожаат этиши мумкин бўлса, нега энди болаларни тарбиялаш масаласида ҳам шу тартибга риоя қилиш мумкин бўлмасин? Ун керак бўлса—тегирмончига; гўшт керак бўлса—қассобга; ичимлик зарур бўлса—дўкондорга, кийим-кечак зарур бўлса—тикувчига, оёқ ки-

¹ Патриарх Симнинг ўзи ҳам, шунингдек, у очган биринчи мактаб ҳам Таврот китобидан олинган афсонадир.
² Халдейлар Сими қабиласидаги халқ бўлиб, вавилонликларга итоат этар эди. «Халдея» сўзи астрономиядан билимдонлиги туфайли машҳур бўлган вавилонлик қоҳинларнинг (жерецларнинг) турдош номи бўлиб қолди.

ими керак бўлса—қосибга; уй қуриш, омов, калит каби нарсалар керак бўлса дурадгор, ғишт терувчи, темирчи, чилангар кэби усталарга мурожаат этилади. Бундан ташқари катта ёшдаги кишиларга илоҳий васиятларни ўргатиш учун ибодатхоналар мавжуд; даъволи масалаларни судда қўриш учун, халқни тўплаш ва уни зарур гаплардан хабардор қилиш учун суд ва йғин ўтказиладиган жойлар бор. Шундай экан, ёшларни ўқитиш учун мактаблар очиш нега мумкин эмас? Ахир ҳатто деҳқонлар ҳам ҳар бири чўчқа ва сигирларини ўзи боқмайди, балки подачига бериб боқтиради, натижада деҳқон ўзининг бошқа ишларини бажариш имкониятига эга бўлади. Бир киши ҳамма нарсга югуравермасдан фақат бир иш билан машғул бўлади, бу эса меҳнатни ва вақтни тежашнинг жуда муҳим усулидир, шундай қилган тақдирдагина бир киши кўпчиликка, кўпчилик эса бир кишига фойда келтира олади.

2. Эҳтиёж.

6. Иккинчидан, эҳтиёж. Ота-оналарнинг баъзиларигина ўз боласини ўқита олиш қобилиятига эга бўлгани ва бу ишга керагича вақт ажрата оладиганлари жуда кам топилгани учун айрим кишилар фақат муаллимлик касбинигина танлаб, болаларни ўқитиш иши билан шуғулланиши ва шу йўл билан жамоадаги ҳамма кишиларнинг ўз боласини ўқитишга бўлган эҳтиёжи қондирилмоғи лозим.

3. Болалар бир-биридан ўрнак олади.

7. Агар ўз боласини ўқитиш ва тарбиялаш қўлидан келадиган ота-оналар топилиб қолган тақдирда ҳам ёшларнинг жуда кўпини бир жойга тўплаб ўқитиш яхшироқ бўлур эди, чунки тузукроқ боланинг ўқиши бошқаларига намуна ва туртки бўлади, натижада ўқитиш иши самарали ва унумли бўлади. Агар бирор ишни буюрсангиз бола уни ҳафсала билан бариш, кўпчилик кетаётган томонга қараб юриш, олдин кетаётган кишининг изидан бориш, орқадан келаётган кишини етказмасликка ҳаракат қилиш одати мутлақо табиий ҳолат-ку.

«Чопқир от молхонадан чиқади кишнаб, Лозимдир бошқа отларга етишмоқ қувлаб».

Айниқса инсон ёшлик даврида эшитганидан кўра кўрган нарсасидан кўпроқ таъсирланади ва кўрганларига тақлид қилади. Агар бирор ишни буюрсангиз бола уни ҳафсала билан бажармайди, агар бирор ишни болага кўрсатиб бажарсангиз, унга шу ишни бажаришни буюрмасангиз ҳам у сизга эргашиб бажараверади.

4. Табиат намунаси шунини тақозо қилади.

8. Нихоят, ўсиб кўпаядиган нарсалар табиатда кўпинча маълум бир жойга тўпланган. Масалан, ўрмонда жуда кўп дарахтлар ўсади, ўтлар далаларда кўкаради, балиқлар сувда урчиб кўпаяди, металллар ер остида жойлашган бўлади. Агар ўрмонда қарағай, кедр ёки дуб дарахтлари ўсиб турган бўлса, одатда бу дарахтларнинг сони жуда тез кўпайиб кетади; бошқа

турдаги дарахтлар эса бу жойда унча яхши ривожланмайди. Олтин моддасига жуда бой бўлган тупроқнинг таркибида бошқа металллар унчалик кўп бўлмайди. Аммо бу ҳақиқат инсон танасига кўпроқ тааллуқлидир: танадаги ҳар бир аъзо албатта, истеъмол қилинган озуқанинг бир қисмини ўзига қабул қилиб олиши керак; лекин ҳар бир орган ўзига керакли овқатни ажратиб олиб ва ўзи қайта ишлаб озиқланмайди, балки гавданинг айрим махсус органлари овқатни қабул қилиб олади, илтиади, ҳазм қилади ва ниҳоят ҳазм қилинган ҳолида бошқа органларга тарқатиб беради. Шу тариқа ошқозон суюқлик ишлаб чиқаради, жигар-қон тайёрлаб беради, юрак-ҳаёт руҳини, мия-жоннинг руҳини тайёрлаб чиқаради: тайёрланган бу нарсалар гавданинг барча органларига тарқалади ва тананинг тириклиги шуларга боғлиқ бўлади.¹ Шундай экан, нега энди устахоналар — касб-ҳунарни, ибодатхоналар — тақводорликни, суд қиладиган жойлар — адолатни ҳимоя қилишни ўргатгани сингари мактаблар донишмандлик нурларини яратиш, уни соф сақлаб кишилик жамияти орасига тарқатиши мумкин эмас?

5. Санъат намунаси ҳам.

9. Ниҳоят, пухта ўйлаб, оқилона иш қилинса, бу ҳолатни механистик санъат соҳасида ҳам кўриш мумкин. Масалан, боғбон ўрмон ёки чакалакзордан ўтаётганида қўчат қилиб экишга роқли ниҳолни учратиш қолса, уни тўғри келган жойга экиб кетавермайди, балки уни ковлаб олиб мевазор боққа элтиб экади ва бошқа қўчатлар қатори уни ҳам парвариш қилади. Шунга ўхшаш, ейиш учун балиқчилик билан шуғулланган киши катта ҳовуз қуриб, у ерда минглаб балиқлар яшаб кўпайиши учун имконият яратади. Мевазор боғ қанчалик катта бўлса, дарахтлар шунчалик яйраб ўсади, шунингдек, ҳовуз қанчалик улкан бўлса, балиқлар шунчалик катта бўлади. Демак, балиқлар махсус ҳовузда, мевали дарахтлар боғда парвариш қилинганидек, ёшларни ўқитиш учун мактаблар очиш зарур.

IX БОБ

ЎГИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАРНИНГ ҲАММАСИ ЎҚИШГА ЖАЛБ ЭТИЛИШИ КЕРАК.

Мактаблар ёшлар учун умумий жой бўлиши лозим.

1. Қуйида айтилган гаплардан шундай хулоса келиб чиқадики, мактабларда фақат бойлар ва аслзодаларнинг болаларинигина эмас, балки умуман ҳаммани, барча шаҳар ва қишлоқ-

¹ Жигарнинг қон ишлаб чиқариши, юракнинг «ҳаёт руҳи»ни, мианинг «жон руҳи» ишлаб чиқариши ҳақидаги тасаввурлар Коменский яшаган даврда фанда мавжуд эди, чунки у даврда физиологик процесслар ҳақидаги тушунчалар метафизик психологиянинг «ҳаёт руҳи», «жон руҳи» каби илмга хилоф тушунча билан аралаштириб юборилган эди.

лардаги оқ суяклар ва оддий халқни ҳам, бойлар ва камбағалларни ҳам, ўғил ва қиз болаларни ҳам ўқитиш керак.

1. Чунки ҳамма худонинг образи намунасида тарбия олиши лозим.

2. Онадан туғилганларнинг ҳаммаси муҳим бир мақсад билан дунёга келади: одам бўлиш, яъни ақл-идрокли, ҳамма мавжудотнинг сарвари бўлиш, яратганнинг образи намунасини аниқ мужассамлаштиришдан иборат. Демак, шунга эришмоқ керакки, ҳамма киши илм-фанни, хушахлоқликни, динни пухта ўзлаштирган ҳолда, бу дунёда яхши ҳаёт кечириб, у дунё учун пухта ҳозирлик кўра оладиган бўлсин. Худо ҳаммага бир хилда бегараздир, бу ҳақда у бир неча марта гувоҳлик берган. Агарда биз фақат айрим кишиларни мактабда ўқитиб ақлни ўстирсак ва бошқаларни бундан маҳрум этсак, ўша одамларгагина эмас, балки худога нисбатан ҳам ноҳақлик қилган бўлур эдик, чунки худо уларни ҳам бандам деган, уларга ҳам ўз образи намунасини берган, шунинг учун худой-таолло ўзининг ҳақ эканлигига шак келтирмасликка, уни севиш ва унга тоат-ибодат қилишга даъват этади. Илм машъаллари қанчалик порлаб турса, шубҳасиз, бу иш шунчалик самарали бўлади. Хусусан, худони қанчалик танисак, уни шунчалик севамир.

2. Ҳамма ўз олдига турган вазифаларни бажаришга тайёрланган бўлиши керак.

3. Тақдиримизга нималар ёзилганини ҳеч ким айта олмайди. Лекин шу нарса бизга жуда яхши аёнки, худой-таолонинг шон-шўхратини улғуловчи буюк одамларни у баъзан энг камбағал, энг мискин, энг жоҳил кишилар орасидан етиштириб чиқарган. Қоинотни ёритиб, ерни иситиб ва унга ҳаёт бахш этаётган, ер юзида яшай олиши, ўсиши, гуллаб мева бериши мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммасига яшаш, ўсиш, гуллаш, мева қилиш имкониятини бераётган осмондаги қуёшдан намуна олайлик.

3. Табиатан зеҳни паст ва ёвуз болаларга айниқса қатъий эътибор берилиши лозим.

4. Баъзи болалар зеҳни паст, анқов бўлиб туғилдилар, лекин бу нарса уларни ўқитиш, тарбиялаш учун тўсиқ бўла олмайди. Бу ҳол инсон ақлини ўстиришнинг универсал йўллари-ни қидириб топишни тақозо қилади. Туғилишдан зеҳни паст, анқовроқ бўлган болаларга кўпроқ эътибор бериб, имкони борича уларнинг фаҳм-фаросати ва ақлини ўстириш зарур.

Бинобарин, таълим-тарбия (cultura) мутлақо таъсир этмайдиган эси паст одам топилмайди. Тешик идишда сув турмаса ҳам, уни тез-тез ювиб турилса, доғи кетиб тоза бўлади, шунга ўхшаш, зеҳни паст, анқов болалар ўқитилса, ҳеч олим бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, характерлари ўзгаради, давлат бошлиқлари ва черков аҳлларига итоат қиладиган бўлади. Бундан ташқари, тажрибадан ҳам маълумки, табиатан бўш ҳисобланган айрим болалар, илм-фанни ўрганиб, истеъдодли одамлардан ҳам ўзиб кетган, чунки шоир жуда тўғри айтганидек, «Ҳормай-толмай қилинган меҳнат ҳаммадан голиб чиқади». Бугина эмас, баъзи-

лар ёшликда жуда соғлом бўлиб, сўнгра касалланиб, ориқлай бошлайди, бошқа бировлар эса, аксинча, ёшликда кўпроқ касал бўлиб, кейинчалик бақувват ва забардаст бўлиб етишади. Худди шундай ҳол ақлий қобилият соҳасида ҳам бўлади: бировларчинг ақли тез ўсади, лекин тез бўшашиб ҳам қолади, кўп ўтмай зехни ҳам анча пасаяди, бошқа бировлар эса, аксинча, ёшликда зехни паст бўлиб, сўнгра фикри очилади, ақли тез ўсиб ривожланади. Мевазор боғда дарахтларни фақат эртапишар хилинигина эмас, балки ёзнинг ўрталарида ва кечроқ етилиб пишадиган хилларини ҳам экиб ўстиришни севамиз, чунки Сирах айтганидек ҳар нарсa ўз вақтида бўлгани маъқул, ҳеч бўлмагандан кўра, кеч бўлса ҳам бўлгани яхши. Нега энди илм боғига фақат истебодли, тез етишадиган ва ҳаракатчан болаларнигина қўймоқчи бўламиз? Келинг, (худой-таолло ақлдан маҳрум этганлардан ташқари) ҳеч кимни таълим ва тарбиядан четда қолдирмайлик.

Шунингдек, хотин-қизларни ҳам ўқитиш керакми?

5. Ожизаларни мактабда мутлақо ўқитмаслик керак, деган фикрни асослаб бўлмайди (ўқиш латин тилида ёки она тилида олиб борилишидан қатъи назар). Хотин-қизлар ҳам худой-таоллонинг образи намунасидир. Улар ҳам жаннатнинг ҳузур-ҳаловатидан баҳраманд бўлиши лозим. Улар ҳам эрлар сингари (кўпинча эрлардан ортиқроқ) ўткир ақл-идрокка эга. Эрлар қатори энг юқори лавозимларни бажаришга сазавор, худонинг хоҳиши билан улар кўпинча халқларга бошчилик қилиб, подшоҳ ва князларга доно маслаҳатлар бериб келадилар, ҳақимлик ва инсонларга фойда келтирадиган бошқа ишларни бажарадилар, ҳатто пайғамбарлик қилиб, поп ва епископларнинг кирдикорларини фoш этиб келмоқдалар. Хўш, нега хотин-қизларга алифбени ўргатамиз-у, сўнгра уларнинг китоб ўқишига йўл қўймаймиз? Уларнинг енгилтаклигидан қўрқганимиз учунми? Аксинча, уларнинг ақлини фойдали нарсалар билан қанчалик кўп банд этсак, енгилтаклик қилиш шунчалик камаяди, чунки енгилтаклик бекорчиликдан келиб чиқади.

Лекин, қанақа эҳтиёткорлик билан?

6. Лекин ўғил болалар сингари, қиз болаларни ўқитиш пайтида ҳам шунча эҳтиёт бўлиш лозимки, улар тўғри келган китобни ўқийвермасинлар (ҳанузгача бу масалага эътиборсизлик билан қараб келинаётганлигидан афсусланишимиз лозим). Улар худо ва дин ҳақида ёзилган китобларни ўқиб, доимо хуш-ахлоқлик фазилатларини ва ҳақиқий тақводорликни ўргана борсинлар.

Бунга қарши айтилган эътирозлар бартараф этилади.

7. Хаворийларнинг қуйидаги сўзларини айтиб ҳеч ким бизга эътироз билдирмаса ҳам бўлади: «Хотинингни ўқит демайман» (I. Тим, II, 12) ёки Ювинелнинг VI сатирасидан олиб айтилган, ҳаммага маълум гапларини рўкач қилмасинлар:

«Майли сен билан никоҳда турган матрона¹ чиройли нутқ сўзлашни билмасин, қисқа энтимемани², жозибали нутқни машқ қилмасин ва ҳамма воқеалардан хабардор бўлмасин».

Ёки Эврипид ҳузурида Ипполит айтган гапларни эътироз сифатида келтирмасалар ҳам бўлади:

«Мен ўқимишли аёлдан нафратланаман. Майли, ҳеч қачон менинг уйимда ўзига керагидан ортиқроқ нарсани биладиган аёл бўлмасин, ахир, ҳатто Киприда ҳам илмга айёрликни жойлаб қўйган».

Бу гаплар бизнинг мақсадимизга асло қарама-қарши эмас деб ҳисоблайман, чунки биз хотин-қизларни бекордан-бекорга (хўжакўрсин учун) ўқитиш керак деб маслаҳат бераётганимиз йўқ, балки хушахлоқлик ва бахтли яшаш учун: айтиқса уларга зарур бўладиган нарсаларни, уй-рўзғор ишларини яхши бажариш, ўзининг эсон-омонлиги, эри, болалари ва оиласининг хотиржамлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш учун ўқиб ўрганишлари зарур деб ҳисоблаймиз.

8. Мабодо бирор киши: агар косиблар, деҳқонлар, ҳаммоллар, ҳатто аёллар ҳам ўқимишли бўлиб кетса, унда аҳвол қандай бўларди, деб эътироз билдирилиши мумкин. Бунга шундай жавоб берамиз. Ёшларга умумий таълим бериш ҳақида қонун чиқарилгудек бўлса, натижада ҳамманинг онгини ўстириш, истаклари, интилиши, ҳатто хатти-ҳаракатларини амалга ошириш учун ҳамма нарсa етарли бўлади, ҳаётда ўзининг барча ҳаракати ва барча интилишларини қаёққа йўналтириш, қандай маромда яшаш ва ҳар кимнинг ўз мавқеини қандай сақлаши кераклигини ҳамма киши билиб олади. Бундан ташқари, ҳамма, ҳатто иш ва меҳнат пайтида ҳам, худонинг сўзи ва ишларини дилига жо қилиб, роҳатланади, таврот ва бошқа яхши китобларни (диний асарларни ўқиб ҳузур қилгач, уларга интилиш яна кучаяди) ўқиш туфайли инсон танаси ва қони учун зарарли бўлган бекорчиликдан қутулади. Бинобарин, шуни мутлақо унутмаслик керакки, улар ҳамма жойда худони ёд этади, унга доимо тоат-ибодат қилади, худога шак келтирмайди, шундай қилиб, бу ғариб умрни кўнгиллироқ ўтказади, охиратни хоҳиш ва катта умид билан кутади. Ахир черковнинг шундай ҳолатда бўлиши биз учун ер юзидаги жаннат эмасми?

¹ Матрона — қадимги римликларда оила бошлиғи сифатида ҳурмат қилинувчи мўътабар аёл.

² Энтимема (тилга олмаслик) — қисқа силлогизм воситаси билан, яъни асослардан бирини тушириб қолдириб хулоса чиқариш усули.

МАКТАБЛАРДА УЎҚИТИШ УНИВЕРСАЛ БУЛИШИ КЕРАК.

Мактабларда ўқитиш ва ўқиш лозим бўлган ҳамма нарса нимадан иборат.

1. Энди мактабларда ҳаммани ҳамма нарсага ўқитиш кераклигини асослаб беришимиз лозим. Лекин бунни, *гўё биз ҳаммадан ҳамма фанлар ва санъатларни (хусусан жуда мукамал ва чуқур) ўрганиб олишни талаб қилаймиз деган маънода тушунмаслик керак.* Бундай талабни қўйишнинг ўзи ҳам ўринсиз бўлур эди ва инсоннинг умри қисқалиги туфайли, ҳеч ким бунни бажара олмайди ҳам. Ахир, фанларнинг ҳар бири (физика, арифметика, геометрия, астрономия... ҳатто қишлоқ хўжалиги ёки боғдорчилик) шунчалик ўсиб ривожланганки, ҳатто ўткир ақл эгаси бўлган кишилар ҳам бир фаннинг назарий масалалари соҳасида фикр юритиб, тажрибалар ўтказмоқчи бўлса, бутун умр бўйи шу фан билангина шуғулланишга тўғри келур эди. Шунинг учун ҳам, масалан, Пифагор умр бўйи фақат арифметика билан, Архимед механика билан, Агрикола кон ишлари (металлургия) билан, Лонголий нотқлик санъати билан (у фақат етук сиперончи бўлишга ҳаркат қилган бўлса ҳам) шуғулланганлар. Лекин ҳар ҳолда, шунинг назарда тутиш ва ҳатто шунга эришиш зарурки, онанан тутилганларнинг ҳаммаси томошабин сифатидагина эмас, шунингдек, бўлажак арбоблар сифатида атрофимизда мавжуд бўлган ва содир бўлаётган барча энг муҳим нарсаларнинг асосий моҳияти, тузилиши ва мақсадини тушуниб олсинлар, ер юзида улар тасаввур қила олмайдиган, унча-мунча фикр юрита олмайдиган, шунингдек, турмушда бирор мақсад учун оқилона фойдалана олмайдиган, мутлақо нотаниш ҳеч нарса бўлмаслиги керак.

Хусусан, бутун инсонга илм-маориф бериш масаласи.

2. Шундай қилиб, ҳеч истисносиз ҳамма вақт шунга интилиш лозимки, мактабда ва мактаб туфайли бутун ҳаётда (умр бўйи):

I. *Фан ва санъат воситасида қобилиятлар тараққий этсин.*

II. *Нутқ такомиллашсин.*

III. *Барча ахлоқ қоидалари асосида одоб ва хушхлоқлик фазилати такомиллашиб брсин.*

IV. *Худой-таоллога сидқи дилдан итоат этилсин.*

Донишмандлик, андиша билан иш қилиш ва тақводорлик.

3. Агар мактаблар юқорида айтилган фазилатларни ёшларга сингдира олса, кимдир жуда тўғри тақидлаб ўтганидек, *мактаблар — одамгарчилик устахонаси* бўла олади. Бу хислатлар: I. Ақл эгаси бўлиш. II. Бутун оламни ва ўзини бошқариш. III. Худой-таоллони шод этиш. Мактаблар кишиларни ақл-идрокли, хушмуомала, художўй қилиб тарбиялаш масаласига астойдил киришган тақдирдагина бу мақсад амалга оширилади.

Бу уч хислатни бир-биридан ажратиш мумкин эмаслигининг исботи:

4. Шунинг учун ҳамма мактабларда бу уч хислатни барча ёшларга ўргатиш зарур. Бунни қуйидагилар асосида исботлайман:

I. *Атрофимиздаги нарсалар.*

II. *Бизнинг ўзимиз.*

III. *Ўта юксаклик тимсоли ҳисобланган Исо — одам қиёфасидаги худо.*

1. *Атрофимиздаги нарсаларнинг ўзаро алоқадорлиги.*

5. Инсонга алоқадор бўлган нарсаларни уч гурппага бўлиш лозим. Биринчиси, ер ва осмон ҳамда жисмлар, булар фақат текшириб ўрганиладиган нарсалардир; иккинчиси, ҳамма жойда содир бўлаётган ажойиб тартиб, инсон доимо ўз хатти-ҳаракатларида табиатдаги бу аниқ тартибга тақлид қилиши, унга эргашиши лозим; ниҳоят учинчиси, худой-таоллонинг марҳамати, унинг бу ва у дунёда кўрсатаётган чексиз меҳру шафқатидир, бу инсонга ҳузур-халоват бағишлайди. Бунга мушарраф бўлиш учун, биринчидан, амалда кўриб, сезиб турган ажойиб-ғаройиб нарсаларни билиб олишни инсонга ўргатиш зарур, иккинчидан, унга нима иш қилиши лозимлигини ўргатиш ва ниҳоят, тангри саховат кўрсатиб, унга муносиб кўрган ноз-неъматларига қаноат қилишни ўргатиш лозим.

2. *Руҳимизнинг моҳиятини эътиборга оламизми ёки тузилиши.*

6. Агар биз ўзимизга бир назар солсак (руҳимизнинг моҳиятини эътиборга оламизми ёки нима мақсадда яратилганимиз ва ер юзига келиб қолганимизни назарда тутамизми), бари бир, илм, ахлоқ ва тақводорлик ҳаммага хос бўлган хислат эканлигини кўрамиз.

7. *Руҳимизнинг моҳияти уч нарсадан: ақл, ирода ва хотирадан иборат бўлиб,* мавжуд уч хислатни эслатади. Ақл нарсалар ўртасидаги тафовутларни (энг кичик фарқни ҳам) билиб олишга хизмат қилади, ирода фойдали нарсаларни ажратиб олиш ва зарар келтирадиганларини рад этишга интилади, хотира эса инсон ақл ва ирода ёрдамида бошдан кечирганларини кейинчалик яна фойдаланиши учун эсда сақлайди, руҳимизнинг худога тобе эканлигини ва унинг вазифаларини эслатиб туради, шу маънода хотира виждон деб ҳам юритилади.¹ Ақл, ирода, виждон кўрсатилган бу вазифаларни яхшироқ бажариши учун ақлни ўстириш, иродани бошқариш, виждонни уйғотиш жуда зарур, бунинг натижасида ақл нарсаларни аниқ билиб оладиган бўлсин, ирода ажратиб олишда хатоликка йўл қўймасин, виждон ҳамма нарсани худой-таоллога ҳавола қилсин. Демак, ягона руҳимизнинг

¹ Бэкон Веруламскийнинг асарларида ҳам хотира учта асосий руҳий қобилиятнинг бири сифатида талқин қилинади. Лекин Бэкон фанларни яратиш учун руҳий қобилиятларнинг аҳамияти ва ролини классификация қилган эди. Бэконнинг фикрича, тарих фанлари хотира билан бир қаторда, ақл ва фантазияга ҳам асосланади. Хотиранинг вазифасини «руҳнинг худога тобе эканлигини ва унинг вазифаларини» эслатиб туришдан иборат деб ҳисоблаш мутлақо асоссиз диний изоҳлашнинг бир кўринишидир, бундай ҳолатлар Коменскийда жуда кўп учрайди.

бу уч қобилияти (ақл, ирода, виждон) ни бир-биридан ажратиб бўлмаганидек, руҳимизнинг ташқи беағи ҳисобланган илм, фазилат ва тақводорликни ҳам бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Оламда яратилишимиздан мақсад.

хизмат қилиш, ҳамда худонинг, одамларнинг ва ўзимизнинг хурсандчилигимиздан лаззатланишдир.

1) Худога, яқин кишиларга ва ўзига хизмат қилиш.

ахлоқни, ўзимизга фойда келтириш учун билимни эгаллаб олишимиз лозим. Тўғри, буларнинг ҳаммаси ўзаро шундай бирлашиб кетганки, инсон ўзига фойда келтириш учун ақлли бўлибгина қолмасдан, хушахлоқ ва художўй ҳам бўлиши зарур, шунингдек, яқин кишиларимизнинг бахт-саодати учун фақат яхши хулқимизгина эмас, балки билим ва тақводорлигимиз ҳам хизмат қилиши керак, худой-таоллога тоат-ибодат қилиш учун тақводорликнинг ўзигина етарли эмас, балки билим ва яхши хулқ талаб этилади.

2) Мавжуд уч хил лаззатдан баҳраманд бўлиш.

бундан ташқари, жаннатнинг ҳузур-ҳаловатини ҳам инсон учун яратди ва ниҳоят охиратда ўз даргоҳидан баҳраманд қилишни амр этди.

11. Ҳузур-ҳаловат деганда жисмоний лаззатни эмас (у тананинг соғломлигини, тўйиб овқатланиш ва мириқиб ухлаш, мўътадил фазилатлар билан боғлиқ бўлса ҳам), балки ё атрофдаги нарсалардан, ё ўзимиздан, ёки худой-таоллодан мамнунлигимиздан келиб чиқадиган руҳий лаззатни англамоқ лозим.

а) Нрсалардан лаззатланиш.

12. Донишманднинг бирор нарса тўғрисида юритган фикридан қаноат ҳосил қилиши нарсаларнинг ўзидан олинадиган лаззатдир. Ахир донишманд нима билан шуғулланмасин, нимага диққат қилиб қарамасин, нима устида фикр юритмасин, ҳамма жойда ва бу нарсаларнинг ҳаммасида жуда кучли лаззат берадиган гўзалликни кўра билади, у кўпинча шу нарсага ҳаддан ташқари берилиб кетиб, ўзини ҳам унутиб қўяди, «Премудрость» китоби худди шундан гувоҳлик беради: «Донишмандликда қаҳрлилик бўлмайди, донолик билан қайғу бирга яшай олмайди, балки хурсандчилик ва қувноқлик у билан бирга бўлади» (Премудр., VIII, 16). Бутпараст донишманд айтганки, «Ҳаётда фалсафа билан шуғулланишдан кўра кўнгиллироқ нарса йўқ».

б) Ўзидан мамнунлик.

13. Ўзидан мамнун бўлиш — киши яхши ишлар қилганидан, ўзининг яхши хулқ-атворидан хурсанд бўлиб, чексиз лаззатланишдир. У адолат

тақозо қилган нарсаларнинг ҳаммасини бажаришга ўзини тайёр деб ҳис этади. Бу хурсандчилик нарсалардан лаззатланишдан кўра анча юксак туради: виждоннинг софлиги — узлуксиз базмдир¹.

в) Худодан мамнунлик.

14. Худой-таоллодан мамнун бўлиш ҳаётда хурсандчиликнинг энг юксак босқичидир. Киши худонинг чексиз раҳму шафқатини сезиб, ундан шунчалик шод-хуррам бўладики, бутун қалб ҳароратини худога қаратади, ўзини худо йўлига бағишлашдан бошқа нарсани ҳаёлига ҳам келтирмайди, тани ором олади, охиратнинг фароғатини кўз олдида келтириб ҳузур қилади. Бу, худой-таоллонинг марҳаматидан хотиржам бўлиш демакдир (Филипп., IV, 7), бундан ортиқ ҳеч нарсани ўйлаш ҳам, орзу қилиш ҳам мумкин эмас. Демак, инсонда мавжуд бўлган уч хислат: илм, фазилат, тақводорлик энг юксак ҳузур-ҳаловатнинг битмас-туганмас манбаи ҳисобланади.

3. Юксаклик тимсоли ҳисобланган Исонинг намунаси.

15. Ниҳоят, ҳар нарсага қудрати етадиган худой-таоллонинг асл фарзанди бўлган Исонинг намунаси шуни кўрсатиб турибдики, бу уч хислат ҳаммада ва ҳар кимсада бўлиши зарур. Ахир, Инжилнинг муаллифи ҳаётнинг ҳузур-ҳаловатини кўриш билан бирга донишмандликнинг, худой-таолло ва одамларни севишнинг ҳам ҳузур-ҳаловатини кўрганлигидан гувоҳлик беради (Лука, II, 52). Инсонни бахтли қилиб турган уч хислат ҳам шу. Ахир, донишмандлик ҳамма нарсалар қандай яратилган бўлса, уни шундайлигича англаш эмасми? Агар кишининг характери ёқимли, хушахлоқ бўлмаса, унинг нимасини ҳам севиш мумкин? Агар киши худодан ҳайиқмаса, яъни тақводорликни сидқи дилдан бажо келтирмаса, худой-таолло унинг нимасига ҳам раҳм-шафқат қилсин? Демак, юксаклик тимсоли ҳисобланган Исо пайғамбарнинг хислатлари ўзимизда мавжудлигини билиб олишимиз ва унга эргашишимиз лозим.

16. Шунинг учун ҳам у «Мендан намуна олинг», — деган (Матф., XI, 29). Исо инсонлар орасига энг билимдон муаллим, энг муқаддас барахман, энг қудратли подшоҳ сифатида юборилгани учун ҳам христианларга Исодан намуна олиб таълим бермоқ лозим ва уларни ақлий жиҳатдан ўсган, пок виждонли, ҳар қайсиси ҳам ўз ишининг кўзини биладиган қилиб етиштириш керак. Демак, мактаблар инсонни иложи борида Исо пайғамбарга ўхшашроқ қилиб тарбиялаб етиштирган тақдирдагина ҳақиқий христианча мактаблар бўла олади.

Бахтсизлик.

17. Шунинг учун ҳам агар бу уч хислат бири билан ўзаро мустаҳкам боғлиқ бўлмаса, катта бахтсизлик ҳисобланади. Ахлоқ ва тақводорликни эгалламаган кимса бахтсиздир. Ахир, ахлоқсиз кишининг илми кимга

¹ Базмда узлуксиз қатнашиш билан тенг.

ҳам керак? Илмига амал қилмаган мулладан устига китоб ортилган эшак афзал (қадимги мақол). Демак, ҳусни гўзал-у, лекин хулқ бузуқ аёл ҳақида Соломон айтган гаплар илми бор-у, лекин одоби йўқ кишиларга ҳам тааллуқлидир: «Фазилатсиз кишининг билими чўчқанинг бурнига тақилган олтин сирғага ўхшайди» (Притч., XI, 5). Қимматбаҳо тошлар қўрғошин билан эмас, балки хушрўй қиладиган олтин билан безатилганидек, билим ҳам бадахлоқлик билан эмас, балки яхши фазилатлар билан бирга бўлиши лозим, шундагина билимнинг ҳам, яхши фазилатнинг ҳам қадри ортади. Буларга ҳақиқий тақводорлик ҳам қўшилса, камолот вужудга келади. Худодан ҳайиқиш доноликнинг боши ва охири бўлганидек, билимнинг ҳам хулосаси ва энг юқори чўққиси ҳисобланади, чунки ҳикматнинг буюклиги худодан қўрқишдир (Притч., I Сир., I ва бошқалар).

Хулоса. 18. Қисқача қилиб айтганда, кишининг келгу-сидаги ҳаёти ёшлик даврига ва тарбиясига боғлиқ бўлганидек, агар ҳамма кишиларнинг руҳи ҳаётда учрайдиган нарсаларга олдиндан ҳозирлаб қўйилмаса, мақсадга эришиб бўлмайди. Демак, она қорнида ҳар кимнинг ҳам барча аъзолари: қўллари, оёқлари, тили кабилари шаклланиганидек, гарчи ҳамма бирдек косиб, чопағон, мирза, нотиқ бўлмаса ҳам, мактабларда ва турмушда айрим кишиларга бир хил нарса, бошқаларига эса бошқа хил нарсалар зарур ва фойдалироқ бўлса ҳам, ҳаммага, инсонга тааллуқли бўлган илмларнинг ҳаммасини ўргатиш лозим.

XI боб

ЎЗ ВАЗИФАСИНИ ТЎЛА БАЖАРАЕТГАН МАКТАБЛАР ҲАМУЗГАЧА ЙЎҚ ЭДИ.

Қандай мактаб
ўз вазифасини тў-
лиқ бажара олади?

1. Менинг мағрурона эшитиладиган бу гапим жуда одобсизлик бўлиб туюлса керак. Лекин ишнинг ўзини гувоҳликка чақирайлик, майли китобхон ҳукм чиқарувчи судья бўлсин, мен эса фақат ижро этувчи шахс ролини бажара қолай.

Одамгарчиликни ўргатувчи ҳақиқий устахона бўла оладиган мактабнигина мен ўз вазифасини тўлиқ бажара олади деб ҳисоблайман, демак, бундай мактабларда барча ҳодисалар ва дунё сирларини тезроқ билиш учун ўқувчиларнинг онги донолик нурин билан ёритилади («Премудрость», VII, 17), уларнинг руҳи ва ҳаракатлари фазилатларнинг умумий гармониясини эгаллаш йўлига солади, қалби эса илоҳий муҳаббат билан тўлиб-тошади. Христиан мактаблари донишмандликни ўргатсин деган кишиларнинг ҳаммаси шунга астойдил киришишлари лозимки, токи болалар ер юзида у дунёдагидек яшай олсинлар. Бир сўз билан ёритилади («Премудрость», VII, 17), уларнинг руҳи ва ўргатсин.

Мактабларнинг
шундай бўлиши за-
рурлиги, лекин
уларнинг шундай
эмаслиги исботла-
нади.

1. Доктор Лю- тернинг истаклари.

Қатори, қуйидаги икки истакни ҳам билдиради: биринчидан, ҳамма шаҳарларда, қишлоқларда ва аҳоли яшайдиган бошқа жойларда ўғил ва қиз болаларнинг ҳаммасини ўқитиш учун мактаблар очилсин (бунинг зарурлигини биз IX бобда асослаб берган эдик), ҳатто деҳқон ва косиблар ҳам ҳар куни камида икки соат мактабга келиб, илмларини, яхши хулқ ва динни ўрганишсин; иккинчидан эса, энг осон усул билан ўқитилсин (токи), ўқитиш усули болани илмдан бездирмасин, балки фанга қизиқишини кучайтирсин. Болалар, у айтганидек, куни билан қиличбозлик, пойга ёки ёнғоқ ўйнаб қанчалик завқлансалар ўқийшдан ҳам шунчалик қаноатлансинлар. Лютер шундай деган.

2. Нарсаларнинг ўзи гувоҳлик бе-
ради.
4. Бу фикр ҳақиқатан ҳам оқилона ва шундай буюк, донишмандга хос эмасми? Лекин бу нарса ҳанузгача фақат орзу-истак бўлиб қол-
маяптими? Қани ўша универсал мактаблар? Қани ўша қизиқ-
тирган метод?¹

1) Мактаблар
ҳали ҳамма жойда
очилгани йўқ.

2) Ҳатто мак-
таблар бор жой-
ларда ҳам унда
ҳамманинг боласи
ўқий олмайди.

5. Амалда бунинг тескарисини кўриб туриб-
миз, чунки айрим жамоалардагина мактаблар
бор, кўп жойларда ҳали мактаб очилгани ҳам
йўқ.

6. Лекин мактаблар мавжуд бўлган жойларда
ҳам ҳамманинг боласи унга келиб ўқий олмай-
ди, балки фақат айрим кишиларнинг, яъни ба-
давлат кишиларнинг болаларигина ўқий олади.

Чунки мактабга қатнаш анчагина чиқимдор
бўлиши билан боғлиқдир, камбағалларнинг эса бундай чиқимлар-
ни тўлашга қурби етмайди, шунинг учун ҳам улар мабодо бирор
тасодиф билан, масалан, кимнингдир хайр-саховати туфайлиги-
на боласини ўқитмаса, бошқа йўл билан ўқита олмайди. Ваҳо-
ланки камбағаллар орасида ҳам ўтқир қобилиятли кишилар

¹ Лютер меҳнаткаш халқнинг революцион ҳаракатидан чўчиб, эксплуа-
таторлар томонига ўтиб олди ва умумий таълим ҳақидаги фикрларидан воз
кечиб, ҳаммага ибодат қилишни албатта ўргатиш кераклигини тарғиб қилди.

бўлиб, бахтга қарши, бундай ноқулай таълим-тарбия система-си туфайли, ажойиб талантлар руёбга чиқмай қолаётган бўли-ши эҳтимолдан узоқ эмас.

3) Мактаблар дилхушлик билан машғулот ўткази-ладиган жой эмас, балки болаларни эзиб қўядиган кор-хонадир.

4) Ҳеч қаерда ҳамма нарсa, ҳатто энг муҳим нарсa-лар ҳам ўргатил-майди.

уларга қалбаки, нотўғри билимлар ўргатилар эди. Чунки ўрга-тилиши жуда зарур бўлган нарсалар, яъни тақводорлик ва ҳуш-ахлоқлик, одатда, эътибордан четда қоларди. Бу масалага ҳамма мактабларда (ҳатто инсон маданиятининг энг юксак чўққиси ҳисобланиши лозим бўлган академияларда ҳам) кам эътибор берилган. Шунинг учун ҳам мактабларни битириб чиқа-ётганлар, кўпинча, беозор фаришталар эмас, балки ўргатилма-ган эшак ва ёввойи, ўжар хачир бўлиб етишар, яхшилиқ қилишга мойил бўлган характерни эгаллаш ўрнига, фақат қалбаки муома-ла қилишни, кўзни алдайдиган қандайдир серхашам бегона кийим кийишни ўрганиб чиқар эдилар. Ростини айтганда, мак-табда тиллар ва санъатларни ўрганиш туфайли сиртдан беками-кўст кўринган бу разил одамлар мўътадиллик, софлик, камтар-лик, инсонпарварлик, жиддийлик, (сабр-тоқат), тақводорлик борасида бошқаларга намуна бўлишни ўйлармикан? Ахир, мак-табларда бу ҳақда оғиз ҳам очилмаса, улар, қаердан ҳам буни хаёлларига келтирсинлар? Буни деярли ҳамма тоифадаги киши-ларнинг интизомсизлиги ва, ниҳоят, кўпчилик диёнатли киши-ларнинг сон-саноксиз арз-доди, ҳасрат-надомати ва кўз ёшлари исботлаб турибди. Мактабларнинг ҳозирги аҳволини биров маъ-қуллай олармикан? Болаларга фақат илм ўргатиш билангина чекланиб, уларга яшашни (ҳаётни) ўргатишни эсдан ҳам чиқа-риб қўйганмиз, бу, албатта, ота-боболаримиздан қолиб келаёт-ган касаллик. Мактаблар шу касалликка мубтало бўлгани учун фақат билим ўргатиш билангина чекланиб қолмоқда.

5) Эркин ўқи-тиш эмас, балки мажбуран ўқитиш усули қўлланилади.

7. Сўнгра ёшларни ўқитиш учун кўпинча шун-дай қийин усуллар қўлланиладики, натижада бола мактабга боришдан безийди, ўқишдан бирон ақлий манфаат ҳам кўрмайди. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг кўпчилиги илм ва китоблардан нафратланиб, мактабдан кўра устахонага бориб косибдан ҳунар ўрганишни ёки бошқа бирор иш билан шуғулланишни афзал кўрадилар.

8. Мактабда ўқишни давом эттирганлар эса (отаси ёки бошқа бирор яқин кишисининг изми биланми ёки илм олиб қачондир юқори мар-табага эришиш умиди биланми ёки илм-фанга табиатан қизиқиши кучли бўлгани учунми) эътибор бериб, тузукроқ ўқитилмас, балки

9. Лекин ўша билим ҳам қайси усулда ва қан-дай қилиб ўргатилган? Киши ҳеч шубҳасиз, бир йилда билиб олиши мумкин бўлган нарсa-лар ўқувчига беш, ўн-ўндан ҳам кўпроқ йилда ўргатилган. Боланинг онги секин-аста ўзлаш-

тириб олиши мумкин бўлган нарсалар унга бирданига ўргатила-ди, зўрма-зўраки тушунтирилади, ҳатто уриб мажбуран ўқитила-ди. Кўрсатиб ва аниқ тушунтириш мумкин бўлган нарсалар чигал топишмоқлар сингари мавҳум, чалкаш, пойма-пой қилиб ўргати-лади.

6) Реал билим-лардан кўра кўп-роқ қуруқ сафсата-бозликка эътибор берилади.

7) Латин тилини ўрганишнинг ўзи қанчалик қийин ва мураккаб.

10. Нарсаларнинг асл моҳияти тўғрисидаги билимларни болалар онгига сингдираётган мактабни бирон жойдан топиш амримаҳол. Буни тан олмай бўладими? Кўпинча болалар онги бемаъни сўзлар, (ёлғон-яшиқ, разил ва за-рарли фикрлар) билан заҳарланиб келмоқда. 11. Худо ҳаққи, ҳатто биргина латин тилини ўрганишнинг ўзиёқ қанчалик қийин, мураккаб ва чўзилиб кетган! Ошхонада ишлаётган ошпаз, карвонда хизмат қилаётган киши мастеровой (фабрика-завод ишчиси) буларнинг барчаси ўз вазифасини бажара туриб ёки аскарлар юриш қилганда улар билан бирга бўлиб, чет тили (ҳатто, икки, учта тилини), мактаб ўқувчиси бутун вақтини сарфлаб ва зўр бериб биргина латин ти-лини ўрганганидан кўра тезроқ ўрганиб олади. Шунда ҳам мак-таб ўқувчисидан кўра кўпроқ билишади. Улар бир неча ойдан сўнг ўзларига зарур нарсалар ҳақида хорижий тилда бемалол сафсата отаверади, ўқувчилар эса ўн беш йил ёки ҳатто йигирма йилдан кейин латин тилида унча-мунча гапира оладиган бўлади, шунда ҳам кўпинча қўлтиқтаёқдан, грамматика ва луғат китоб-ларидан фойдаланиб, иккаланиб, тутилиб-тутилиб гапирадилар. Нотўғри усул қўлланиш натижасидагина вақт ва меҳнат ана шундай бекорга сарф қилинади.

Бу ҳақда док-тор. Любиннинг ачиниши.

12. Бу ҳақда богословие (Илоҳиёт) докто-ри Ростокдаги университетнинг профессори Эйльгард Любин қуйидаги ҳаққоний гап-ларни ёзган: «Болаларни ўқитишда қўлланиб келинаётган усул, менинг назаримда, жўрттага бирор ноқобил кишига хизмат ҳаққисини тўлаб, ўқитиш усулини ўйлаб топиш буюрилган-у, муаллимлар ана шу усул билан ўз ўқувчиларига латин тилини ўргатиб келмоқда, ўқувчилар эса ҳаддан ташқари машаққат чекиб, нафратланиб, тинкаси қуриб, жуда кўп вақт сарфлаб, уни зўрга ўзлаштириб олмоқда. Ҳар гал шу ҳақда ўй-лаб фикр юритганимда сесканиб кетиб, ваҳимага тушаман. Бир оз кейинроқ эса: «Тан олишим лозимки, бу ҳақда ўйлаган пайт-ларимда бир неча марта бу усулни қандайдир ёвуз ниятли, ҳа-садчи гений-инсониятнинг душмани ўйлаб топиб, мактабларга жорий этган бўлса керак деган фикрга ва қатъий қарорга кел-ганман». Мен гувоҳ сифатида келтирмоқчи бўлган кишилардан бири ана шу гапларни айтган.

Авторнинг гувоҳ-лиги.

13. Гувоҳ излаб юришнинг нима кераги бор? Ахир шу мактаб ва академияларни битириб чиққан ва ҳақиқий илмдан баҳраманд бўла

олмаган ўзимиз гувоҳ бўлсак ҳам етарли. Биз ҳам энг ажойиб давр — умр баҳори, қувноқ ёшлик йиллари схоластик сафсата-ларни ёдлашга беҳуда сарф этилган минглаб бахтсиз кишилар-нинг биримиз¹. Кейинчалик яхши мактабларни кўрган пайтла-римда, ўша бахтсиз ёшлик йилларини эслаб неча марталаб қал-бим ҳасрат-надоматга, дилим ғамга тўлди, кўзларимдан ёш оқ-ди! «Қани энди, Юпитер мени ёшлик давримга қайтара олса» — деб неча марталаб ҳасрат-надомат билан хитоб қилганман.

Шикоят ва ис-
таклар мактаблар-
ни яхшилаш учун
туртки бўлсин.

14. Лекин бу ҳам амалга ошмайдиган орзудир, чунки ўтмиш қайтиб келмайди. Ёши улғайиб қолганларнинг ҳеч бири яхшироқ тайёргарлик кўриб, турмушни янгидан бошлаш учун ўз ёшлигини қайта тиклай олмайди. Демак, бир-гина йўл қолади, имкони бори ҳам фақат шу: фарзандларимиз тўғрисида қўлимиздан келганича ғамхўрлик қилишимиз лозим, хусусан, устозларимиз бизни хато йўлдан бошлаганини англаб, шу хатони такрорламаслик йўлини кўрсатиш керак. Кимки хато-ларимизни санаб кўрсатиб, бизни бу эгри йўлдан қайтара олса, яхши мактаблар ўша, кишининг номи билан ва раҳбарлигида ташкил этилади. (Эккл., 1, 15).

XII боб

МАКТАБЛАРНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРИБ, ЯХШИЛАШ МУМКИН.

Эски касаллик-
ларни даволаш ке-
ракми?

1. Эскириб кетган касалликларни даволаб ту-затиш қийин, оғир ва деярли мумкин эмас деб ҳисобланади. Лекин, мабодо бирор шифокор бундай касалликни даволаб тузатаман дейд-ган бўлса, касал одам унга қаршилиқ қилиши мумкинми? Ай-ниқса шифокорнинг енгилтак эмаслиги, балки даволай олишга ишончли асослари борлиги сезилиб турса, касал киши иложи борида уни тезроқ даволашларини истамайди дейсизми? Демак, бундай дадил таклиф киритишдан олдин, биринчидан, биз нима-лар ваъда қилаётганимизни ва, иккинчидан, нималарга асосла-ниб ваъда қилаётганимизни очиқ айтишимиз лозим.

Муаллиф бу ер-
да қандай таклиф
киритган ва нима-
ларни ваъда қил-
ган бўлар эди?

2. Биз мактабларни шундай ташкил этишни ваъда қиламизки, бунинг натижасида: I. Худо ақлдан бутунлай маҳрум қилганлардан ташқа-ри ҳамма ёшлар таълим олади. II. Инсонни доно, яхши фазилатли, тақводор қилишга ёр-дам берадиган нарсаларнинг ҳаммаси ёш-ларга ўргатилади.

¹ Коменский яшаган замондаги традицияга биноан реал фанлар эмас, балки грамматика, арифметика, астрономия, диалектика ва ҳоказоларга доир тушунчалар ва ҳар хил сунъий таъриф-қондалар диний, символик маънода талқин қилиниб ўргатилад эди. Мактабларда ўқитилган бу хил маълумотларни Коменский ҳақли равишда «схоластик сафсата» деб атади. Қаранг, XVI, 44.

III. Таълим кишини ҳаётга тайёрлаш мақсадида киши балс-гатга етегунча амалга оширилади.

IV. Ўқитиш жуда енгил ва осон, гуё ўз-ўзидан, яъни урмасдан, қаттиқ қўллик ёки мажбур қилмасдан амалга оширилади.

Инсон организми меъёрида овқатланиб, қувват олиб ва машқ қилиб турса, ўз-ўзидан ўсиб-улғайиб, бақувват бўла боргани сингари, кишининг руҳи ҳам оқилона озиқлантириб, қувват олиб, машқ қилиб турилса, донолик, яхши фазилат, тақводорлик ҳис-латлари ўса боради.

V. Ёшларга бериладиган билим зохирий эмас, балки ҳақиқий, юзаки эмас, балки асосли бўлади. Ақлли мавжудот, яъни инсон бировнинг фикри билан эмас, балки ўз ақли билан иш қалсин, нарсалар ҳақида бошқаларнинг фикрини китобдан ўқиб тушуниш ёки ҳатто ёдлаб олиб, айнан такрорлаб бериш билангина чек-ланмасин, балки унда нарсаларнинг моҳиятини англай олиш қобилияти ўссин, у, нарсалар ҳақида ҳақиқий билимга эга бў-либ, улардан турмушда фойдалана олишни ўргансин. Шунинг-дек, хушахлоқлик ва тақводорликни мукамал эгаллаб олишга интиلسин.

VI. Бундай таълим ортиқча куч сарфлашни талаб этмаслиги, балки жуда осон бўлиши керак. Мактабда ўқиш учун ҳар куни тўрт соатдан ошиқ вақт сарфланмасин, шунда ҳам бир ўқитувчи камида юзта ўқувчига таълим бера оладиган бўли-ши лозим. Ҳар ҳолда, шундай қилинса бу иш ҳозиргидек ҳар бир ўқувчини алоҳида-алоҳида ўқитишдан кўра камида ўн марта енгиллашади.

Ихтирочилик
қобилияти инсон-
га табиий равиш-
да хос эканлигини
қўйидагилардан
кўриш мумкин:
Архимед маши-
наси мисолида.

3. Лекин машинанинг ўзини кўрмасдан туриб унга ким ишонади? Одамларга хос бўлган ха-рактерли хусусият шуки, бирор ғалати нарса ихтиро қилинмагунча, кишилар шу нарсанинг бўлишига ҳайрон қоладилар, лекин ихти-ро қилинган, ўша нарсани кўрганларидан сўнг унинг олдинроқ яратилмаганига ажаб-ланадилар. Архимед қирол Гиеронга

юзта киши ўрнидан қимирлата олмайдиган жуда катта ке-мани бир қўли билан денгизга тушириб юборишини ваъда қил-ганида одамлар ундан кулган эдилар, лекин Архимед ясаган машина бу ишни осонгина бажариб, қўйгач, ҳаммалари ҳай-ратда қолдилар.

Янги Қитъанинг
кашф этилиши ми-
солида.

4. Колумб ғарбда янги ороллар борлигини кашф этмоқчи бўлганида Кастилидан бошқа қиролларнинг ҳеч қайсиси унинг сўзларига қу-лоқ ҳам солмади, ёрдам ҳам бермади. Унинг ҳамроҳлари бир неча марта умидсизлик натижасида ғазабланиб, ҳатто Колумбни денгизга улоқтириб юборишларига ва саёҳатни охиригача етказмай қайтиб келишларига сал қолган. Лекин шун-чалик катта янги қитъа кашф этилди ва энди ҳаммамиз унинг олдинроқ кашф этилмаганига ажабланамиз. Колумбнинг

хаммага маълум бўлган қуйидаги ҳазил-мазахи ҳам шунга оид. Бир зиёфат вақтида испанлар бундай кашфиётни италян очганига ҳасад қилиб, Колумбнинг хизматини ерга уришга уриндилар, улар бу кашфиёт унинг таланти туфайли эмас, балки тасодифан бўлган нарса, бошқа бирор киши ҳам бу ишни қилиши мумкин эди, деганлар. Шунда Колумб уларга ғалати бир масалани: «Товуқнинг тухуми қандай қилиб ҳеч бир тиргаксиз нишида тикка туради?» деган масалани таклиф этади. Ҳаммалари шунча уриниб, тухумни ниши билан ҳеч тикка турғиза олмагач, у, тухумни қўлига олиб, идишнинг четига тухумнинг нишини бир уради, унинг пўчоғини бир оз синдириб, тухумни тикка турғизиб қўяди. Қараб турганлар кулиб юборишди, бунинг биз ҳам қила оламиз-да, деб бақира бошладилар. «Энди сиз ҳам қила оласиз,— деди у— чунки шундай қилиб тухумни тикка турғизиш мумкинлигини кўриб олдингиз; лекин нега бунинг мендан олдин ҳеч ким қила олмайди?»

Типография санъати мисолида.

5. Типография санъатини кашф этган Иоганн Фауст: мен шундай усулни топдимки, бу усул билан ишлаб, бир киши саккиз кунда, одатда, ўн тажрибани мирза бир йил давомида ёзганидан ҳам кўпроқ хат кўчира олади, китоблар жуда чиройли ёзилади, ҳамма нусхаларидаги хатнинг шакли бир хил бўлади, дастлабки нусхасида йўл қўйилган хатолар тузатилса, кейинги нусхаларида мутлақо хато бўлмайди, деб ҳар жойда гапираверганида, менингча, одамлар унинг сўзларидан кулган бўлур эдилар. Унинг ваъдасига ким ҳам ишонар эди? Бу жумбоқ бўлиб ёки, ҳеч бўлмаганда, фойдасиз қуруқ мақтаниш бўлиб туюлмасмиди? Лекин ҳозирги даврда ҳатто болалар ҳам бунинг мутлақо тўғри эканлигига ишонадилар.

Порохнинг ихтиро қилиниши.

6. Мис қурул-яроғларни ихтиро қилган Бартольд Шварц ўқ ёй отувчи мерганларга мурожаат қилиб, «Сизларнинг ўқ ёйларингиз, отадиган қурулларингиз, сизларнинг палахмон (сопқон)ларингиз жуда кучсиз. Мен сизларга шундай қурул берманки, у ҳеч бир қўл кучи сарф қилмасдан, балки фақат учқун-аланга (олов) ёрдамида тош ва темирни иргитибгина қолмасдан, балки узоққа ҳам отади, мўлжалга аниқ бориб тегади, кўпроқ шикаст етказди, ларзага келтиради, вайрон этади»,— деганда эди, тингловчилар уни мазах қилиб кулмасмиди? Одамлар янги ва синаб кўрилмаган нарсани одатда, мўжиза, ҳақиқатга тўғри келмайди деб ҳисоблайдилар.

Ёзув санъати.

7. Америкада яшаган ибтидоий одамлар бир киши ўз фикрини узоқдаги бошқа бир кишига, у билан гаплашмасдан туриб ёки биров орқали айтиб юбормасдан туриб, балки бир парча қоғоз юбориш орқали маълум қилиши мумкинлигини, албатта хаёлга ҳам келтирмас эдилар. Бизда ҳатто эси жуда паст одамлар ҳам бунинг мумкин эканини тушунадилар. Ҳамма жойда ва ҳамма вақт мутлақо шундай бўлади.

Бир вақтлар айрим нарсаларнинг жуда қийин бўлиб туюлганига ҳозирги ёшлар ажабланиб куладилар.

Шунингдек, мукаммал ўқитиш усулининг кашф этилиши ҳам қаттиқ танқидга сабаб бўлади.

8. Бизнинг ўқитиш усулини такомиллаштириш соҳасидаги бу янгилигимиз ҳам қаттиқ танқидга сабаб бўлишини тушуниб турибмиз, ҳатто унча-мунча танқид эшитдик ҳам. Хусусан мавжуд мактаблар, китоблар ва ўқитиш усулининг камчиликларини таъна қилаётган, қандайдир ҳозиргача ҳеч кўрилмаган, ақлга асло тўғри келмайдиган нарсаларни ваъда қилаётган кишилар топилиб қолганидан баъзи бировлар ҳайрон бўлиб жаҳл қилмоқда.

Бунга қандай эътироз билдирмоқ керак?

9. Фикримизнинг тўғрилигини исботлаш учун янги усулни қўлланиш натижасида эришилган ютуқларни кўрсатиб қўяқолсак, албатта анча енгил бўлур эди. (Бунга менинг ишончим комил.) Лекин, биз бунинг саводсиз (жоҳил) оломон учун эмас, балки ўқимишли одамларга мўлжаллаб ёзаётганимиз учун ҳам муаллим ва ўқувчини ҳозирги пайтдагидек қийнамасдан ҳамма ёшларга илм-фанни, яхши хулқ ва тақводорликни жуда осон йўл билан ўргатиш мумкин эканлигини исботлаб беришимиз лозим.

Бунинг илмий жиҳатдан исботлашнинг асоси.

10. Бу фикрни илмий жиҳатдан исботлашнинг ягона ва етарли асоси қуйидагилар бўла қолсин: ҳар бир нарсанинг табиати нимага мойил бўлса, уни ўша томонга қараб йўналтириш жуда осон бўлади, ҳатто унинг ўзи ўша томонга қараб интилади, агар унинг бу ҳаракатига тўсқинлик қилинса, у изтироб чекади.

Асоснинг давоми

11. Ахир, қушни ҳавода учишга, балиқни сувда сузишга мажбур этишнинг, ёввойи ҳайвонни далада югуришга ўргатишнинг ҳеч бир ҳожати йўқ, албатта. Улар онадан туғилгач, бақувват бўлиб олганини сезиши биланоқ, бунинг ўз-ўзидан бажараверади. Худди шунингдек, сувнинг текис жойдан пастга қараб оқишига ёки шамол пайтида оловга ёнилган қўйилгач, уни алангаланиб ёнишга, думалоқ тошни пастликка юмалатиб туширишга, тўртбурчак тошни эса бирор жойга қўйишга, агар ёруғлик етарли бўлса, нарсаларни кўз билан кўришга, ойнада акс этишга, намлик ва иссиқлик етарли бўлса, уруғни униб чиқишга мажбур қилишнинг ҳеч бир ҳожати йўқ. Демак, ҳар бир буюм табиатан нимага мойил бўлса, у ўшанга қараб интилади. Озгина мадад берилса бас, буюм ўз вазифасини бажараверади.

Ва татбиқ этилиши.

12. Шундай қилиб, бешинчи бобда кўриб ўтганимиздек, билим, ахлоқ ва тақводорликни эгаллаш имконияти инсон табиатида мавжуд экан, демак, бу хислатларни секингина уйғотиш ва уларни бир оз оқилона йўналтириб қўйишдан бошқа ҳеч нарсага зарурат йўқ.

Биринчи эъти-роз. 13. Лекин ҳар қанақа ёғочдан ҳам Меркурий¹ ясаб бўлавермайди-ку, дейишлари мумкин. Жавобим: ҳар бир одамдан одам етишиб чиқади, агар у бузилмаган бўлса.

Иккинчи эъти-роз. 14. Шундай бўлса ҳам (эътироз билдиради кимдир) бизнинг руҳий кучларимиз дастлабки гуноҳ натижасида ишдан чиққан. Жавобим: лекин қуриб тамом бўлмаган. Албатта, шунингдек, жисмоний кучларимиз ҳам заифлашган эди, лекин пиёда юриш, чопиш ва машқ қилиш туфайли биз уларни мумкин қадар чиниқтира оламиз-ку. Дастлабки одамлар яратилиши биланоқ юришни, гапиришни, фикрлашни билиб олган бўлишига қарамай, биз юриш, гапириш ва фикрлашни фақат машқ қилиш орқали ўрганиб олишимиз мумкин, ҳар ҳолда бундан шу чалкаш усулнинг ёрдамисиз, ҳаддан ташқари қийинчиликларни енгмай туриб, бундан ортиқ нарсани билиш мумкин бўлмай қолади, деган хулоса келиб чиқмайди. Бу ишга алоқадор нарсаларнинг ҳаммасига бир разм солашлик, чунончи ахир, овқатланиш, сув ичиш, пиёда юриш, баландликка сакраш, бирор иш бажаришни биз унча қийналмасдан ўрганиб оламиз-ку, руҳий кучларимизга тааллуқли бўлган хислатларни нега худди шу тариқада ўргана олмас эканмиз? Фақат ўқитиш усули пухта ўйлаб кўрилган бўлса, шунинг ўзи етарли. Бунга яна нималарни қўшимча қилиш мумкин? Чавандоз бир-икки ойда қамчинни дастак қилиш билан отни йўртишга, чопишга, айланишга ва бошқа мураккаб ҳаракатларни бажаришга ўргата олади. Эпчил масхарабоз айиқни ўйинга тушишга, қуённи чилдирма чалишга, итни ер ҳайдашга, қиличбозликка, фолбинлик ва бошқа ишларни бажаришга ўргата олади. Ишга ярамай қолган кампир тўтиқуш, загизгон, қарға кабиларни «гапириш»га ёки «қўшиқ айтишга» ўргатади. Уларнинг табиати шунга мойил бўлмаса ҳам, қисқа вақтда бунинг ўрганиб олади. Инсон ўз табиати жазм қилиб турган нарсани осонгина ўрганиб олишга қодир эмасми? Ҳайвонларни ўргатувчилар бизнинг устимиздан кулмасин десак, бунинг инкор қила олмаймиз.

Учинчи эътироз. 15. Бунга яна шунинг қўшадиларки, нарсаларнинг ўзи гўё мураккаб бўлгани учун ҳар ким ҳам уни тушунавермайди, дейдилар. Жавобим: бунинг нимаси қийин? Ойнада акс этмайдиган шунчалик қора рангли жисм табиатда топиладими, ёруғлик етарли даражада мавжуд бўлган жойда ўша жисмни ойнанинг қаршисига тўғри ўрнатиб қўйингчи? Суратини чизиб бўлмайдиган бирор нарса бормикан, фақат сурат чиза оладиган одамга бу ишни бир топшириб кўринг-чи? Иссиқлик ва намлик етарли даражада бўлган ерга экилса, униб чиқмайдиган бирорта уруғ ёки ниҳол бўлармикан? Фақат ҳар бир уруғни қаерга, қачон ва қандай экишни биладиган одам

топилса бас. Яна шунинг айтиш лозим, оёғи бор ҳар бир одам юриб чиқа олмайдиган шунчалик баланд қоя ёки минора дунёда йўқ, фақат нарвон (шоти) тўғри қўйилса ёки қояни ўйиб ясалган зина тартибли ва тўғри жойлаштирилган бўлса, пастга қулаб тушмайдиган қилиб тўсиқлар билан ўралган бўлса бўлгани. Лекин ғайрат ва жуда катта истак билан киришсалар ҳам жуда кам кишиларгина илм чўққисига чиқишга муяссар бўлаётир, баъзилари эса чўққининг яқинига бориб тўхтаб қолаётир, чунки улар шу ғалабани ҳам қийинчилик билан нафаси бўғзига тикилиб, ҳолдан тойиб бошлари айланиб, туртина-туртина, йиқила-сурила қўлга киритадилар, бунинг сабаби—инсон билад олмайдиган қандайдир нарсалар борлигида эмас, балки билим чўққисига элтадиган зинапоялар ёмон қурилган, емирилган, бузилиб кетган, ўпирилиб кетиши ҳам мумкин, яъни ўқитиш усули чалкаш. Шубҳасиз, тўғри жойлаштирилган, бузилмаган, бақувват, хавфхатарсиз зинапоядан бошлаб борилса, ҳар қанақа кишини ҳам истаган баландликка олиб чиқиш мумкин.

Тўртинчи эътироз. Биринчи жа-воб. 16. Шундай бўлса ҳам, зеҳни жуда паст одамлар борки, уларга бирор нарсани ҳам ўқитиб бўлмайди, дейишлари турган гап. Жавобим: шунчалик чанг, доғ босиб кетган, нарсанинг тасвири хирароқ бўлса ҳам акс этмайдиган ойна бормикан; шунчалик ғадир-будир, ҳар ҳолда бирор нарсани ҳам бир амаллаб ёзиб бўлмайдиган тахта бўлармикан.

Иккинчи жавоб. Лекин, мабодо чанг ёки доғ босиб кетган ойна учраб қолса, аввало, уни артиб тозалаш лозим, ғадир-будир тахтани эса рандалаш керак, шундан сўнг уларни бемалол ишлатавериш мумкин.

Худди шунга ўхшаб, ёшларни ҳам кўпроқ машқ қилдирилса, улар албатта такомиллашади, бирининг ёрдами билан иккинчисининг онги ўсади ва, ниҳоят, ҳамма нарсани ўрганиб олади (менинг бу фикрим қатъий, чунки унинг асоси ўзгармасдир). Буларнинг фарқи фақат шундан иборат бўладики, зеҳни пастроқ ўқувчи жуда кам илм ўрганганини, лекин ҳар ҳолда унча-мунча нарсаларни тушуниб олганини билади, зеҳни ўткирроқлари эса фанларни бирин-кетин ўргана борган сари нарсаларнинг моҳиятини ҳам чуқурроқ англай боради ва натижада янги-янги ҳамда фойдали нарсаларни билиб олади.

Учинчи жавоб. Ниҳоят, майли, ўйма нақш солиш мумкин бўлмаган серкўз ёғочга ўхшаш, билим эгаллашга ҳеч қобилияти йўқ болалар ҳам топилди, дейлик. Ҳар ҳолда бизнинг фикримиз зеҳни ўртача ҳисобланган болаларга нисбатан жуда тўғри, бундайлар худонинг амри билан жуда кўплаб туғилади. Табиатан ақли заиф туғилганлар сингари зеҳни паст болалар ҳам жуда кам учрайди. Ахир, мияси ҳеч (ғайри-табиий) фаҳмламайдиганлар сингари, кўрлар, карлар, чўлоқлар, жисмоний заифларнинг туғма бўлиши камдан-кам учрайди-ку, бу нуқсон, кўпинча ўзимизнинг айбимиз билан содир бўлади.

¹ Бу ибора афсонавий худолар тасвирланган ҳайкалтарошлик тажрибасидан олинган. Меркурийнинг афсоналарда айтилган фигурасини ёғочдан тасвирлаш жуда қийин.

Бешинчи эъти-
роз.

17. Яна эътироз билдирадилар: баъзилар қобилиятли бўлса ҳам ўқишни истамайди, хоҳиши бўлмаган кишини ўқишга мажбур этишнинг қизиғи ҳам, фойдаси ҳам йўқ. Жавоб қайтарамиз: ҳақиқага ҳам қайси бир файласуф тўғрисида гапириб беришган эди. Унинг иккита шогирди бўлган экан. Бири—қобилиятсиз, иккинчиси—енгил табиат (шўх). Устози буларнинг иккаласини ҳам ҳайдаб юборибди. Чунки бири—ўқигиси келса ҳам, қобилияти етмаган, иккинчиси эса, қобилияти бўлса ҳам ўқишни истамаган. Хўш, ўқишни хоҳламасликка муаллимларнинг ўзлари сабаб бўлса, бунга нима дейсиз?

Жавоб.

Аристотель инсоннинг билишга интилиш қобилияти туғма бўлади, деб ҳисоблаган, буни биз бешинчи ва бундан олдинги ўн биринчи бобларда ҳам кўриб ўтдик. Лекин баъзан ота-оналарнинг болани ҳаддан ташқари эркалатиб юбориши унинг ўқишга бўлган интилишини сусайтириб қўяди, баъзан у кўча чангитиб юрадиган ўртоқларининг таъсирига берилиб кетади, баъзан бола турли сайру томошаларга, ўйинга ёки бошқа бирор нарсага қизиқиб ўқишни унутиб қўяди, бунинг натижасида боланинг билим эгаллашга бўлган ҳаваси бутунлай пасайиб кетади, диққат-эътиборини бир жойга тўплаш ҳам қийин бўлади. Бир таъбга ўрганиб қолган тилнинг бошқа хил таъбни сезиши анча қийин бўлгани сингари, бирор фикр билан банд бўлган ақл бошқа нарсаларга етарли эътибор бера олмайди. Шунинг учун ҳам бундай пайтларда аввало тасодифан пайдо бўлган эътиборсизликни бартараф қилиш, болалар идрокини дастлабки табиий ҳолатга қайтариш лозим. Бундай қилган тақдирда, шубҳасиз, боланинг билим олишга интилиши қайта тикланади. Ёшларни ўқитиш иши билан шуғулланганларнинг қанчаси болаларнинг билим эгаллашга иштиёқини ошириш тўғрисида ўйларкин? Ахир, дурадгор ёғочдан бирор нарсани йўниб ясаш учун, аввало, уни болта билан чопиб текислайди, темирчи темирни болғалаб ясашдан олдин, уни ўтда юмшатади, тўқувчи жундан ип йиғириш учун, аввало, уни ўрим-ўрим қилиб ажратиб чиқади, тозалайди, ювиб тарайди, этикдўз эса этик тикишдан олдин терига ишлов беради, уни чўзиб текислайди. Лекин, худди шунга ўхшаб, муаллим ҳам ўқувчига билим бера бошлашдан олдин, унда ўқишга қизиқиш ўйғотиши, насихат қилиб, болада ўз кучи ва қобилиятига ишонч ҳосил қилиши, тарбиячининг айтганларини бажаришга доимо тайёр туриш кабиларга эришиши зарур, бунга ким ҳам эътибор бераётир, дейсиз? Одатда муаллим ўқувчини, у қандай бўлса, шундайлигича ушлаб олади-да, дарҳол ишлов бера бошлайди: уни йўна бошлайди, болғалашга киришади, йигираверади, ўз андазасига мослайди ва у, сирланган идишдек ялтираса керак, деб ўйлайди. Агар иш дарҳол у истагандек юришиб кетавермаса (қандай қилиб у истаганча бўлсин?), муаллимнинг жаҳли чиқади, бақира бошлайди, дарғазаб бўлади. Шунинг учун ҳам баъзилар бундай

таълим олишдан бўйин товлаб, ўқишдан қочиб кетаётгани бизни таажжублантирмайди! Аксинча, баъзи бировларнинг бундай ўқишга қандай қилиб чидаб келаётганига ажабланмоқ керак.

18. Қобилиятларнинг хилма-хиллиги тўғрисида эслатиб ўтиш хонаси келди. Чунончи, бировларнинг зеҳни ўткир бўлади, бошқаларнинг зеҳни эса — паст; бировлар уддабурон ва гапга кирадиган бўлса, бошқалари кўрс ва ўжар бўлади; бировлар илмли бўлиш учун ўқишга интилсалар, бошқалар механик ишларга кўпроқ қизиқадилар. Бундан олти хил қобилиятли болалар мавжуд деган хулоса келиб чиқади.

19. Биринчидан, зеҳни ўткир, билим эгаллашга интилувчи тиришқоқ ўқувчилар бор; бундайлар, кўпинча, бошқалардан ўзиб кетади, айниқса дарсларни ўзлаштиришда зеҳни ўткир. Уларга илмий озуқа берилса, шунинг ўзи етарли; яхши ўсимлик сингари, уларнинг ўзи ўсаверади. Уларга фақат оқилона раҳбарлик қилиб бориш, жуда шошилишига, чарчаб, кучсизланиб қолишига йўл қўймаслик керак.

20. Иккинчидан, зеҳни ўткир, гапга қулоқ соладиган бўлса ҳам, лекин секин ўзлаштирадиган болалар бор. Улар фақат ниқтаб туришга муҳтож.

21. Учинчидан, зеҳни ўткир, билим олишга интилувчан, лекин ўзбошимча ва ўжар болалар бор. Мактабларда бундай ўқувчиларни одатда ёмон кўрадилар ва кўпинча бундайлардан тўзук одам чиқмайди, деб ҳисоблайдилар, лекин тўғри тарбияланса, буюк одамлар кўпинча шулар орасидан етишиб чиқади. Афиналик буюк саркарда Фемистокл бунга мисол бўла олади, у ёшликда жуда ўзбошимча бўлган (ўқитувчиси унга: «Болам, сен ўртамеъна одам бўлмайсан, сен давлатга ё катта фойда келтирасан, ёки катта зарар етказасан»,— деган). Кейинчалик унинг характери ўзгариб қолганини куриб ҳайрон бўлганларида, у агар тўғри таълим берилса, қўлга ўргатиб бўлмайдиган той ҳам ажойиб от бўлиб етишади, деб қўярди. Искандар Зулқарнайнинг Буцефал исмли оти бу фикрни исботлади. Искандар қараса, ўз отаси Филипп отнинг ёввойилигини кўриб, яроқсизга чиқариб қўймоқчи, чунки от ҳеч кимни ўзига яқинлатмас эди, шунда у: «Фойдаланишни билмаганларидан, қанақа ажойиб отни йўққа чиқариб юбораптилар-а!»— деган. Искандар отни урмасдан, юмшоқ муомала қилиб, уни осонгина қўлга ўргатиб олди. Уша кезларда ҳам, кейинчалик ҳам Искандар доим Буцефални миниб юрарди ва ер юзида ундан яхшироқ отни топиш амри маҳол эди. Бу ҳикоятни назм қилган Плутарх шундай деган эди: «Бу от воқеаси шунки кўрсатиб турибдики, тарбиячиларнинг айби билан қанчадан-қанча ажойиб табиий истеъдодлар йўқолиб кетаётир, бундай тарбиячилар юксак ва эркин мавжудотларни бошқаришни билмай, отни ҳам эшакка айлантириб юбораётирлар».

22. Тўртинчидан, гапга кирадиган, ҳамма нарсани билишга

қизиқадиган, лекин секин ўзлаштирадиган ва бўшанг ўқувчилар бор. Бундайлар олдинда кетаётганлар билан изма-из бора олади. Лекин бунинг учун уларга илтифот қилиб, ҳаддан ташқари банд қилмасдан, жуда қаттиқ талаблар қўймасдан, хайрихоҳлик ва чидам билан муомала қилиш, руҳини туширмаслик учун уларга кўмаклашиб, кўнглини кўтариб, қилган ишларини маъқуллаб туриш керак. Улар кўзланган мақсадга бир оз кечроқ эришишлари мумкин, шуниси борки, улар кечки мевага ўхшаб, тотли ва пишиқ бўлиб етишадилар. Қўрғошинга муҳр босиш қийин бўлса ҳам, лекин босилган муҳр узоқ вақт тургани сингари, бундай ўқувчилар, кўпинча, истеъдодли болаларга нисбатан ҳам ҳаётга яроқли бўлиб етишади, чунки улар бир ўзлаштириб олган нарсасини осонликча эсдан чиқармайди. Шунинг учун бундай ўқувчиларни мактабдан четлатмаслик лозим.

23. Бешинчидан, зеҳни паст, бунинг устига бепарво ва бўшанг ўқувчилар бор. Агар ҳаддан ташқари ўжар чиқиб қолмаса, буларни ҳам ўқитиб, тарбиялаш мумкин. Лекин бунинг учун жуда донолик ва сабр-тоқат керак.

24. Энг охириги ўринда эси паст, ғайри табиий ва баджаҳл болалар туради; кўпинча бундай ўқувчиларни тарбиялаш қийин. Лекин табиатда ҳар қанақа касалнинг ҳам давоси топилади, ёввойи ниҳолни ҳам бошқа жойга кўчат қилиб экиб, пайванд қилинса, мева беради. Шунинг учун бундай болалардан ҳам умид узмаслик лозим, балки ҳеч бўлмаса улардаги ўжарлик хислатини йўқотишга ҳаракат қилиш керак. Агар бунинг ҳам имконияти бўлмаса, фақат ўшандан кейин бундай эгри ва серкўз ёғочни улоқтириш мумкин, ундан Меркурийнинг фигурасини ясайман деб овера бўлмаслик керак. Ҳосил бермайдиган ерни, деган эди Катон, ҳайдаш ҳам, чопиқ қилиш ҳам керак эмас. Лекин бундай ноқобил бола неча минг ўқувчи орасидан бирорта топилиши ҳам амри-маҳол, бу — худой-таолланинг марҳамати буюклигидан далолат беради.

25. Юқорида айтилганларнинг моҳияти Плутархнинг қуйидаги гапида ифодаланган: *«Қандай бола туғилиши ҳеч кимга боғлиқ эмас, лекин тўғри тарбия бериб, уни яхши киши қилиб етиштириш бизга боғлиқдир»*. Ҳа, бизга боғлиқ, дейди у. Боғбон илдизи қуримаган ҳар қандай ниҳолни кўчат қилиб, авайлаб парварिश этса, у ўсиб, дарахт бўлади.

Зеҳни ҳар хил бўлган болаларни бир хил санъат ва усул билан ўқитиш мумкинлиги тўрт йўл билан исботланади.

26. Қобилияти ҳар хил бўлган барча ёшларни бир хил усул билан ўқитиш ва тарбиялаш мумкинлигини қуйидаги тўрт нарса кўрсатиб турибди.

27. Биринчидан, донолик, ахлоқ ва тақводорликни ҳамма бирдек ўрганиши керак.

28. Иккинчидан, кишилар қобилияти жиҳатидан бир-биридан қанчалик фарқ қилмасин,

ҳаммасининг инсоний табиати ҳам, органлари ҳам бир хилдир.

29. Учинчидан, болалар қобилиятидаги бу фарқлар (киши

гавдасида намлик ёки қуруқлик, иссиқлик ёки совуқликнинг кўпайиши касаллик аломати эканлиги сингари) табиий гармониянинг бузилиши ёки ундаги мавжуд бирор камчиликнинг оқибатидир. Масалан, зеҳннинг ўткирлиги нимага боғлиқ? Инсон миясидан сезги органлари орқали ҳаддан ташқари тез тарқалаётган ва дахлдор нарсаларни дарҳол қамраб олаётган руҳнинг нозиклиги ва ҳаракатчанлигига боғлиқ¹. Агар ақл бу тезликни маълум даражада камайтирмаса, руҳ тарқалиб кетади, миё эса ё заифлашиб, ёки фаҳхламайдиган бўлиб қолади, шунинг учун ҳам ақли тез ўсган кишилар кўпинча ё бевақт вафот этади, ёки эси паст бўлиб қолади. Аксинча, зеҳни пастлик нима, миёдаги руҳнинг тез идрок қилмаслиги, хираланиб қолганлиги эмасмикин? Тез-тез ҳаракат қилиб турилса, руҳнинг хиралиги тарқаб, ёриша бошлайди. Дағаллик ва ўжарлик нимадан иборат, қалбнинг қўнимсизлик натижасида муомалага қўнмаслиги эмасмикин? Шунинг учун уни интизомга ўргатиб, юмшатиш керак. Бўшанглик нима? Қалбнинг ҳаддан ташқари юмшоқлигидир. Киши таънасидаги касалликни даволашга ёрдам бериладиган дори бадалда (қарама-қаршиликни) кучайтириб юбормайди, балки қарама-қаршиликни камайтиришга ёрдам беради, яъни бирор органда бир модданинг етишмаслиги иккинчи бир органда ўша модданинг камайиб кетишига йўл қўймайди, худди шунга ўхшаш киши руҳида бирор камчилик бўлса, буни тузатишнинг энг тўғри воситаси унинг қобилиятидаги етишмовчилик ва ошиқча нарсаларга чек қўйиб, гармония ва мувофиқликка эришишдир. Шунинг учун ҳам биз тавсия этаётган усул кўпчиликни ташкил этган қобилияти ўртача болаларни назарда тутаяди ва зеҳни ўткир болаларнинг барвақт толиқиб қолишига йўл қўймайди, бўшанг талабаларни эса рағбатлантириш, жадаллаштиришга имкон беради.

30. Ниҳоят, боланинг қобилиятида юқоридаги камчиликлар борлиги сезилгач, ўз вақтида уларни тугатиш чорасини кўриш лозим. Худди жангдагидек, жанг тўғри тартиб билан уюштириляётган экан, янгидан келганлар эски тажрибали солдатлар билан, кучсизлар кучлироқлари билан, бўшангроқлари чаққон, эпчиллари билан, аралаштириб қўйилади ва ҳамма киши бир тан, бир жон бўлиб ягона байроқ остида жанг қилади, ягона буйруққа итоат этади, ғалабага эришилгач, ҳар ким истаганича ва имкони борица, душманни таъқиб этиб, кўтарганича ўлжа олади. Шунга ўхшаш илм олиш масаласида ҳам секин ўзлаштирадиганлар тезроқ билиб оладиган ўқувчилар билан, зеҳни пастроқлари зеҳни ўткирроқлари билан, ўжар болалар гапга қулоқ соладиганлари билан аралаштириб, ҳаммалари ўрганиб олгунча бир хил қоида ва мисоллар билан ўқитилиши лозим. Мактабни битириб чиққач эса ҳар ким қурбн етганча илм-фанни эгаллаши мумкин.

¹ VIII бобнинг 8- параграфида берилган изоҳга қаранг.

Ҳар хил қоби-
лятли болаларни
бирга ўқитганда
нималарга эътибор
бериш керак.

31. Бирга ўқитиш деганда биз, болаларни бир жойга тўплаб ўқитишдан кўра ҳам кўпроқ, ўзаро ёрдам уюштиришни назарда тутамиз, яъни муаллим қобилиятлироқ ўқувчига икки ёки учта бўшроқ ўзлаштирувчи болани бирки-тиб қўяди, характери яхши ўқувчига хулқи ёмонроқ болаларни кузатиб ва уларга ёрдам беришни топши-ради. Натижада, болаларнинг ҳеч бири эътибордан четда қол-майди, албатта муаллим иш кўнгилдагидек, оқилона бораётга-нини назорат қилиб бориши керак. Ниҳоят, энди масаланинг моҳиятини баён қилишга ўтсак ҳам бўлар.

XIII боб

ҲАММА СОҲАДА АНИҚ ТАРТИБ ЎРНАТИШ МАКТАБЛАРНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРИШНИНГ АСОСИДИР¹

Тартиб нарс-
нинг жони ҳисоб-
ланади.

1. Агар бутун оламни, унинг икир-чикирлари-гача барқарор ҳолатда сақлаб турган нарса нима эканлигига бир назар ташласак, тартиб-дан бошқа ҳеч нарсани, мутлақо бошқа ҳеч нарсани кўрсата олмаймиз, яъни бўлиб ўтган ва содир бўлаёт-ган, баланддаги ва пастдаги, бир-бирига ўхшайдиган ва ўхша-майдиган катта ва кичик нарсаларнинг ҳар бири ўзига хос равиш-да ўз ўрнида, ўз вақтида миқдори, ўлчови ва оғирлигига қараб жойлаштирилгандир. Тартиб нарсаларнинг жони деб кимдир жуда тўғри ва ўринли айтган. Ахир, тартибли ўрнатилган ҳар бир нарса, шу тартиб бузилмагунча ўз ҳолати ва бутун-лигини йўқотмайди. Агар тартиб бузилса, ҳар бир нарса ҳам заифланади, қимирлаб, бўшашиб қолади ва қулайди. Буни табиат ва санъат ҳодисалари мисолида очиқ қўриш мум-кин. Дарҳақиқат:

Мисолларга му-
ражаат этайлик:

1. Олам.

рорлиги хусусан

2. Самовий
жисмлар.

жисмлардаги тартибнинг ўзгармаслигида.

¹ Бобнинг номида ҳам, шунингдек, мазмунида ҳам «тартиб» (ordo) сў-зини Коменский ўз маъносига эмас, балки фалсафий маънода ишлатади, яъни бу сўз нарса ва ҳодисаларнинг қисмлари бири иккинчисига қонуний равишда боғлиқ эканлигини англатади.

3. Тирик майда
мавжудотларнинг
нозик иши.

4. Инсон танаси.

5. Ақл-идро-
кимиз.

6. Донолик би-
лан бошқарилаёт-
ган подшолик.

7. Архимед ма-
шиниси.

8. Замбарак.

4. Асалари, чумоли ва ўргимчаклар бажара-диган ишларнинг шунчалик пухталигига инсон ақли бовар қилмайди. Ҳатто одам шунчалик пухта қилиб бажара олмайди. Бунинг сабаби шундаки, қатъий тартиб, миқдор ва ўлчовга биноан ҳаракат қилиш хислати уларда тўғма равишда мавжуд.

5. Танадаги органлар саноқли бўлса ҳам, ин-сон гавдаси сон-саноқсиз хатти-ҳаракатларни бажаришга қодир, яъни инсон танасига қўшимча равишда би-рорта орган қўйиб бўлмаса ҳам, у жуда кўп ва жуда хилма-хил ишларни бажара олади. Бунинг сабаби, албатта инсон та-насидаги барча аъзоларнинг ўзаро ва бир-бирига жуда оқи-лона мувофиқлигида.

6. Инсонга берилган ақл-идрокнинг биргина ўзи бутун танани ва у бажараётган сон-саноқ-сиз хатти-ҳаракатларни бошқара олишининг боиси нимада? Танада мавжуд бўлган тартибда. Шу тартиб ту-файли барча аъзолар доимо ўзаро боғланишда ва алоқада бў-либ, зарур ҳаракатларни ақлнинг салгина ишораси билан ўз-ўзи-дан бажараверади.

7. Бир киши, яъни подшо ёки ҳоқон кўп халқ-ни бошқара олишини нима билан изоҳлаш мумкин? Ваҳоланки, ҳар каллада ҳар хаёл бўлишига қарамай, ҳамма унинг амрини ба-жаради. Подшо яхши бўлса, давлат обод бўлади. Бу иш фақат қонунлар ва бўйсунуш қоидалари натижасида ўрнатилган тар-тиб туфайли содир бўлади. Подшо бир неча вазирларига бево-сита бошчилик қилади, уларга ўзи амру фармонлар беради, вазирларнинг ҳар бирига бир қанча мулозим итоат этади, му-лозимларга бошқалар бўйсунди ва ҳоказо, натижада бирор-та ҳам бўйсунмаган одам қолмайди. Шундай қилиб, ҳамма киши занжир сингари ўзаро боғланган бўлиб, биттаси ўрни-дан турса, ҳамма қўзғалади, бошлиқ тинч турса, бошқалар ҳам жим туради.

8. Бир неча юз киши уриниб, ўрнидан қимир-лата олмаган катта кемани хоҳласа Гиерон-нинг бир ўзи айлантириб буриб қўя олиши-га имкон берган нарса нима эди? Албатта вал (лўла), блок (бирға) ва каноп (йўғон арқон)лардан жуда бақувват қилиб ясалган ажойиб машина эди.

9. Қалин деворларни йиқитиб, минораларни қулатиб, аскарларни қириб ташлайдиган зам-баракнинг ваҳимали отилиши ҳам қисмларининг маълум тартиб-да жойланиши ва зарб билан портлаш натижасида содир бўла-ди, яъни селитранинг серо билан (жуда совуқни жуда иссиқ билан) қўшилиши, қурол ёки тўпнинг шу составли моддага ай-нан мос келиши, қуролга порох ва сочма ўқларни меъёрида жой-ланиши ва ниҳоят мўлжал тўғри олинишига боғлиқ. Агар бу

шартлардан бирортаси бузилса, қуролнинг аҳамияти қолмайди.

9. Типография санъати.

10. Китобларни хатосиз ва чиройли қилиб, кўп нусхада тез босиб чиқарадиган типография санъатининг сири нимада? Бу, албатта, мисдан ҳарфларнинг шаклини тартибли қилиб диққат билан кесиш, қолипга қўйиш, силлиқлаш, ҳарф кассаларига жойлаштириш, янгидан териш учун ҳарфларни чиқариб олиш, машинага ўрнатиб қўйиш кабиларга, шунингдек, қоғозни тахлаш, ҳўллаш, текислашга ҳам боғлиқ.

10. Арава.

11. Механика соҳасидан ҳам мисол оладиган бўлсак, от қўшилган араванинг, яъни ёғоч билан темирнинг (чунки арава ёғоч ва темирдан ясалди) чопио кетаётган отдан қолмай боравериши, юк ва одамларни ташиниш учун жуда қўлай восита эканлигининг сабаби нимада? Бунинг сабаби ёғоч ва темирни моҳирлик билан бириктиришда, яъни ғилдирак, ўқ, шоти, шотиға ўрнатилган кўндаланг ёғочларни моҳирона бириктиришга боғлиқ, чунки агар шу қисмлардан бирортаси бўлмаса ёки синса, арава бутунлай ишдан чиқади.

11. Кема.

12. Одамлар ёғочдан ясалган қурилмага ўтириб даҳшатли денгизда бемалол сузаверишлари, ҳатто антиподлар¹ яшайдиган жойларгача бориб, эсон омон қайтиб ҳам келишларининг сабаби нимада? Бунинг сабаби фақат кемадаги киль (кеманинг остки қисмини маҳкам тутиб турувчи тагёғоч, шутаг), мачта, елкан боғланадиган кўндаланг ёғочлар (рей) ва елканлар, эшаклар, руль, денгиз компаси ва ҳоказоларни тартибли бириктира олишга хизмат қилади, агар шулардан бирортаси бузилса, чайқалиш, ғарқ бўлиш ва ҳалокат хавфи туғилади.

12. Соат.

13. Ниҳоят, вақтни ўлчайдиган асбоб, яъни соатнинг темирдан ясаб, турлича қилиб қўйилган ва жойлаштирилган қисмлари ўз-ўзидан ҳаракат қилишининг сабаби нимада? Бунинг устига у, минут, соат, кун, ойларни, балки йилларни ҳам изчил санаб боради. Уни кўзга кўрсатибгина қолмасдан, шу билан бирга, узокроқдан туриб ва қоронғида ҳам йўл-йўриқ кўрсатиш учун қулоққа ҳам эшитилади. Бу асбоб белгилаб қўйилган соатда кишини уйқудан ҳам уйғотади. Уйғонган пайтингизда ёруғ бўлсин деб, шамни ҳам ўзи ёқа олади. Соат календарга биноан кунларнинг алмашилиб туришини, ой-

нинг янги чиққан ва тўлишган пайтини, ой ва қуёшнинг ҳаракати ва тутилишини ҳам кўрсатиши мумкин. Буларнинг сабаби нимада? Агар киши бунга ҳайрон қолмаса, нимага ҳам ажабланади? Дарҳақиқат, металл, жонсиз бир нарса шунчалик жонли, шунчалик барқарор, шунчалик тўғри ҳаракат қилади-я! Соат ихтиро қилинмасдан олдин биров соат шу ишларни бажара олади деб айтса, дарахтлар юриши, тошлар гапириши мумкин деган сўзга ҳеч ким ишонмаганидек, ундай бўлиши мумкин эмас, дер эдилар. Ваҳоланки, шундай эканлигини биз амалда кўриб турибмиз.

Соатнинг барча сири тартибда.

14. Бунинг сири қаерда? Бу соатдаги мавжуд ва аниқ тартиб туфайли содир бўлади, яъни маълум миқдорда, ўлчам ва тартибда бир-бирига мувофиқ ҳаракатланувчи қисмларнинг жойланишига боғлиқ, чунки улардан ҳар бирининг ўз вазифаси ва шу вазифани бажаришга ёрдам берадиган маълум воситалари бўлиб, бу воситалар белгиланган тартибда ҳаракат қилади, яъни қисмлардан ҳар бири бошқаларига нисбатан жуда аниқ мутаносибликда бўлиб, бири иккинчисига маълум бир зарурий тартибда боғланган, маълум бир кучни қабул қилиб олиш ва қайтариб бериш учун ўзаро таъсир кўрсатиш қонунларига амал қилади.

Шундай қилиб, соатнинг барча қисмлари, ҳатто тирик танадан кўра ҳам аниқроқ ҳаракат қилади. Лекин соатнинг ички қисмларидан бирортаси узилса ёки синса, соат бузилади ёки нотўғри юради, башарти унинг жуда кичкина ғилдиракчаси, жуда ингичка ўқи, энг кичкина лўкидони синса ҳам шу заҳотиёқ соат тўхтаб қолади ёки тўғри юрмайди. *Бу ерда ҳамма гап тартибга боғлиқ эканлигини аниқ кўриб турибмиз.*

Тузилиши соатга ўхшаган мактаблар яратилиши лозимлигига умид бор.

15. Шундай қилиб, ўқитиш санъати вақтни, фанларни ва методни моҳирона тақсимладан бошқа ҳеч нарсани талаб этмайди. Агар биз бу ишда шундай аниқ тартиб ўрната оласак, ёш авлодга ҳамма нарсани ўргатиш иши осонлашади, ҳар ҳолда, типография машинаси билан ҳар кунининг бетлаб қоғозга чиройли қилиб ёзиш ёки Архимед машинасини ўргатиб уйлар, миноралар ва бошқа оғир юкларни кўтариш ёки кемага тушиб, океандан сузиб ўтиш ва Янги Қитъага бориб келишдан кўра қийинроқ бўлмайди. Бу ишимиз (ўқитиш) тошларни тўғри жойлаштирилган соатдек осон юришиб кетади, ўқитиш тўғри юраётган автоматга қараш сингари кўнгилли ва завқли бўлади ва, ниҳоят, мактаблар моҳирона ясалган асбоб сингари тўғри ишлайдиган бўлади.

Хулоса.

16. Шундай қилиб, иншоолло, ниҳоятда моҳирлик билан ясалган, ҳар хил безаклар билан чиройли қилиб ясалган соатга айнан ўхшайдиган мактаб ташкил этиш масаласини аниқлашга уриниб кўрамиз.

¹ Антиподлар — грекча — „ἄντι“ ва „πῶς, πόδος“ тобе оёқ сўзидан олинган бўлиб, ер куррасининг қарама-қарши икки томонида яшовчи кишилар; демакдир. Бу ном соддаликдан келиб чиққан тасаввурдан олинган, бу тасаввурга кўра ер куррасининг қарама-қарши қисмида яшовчи киши гўё боши пастга, оёғи юқорига қараб турармиш.

**МАҚТАБ УЧУН ҲЕЧ КИМ ВА ҲЕЧ НАРСА АСЛО
БУЗА ОЛМАЙДИГАН АНИҚ ТАРТИБ ЯРАТИШНИ ТАБИАТДАН
УРГАНМОҚ КЕРАК.**

Санъат асосларини табиатдан излаш лозим.

Агар табиат камчиликларини тузатадиган восита топмоқчи бўлсак, буни бошқа жойдан эмас, балки табиатнинг ўзидан излаш лозим. Санъатнинг кучи фақат унинг табиатга тақлид қилишидадир деган фикр мутлақо тўғри.

Табиат нимани ва қандай қилиш намунасини кўрсатади:

Киши сувда сузаётганда.

Агар табиат камчиликларини тузатадиган восита топмоқчи бўлсак, буни бошқа жойдан эмас, балки табиатнинг ўзидан излаш лозим. Санъатнинг кучи фақат унинг табиатга тақлид қилишидадир деган фикр мутлақо тўғри.

2. Буни мисоллар келтириб ойдинлаштирайлик. Балиқнинг сувда қандай сузишини кўрганмисиз? Сузиш унга табиатан хос нарса. Агар одам сувда сузмоқчи бўлса, балиққа ўхшаб ҳаракат этишга мажбур бўлади: қўллар — балиқ қаноти, оёқлар эса дум вазифасини бажариши ва балиқ қанотларини қандай қимирлатса, одам ҳам худди шундай ҳаракат қилиши зарур.

3. Учишда. Қушнинг ҳавода парвоз этганига эътибор берганмисиз? Учиш унинг табиатига хос нарса.

Деталь қушга ўхшаб учмоқчи бўлганида унинг жуда оғир гавдасини тутиб тура оладиган катта қанот боғлаб олиши ва қанотларини силкитиб учиши зарур эди.

4. Товуш чиқаришда. Қаттиқ канал (организмда турли моддалар ўтадиган йўл) ҳайвонларнинг товуш чиқарувчи органи ҳисобланади, у кемирчаксимон ҳалқалардан иборат бўлиб, унинг юқорисида очилиб ёпиладиган клапанли нафас йўли, паст томонида нафас чиқарувчи босқон, яъни ўпка жойлашган. Сурнай, най, дам билан чалинадиган қўшнай ва бошқа музика асбоблари шунга тақлид қилиб ясалган.

5. Яшин чақнашида. Булутлар орасида гүмбурлаб, олов чиқариб, тош ташлайдиган нарса селитра билан серонинг ёниши натижасида содир бўлишини кузатганлар. Шунга тақлид қилиб, селитра билан серодан порох тайёрлаганлар, уни тўпга солиб отилса, сунъий равишда момақалдиروқ бўлиб, ёруғлик таралади ва яшин чақнагандек бўлади¹.

4. Булутлар орасида гүмбурлаб, олов чиқариб, тош ташлайдиган нарса селитра билан серонинг ёниши натижасида содир бўлишини кузатганлар. Шунга тақлид қилиб, селитра билан серодан порох тайёрлаганлар, уни тўпга солиб отилса, сунъий равишда момақалдиروқ бўлиб, ёруғлик таралади ва яшин чақнагандек бўлади¹.

¹ Яшин ва момақалдируқ ҳодисалари электр зарядлари ҳисобланади, бу Коменский яшаган замонда маълум эмас эди. Порох ҳам, Коменский айтгандек, табиатга тақлид этиш натижасида эмас, балки мутлақо бошқа сабабларга биноан ихтиро этилган эди.

6. Водопроводда. 5. Икки томони тешик ғоят узун идишда ҳам сувнинг горизонтал баландлик ҳолатини сақлай олиши кузатилган. Шунга асосланиб, трубалар ёрдамида ҳар хил водопроводлар ясаб кўрганлар, трубанинг нариги учи ҳам қанча пасайтирилса, сув истаган чуқурликдан истаган баландликкача ўз-ўзидан кўтарилар экан. Бу иш сунъий равишда лекин табиатдагига ўхшаб бажарилади. Бунинг шундай бўлаётгани — санъатнинг иши, лекин умуман шундай бўлиши — табиатнинг иши.

7. Вақт ўлчашда. 6. Кишилар осмон гүмбазига қараб, унинг бевосита айланишини ва осмон ёриткичларининг турлича айланиб ҳаракат қилишлари натижасида турли йил фасллари пайдо бўлишини билиб олганлар. Шу кузатишларга асосланиб, шакли осмон гүмбазига ўхшаш ёриткичларнинг суткалик айланиш ҳаракатини тасвирловчи вақтни ўлчайдиган аппарат ихтиро этилади.¹ Бу асбоб гилдиракчалардан ясалган бўлиб, гилдиракчалардан бирининг айланиши билан бошқалари ҳам айланади ва бу ҳаракат чексиз давом этиши мумкин. Олам сингари, бу асбоб ҳам ҳаракат қилувчи ва ҳаракат қилмайдиган қисмларга эга: оламнинг қимирламайдиган қисми — ер ўрнида бу асбобнинг асоси, колонналари, қопламалари бор, осмондаги ҳаракатланувчи жисмлар ўрнида эса ҳар хил гилдиракчалар мавжуд.

Соатнинг тузилиш ғоясини аниқлаш учун унинг механизмининг қисмларга ажратиш.

Лекин гилдиракчалардан ҳеч бири ўз-ўзидан ҳаракат қила олмайди ва бошқаларини ҳам ҳаракатга келтира олмайди. Шунинг учун (худо ёриткичларни айлантириб қўйгани сингари) табиат жисмларини ҳаракатга келтирувчи кучга, яъни босиш (оғирлик) кучи ёки эркин ҳолатга қайтишга интилиш кучига тақлид қилинди. Масалан, асосий гилдиракнинг ўқига ё оғирроқ нарса биркииб қўйилади ва у пастга қараб босганда ўқ айланади, натижада гилдирак айланиб, бошқа гилдиракчаларни ҳам ҳаракатга келтиради; ёки узунроқ пўлат пружина ясаб, ўққа зич қилиб маҳкамлаб кийгизилади, натижада пружина эркин ҳолатга қайтишга интилиб, ўқ ва гилдиракни айлантиради. Осмон жисмлари сингари секин-аста айланиш ва ҳаракат нотекис бўлмаслиги учун орага бошқа гилдиракчалар ўрнатилади, чеккасидаги гилдиракчаларнинг фақат иккита тиши бўлиб, орқага ва олдинга бир меъёрда бориб келади ва у кеча билан кундузнинг алмашиниб туришини ифодалайди. Соат ва минутларни кўрсатиш учун чекка гилдиракларга митти тормозлар бириктирилган бўлиб, улар ҳам табиат осмон жисмларини айлантириб ойларга бўлинган қисм, баҳор, ёз, куз фасллари алмаштириб тургани сингари, лўкидонларни ўз вақтида силжитиб-силжитиб ўтказиб туради.

¹ Шундан сўнг, Коменский теллурийнинг механик жиҳатдан тузилишини аниқ баён қилади.

Уқитиш назари-
ясини яратиш учун
табиатга тақлид
қилиш зарур.

Шу нарса тўғри амалга оширилса, табиий нарсалар енгил ва осон ўтиб боргани сингари, моҳирона уюштирилган ўқитиш ҳам осон ва енгил бўлади. Цицероннинг гаплари ҳақ. «Биз, бошлиқ изидан борган сингари, табиатга эргашиб борсак, ҳеч қачон адашиб кетмаймиз».

Бунга бизнинг ҳам ишончимиз комил. Шунинг учун ҳам гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда содир бўлаётган табиат ҳодисаларини кузатиб, ўқитишда ҳам шунга амал қилишни маслаҳат берамиз.

Беш хил қийин-
чилик.

8. Лекин, бизнинг фикримизга, баланд парвоз ваъдаларимизга Гиппокритнинг машҳур «ὁ βίος βραχύς ἢ ὁ τέχνη μακρὴ, ὁ δὲ κίριος δέος, ἢ δὲ πέτρα σφαλερὴ, ἢ δὲ κρίς χαλεπὴ», яъни, «умр қисқа, санъат оғир, қулай ҳолатлар тез ўтиб кетади, тажриба алдайди, нарсалар ҳақида фикр юритиш оғир» деган афоризмни қарама-қарши қўйиш мумкин бўлур эди. Бу ерда қуйидаги бешта қийинчилик кўрсатилганки, улар туфайли одамларнинг озчилиги илм чўққиларини эгаллай олади:

I. Умр қисқалиги туфайли, кўпинча ҳаётга тайёрланаётган пайтда ўлим содир бўлади.

II. Ўрганиш лозим бўлган нарсаларнинг сони ҳаддан ташқари кўп бўлгани учун, уларнинг ҳаммасини тўплаб ақлга сиғдириш жуда қийин.

III. Санъатларни ўрганиш учун қулай ҳолатларнинг камлиги, баъзан шундай ҳолат содир бўлса ҳам, лекин унинг тез ўтиб кетиши. Ахир, руҳни ўстириш учун қулай бўлган ёшлик йилларининг кўп қисми ўйин билан ўтиб кетади, умрнинг кейинги даврини эса одамлар муҳимроқ бирор иш билан шуғулланишдан кўра кўпроқ бекорчилик билан ўтказиб юборади, баъзан санъатни ўрганиш учун қулай имконият туғилиб қолса ҳам бу қулай имкониятдан фойдалана олмай қоладилар.

IV. Ақлнинг чекланганлиги ва фикрларнинг ноаниқлиги туфайли, биз нарсалар ҳақида юзаки билимга эга бўламиз, уларнинг ички моҳиятларини тушуниб етмаймиз.

V. Ниҳоят, бирор киши узоқ кузатиш ва жуда кўп тажрибалар ўтказиб, нарсаларнинг асл моҳиятини билмоқчи бўлса, бу жуда кўп қийинчилик ва меҳнатни талаб этган бўлур эди, ўшанда ҳам бу билимлар ноаниқ бўлиб, унга ишониш қийин, чунки нарсалар шунчалик бирикиб кетганки, хатто кўп нарсалар энг ўткир кузатувчининг ҳам эътиборидан четда қолиши мумкин, ваҳоланки, башарти бирорта хато қилинса ҳам, бутун кузатиш нотўғри бўлиб чиқади.

Бунга жавоб.

9. Агар бу гапларнинг ҳаммаси ҳақиқат бўлса, илм ўргатишнинг бунчалик умумий, ишончли,

осон ва пухта йўлини ўйлаб топишга биз қандай журъат этдик? Жавоб берамиз: тажриба кўрсатиб турибдики, буларнинг барчаси мутлақо тўғри, лекин шу билан бирга, ақл кўзи билан қаралса, бу қийинчиликларни бартараф этадиган ишончли воситалар борлигини ҳам ўша тажрибанинг ўзи кўрсатиб турибди.

Бу — худонинг
хоҳиши ва доно-
лиги.

Худой-таоллонинг хоҳиши ва донолиги билан шундай бўлаётган экан, демак, бу инсоннинг бахт-саодати учун яратилган, демак, буларнинг ҳаммаси инсоннинг бахт-саодати учун оқилона хизмат қилиши мумкин. Дарҳақиқат, у бизга қисқа умр берган, чунки ҳозирги бузуқ ҳолатда инсон умрдан тўғри фойдалана олмайди. Ахир, башарти ҳозир бола туғилаётганида ўлса ёки туғилгандан сўнг ўлим ҳар қадамда ҳаф солиб турган бўлса ҳам, ҳар ҳолда, инсон шунчалик овора бўлаётган экан, агар кишининг умри бир неча юз ёки бир неча минг йил бўлса, нималар бўлмасди дейсиз?

Беш пунктдан
биринчисига.

Шунинг учун ҳам худой-таолло охиратда яхши ҳаёт кечириш учун тайёргарлик кўришга қанча вақт етарли деб ҳисоблаган бўлса, инсонга фақат ўшанча умр берган. Агар ундан фақат тўғри фойдалана билсак, бу мақсадни амалга ошириш учун инсон умри бемалол етади.

Иккинчисига.

10. Худо инсоннинг манфаатини кўзлаб, нарсаларни кўп яратган ва инсон шулар билан банд бўлсин, ривожлансин, машқ қилсин ва ўргансин, деб ҳисоблаган.

Учинчисига.

11. Худонинг хоҳиши шу бўлганки, зеро қулай ҳолатлар қисқа ва тез ўтадиган бўлсин, одамлар уни пайқаш биланоқ иложи борица ундан фойдаланиб қолишга интилсинлар.

Тўртинчисига.

12. Тажрибага шунинг учун ишонч йўқки, зеро инсон диққат-эътибор билан қарашни ўргансин, нарсаларни чуқурроқ текшириб ўрганиш вазифаси бизнинг зиммамизга ҳам юклатилган бўлсин.

Бешинчисига.

13. Ниҳоят, нарсаларни асосли равишда текшириш борасида қунт ва қатъиятимизни пухталаш учун нарсалар ҳақидаги фикрларимиз чигаллаштирилган. Бундан мақсад шуки, оламдаги ҳамма нарсада яширинган худонинг донолигини ўргана бориш ҳузур-ҳаловатимизнинг ортиб боришига сабаб бўлсин. Агар ҳамма нарсани билиш осон бўлса (деган эди дарвишнамо Августин), ҳақиқатни ҳеч ким қизиқиб ўрганмас ва ундан ҳузур-ҳаловат ҳам топмас эди.

Бу қийинчилик-
ларни оқилона
бартараф этиш
мумкин.

14. Шундай қилиб, ҳафсаламизни пир қилиш учун атайлаб қўйилган тўсиқларни худонинг хоҳиши билан бартараф этиш мумкинлигини кўриб чиқайлик. Лекин қуйидагиларсиз буни амалга ошириш мумкин эмас:

I. Умрни узайтириш, токи у олдиндан белгилаб қўйилган ишларни бажариш учун етарли бўлсин.

II. *Фан ва санъатларни ихчамлаштириш*, токи улар инсон умрига мос келсин.

III. *Қулай ҳолатлардан фойдалана билиш*, токи улар бекорга ўтиб кетмасин.

IV. Нарсаларни тез пайқай оладиган қилиб *ақлни ўстириш*.

V. Тутуриқсиз кузатишлар ўрнига хатоликка йўл қўймайдиган қандайдир қатъий асос белгилаш.

Кейинги бобларнинг тартиби.

15. Ниҳоят, табиатдан ўрнак олган ҳолда қуйидагиларнинг асосларини текширишга киришамиз: Ҳамма зарур нарсаларни ўрганиш учун

умрни узайтириш.

Тезроқ ўрганиш учун ўқув материални қисқартириш.

Ўқитишнинг самарали бўлиши учун қулай имкониятлардан фойдаланиш.

Осон ўзлаштириш учун ақлий қобилиятларни ўстириш.

Пухта (асосли) ўрганиш учун фикрни ўткирлаштириш.

Буларнинг ҳар қайсисини алоҳида бобларда баён этамиз, лекин ўқув материални қисқартириш масаласини охириги ўрнига қолдирамиз.

XV б о б

УМРНИ УЗАЙТИРИШ АСОСЛАРИ

Инсонга етарли даражада узоқ умр берилади.

1. Умрнинг қисқалиги масаласига келсак, Аристотель билан Гипократинсоннинг умри қисқалигидан ноийдилар, буғиларга, қарға ва бошқа ҳайвонларга жуда узоқ умр бериб, шундай буюк мақсадлар учун яратилган инсонга жуда қисқа умр бергани учун табиатдан ўпкаланадилар.

Лекин бунга Сенека жуда тўғри жавоб қайтарган: «Бизга умр қисқа берилган эмас, балки уни ўзимиз қисқартирганмиз; умр озлик қилмайди, балки ўзимиз ундан фойдаланишни билмаймиз. Агар умрдан тўғри фойдалансак, у қисқалик қилмайди» шунингдек: «Агар умрнинг ҳаммасидан тўғри фойдалана билсак, буюк ишларни қилиб улгуришимиз учун у бемалол етади» («О краткости жизни», 1 ва 2- боблар).

Лекин, умрни ўзимиз қисқартирамиз.

2. Агар бу гап тўғри бўлса (бу жуда тўғри албатта), ҳатто энг муҳим ишларни бажариш учун ҳам умр камлик қилаётганига ўзимиз айбдормиз, ҳақиқатан ҳам ўзимиз умр эговимиз, чунки уни оз-оз ишдан чиқараверишимиз оқибатида умр муддатидан олдин адо бўлади, умрнинг қолган қисми ҳам кераксиз нарсаларга сарфланади.

Мадорсизланиб қолишимизга ҳам сабаб ўзимиз.

3. Машҳур ёзувчи Ипполит Гравино (Nippolytis Gravinonius) жуда тўғри айтганидек, нормал туғилган бола, ҳатто у нимжон бўлса ҳам, бемалол олтмиш йил яшай олади, бақувватроқ туғилган бола 120 йил яшаши мумкин, бу фикрнинг тўғрилигини у исботлаб ҳам берган. Баъзилар бу муддатдан олдин вафот этаётган экан (ваҳоланки жуда кўп кишилар гўдаклик, ёшлик ва етуклик даврида оламдан ўтади), бунинг учун одамлар айбдор, чунки эътиборсизлик ва озиқ-овқатларни керагидан ортиқча истеъмол қилиш оқибатида киши ўз саломатлигини йўқотиб қўяди, ҳам насли ожиз бўлиб қолади ва умр қисқаради.

Искандар Зулқарнайн сингари бутун умримизни бағишламаймиз.

4. Агар умрдан тўғри ва самарали фойдаланилса, шу қисқа даврда ҳам (масалан, 50, 40, 30 ёш) жуда буюк ишларни бажариш мумкинлигини ҳатто узоқ умр кўрган кишилар ҳам ундасидан чиқишга уринмаган ишларни балоғатга етгунча бажариб қўйган кишилар мисоли кўрсатиб турибди. Искандар Зулқарнайн 33 ёшда вафот этди, лекин у фақат донишмандликни эгаллабгина қолмасдан, балки бутун дунёни забт ҳам этди, у ер юзини фақат қурол кучи билангина эмас, балки доно тadbирлари ва ақл бовар қилмайдиган даражада чаққонлиги, эпчиллиги билан бўйсундирди (ουδεν ἀναβαλλόμενος) «Ҳеч нарсани кейинга сурмади» Иоан Пикус Мирандольский (Мирандола) ҳатто Искандарча ҳам умр кўрмади, лекин илм-фан соҳасида у бошқалардан шунчалик илгарилаб кетдики, инсон ақли нималарга қодир эканлигини кўрсатди, бунинг ўша даврда мўъжиза деб ҳисобладилар.

Айниқса Исо пайғамбар сингари самарали яшашни ўрганайлик.

5. Бошқаларни айтиб ҳам ўтирмайлик. Исо пайғамбар ер юзида 34 йил яшаган бўлса ҳам, ўз намунаси билан, сўзсиз кўп одамларнинг гуноҳини ювишдек буюк ишни бажарди (чунки унга даҳлдор нарсаларнинг ҳаммаси сирли аҳамиятга эга), Исо пайғамбарнинг ҳаёти шунини кўрсатиб турибдики, инсон ҳар қанча оз яшаса ҳам охирагача умр зарур ҳамма тайёргарликни кўриб улгуриши мумкин.

Демак умр қисқа деб нолимаслик керак.

6. Сенеканинг шу маънода айтган олтин сўзларини бу ерда келтирмай ўта олмайман (Письмо 93). «Одамларга нисбатан адолатли кишиларни кўп учратдим, — деган эди у, — лекин худой-таоллага нисбатан адолатли кишини ҳеч учратмадим. Тақдирдан ёки бошқа бирор нарсадан ҳар куни нолиймиз. Бари бир, кетиш зарур бўлган жойдан тезроқ жўнаб қолиш шунчалик муҳим эканми. Умр тўлиқ бўлса — умр узоқ деган сўз. Агар руҳ ўз ҳолатини тиклаб олса ва ўзига ўзи ҳокимлик қила олсагина умр тўлиқ ҳисобланади», яна: «Илтимос қиламан сендан Луцийий; кел, бизнинг умримиз жуда узоқ бўлмаса ҳам қимматбаҳо тошлар сингари, жуда қадрли бўлсин. Умр узоқли-

гини вақт билан эмас, меҳнат билан ўлчайлик». Сўнгра: «Оз бўлса ҳам берилган вақтдан унумли фойдалана билган кишини мақтайлик ва бахтли деб ҳисоблайлик. Ахир у ҳақиқий оламни кўради, доғда қолмайди, умрни яхши ўтказди ва иззат-ҳурматга сазовор бўлади». Ва яна: «Жуссаси кичик одам пишиқ бўлгани сингари, қисқа умр кўрган киши ҳам баркамол бўлиши мумкин. Умрининг узоқлиги ташқи безакдир. Умрининг узоғи қанча бўлади, деб сўрашинг мумкин. Доноликни эгаллагунча яшаш. Доноликни эгаллаган киши энг узоқ ва энг олий мақсадга эришган ҳисобланади».

Икки восита. 7. Демак бизнинг ва болаларимизнинг (шунингдек, мактабларнинг ҳам) умри қисқа деган арз-додларга қарши қуйидаги иккита восита мавжуд:

1. Танани касалликлар ва ўлим хавфидан асраш.

II. Ақлни ҳамма нарсани турлича бошқаришга мослаштириш учун барча мавжуд чоралар кўриш.

Танани касалликлардан асраш керак. Нега? Чунки у:

1. жоннинг макони;

8. Биринчидан, биз танани касалликлар ва бахтсиз ҳодисалардан шунинг учун муҳофаза қилишимиз зарурки, тана жоннинг биринчи ва ягона макони ҳисобланади; бу макон вайрон бўлгач, жон бу дунёдан дарҳол кўчишга мажбур бўлади, лекин тана секин-аста емирила борса, — гоҳ у, гоҳ бу қисми ишдан чиқа борса, бу макон жоннинг яшаши учун ноқулай бўла боради. Демак, агар худой-таолло марҳамат қилган жаҳон боғида иложи борица кўпроқ ва яхшироқ яшашни истасак, ўз танамизни авайлаб парвариш қилишимиз керак. Иккинчидан, тананинг вазифаси жонга фақат макон бўлиб хизмат қилишдангина иборат эмас, балки у ақлнинг воситаси ҳамдир, усиз ақл ҳеч нарсани эшитмайди ҳам, кўрмайди ҳам, гапира олмайди ҳам, ҳаракат қила олмайди ҳам, бундан ташқари, ҳатто фикрлай ҳам олмайди.

2. жоннинг органи.

Сезгилар бўлмаса онг ҳам бўлмаганидек, ақл фикрлаш учун зарур материалларни фақат сезгилар орқали олади ва ички сезгиларсиз, яъни нарсаларни сезиб, уларнинг образларини идрок этмасдан туриб тафаккур ҳам бўлмайди¹. Бундан маълумки, мия зарарланса, хаёл қилиш қобилияти ҳам йўқолади ва тананинг бирор қисми касалланса, жон ҳам оғрийди, шунинг учун ҳам

«соғлом танда соғ ақл бўлишини¹ тиламоқ керак» деб жуда тўғри айтилган.

Кандай қилиб? Оқилонга яшаш туфайли; унинг тафсилоти дарахт мисолида кўрсатилади, дарахтни:

1) меъёрида озиклантириш,

9. Киши бир меъёрда турмуш кечирса, ўзини тетик ҳис этади.

Врачлар бу ҳақда батафсил гапирадилар, биз эса бу ерда фақат дарахт мисолида бу масалани тилга олиб ўтамиз. Дарахтнинг узоқ яшаши учун уч нарсаси зарур: 1) доимий намлик, 2) тез-тез буғ чиқариб туриш ва 3) вақт-вақти билан дам олиш. Агар намлик бўлмаса, дарахт сўла бошлайди ва қуриб қолади. Лекин намлик ҳам меъёрида бўлиши керак, чунки намлик кўпайиб кетса, илдизни чиритади. Шунга ўхшаш, танага ҳам озуқа керак, чунки озуқа олмаса очлик ва ташналик натижасида киши ориқлаб кетади, лекин организмда озуқа ҳаддан ташқари кўпайиб кетмаслиги зарур, чунки ҳазм қилиш жуда қийинлашади ва пасаяди. Овқат қанчалик меъёри билан ейилса, шунча яхши ҳазм бўлади; бунга одатда эътибор бермасдан, баъзилар овқатни кўп еб қўйиб, ўзини кучсизлантиради ва соғлигига пугур етказди. Ахир ўлим касаллик натижасида рўй беради, касаллик зарарли суюқликлардан пайдо бўлади, зарарли суюқликлар — ҳазм қилишнинг бузилишидан, ҳазм қилишнинг бузилиши эса овқатни ошиқча истеъмол қилишдан пайдо бўлади, чунки ошқозонга овқат ҳаддан ташқари кўп борса, у ҳазм қилиб улгурмайди, натижада чала ишланган суюқликни организмга тарқатиб юборишга мажбур бўлади, бунинг оқибатида турли касалликлар келиб чиқади. «Жуда тўйиш оқибатида (дейилган эхклезиада) кўплар вафот этган, нафсини тийган кишилар эса умрини узайтиради». (Сир., 37, 34).

1) ва оддий озиклантириш;

10. Тананинг бақувват бўлиши учун меъёрида овқатланиш билан бирга, оддий овқатларни ейиш керак. Ахир боғбон энг нозик дарахтни ҳам вино ёки сут билан эмас, балки оқар сув билан суғоради. Демак, ота-оналар ўз болаларини, улар айниқса илм-фан билан шуғулланса, ёки шуғулланиши лозим бўлса, иштаҳани очадиган овқатларга ўргатмасликлари зарур. Подшо авлоди ҳисобланган ўсмирлар — Д а н и л л а унинг ўртоқлари илм-фан билан шуғулланганларида сабзавот еб ва сув ичиб юрсалар ҳам, шоҳона овқатланиб юрган барча ўғил болалардан кўра уларнинг танаси чидамлироқ ва бақувватроқ, энг муҳими — ўзлари ақллироқ бўлиб чиқдилар (Дан., 1, 12 и след). Лекин бунга бошқа жойда батафсилроқ тўхталамиз.

¹ Коменский бу ерда «mens sana in corpore sano» (соғлом танда соғ ақл) деган машҳур латинча иборани келтиради. Локкнинг «Тарбия ҳақида фикрлар» асари шу қоидага асосланган. Коменский ҳам бу иборани тасодифан келтирмаган, ақлий меҳнатни енгил ва завқ билан бажариш учун ўқувчилар жисмоний жиҳатдан соғлом ва тетик бўлишлари зарурлиги ҳақидаги ғояни Коменский системали равишда тарғиб қилади.

¹ Бу ибора латинча текстида бундай ифодаланган: Nihil est in intellectu, quod non prius fuerit in sensu (олдин сезиб билинмаган нарсалар онгда бўлмайди). Бу қоида ифодалаш билан Коменский Бэконга яқинлашиб келади ва соф сенсуалистик нуқтаи назарга ўтиб олади. Шунингдек, XX бобнинг 7 нчи параграфига ҳам қаранг, Коменский у ерда: «билишнинг бошланиши, албатта, доимо сезгилардан келиб чиқади» деган. Ҳатто Коменский бундан зарур дидактик хулоса ва қоидалар ҳам чиқаради, ўқишда реаллик (ҳақиқийлик) конкретлик (яққоллик) кўрсатмалилик, сўзларни унда ифодаланган буюмлар билан боғлаш кабилар.

2) тез-тез бу
чиқариб туриш;

3) вақт-вақти
билан дам олиш;

11. Дарахт буғланиб, шамол, ёмғир, совуқ таъсирида тез-тез ором олиб туриши керак, акс ҳолда у кучсизланиб, сўлиб қолади. Худди шунга ўхшаш, инсон гавдаси ҳам умуман кучли ҳаракат қилиб, фаолият кўрсатиб, ўйин ёки машқ қилиб туриши зарур.

12. Ниҳоят, дарахт вақт-вақти билан маълум даражада дам олиб туриши керак. Албатта, дарахт ҳамма вақт куртак чиқариб, гуллаб, мева беравермайди, баъзан дарахт ўз танасини бақувватлаш учун суяқлик ишлаб чиқариш имкониятига ҳам эга бўлиши зарур. Шунинг учун барча ўсимликлар ва ер дам олсин деб ёз, куздан сўнг қиш яратилди; бунинг учун тангри ҳар етти йилда ерга бир марта дам беришга ҳам қарор қилди (Левит., 25). Одамлар (ва бошқа жониворлар)нинг кундуз қаттиқ чарчаб меҳнат қилгандан сўнг ухлаб, ҳордиқ чиқариб, куч тўплаши учун тун яратилди. Шунингдек, бирор соат ишлагач, озроқ дам олиш ақл учун ҳам, тана учун ҳам табиий зарур.

Демак, ҳатто кундуз кунлари ишлаётган пайтда ҳам суҳбат қилиш, ўйин, ҳазил-мазах қилиш, музыка тинглаш каби йўллар билан ҳордиқ чиқариб, дам олиб туриш зарур, бунинг натижасида ички ва ташқи сезгилар куч тўплаб олади.

Соғ-саломатлик
бу уч шартга тўғри
риоя қилишга боғ-
лиқ.

13. Бу уч нарсага меъёрида овқатланиш, жисмоний машқ ва дам олишга амал қилинса, киши соғлом бўлади ва узоқ яшайди, фақат худонинг амри билан содир бўладиган бахтсиз ҳодисаларгина бундан мустаснодир. Демак, мактабларни яхши ташкил этиш кўп жиҳатдан меҳнат ва ҳордиқ чиқаришни ёки машғулот, бўш вақт ва дам олишни тўғри уюштиришга боғлиқ бўлади.

Иш вақтини тўғ-
ри тақсимлаш ке-
рак.

14. Меҳнатга сарфланадиган вақтни оқилона тақсимлаш ҳақида ҳам гапириш лозим. Ўттиз йил! Бу айтишга осон. Лекин у бир неча ой, юзлаб кун, минглаб соатлардан иборат. Олдинга қараб юрган ҳар бир киши, ҳатто у жуда секин юрса ҳам, албатта бу давр ичида анча илгарилаб кета олади. Дарахтларнинг ўсиши бундан далолат беради. Жуда эҳтиётлик билан кузатган киши ҳам дарахтнинг ўсишини сеза олмайди, чунки ўсиш доимий ва жуда секин содир бўлади. Лекин бир ойдан сўнг қаралса, дарахтнинг анча ўсиб қолганини кўриш мумкин, ўттиз йилдан сўнг эса шохлари осилиб турган улкан дарахтни кўрасиз. Инсон танасининг ўсиши ҳам худди шунга ўхшайди: боланинг ўсаётганини сезмайсиз, лекин унинг улғайиб қолганини кўрасиз. Нарсалар ҳақида билим тўплайдиган инсон ақли ҳам шунга ўхшаса ажаб эмас. Қуйидаги мақол бундан далолат беради:

Оз-оздан ўрганиб доно бўлур,
Қатрадан кўпайиб, дарё бўлур.

Ҳаракатнинг ол-
динга қараб йўна-
лиш кучи — жуда
ажойиб.

Илм хазиналари-
ни эгаллаш учун
етарли бўлган
вақтни тўғри тақ-
симлаш.

15. Ҳаракатнинг олдинга қараб йўналиш кучи-
ни яхши билган киши бунинг ҳам тез пайқаб
олади. Дарҳақиқат, ҳар йили дарахтдаги ҳар
бир куртакдан фақат биттадан шохча ёки кўз
ўсиб чиқса, ўттиз йил давомида минглаб катта
ва кичик шохчалар пайдо бўлади, барг, гул ва меваларни ҳатто
санаб ҳам бўлмайди. Наҳотки инсон шунчалик меҳнатсеварлиги
билан йигирма ёки ўттиз йил ичида хоҳлаган чўққисигача чиқа
олмайди, деб ҳисоблаш мумкин бўлса? Бунинг бир оз батафсил-
роқ кўриб чиқайлик.

16. Бир сутка — йигирма тўрт соат. Агар бунинг
ҳаётий эҳтиёжга қараб уч қисмга бўлсак, *бун-
дан саккиз соати уйқуга, саккиз соати ҳар тур-
ли ишларга* (яъни ўз танасини парвариш қи-
лиш, овқатланиш, кийиниш ва ечиниш, оқилона
ҳордиқ чиқариш, бошқалар билан суҳбатла-
шиш каби) *сарфланса, ниҳоят яна саккиз соати муҳим
ишларни завқ-шавқ билан бажариш учун қолади.* Демак, ишлаш
учун бир ҳафтада (еттинчи кун бутунлай дам олишга қолдирилса
ҳам) 48 соат, бир йил давомида 2495 соат ажратилади; бу ўн,
йигирма, ўттиз йилда қанча соат бўлади?

17. Демак, инсон ҳар бир соатда, ҳеч бўлмаса, бирор фаннинг
бир қондасини ёки санъат техникасининг бирорта қондасини
ёки адабиётдан бирорта кичик воқеани ёки бирорта васиятни
ўрганиб олса (бунинг ҳеч бир қийналмай бажариш мумкин), қан-
чалик кўп нарсани билиб олган бўларди?

Хулоса.

18. Шундай қилиб, Сенеканинг гаплари
ҳақ: умр қисқа эмас, агар биз ундан фойдала-
на олсак эди, ҳамма нарса тўғри ташкил этилганда эди, умр энг
буюк ишларни бажаришга ҳам етган бўлур эди. Ҳамма гап вақт-
дан тўғри фойдаланиш масаласига эътибор беришимизга боғлиқ.
Энди бунинг текшириб кўриш керак.

XVI боб

УҚИТИШ ВА УҚИШНИНГ УМУМИЙ ТАЛАБЛАРИ ЯЪНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ УҚИТМОҚ ВА УҚИМОҚ КЕРАК

Табиатда нарсалар
ўз-ўзидан
ўсади.

1. Инжилнинг муаллифи Исо пайғамбаримиз
айтган масал¹ рамзли бир ҳикоя келтирган.
«Худонинг қудрати шундай буюкки, — деган
эди у, — агарда инсон уруғликни ерга ташлаб
кеча-кундуз ухлаб ётгач, бари бир уруғлик униб чиққан

¹ Масал (притча) шаклан аллегорик (мажозий) ахлоқий-дидактик мақса-
дларни кўзлаган кичик ҳикоя номи. Масал шарқ халқлари ўртасида кўп
тарқалган. Христиан диний таълимотини баён қилганда масалга мурожаат
қилинган эди.

бўлур эди. Чунки ерда нарсалар ўз-ўзидан униб чиқади, ҳосил беради: аввало уруғ униб чиқади, бошоқлар чиқаради, сўнгра бошоқдан тўлиқ дон ҳосил бўлади. Ғалла пишиб етилгач, ўроқчилар келиб ўрадилар» (Марк, IV, 26).

Санъат соҳасида ҳам худди шундай бўлиши керак.

Шунинг учун тарбиячилар зиммасига ёшлар қалбига илм уруғини экиш ва бу илоҳий ўсимликни авайлаб парвариш қилиш вазифаси юклатилади; ютуқ ва ўсиш тангрининг амри билан содир бўлади.

Экишнинг муваффақияти санъатга боғлиқ.

3. Уруғ ва ниҳолни экиш учун маълум тажриба ва санъат зарурлигини ким билмайди? Ахир, тажрибасиз боғбон эккан ниҳол кўчатларининг кўпи, одатда қуриб қолади-ку, мабодо баъзи кўчатлар яхши ўсса бу санъатдан кўра ҳам кўпроқ тасодиф туфайли содир бўлади. Эҳтиёткор боғбон эса ишнинг кўзини билиб ҳаракат қилади, нимани қаерга, лекин қачон ва қандай экиш ёки экмаслик кераклигини яхши билади, унинг иши ўнгидан келмай иложи йўқ. Албатта, тажрибали кишининг ҳам баъзан омади келмай қолиши мумкин (чунки одам ҳамма ишни ҳеч бир хатосиз бажариши амри маҳол), бу ерда гап тадбиркорлик ва тасодиф тўғрисида бораётгани йўқ, балки эҳтиёткорлик билан тасодифнинг олдини олиш ҳақида бораётир.

Ўқитиш методи илмий назарияга айлантирилиши керак.

биз бу ўқитиш санъатини, албатта, доимо олға қараб кетиши ва самарали бўлиши учун илмий асосларга қуриш мумкинлигини кўриб чиқишимиз керак.

Табиий ва сунъий ҳаракатларнинг бир хилда содир бўлиши.

шириб кўрайлик. Боғбон, рассом, архитектор табиатга эргашиб, унга қандай муваффақиятли равишда тақлид қилаётганига бир назар еолсак, ёшларга илм ўргатувчилар ҳам табиатга тақлид қилишлари кераклигини тушуниш осон бўлади.

Хўш нега шундай?

6. Мабодо бизнинг бундай таққослашларимизда йўта соддалик, ҳаммага маълум ва оддий бир нарса бўлиб туюлса, биз табиат ва санъатда ҳар куни содир бўлаётган, ҳаммага маълум ва кўриниб турган ана шу ҳодисалардан ўқитиш соҳасида ҳанузгача ҳеч ким билмаган хулосаларни

чиқаришга ҳаракат қилаётганимизни унутмаслик керак. Бинобарин, шубҳасиз, ўқитиш қоидалари нимага асослангани қанчалик маълум бўлса, бизнинг хулосаларимиз ҳам шунчалик тушунарли бўлишига аминмиз.

БИРИНЧИ АСОС

Ҳар бир ишнинг ҳам ўз вақти-соати бор.

7. Табиат қулай вақтда жуда мослашади. Масалан, *қуш* ҳамма нарса музлаб қолган қаҳратон қишда ёки ҳамма нарса қизиб бўшашиб кетадиган жазирама ёзда ёки қуёшнинг тафти пасайиб, қушларнинг яшаши учун хавф-хатарли совуқлар яқинлашиб келаётган куз фаслида бола очишга киришмайди, балки қуёш ҳаёт ва бардамлик боғлайдиган, ҳамма нарса энди уйғона бошлаган баҳор фаслида бу ишга киришади. Шунда ҳам у секин-аста иш бошлайди. Қишнинг охирироғида уруғдонда қуш тухуми шакллана бошлайди; ҳаво бир оз юмшаб, кунлар исий бошлагач, қуш уясига тухум қўяди; ва ниҳоят, ҳаво исиб қолгач, қуш болаочади ва унинг болалари секин-аста ёруғлик ва иссиқликка кўника боради.

Боғдорчилик ва меъморчиликда бунга тўғри тақлид қилинади.

8. Шунингдек, *боғбон* ҳам ҳар ишни ўз вақтида бажаришга эътибор беради. Боғбон кўчатни қишда экмайди (чунки бу даврда ўсимликнинг шираси илдизда тўпланган бўлади ва ниҳолни озиқлантириш учун унинг танасига ёйилмайди); ёзда ҳам экмайди (чунки шира новдаларга тарқалиб кетган бўлади); кузда ҳам экмайди (чунки шира илдизга тўпланаётган бўлади), балки баҳор фаслида экади, чунки бу даврда шира илдиздан чиқиб тарқала бошлайди ва дарахтнинг шохлари куртак чиқариб ўсади. Боғбон ниҳолни қайси вақтда ва қандай парвариш қилишни, яъни гўнглаш, буташ, чопиқ қилиш кабиларни ҳам билиши керак; ҳатто дарахтнинг ўзи ҳам маълум бир вақтда куртак чиқаради, гуллайди, барг ёйди, мева қилади... Тадбирли архитектор ҳам худди шунга ўхшайди; ўрмондаги дарахтларни кесиш, ғишт пишириш, фундамент (пойдевор) қўйиш, деворни териб кўтариб ва уни шувоқ қилиш каби ишларни бажариш учун қулай вақтни танлаш зарур деб ҳисоблайди.

Мактабларда бу ғоялардан четга чиқилаётир.

9. Мактабларда бунга риоя қилмаслик натижасида икки хил хатоликка йўл қўйилмоқда. I. *Ақлий машқлар учун қулай вақт танланмайди.*

II. *Машқларни маълум тартибда, хатосиз, кетма-кет бажариш учун улар аниқ тақсимлаб чиқилмайди.*

Болани жуда кичик пайтида ўқитиш мумкин эмас, чунки ҳали унинг билиш қобилияти ривожланмаган бўлади. Киши қариб қолгач, уни ўқитиш ҳам бефойда, чунки бу даврда билиш қобилияти ва хотираси заифлашиб қолади. Ўрта яшарлик даврида ҳам ўқитиш қийин бўлади, чунки бу даврда кишининг хаёли тарқоқ бў-

либ, фикрни бир жойга тўплаш қийин бўлади. Демак, ўқитиш учун ҳаёт ва ақл кучлари ўсиб турган болалик пайти қулай; бу даврда ҳамма нарса яхши идрок этилади ва узоқ вақт эсда сақланади.

Уч хил тузатиш. 10. Демак, бундан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

I. Инсонга таълим беришни умрнинг баҳорида, яъни болалик давридан бошламоқ керак, чунки болалик — баҳор, ёшлик — ёз, вояга етган давр — куз ва қарилик — қиш ҳисобланади.

II. Уқув машғулоти учун эрталабки соатлар жуда қўлай (чунки эрталаб, бу ерда куннинг баҳор фаслига, туш пайти — ёзга, кечқурун кузга ва кечаси — қишга тўғри келади).

III. Ўрганилиши зарур бўлган материал нарсалар ёш давларига қараб шундай тақсимланиши керакки, ҳар бир даврда бола идрок қила оладиган нарсаларгина тавсия этилсин.

ИККИНЧИ АСОС.

Материал шакл беришдан олдин ҳозирланади.

11. Табиат бирор шакл беришдан олдин ўзига материал ҳозирлайди. Масалан, қуш бола очишдан олдин ўзининг қон томчисидан она қушнинг ичига урчитадиган уруғ (уруғлантирадиган тухум) юборади, сўнгра уя ясаб, тухум қўяди, ниҳоят тухумни босиб қизитади, қуш боласи тухум ичида шаклланиб, сўнгра уни очиб чиқади.

Тақлид қилиш. 12. Шунга ўхшаш тадбиркор архитектор биони кура бошлашдан олдин, ёғоч, тош, оҳак, темир ва бошқа зарур материалларни ҳозирлаб қўяди, акс ҳолда материаллар етмаганидан қурилиш ишлари тўхтаб қолиши ёки бино мустаҳкам қурилмаслиги мумкин.

Шунингдек, *рассом* ҳам сурат солишдан аввал полотно (мато) топиб, уни рамкага тортади, фон бериб чиқади, бўёқларни тайёрлаб, кичкина чўткаларни қулай жойга тахлаб қўяди ва сўнгра сурат чиза бошлайди.

Боғбон ҳам кўчат ўтқазишдан олдин ерни текислаб, пархш¹, кўчат ва зарур асбобларни ҳозирлаб қўяди, акс ҳолда иш бошланган вақтда зарур нарсаларни топиб келиш учун овора бўлиб, кўчатларни қуритиб қўйиши мумкин.

Қондани бузиш. 13. Мактабларда бу асосий қондани бузиш ҳолларини қуйидагилардан кўриш мумкин:

Биринчидан, *кўпчилик фойдаланиши зарур бўлган барча қуроллар: китоб, доска, модел, буюм намунаси ва бошқалар олдинроқ ҳозирлаб қўйилмайди*. Ўқитишдан натижа чиқавермаган (айниқса муаллим тажрибасиз ва уқувсиз бўлса, одатда бундайлар тўлиб-тошиб ётибди) тақдирдагина бирор зарур қурол қиди-

ра бошланади, ташкил этилади, мажбур қилинади, кўчириб ёзилади ва ҳоказо. Бу — касалга дори ичириш зарур бўлган пайтдагина табиб далага ва ўрмонга қараб чопиб, доривор ўсимлик ва ўсимлик илдизларини йиғиб келишга, уларни қайнатиб, сузгичдан ўтказишга киришганига ўхшаб кетади. Ваҳоланки, ҳар эҳтимолга қарши дори-дармон олдиндан тайёрлаб қўйилиши керак.

14. Иккинчидан, ҳатто мактабларда қўлланилаётган китобларда ҳам шаклдан олдин материал берилиши лозим бўлган табиий тартибга амал қилинмайди. Деярли ҳамма жойда бунинг тескарисини (аксини) учратамиз, нарсаларнинг тартиби нарсадан олдин баён қилинади, ваҳоланки тартибга келтириладиган нарсанинг ўзи бўлмаса, уни тартибга тушириб ҳам бўлмайди. Буни тушунтириш учун қуйидаги тўртта мисолни келтираамиз.

15. (1) *Мактабларда нарсалардан аввал сўзлар ўргатилади*, чунки бир неча йиллар давомида боланинг фикри тил илми билан банд этилади ва ниҳоят сўнгра (ким билсин қачон) реал фанлар: математика, физика кабилар ўқитилади. Ваҳоланки нарса, бу моҳият, сўз эса тасодиф, нарса тана бўлса, сўз — кийимдир, нарса — мағиз бўлса, сўз — унинг қобиғи, жилдидир. Демак, буларнинг иккаласини ҳам бирданига ўргатиш керак, лекин ўрганишни билиш ва нутқ объекти сифатида аввало нарсанинг ўзидан бошлаш лозим.

16. (2) *Сўнгра тилларни ўргатишнинг ўзи ҳам нотўғри олиб борилади*; чунки тил ўрганиш бирорта авторнинг асари ёки яхшироқ тузилган луғатни ўрганишдан эмас, балки грамматикани ўрганишдан бошланар эди, ваҳоланки авторнинг бирор асари ва луғати тил, нутқ учун материал бўлиб хизмат қилади; грамматика эса унга фақат шакл беради, сўз ясаш қонунларини, уларнинг жойланиш тартиби ва боғланишларини ўргатади.

17. (3) *Учинчидан, фанлар доирасида ёки энциклопедияларда¹ ҳар доим, аввало санъат баён этилиб, сўнгра анчадан кейин фан ва билимга ўтилади*, ваҳоланки фан нарсаларнинг ўзини, санъат эса уларнинг шаклини ўргатади.

18. (4) *Ниҳоят, қондалар мавҳум ҳолича ўргатилиб, сўнгра мисоллар келтириб тушунтирилади*, ваҳоланки ёритиладиган нарсадан аввал ёруғлик бўлиши керак.

19. Бундан келиб чиқадики, ўқитиш методини туздан яхшилаш учун:

I. *Китоб ва бошқа ўқув қуролларини олдинроқ ҳозирлаб қўйиш зарур.*

II. *Тил ўргатишдан олдин боланинг фикрини ўстириш керак.*

III. *Тил ўргатишни грамматикадан эмас, балки ёзувчиларнинг энгилроқ асарларини ўқишдан бошлаш лозим.*

¹ Ўсимликдан ажратилмасдан илдиз олдириш учун бир қисми ерга қўмилган новда, шох.

¹ Бу ерда гап қадимги греклар одатига биноан ўқитилиши зарур бўлган фанлар ҳақида боради, ҳар бир ўқимишли киши бирор мутахассисликни эгаллашдан олдин бу фанларни ўрганиши зарур эди.

IV. Формал (тил) фанлардан аввал реал фанларни ўрганиш зарур.

V. Аввал мисоллар келтириб, сўнгра улардан қоидалар чиқариш керак.

учинчи асос.

Шакл бериш учун аввало материалга ишлов бериб, у яроқли ҳолга келтирилади.

20. Табиат таъсир кўрсатиш учун яроқли нарсани танлайди ёки ҳеч бўлмаса яроқли бўлиши учун аввало унга ишлов беради.

Масалан, қуш ўзига ин қуриш учун тўғри келган нарсани ташиб келавермайди, балки тухум қўйиш ва бола очиш мумкин бўлган нарсаларни келтиради. Агар тош ёки бошқа шунга ўхшаш нарса учраб қолса, қуш уларни, фойдаси бўлмагани учун улоқтириб юборади. Сўнгра бола очиб чиққунча тухум босиб уни қизитади, айлантиради, тухум ичидаги моддани эмбрион шаклига киритади.

Тақлид қилиш. 21. Шунга ўхшаш *архитектор* ҳам иложи борича яхшироқ дарахтни кесиб, уни қурилади, пўстлоғини олиб ташлайди, арралайди, сўнгра қурилиш бўлади-ган жойни текислайди, тозалайди, янгидан пойдевор қўяди ёки эски пойдеворни қайта тиклаб, мустаҳкамлаб, бино қуриш учун яроқли ҳолга келтиради.

22. Худди шунингдек, *рассом* ҳам яроқли полотно ёки бўяш учун грунт олиб, аввало, уни қирқиб текислайди, силлиқлаб иложи борича яхшилашга, тузукроқ чизиш учун уни имкони борича тайёрлашга ҳаракат қилади.

23. *Боғбон* ҳам шундай қилади: 1) мевали дарахтнинг энг яхши пархилини танлаб олади; 2) уни кесиб олади ва боққа элтиб яхшилаб экади; 3) пархил илдиз чиқариб ўсмагунча унга бошқа қаламчани пайванд қилмайди; 4) янги қаламчани пайванд қилишдан олдин, аввалги шохчани кесиб ташлайди, бундан ташқари, кунданинг айрим жойларини арралаб ташлайди, чунки дарахтнинг шираси бошқа ёққа оқмай фақат пайванд қилинган янги қаламчани озиқлантириши керак.

Қоидани бузиш. 24. Бу асосий қоидани мактабларга зеҳни паст ва калтафаҳм болаларни қабул қилиш билангина эмас (чунки бизнинг планимизга кўра мактабга ҳамма болалар жалб этилиши керак), балки қуйидагиларга эътибор бермаслик натижасида ҳам бузадилар:

I. Бу ёш ўсимликлар ниҳолхонада парвариш этилмас эди. Яъни мактаб ихтиёрига бутунлай бериб қўйилмайди, улар инсон бўлиб тўла шаклланмасдан туриб устахонадан чиқариб юборилмас эди.

II. Кўпинча пархил илдиз чиқармасдан туриб илм, ахлоқ ва тақводорлик куртакларини пайванд қилишга уринар эдилар, яъни илмга нисбатан табиий интилиш уйғонмасдан туриб, ўқишга ҳавас қўйиш талаб этилар эди.

III. Кўчат қилиб экишдан аввал ёш ниҳол ёки пархил тозаланмас эди, яъни руҳ усталик билан интизом ва тартибга ўргатилиб, кераксиз нарсалардан халос этилмас эди.

25. Юқоридагиларга асосан:

Тузатиш. I. Мактабга берилган ҳар бир бола унда ўқишни охиригача давом эттирсин.

II. Бирор фанни ўргана бошлашдан олдин ўқувчиларнинг ақли шу фанни ўрганишга тайёрланиши керак. (Бу ҳақда кейинги бобнинг иккинчи асосида батафсил гапирилади).

III. Ўқувчига ҳалақит берадиган нарсаларнинг барчаси унинг кўз олдидан четлатилиши лозим.

Агар, аввало қоидани ўрганишга ҳалақит берадиган барча нарсалар бартараф этилмаса, қоидани ўргатишнинг ҳеч бир аҳамияти қолмайди, деган эди Сенека. Бу тўғрида ҳам кейинги бобда гапирилади.

тўртинчи асос.

Ҳамма нарса аралашиб эмас, балки алоҳида шаклланади.

26. Табиатда ҳаракатлар аралаш-қуралаш бўлиб кетмайди, балки алоҳида-алоҳида, маълум тартиб билан бажарилади. Масалан, табиат қуш боласини яратганида бир вақтда унинг суяклари, қон томирларини шакллантирса, бошқа бир вақтда мушакларини шакллантиради, яна бошқа вақтда терисини яратса, сўнграқ пат ва парлари ўсиб чиқади; ниҳоят учишни ўргатади ва ҳоказо.

Тақлид қилиш. 27. *Архитектор* пойдевор қўя туриб бирданига деворни териб кўтара бошламайди ёки бионинг томини ёпишга киришмайди, балки ҳар ишни ўз вақтида ва ўз ўрнида бажаради.

28. Шунингдек, *рассом* ҳам йигирмата ёки ўттизта нарсанинг тасвирини бирданига чизмайди, балки бутун диққат-эътиборини бир нарсага қаратади; ваҳоланки, у бўш вақтларида, балки бошқа картиналарни (суратларни) чизишга тайёрлаб қўйиши ёки бошқа бирор иш билан шуғулланиши мумкин, лекин картиналардан биттаси унинг диққат марказида бўлади.

29. Худди шунга ўхшаш *боғбон* бир неча янги новдани бирга қўшиб экмайди, балки янглишмаслик учун, илдизларга зарар бермаслик учун алоҳида-алоҳида экади.

Қоидани бузиш. 30. *Мактабларда эса ҳамма нарса аралашиб кетган. Ўқувчига кўп нарсалар бирданига ўргатилади.* Масалан, латин ва грек тиллари грамматикаси, бунинг устига риторика ва шеърят назарияси ва яна нималар ўргатилмасди дейсиз! Классик мактабларда бутун кун давомида деярли ҳар бир дарсда ўқув материали ва машқлар алмаштириб турилганини ким билмайди. Бу аралаш бўлмай нима ахир? Бу — этикдўз олти ёки еттита этикни бирданига тикмоқчи бўлиб, гоҳ унисини, гоҳ бунисини қўлига олиб четга улоқтираверганига ўхшайди.

Еки нонвой бир неча хамирни тандирга ёпиб, чиқариб олиб, яна ёпиб чиқариб олганига ўхшайди. Ким бунчалик бемаъни иш қилиши мумкин? Этикдўз бир этикни тикиб бўлмасдан туриб, бошқасига қўл ҳам урмайди, нонвой ёпган нонларини пишириб олмагунча тандирга бошқасини ёпмайди.

Тузатиш. 31. Келинг, биз ҳам уларга эргашайлик. Худо ҳаққи ўтиниб сўрайманки, мактабда грамматикани ўрганаётган вақтда диалектикани аралаштирманг, боланинг ақли диалектикани ўрганиш билан банд бўлганида риторикани ўртага қўшманг, латин тили ўрганилаётган бўлса, грек тилини ўрганишни кечиктириш керак. Акс ҳолда фанлар бир-бирига халақит беради, чунки бир неча фанларни ўрганишга йўналтирилган диққатни бир жойга тўплаш қийин бўлади. Буюк Иосиф Скалигер бунни яхши тушунар эди, айтишларича у (балки отасининг маслаҳати биландир) ҳар доим бир вақтда фақат бир фанни ўрганиш билан шуғулланган, бутун диққат эътиборини шу нарсага қаратган. Шу туфайли у ўн тўртта тилни ўрганиб олган, санъат ва фанларни эса инсон ақлига қанча сўғса, шунча ўзлаштирган, шунда ҳам у бу фанлардан ҳар бирини фақат бир фаннигина ўрганган кишилардан ҳам чуқурроқ билиб олган, шу йўлдан борганларнинг ҳаммаси ҳам яхши натижаларга эришган.

32. Демак, мактабларда шундай тартиб ўрнатиш керакки, ўқувчилар бир вақтнинг ўзида фақат бир фанни ўргансинлар.

БЕШИНЧИ АСОС.

Аввало ичкаридан.

33. Табиат ўзининг ҳар қандай ҳаракатини ичкаридан бошлайди. Масалан, табиат қушнинг дастлаб тирноқлари, парлари ёки терисини эмас, балки аввало ички тузилишини шакллантиради. Ташқи органлари эса кейинроқ, ўз вақтида шаклланади.

Тақлид қилиш. 34. Боғбон ҳам шунга ўхшаб, пайванд қилиш учун қаламчани дарахт пўстлогининг устидан ёпиштирмайди, балки дарахт танасини маъзигача тилиб, қаламчани иложи борица ичкарироққа яхшилаб жойлаштириб, ёрилган жойларини маҳкамлаб шувайди, токи дарахтнинг шираси ташқарига оқиб кетмасин, балки қаламчани озиқлантириб, унинг ўсишига ёрдам берсин.

35. Шунингдек, ёмғир ёки ариқ суви билан ўсадиган дарахт, озукани ташқи пўстлогига орқали эмас, балки ичкари қисмидаги тешикчалар орқали қабул қилиб олади. Шунинг учун ҳам боғбон, одатда, дарахтнинг шохчаларига эмас, балки томирига сув қуюди. Ҳайвон ҳам озиқ-овқатни ташқи органлари билан эмас, балки ошқозонида ҳазм қилади ва ҳазм бўлган озуқа унинг бутун танасига тарқатилади. Шунинг учун ҳам тарбиячи билим асосларини худди шунга ўхшаб ўргатса, бундай таълимни тана, яъни

хотира тезроқ қабул қилиб олади ва ниҳоят у гуллаб мева тугади, яъни хорижий тилда бемалол гаплашаверади ва ишда тажриба ортади.

Қондани бузиш. 36. Нарсаларнинг моҳиятини яхши тушунтирмасдан болага кўпроқ хат ёздириб, кўпроқ ёдлатиб уни маълумотли қилмоқчи бўлган муаллимлар хато қиладилар. Шунингдек, болага ҳамма нарсани тушунтирмоқчи бўлиб, бирор меъёрга риоя қилмайдиган, илм куртакларини илдизга авайлаб пайванд қилишни билмайдиган кишилар ҳам хатога йўл қўядилар. Бу билан улар ноқобил боғбон новдани қайчи билан кесиш ўрнига, калтак билан уриб синдирганига ўхшаб ўқувчига азоб берадилар.

Тузатиш. 37. Демак, юқорида айтилганларга биноан:

1. Биринчидан, нарсаларни тушуниш, иккинчидан, хотира ва учинчидан, тил ҳамда қўлларни шакллантириш лозим.

II. Муаллим ўқувчининг билиш қобилиятларини намоён қилишнинг барча воситаларига риоя қилиши ва уларни шароитга қараб қўлланиши керак. (Бунни кейинги бобда қараб чиқамиз).

ОЛТИНЧИ АСОС.

Аввало умумий шакл ясалади. 38. Табиат аввало нарсаларнинг умумий шаклини яратади ва сўнг-ра айрим энг муҳим аъзоларини тўлиқ шакллантиради.

Масалан, тухумнинг ичида қуш боласи яратилганда, табиат олдин унинг бошини, кўзларини, парлари ёки тирноғини яратмайди ва шакллантирмайди, балки аввало тухум ичидаги модда қизитилади ва шу иссиқлик таъсирида кичкина қон томирлари шаклланади, қушнинг умумий шакли пайдо бўлади. Сўнг-ра секин-аста айрим аъзолари ўсиб ривожланади ва у мукамал қуш шаклига киради.

Тақлид қилиш. 39. Архитектор бунга тақлид қилиб ё бионинг бутун шаклини ақл билан ўйлаб кўз олдида келтиради, ё унинг лойиҳасини қоғозга чизиб чиқади, ёки ёғочдан унинг моделини ясайди ва шунга биноан унинг пойдеворини қуради, сўнг-ра деворларини кўтаради ва ниҳоят томини ёпади. Сўнг-ра қолган бошқа ишларни: эшик, деразаларни қуриш, зина-поя ясаш кабиларни бажариб бўлгач, уй қурилиб битган ҳисобланади. Сўнг-ра уйни безашга киришилади, пардалар осилиб, картина ва скульптуралар қўйилади.

40. Шунингдек, *рассом* ҳам одам калласининг суратини чизмоқчи бўлса, олдин қулоқ, кўз, бурун, оғизнинг тасвирини чизмайди, балки аввало калланинг (ёки одамнинг) бутун шаклини хомаки қилиб чизади. Сўнг-ра тана қисмларининг пропорцияси тўғри олинган бўлса, бошнинг асосий жойларини умумий тарзда чўткача билан белгилаб чиқади. Ниҳоят, ёруғлик ва соя тушаёт-

ган жойларини белгилаб чиққач, тана қисмларининг суратини чизади ва уларни турли ранглар билан бўййди.

41. Худди шунингдек, *хайкалтарош* ҳайкал ясаш учун нотекис ғўлани олиб тўрт томонини ҳам аввал дағалроқ, сўнгра силлиқ қилиб йўнади, натижада ғўла тасвирланаётган нарсага сал ўхшаб қолади; сўнгра буюмнинг айрим қисмларини ниҳоятда эҳтиётлик билан ясайди ва бўяб чиқади.

42. Шунга ўхшаб, *боғбон* дарахтнинг бир қисмини, яъни пайванд этиладиган қаламчани кесиб олади; қаламчада қанча куртак бўлса, кейинчалик ўшанча асосий шохлар ўсиб чиқиши мумкин.

Қондадан четга чиқиш.

43. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, *бола ўқий бошлаши биланоқ унга ҳамма нарсани батафсил ўргатаман дейиш нотўғри бўлур эди, бунинг ўрнига ўқувчига аввало энг оддий, умумий тушунчалар бериш лозим*. Бошқа фанлардан ажратиб олинган бирорта махсус фанни ўргатиб, кишини маълумотли қилиб бўлмайди.

44. Худди шунингдек, ўқувчига *аввал умумий элементар таълим берилмаса, унга санъат, фан ва тилларни ҳам яхши ўргатиб бўлмайди*. Амалда худди шундай эканлиги менинг ёдимдан кўтарилгани йўқ. Диалектика, риторика ва метафизикани энди ўқий бошлаган пайтимиздаёқ узундан-узун қоидалар, қоидаларнинг изоҳлари ва изоҳларнинг шарҳлари, авторларнинг фикрларини солиштириб чиқиш ва ҳал этилмаган масалалар билан бизни кўмиб ташлаган эдилар. Шунингдек, биздан латин тили грамматикаси ва унинг изоҳларини, грек тили грамматикаси ва грек тили лаҳжаларини ўрганиб олишни талаб этадилар. Биз бечоралар, нималар бўлаётганини тушунмай довдираб қолардик.

Тузатиш.

45. Бундай чалкашликни тузатиш воситаси қуйидагилардан иборат:

I. *Ёшларга ҳаммадан аввал умумий таълимнинг асосларини ўргатиш керак, яъни ўқув материални шундай тақсимлаш лозимки, афтидан, кейинги машғулотлар олдин ўрганилган нарсаларнинг давоми бўлиб, уларни бир оз чиқурлаштириш ва тўлдиришдан иборат бўлсин*. Ахир, дарахт юз йил яшаса ҳам бирорта янги кўз ўсиб чиқмайди, балки янги новдаларнинг ҳаммаси дастлаб ўсиб чиққан кўзлардан тарқалади.

II. *Аввало ҳар қандай тил, ҳар қандай фан ва санъатни жуда оддий ва элементар шаклда ўргатиш керак, токи ўқувчилар шу фан ҳақида умумий ва яхлит тушунча ҳосил қилсинлар*; сўнгра шу фанни чуқурроқ ўргатиш учун қоида ва мисоллар келтирилади, кейинроқ илм системалари¹, муаммолар, ниҳоят, зарур бўлса, шарҳлаб берилади. Ўқитиш илм асосларини ўрганишдан бошланса, шарҳлашларга унча зарурат қолмайди, чунки илм асосларини билиб олгач, ҳар ким ўқиган нарсасини дурустгина шарҳлай оладиган бўлади.

¹ Бирор таълимот асосини ташкил қилган принциплар мажмуаси.

ЕТТИНЧИ АСОС.

Ҳамма нарса секин-аста содир бўлади, бирдан ўзгариш бўлмайди.

46. Табиат ҳаракатларида бирдан ўзгариш бўлмайди, балки секин-аста илгарилаб борилади. Масалан, қуш боласининг пайдо бўлиши секин-аста, кетма-кет содир бўлади ва бу босқичлардан бирортасини четлаб ўтиш, қолдириб кетиш ёки алмаштириб қўйиш мумкин эмас. Қуш бола очгач, уни бирданига учуриб юбормайди (чунки қуш боласи ҳали учини билмайди), балки она қуш оғзида дон келтириб боласини боқади, патлари ўсиб чиққунча уни бағрига босиб иситади. Пат ва қанотлари ўсиб чиққач, секин-аста учини машқ қилдира бошлайди, аввал ўз инида қанотларини ёзиш, сўнгра қанот қоқишни, инидан бир оз юқори кўтарилишни ўргатади, кейинроқ инидан чиқиб оз-оз учини машқ қилади, сўнгра шохдан шохга, дарахтдан дарахтга, тоғдан тоққа учиб ўтадиган бўлади. Шу тариқа она қуш ўз боласини эсон-омон учуриб юборади. Бу айрим босқичларнинг ҳар бири маълум бир вақтда, секин-аста, кетма-кет содир бўлади.

Тақлид қилиш.

47. Уй қураётган киши ҳам бу қоидага амал қилади. Уй қуришни у томни ёпиш ёки деворни уришдан бошламайди, балки пойдевор қўйишдан бошлайди. Ёки уйнинг пойдеворини қўйиб бўлгач, томни ёпа бошламайди, балки деворларини кўтаради. Қисқаси, табиатдаги ҳаракатлар бир-бирига боғлангани сингари ўқитишда ҳам ўргатиладиган нарсаларнинг ҳаммаси бир-бири билан узвий равишда боғлиқ бўлиши керак.

48. Шунингдек, *боғбон* боғ ишларини секин-аста кетма-кет бажаради: илдизи бақувватроқ ниҳолни танлаши, ковлаб олиши, кўчат қилиб экиши, буташи, озроқ жойини кесиб, қаламчани пайванд қилиши кесилган жойини шуваб қўйиши зарур; бу ишлардан бирортасини қолдириб кетиш ёки алмаштириб бажариш мумкин эмас. Бу ишлар ўз қонун-қондасига биноан, кетма-кет бажарилса, мақсадга эришилади, муваффақиятсизлик камданкам содир бўлади.

Қондани бузиш.

49. Демак муаллимларнинг ўқув ишини кетма-кет, изчил, ҳар бир темани маълум бир вақтда тугалладиган қилиб тақсимламаслиги ўта бемаъниликдир, чунки машғулотнинг мақсади, унга эришиш воситалари ва бу воситаларнинг қўлланиш тартиби аниқ белгилаб олинмаса, бирор муҳим нарсани эсдан чиқариб қолдириш ёки ноўрин ўргатиб, ишни чигаллаштириб қўйиш осон.

Тузатиш.

50. Шунинг учун ҳам қуйидагиларга амал қилиш зарур.

I. *Ўқув машғулотларининг ҳаммаси (мажмуи) синфларга шундай аниқ тақсимланиши керакки, ҳар доим олдин ўрганилган материал кейингисига йўл очсин*.

II. *Вақт шунчалик тўғри тақсимланган бўлиши керакки, ҳар*

бир ўқув йилида, ҳар ойда, кунда, соатда бажариладиган ўқув иши алоҳида бўлсин.

III. Вақтни ва ўқув ишини аниқ тақсимлаб чиқиш керак, токи бирор нарса ҳам қолиб кетмасин ва ноўрин ўргатилмасин.

САККИЗИНЧИ АСОС.

Бошланган иш
охиригача еткази-
лиши лозим.

51. Табиат бирор ишни бошласа, уни охирига етказмай қўймайди. Масалан, қуш тухум босса, табиий инстинктга биноан бола очиб чиқмагунча, ўрнидан жилмайди. Агар она қуш тухумни бир неча соат босмай ташлаб кетса, тухум ичидаги эмбрион совуқдан нобуд бўлади. Ҳатто қуш бола очгандан кейин ҳам болалари куч олиб, патлари чиқиб иссиқ-совуққа чидай оладиган бўлгунча, уларни бағрига босиб иситади.

Тақлид қилиш. 52. Шунингдек, *рассом* ҳам сурат чиза бошлагач, яхшиси бу ишни охиригача етказгани маъқул. Чунки бундай қилинса бўёқлар ҳам бир-бирига яхши ёпишади, ҳам суратнинг ранги ўчмайди.

53. Шу сабабли қурилишни бошлагач, яхшиси ишни бино қурилиб битгунча тўхтатмаслик керак. Акс ҳолда қуёш, ёғингарчилик, шамол таъсирида деворлар емирилади, кейин қилинган девор ёки шuvoқ унча маҳкам ёпишмайди, қисқаси бино зарарланади, ёрилиб кетади ва унча мустаҳкам бўлмайди.

54. *Боғбон* бошлаган ишини кўчат экилиб бўлгунча давом эттиргани яхши, акс ҳолда вақт ўтиши билан ниҳолнинг илдизи ёки қаламча қуриб қолади ва натижада дарахт ҳам қуриydi.

Қондани бузиш. 55. Бундан кўриниб турибди, ойлаб ва йиллаб мактабда ўқиши керак бўлган болалар бошқа ишларга жалб қилинса, ўқув ишига зарар етади. Худди шунингдек, муаллимнинг ўқувчилар билан бирликда бирор ишни охиригача етказмай гоҳ унга, гоҳ бунга уринавериши ҳам зарарлидир. Ниҳоят муаллим ҳар бир соат учун маълум вазифа белгилаб, уни ўша вақтнинг ўзида кўнгилдагидек бажармаса, умуман болалар ҳар бир соатда бирор нарсани ўргана бормаса, бу ҳам ёмон. Қаерда ҳаёт жўшқин бўлмаса, у ерда турғунлик бошланади. Темирни қизигида бос, деб бекорга айтмаганлар, чунки совигач, темирни болға билан ҳар қанча урсангиз ҳам чўзилмайди; бунинг учун темирни яна қизитишга тўғри келар эди, бунга ошиқча вақт кетади, темирнинг ўзи ҳам чидамсизланади, чунки ҳар сафар ўтга қўйиб қиздирганда темирнинг таркибидаги моддаларнинг бир қисми йўқолади.

56. Демак:

Тузатиш. I. Мактабга берилган бола билимли, ахлоқли, тақводор бўлгунча ўқишни давом эттириши керак.

II. Мактаб шовқин-суронли ва диққатни чалғитадиган нарсалардан узоқда, тинч жойда бўлиши лозим.

III. Планда белгиланган нарсаларнинг ҳаммаси, асло кечиктирмай бажарилмоғи зарур.

IV. Бирорта ўқувчи ҳам бирор баҳона билан дарс қолдирмаслиги ва ўқишдан бўйин товламаслиги керак.

ТУҚҚИЗИНЧИ АСОС.

Қарама-қарши-
ликлардан холи
бўлмоқ керак.

57. Табиат барча қарама-қаршилик ва зарарли нарсалардан холи бўлишга интилади. Дарҳақиқат, қуш тухум қўяр экан, уни қаттиқ шамол, ёмғир ёки дўлдан асрайди. Илон, йиртқич қушлар ва бошқа барча душманлардан ҳимоя қилади.

Тақлид қилиш. 58. Шунингдек, *архитектор* ёғоч, гишт, оҳак каби материалларни, иложи борица пана жойда сақлашга, бинонинг қурилган қисмининг емирилишига йўл қўймасликка ҳаракат қилади.

59. Худди шунга ўхшаш *рассом* ҳам эндигина чизилган суратни иссиқдан, совуқдан, чангдан, қўл тегиб кетишидан асрайди.

60. *Боғбон* ниҳолни асраш учун боғ атрофини айлантриб девор қилади.

Қондани бузиш. 61. Шунинг учун ҳам ўқув машғулотини бошлаш биланоқ болага бирор қарама-қарши гапни айтиб, зарур материални ўрганишга нисбатан шубҳа туғдириш ярамайди. Бундай қилиш янги экилган ниҳол энди илдиз ота бошлаганда, уни ўрнидан қўзғатиш деган гап эмасми? Гуго фавқулодда тўғри айтган эди: «Ўқишни ҳал этилмаган масалаларни муҳокама қилишдан бошлаган киши ҳеч қачон ҳақиқатни била олмайди». Шунингдек, ёшларни ахлоққа тўғри келмайдиган, чалкаш китобларни ўқишдан, безори ўртоқларидан асрамаслик ҳам катта хато бўлур эди.

Тузатиш.

62. Демак, шунга эришиш зарурки:

I. Ўқувчилар ўзи ўқийётган синфда ўрганилиши лозим бўлган асарлардан бошқа ҳеч қандай китобни олмасинлар.

II. Бу китоблар шундай тузилган бўлиши зарурки, уларни ҳақли равишда донолик, хушахлоқлик ва тақводорлик манбаи деб аташ мумкин бўлсин.

III. Мактабда ҳам, мактабдан тайшқарида ҳам қалбаки ўртоқчиликка йўл қўйилмасин.

Хулоса.

Агар бу қондаларнинг ҳаммасига қатъий амал қилинса, мактаблар ўз вазифасини бажармаслиги мумкин эмас.

ОСОН ҲҚИТИШ ВА ҲҚИШНИНГ АСОСЛАРИ

Бирор ишни ба-
жара олишнинг
ўзигина кифоя
қилмайди, балки
уни осонроқ бажар-
ишга ҳам инти-
лиш лозим.

Бунинг ўнта асо-
си бор.

1. Шундай қилиб, биз тарбиячи ўз мақсадига қайси воситалар билан тезроқ эришиши мумкинлигини кўриб ўтдик. Энди бу воситаларни боланинг табиий қобилиятларига мослаб, енгил ва осонроқ қўлланиш имкониятларини кўздан кечирайлик.

2. Шубҳасиз, табиатга тақлид этилса, ёшларни осонроқ ҳқитиш мумкин. Бунинг учун:

I. Ҳқитишни ўз вақтида, яъни кишининг фикри бошқа нарсаларга чалғимасдан туриб бошлаш керак.

II. Боланинг ақли ҳқитиш учун етарли даражада тайёрланган бўлсин.

III. Ҳқитишда умумийдан хусусийга қараб бориш зарур.

IV. Осонроқ нарсаларни ўрганишдан қийинроқ нарсаларни ўрганишга қараб бориш лозим.

V. Ўрганиладиган материал кўплик қилиб, болани қийнаб қўймасин.

VI. Ҳамма нарсани секин-аста—шошилмасдан ўргата бориш лозим.

VII. Боланинг ёшига ва ҳқитиш методига мос келмайдиган нарсалар мажбуран ўргатилмаслиги керак.

VIII. Ҳамма нарса ташқи сезги органлари орқали идрок этилиши зарур.

IX. Билимни турмушда қўлланиб, ундан бевосита фойдаланиш мумкин бўлсин.

X. Ҳқитишни ҳар доим бир хил метод билан олиб бориш керак.

Ҳқитиш енгил ва осон бўлиши учун, биз юқоридагиларга амал қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Келинг, энди табиатга бир назар ташлайлик-чи.

БИРИНЧИ АСОС.

Яроқли материал
олинади.

3. Табиат ҳар доим яроқсиз нарсаларни улоқтириб ташлайди. Масалан, қуш фақат палағда бўлмаган тухумни босади; агар айниган тухумни босса, ундан натижа чиқмайди.

Тақлид қилиш.
4. Шунингдек, архитектор бино қуриш учун бўш жойни танлайди, агар эски иморат ўрнида қурмоқчи бўлса, олдин уни бузиб текислайди.

5. Шунга ўхшаш *рассом* ҳам тоза доскага сурат чизгани жуда маъқул. Агар доскага олдин сурат чизилган ё доғ туширилган, ёки у ғадир-будир, яъни нотекис бўлса, аввал уни тозалаш, пардозлаб ялтиратиш лозим.

6. Қимматбаҳо малҳамларни сақламоқчи бўлган кишига янги идиш, ёки ҳеч бўлмаса, ювиб ниҳоятда тозаланган идиш зарур бўлади.

7. *Боғбон* ёш ниҳолни экса, у тез ўса бошлайди. Агар у каттароқ дарахтни кўчат қилиб эсмоқчи бўлса, аввал унинг эски шохларини кесиб ташлайди, чунки янги экилган кўчат илдизининг кучи ҳам камлик қилади. Шунинг учун ҳам Аристотельнинг фикрича, аввал ошиқча нарсаларни олиб ташлаш лозим, чунки эскисини йўқ қилмасдан туриб материяни янги шаклга киритиб бўлмайди.

Қондани бузиш.

8. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, биринчидан, киши донишмандлик илмини ёшликда тезроқ ўрганиб олади, чунки бу даврда диққат бошқа томонга бўлинмайди, ҳқитиш қанчалик кеч бошланса, ўзлаштириш шунчалик қийинлашади, чунки кишининг хаёли бошқа нарсалар билан банд бўлади. Иккинчидан, ёш бола бирданига бир неча муаллимдан таълим олиши самарали бўлиб чиқмайди, чунки муаллимларнинг ҳаммаси ҳқитишнинг бир хил формасига риоя қилиши амри маҳол: натижада боланинг фикрлари парижон бўлиб, ривожланмай қолади. Учинчидан, каттароқ болалар ва ўсмирларни ҳқитганда, дастлаб уларнинг хулқини яхшилашга, яъни шўхлик хислатини жиловлашга, илмга зеҳн қўйдиришга эътибор бермай, эҳтиётсизликка йўл қўйилади.

От ўргатувчилар, аввал отга темир сувлиқ солиб, уни қўлга ўргатиб олади, сўнгра уни миниб юришга ўргатади. Демак, Сенеканинг қуйидаги гапи жуда тўғри: «Аввал яхши хулқли бўл, сўнгра донишмандликни ўрган, чунки яхши хулқсиз донишманд бўлиш қийин». Шунингдек, Цицерон: «Ахлоқий фалсафа ақлни ўткирлаштиради»,— деган эди.

9. Демак:

Тузатиш.

I. Болаларни ҳқитиш уларнинг ёшлик чоғидан бошланиши керак.

II. Ҳқувчини бир фандан фақат бир муаллим ҳқитсин.

III. Тарбиячи аввал боланинг хулқини яхшиласин.

ИККИНЧИ АСОС

Материя зарур
шакл олишга инти-
лади.

10. Табиат моддани шундай жойлаштирадики, у бирор шакл олишга интилади. Масалан, қуш боласи, тухум ичида шаклланиб бўлгач, гавдасини янада чиниқтириш учун ҳаракат қила бошлайди ва тухум пўчоғини синдириб ёки тумшуғи билан ўйиб, ташқарига чиқади. Тухумдан чиққач, онасининг бағрида яйрайди; оғзини очиб, дон сўрайди, онаси келтириб берган донни ютади, атрофига, осмонга мамнун боқади, учини машқ қилишдан қувнайди ва кўп ўтмай учади, қисқаси, ўзи табиатан мойил бўлган нарсаларнинг барчасини бажаришга секин-аста бўлса ҳам кетма-кет интилади.

Тақлид қилиш. 11. Боғбон ўзи эккан ўсимликнинг етарли даражада намлик ва иссиқлик билан таъминланишига, яхши ўсиб ривожланишига ҳаракат қилади.

Қондани бузиш. 12. Болани зўрлик билан мажбуран ўқитмоқчи бўлган киши хато қилади. Дарҳақиқат, зўрлик билан нимани ҳал қила олиш мумкин? Агар иштаҳа тортмаган пайтда овқатни зўрлаб ейилса, бундай овқат кишининг кўнглини айнилади, қустиради, ҳеч бўлмаганда ошқозонни бузади, касал қилади. Аксинча, киши оч қолиб турган пайтида иштаҳа билан овқатланади, еган овқати тез ва яхши ҳазм бўлади. Шунинг учун ҳам Исократ айтганки, «Илмни севсанг, кўп нарсани билиб оласан». Квинтилианнинг фикрича: «Билишга интилиш иродага боғлиқ, мажбуран ўқитиш мумкин эмас»¹.

13. Демак:

Тузатиш. I. Болада илмга ва ўқишга барча воситалар билан зўр иштиёқ уйғотиш зарур.

II. Ўқитиш методи қийинчиликларни бартараф этишга ёрдам берсин, токи болада норозилик туғдириб, уни ўқишдан бездириб қўймасин.

Қандай қилиб болада ўқишга иштиёқ уйғотиш ва ўстириш мумкин.

1. Ота-оналар. 14. Болаларда ўқишга нисбатан иштиёқ уйғотиш ва сақлаб қолиш ота-оналар, ўқитувчилар, мактаб, ўқув фанлари, ўқитиш методи ва мактаб бошлиқларига боғлиқ. 15. Агар ота-оналар болаларнинг кўз олдида донолик ва донишмандлар тўғрисида яхши гаплар айтишса, яхши китоб, чиройли кийим ёки бошқа яхшироқ нарсалар олиб беришни ваъда қилиб, боланинг ғайратини оширса, айниқса болани ўқитиши лозим бўлган муаллимнинг билимдонлиги ва хушмуомалалигини мақташса (ахир, севиш ва қойил қолиш тақлид қилиш учун энг кучли восита ҳисобланади); ниҳоят болани баъзан муаллимга бирор топшириқ ёки кичикроқ совға билан юбориб туришса ва ҳоказо, агар шундай қилинса, болалар фанни ҳам ўқитувчини ҳам астойдил севиб қоладилар.

2. Муаллимлар. 16. Агар муаллимлар хушмуомала ва меҳрибон бўлса, дағаллик қилиб болаларни ўзидан бездирмаса, балки оталарча ғамхўр, хушфёъл ва ширин сўз бўлса; агар муаллим бола қизиқиб севиб ўқийдиган ва осон ўзлаштирадиган илмларни тавсия қилса; қунт билан ва ғайрат қилиб ўқийдиган болаларни вақт-вақти билан мақтаб (ҳатто кичкинтойларни олма, ёнғоқ, қанд кабилар билан) рағбатлантириб борса, агар айрим ўқувчиларни уйига қақириб, шунингдек, ҳаммага биргаликда юқори синфга борганда ўрганиладиган нарсалар тасвирланган суратларни, оптик ва геометрик асбоб-

ларни, глобус ва бошқа шунга ўхшаш, болалар завқ оладиган нарсаларни кўрсатса, болалар орқали ота-оналар билан алоқа боғласа, қисқаси муаллим болаларга меҳрибон бўлса, уларнинг ихтиёри муаллимда бўлиб, болалар ўз уйларида мактабни афзал кўрадилар.

3. Мактабнинг ўзи ички ва ташқи кўриниши билан болани ўзига ғоят мафтун этиши лозим.

17. Мактаб ички ва ташқи кўриниши жиҳатидан бола завқ оладиган жой бўлмоғи лозим. Мактаб биносининг ичи ёруғ, озода, машҳур кишиларнинг суратлари, географик карталар, тарихий ёдгорликлар, эмблемалар билан безатилган бўлиши керак. Мактаб ёнида сайр ва ўйин қиладиган майдонча (болалар сайр ва ўйин қилиб туришлари керак, бунга кейинроқ тўхталамиз), шунингдек кичикроқ боғ бўлиши керак, болалар вақт-вақти билан боққа кириб, дарахтлар, гуллар ва бошқа ўсимликларни завқланиб томоша қилсин. Агар мактаблар шундай ташкил этилса, албатта, болалар одатда бирор қизиқ нарсани кўриб ва эшитиб келиш учун ярмаркага борганидек мактабга ҳам ҳавас билан қатнайди.

4. Ўқитиладиган фанлар.

ли, ҳам фойдали

5. Ўқитиш методи табиий бўлмоғи лозим.

18. Ўқув фанлари ҳам боланинг ёшига мос, тушунарли, зериктирмайдиган бўлса ўқувчининг диққатини ўзига тартади. Ўқиш ҳам завқ бўлади. 19. Билимга ҳавас уйғотиш учун аввал ўқитиш методи албатта имкони борича ҳамма вақт табиий бўлиши зарур. Ахир табиий нарсалар ўзи-ўзидан ўсиб ривожланади. Сувни пастликка қараб оқизиш учун куч талаб этилмайди; тўғон ёки банд очилса, сув дарҳол оқа бошлайди. Қуш қафасдан чиқарилса бас, унинг ўзи учиб кетади. Чиройли суратдан кўз узиб бўлмаганидек, ёқимли куйни ҳам киши завқ билан тинглайди. Бундай пайтларда баъзан ўзини тийишга тўғри келади.

Ўқитиш методи ҳам завқли, ҳам фойдали бўлиши керак.

Табиий методнинг моҳияти олдинги бобдан, шунингдек, кейинги қондалардан маълум. Бундан ташқари, ўқитиш методининг ўзи болада қизиқиш туғдириши учун уни жонли, қизиқарли қилиш зарур, ўқитиш ҳар қанча жиддий иш бўлса ҳам, дарсни дўстона, қизиқарли вазиятда, суҳбат, мусобақа топишмоқларни топиш шаклида ёки ҳикоя ва масал формасида ўтиш лозим. Ўз ўрнида бу масалага батафсилроқ тўхталамиз.

Мактаб бошлиқлари.

20. Мактаб бошлиқлари ва нозирлар болада илмга қизиқиш уйғотишлари мумкин. Бунинг учун улар оммавий кўрикларда (шеърхонлик ва мунозараларда, имтиҳон ва илмий даражалар беришда) қатнашиб, ғайратли ўқувчиларга холисона мақтов қоғозлари ва мукофотлар беришлари лозим.

¹ Коменский бу цитатани Квинтилианнинг «О воспитании оратора» номли асарининг I қисми, 3, 8-бетларидан олган.

Ҳамма нарсанинг ўз асоси бор.

иридаги тугунчадан яратилади; товукнинг ирида туриш ва бола очиш учун босиш қулай бўлсин деб тухумнинг атрофи пўчоқ билан қопланган бўлади. Лекин бутун қушнинг моҳияти ўша кичкина тугунчада мавжуд ва қуш кейинроқ ўша асосдан бунёдга келади.

Тақлид қилиш.

22. Шунингдек, ҳар қанақа улкан дарахт ҳам мевасининг иридаги уруғда ёки унинг шохидан кесиб олинган қаламчада мавжуд бўлади. Уруғ, қаламча экилса ёки пайванд қилинса, ички ҳаракатлантирувчи кучлар туфайли ундан улкан дарахт бунёдга келади.

Қондани ўтакетган даражада бузиш.

23. Одатда, мактабларда бу асосий қондани ўтакетган даражада бузадилар. Ахир ўқитувчиларнинг кўпчилиги уруғ ўрнига ўсимликнинг ўзини, қаламча ўрнига дарахтнинг ўзини экиш керак деб ҳисоблайдилар, чунки ўқувчиларга билим асосларини ўргатиш ўрнига ҳар турли чалкаш фикрлар, ҳатто боши-кепи йўқ текстларни ўқитадилар. Олам тўртта элементдан тузилгани (фақат шакли ўзгариб туради) рост бўлганидек, илмий таълим ҳам бир неча асослардан иборат эканлиги шубҳасиздир, фақат бу асосларни бир-биридан фарқ қилиш усулларини билиб олинса, илдири бақувват дарахтдан юзлаб новдалар, минглаб барг, гул ва мевалар ўса олганидек, жуда кўп қондалар чиқариш мумкин. Тангри бизнинг оҳу фиғонларимизни эшитиб, кимнингдир ақлига куч-қувват берсин, токи у нарсаларнинг ўзаро боғланишларини англаб, уни бошқаларга ҳам ўргатсин. Худой-таолло лозим кўрса, христиан пансофиясининг¹ бу қисқа тафсилотида биз ўз тажрибаларимизни баён этамиз ва умид қиламизки, худонинг хоҳиши билан бошқалар вақти келиб биздан кўра кўпроқ нарсаларни кашф этурлар.

Тузатиш.

24. Бу ерда учта қондани таъкидлаб ўтамиз:
I. Ҳар бир фан энг қисқа ва аниқ қондалардан иборат бўлмоғи керак.

II. Ҳар бир қонда ихчам ва аниқ баён этилиши лозим.

III. Ҳар бир қондадан сўнг кўплаб мисоллар келтириб, уни кўп нарсаларга татбиқ қилиш мумкинлигини аниқ кўрсатиш зарур.

ТўРТИНЧИ АСОС.

Аввал осонроқдан бошланади.

25. Табиат осонроқдан қийинроққа қараб боради. Масалан, аввал тухумнинг сариғи ҳосил бўлади ва сўнгра қаттиқроқ

¹ Пансофия грекча сўз бўлиб, умумий донишмандлик ёки ҳамма нарсани билиш демакдир.

қисми — пўчоғи шаклланади; тухумнинг сариғи дастлаб юпқа парда билан ўралган бўлиб, сўнгра у пўчоққа айланади. Ёки қуш қисми — пўчоғи шаклланади; тухумнинг сариғи дастлаб юпқа боласи учишга ўрганишдан олдин оёқ босишни ўрганади, сўнгра қанотларини тез-тез қоқиб уядан юқори кўтарилишни ўрганади ва фақат шундан кейингина учиш кетади.

Тақлид қилиш.

26. Дурадгор ҳам олдин ёғоч кесишни, сўнгра кесилган ёғочларнинг юзини йўниб текислашни, ёғочларнинг учини бирлаштиришни ва, ниҳоят, чўпқори бинолар қуриш ва бошқа ишларни ўрганиб олади.

Қондани турлича бузиш.

27. Демак, мактабларда ўқувчига маълум бўлмаган нарсаларни ноаниқ нарсалар ёрдамида ўқитишнинг ўзи хатодир. Чунончи:

I. Латин тилини ўргана бошлаган кишига шу тилнинг қонун-қоидалари латин тилида ўқитилади; бу — яҳудий тилининг қоидаларини ўқувчи тушунмайдиган яҳудий тилида ва араб тилининг қоидаларини араб тилида тушунтириш билан ба-робар.

II. Латин тилини ўрганиш учун қўлланма сифатида латинчадан она тилига таржима қилинган, латинча — она тили луғати тавсия қилинади, ваҳоланки аксинча бўлиши керак. Ахир, бола латин тили ёрдамида она тилини ўрганмайди, балки она тили ёрдамида латин тилини ўрганади, чунки бола она тилида сўзлашни билади (бу ҳақда XXII бобда батафсил гапирилади).

III. Болани ўқитиш учун унинг она тилини билмайдиган чет эллик муаллим тайинланади. Бу билан улар ўзаро бир-бирларини тушуниш имкониятидан маҳрум этилади, имо-ишора билан гапиришга мажбур, улар бу йўл билан Вавилон минораси қуришадими?

IV. Бир хил грамматик қонда ва мисоллар билан (масалан, Меланхтон ёки Рамус дарслиги асосида) ҳамма миллат болалари (француз, немис, чех, поляк, венгер ва бошқаларни) ўқитиш билан ҳам хатоликка йўл қўядилар, чунки бу тиллардан ҳар бирининг латин тилига муносабати, ўхшашлиги турличадир. Ўқувчилар латин тилининг асосий моҳиятини осон ўрганиб олсин десак, она тилининг ўзига хос хусусиятларини тушунтиришимиз лозим.

Тузатиш.

28. Буни тузатиш учун:
I. Муаллим ва ўқувчи бир тилда гапиришлари лозим.

II. Маъшулотларни бола тушунадиган тилда олиб бориш керак.

III. Грамматика ва луғат бола тушунадиган тил ёрдамида янги тилни ўргатишга мослаб тузилиши лозим (она тили ёрдамида латин тилини, латин тили ёрдамида грек тилини ва ҳоказо).

IV. Чет тили секин-аста ўрганилади, яъни бола олдин чет тилидаги сўзларнинг маъносини (бу энг осони), сўнгра, ёзишни

(ёзишдан олдин ўйлаб олиш учун вақт берилади) ва ниҳоят гапиришни ўрганади, энг қийини — чет тилида гапириш, чунки бу тайёргарликсиз, бевосита бажарилади.

V. Латин ва она тилларини ўрганиш лозим бўлса, аввал болага таниш бўлган она тили, сўнгга латин тилини ўргатиш керак.

VI. Ўқув материални шундай тақсимлаб чиқиш лозимки, аввал болага жуда яқин ва таниш нарсаларни, сўнгга унча узоқ бўлмаган нарсаларни, кейин — узоқроқ ва ниҳоят, энг узоқ нарсаларни билиб олсин. Шунинг учун ўқувчига қондани биринчи ўргатган пайтда (масалан, мантиқ қондалари, риторика қондалари ва бошқалар), бола тушуна олмайдиган илоҳиёт ёки сиёсатга доир мисоллар билан тушунтирмаслик керак, балки кундалик ҳаётдан, болаларга таниш мисоллар билан тушунтириш лозим. Акс ҳолда, бола қондани ҳам, уни турмушда қўллашни ҳам тушунмайди.

VII. Аввал ўқувчининг ташқи сезгилари ривожлантирилади (бу иш жуда осон), сўнгга — хотираси, кейин — тушуниш қобилияти ва ниҳоят, фикрлаш қобилияти ўстирилади. Айнан шундай кетма-кетликка риоя қилинади, чунки билим сезиб идрок этишдан бошланади, ҳаёл орқали хотирага ўтади, сўнгга якка фактлар умумлаштирилиб, умумий тушунча вужудга келади ва, ниҳоят, билиб олинган нарсалар ҳақидаги тушунчаларни аниқлаш учун фикр юритилади.

БЕШИНЧИ АСОС.

Юк оғир бўлмаслиги лозим.

29. Табиат ошиқча нарсани ўзига оғир юк қилиб олмайди; озга қаноат қилади.

Масалан, бир тухумдан иккита жўжа чиқараман деб уриниб ўтирмайди, балки битта яхши жўжа чиқса ҳам кифояланади.

Тақлид қилиш.

Боғбон битта дарахтнинг танасига бир нечта қаламча пайванд қилмайди, балки битта, ёки дарахт жуда бақувват бўлса, иккита қаламча пайванд қилади.

Қондани бузиш.

30. Демак, бир йилда бирданига турли фанларни, масалан, грамматика, диалектика, бунинг устига риторика, шеърят назарияси, грек тили ва бошқалар ўргатилса, боланинг диққати тарқалиб кетади (олдинги бобнинг тўртинчи асосига қаранг).

ОЛТИНЧИ АСОС.

Ҳеч бир нарсада асло шошилмаслик керак.

31. Табиат шошилмайди, секин-аста олға қараб боради. Қуш тезроқ бола очиниш учун тухумини оловга ташламайди, балки ўз табиий ҳарорати билан ниҳоятда секин қизитади ва, сўнгга бола очгач, улар тезроқ катта бўлсин деб донни ҳаддан зиёд бермайди (бундай қилса, болалари ҳалок

бўлур эди), балки оз-оз, эҳтиёт билан овқатлантиради, донни мурғакнинг жигилдони ҳазм қила оладиган даражада бериб туради.

Тақлид қилиш.

32. Шунингдек, архитектор эндигина ясалган пойдевор устига девор қуриш ва, шунингдек, деворлар устига дарҳол ёғоч қўйиб, томни ёпишга шошилмайди, чунки унча қуримаган пойдевор ҳали етарли даражада мустаҳкам бўлмайди ва у кейинчалик чўкиб, деворлар ёрилиб кетиши, ҳатто бино қулаб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам тошдан ясалган каттароқ биноларни бир йилда ҳам қуриб битказиб бўлмайди; бундай бинони тиклаш учун шошилмаслик керак.

33. Боғбон эккан ниҳол биринчи ойдаёқ новдалар чиқариб, ўсиб кетавермайди, ёки шу йилнинг ўзида мева тугмайди. Шунинг учун ҳам боғбон ниҳолни ҳар куни ишлов бериб, ҳар куни сўғормайди, ерни тезроқ қизитиш учун дарахт тагига олов ёқмайди, ёки очилмаган оҳак ташлаб, устидан сув сепмайди, балки ниҳолга вақт-вақти билан ишлов бериб, сўғоради, қуёшнинг ҳарорати билан кифояланади.

Қондани бузиш.

34. Демак, қуйидагилар болага азоб беради:
1. Ҳар куни синфда олти, етти, саккиз соатлаб мажбуран ўқитиш ва бунинг устига шунча уй вазифаси ҳам бериш.

2. Баъзан бола ҳолдан тойгунча ва нервлари бузилгунча ҳаддан ташқари, узундан-узоқ диктантлар ёздириш, машқлар бажартириш, жуда катта текстларни ёд олдириш. Оғзи жуда кичкина идишчага (бола ақлини унга ўхшатиш мумкин) суюқликни оз-оз) томчи-томчи қўймасдан бирдан ағдариш мумкинми? Албатта мумкин эмас, чунки бундай қилинса, суюқликнинг кўп қисми ерга тўкилади. Бола ўзлаштирганича эмас, балки ўзи хоҳлаганича ўргатмоқчи бўлган муаллим мутлақо хато иш қилади, чунки боланинг қобилиятини бўғмаслик, балки ўстириш лозим, ёшларнинг мураббийси ҳам, врач сингари, табиатнинг ёрдамчиси бўлиши мумкин, лекин унга ҳокимлик қила олмайди.

Тузатиш.

35. Шундай қилиб, ўқувчининг дарсларни осон ўзлаштириши ва ўқишдан қаноат ҳосил қилиши учун:

I. Синфда ўтиладиган дарс соатларини кўпайтирмаслик. Чунончи тўрт соатдан оширмаслик, уй вазифаси ҳам шунча бўлиши керак.

II. Боланинг хотирасини иложи борица толиқтирмаслик, фақат энг муҳим нарсаларнигина ўргатиш, қолган материални боланинг ўз ихтиёрига ҳавола қилиш лозим.

III. Ҳамма нарсани боланинг дарсни ўзлаштира олиш даражасини эътиборга олиб ўқитиш керак, зотан боланинг ёши улғая бориши ва ўқув машғулотларининг ўта бориши билан унинг қобилияти ҳам ўса боради.

ЕТТИНЧИ АСОС.

Ҳеч нарсаса зўр-
ламаслик керак.

36. Нарсалар ичкарисидан пишиб
етилиб, ўз-ўзидан ташқарига қараб
интилмаса, табиат ҳеч нарсани зўр-
лаб ташқарига чиқармайди.

Ахир, қуш боласи тухум ичида тўла шаклланиб, бақувват бўл-
магунча табиат уни тухум ичидан мажбуран чиқариб юбормайди;
қанот чиқармасдан туриб зўрлаб учирмайди, учини ўрганмас-
дан олдин инидан чиқариб юбормайди ва ҳоказо.

Шунингдек, дарахт томири бақувват бўлмагунча новда ҳам
чиқармайди, ўсмайди ҳам; томирдан қувват келиб, гуллар ҳосил
бўлиб, барг чиқара бошламагунча, дарахт куртак чиқармай тура-
веради; ҳосил тугмагунча, гул тўкилмайди; дарахтдаги мева
пишмагунча, узилиб ерга тушмайди.

37. Шундай қилиб, қуйидаги ҳолларда бола-
нинг ақлига нисбатан зўравонлик қилинган
ҳисобланади:

I. Боланинг ёшига ҳам, ақлига ҳам тўғри келмайдиган нарса-
ларни ўқишга мажбур қилиш.

II. Бирор нарсани олдин етарли даражада таҳлил қилиб кўр-
сатмасдан, тушунтирмасдан, ўқитирмасдан туриб ёд олдириш
ёки бажартириш.

38. Демак, айтилганларга биноан:

I. Болалар фақат ёши ва қобилиятига мос
келадиган, шунингдек, ўзлари қизиқадиған нарсаларнигина
ўргансинлар.

II. Болалар фақат ўзлари яхши тушуниб олган нарсаларниги-
на ёдда сақласин. Боладан у яхши ўзлаштирган нарсаларнигина
талаб этиш лозим.

III. Бола бирор ишни бажариш усули ва йўллари яхши ту-
шуниб олган тақдирдагина, уни бажартириш керак.

САККИЗИНЧИ АСОС.

Ҳаммаси ташқи
сезгилар учун.

39. Табиат ҳар ишда кўмаклашади.
Масалан, тухумнинг ўз иссиқлиги ўзига етади;
лекин оламни яратган парвардигорнинг амри
билан ё қуёшнинг ҳарорати ёки тухум босган қушнинг парлари-
дан чиққан ҳарорат унга кўмаклашади. Қуш боласи тухумдан
чиққач, она қуш уни бағрига олиб иситади, у ўсиб, бақувват бў-
либ ўзи яшай оладиган, уладиган бўлгунча, унга қарашиб туради.
Лайлакнинг ўз боласига кўрсатадиган ғамхўрлигига бир қаранг,
ҳатто у боласини елкасига олиб улади ва шу ҳолатда боласига
қанот қоқиб, учини ўргатади. Шунингдек, энагалар ҳам нимжон
чақалоқларга турли йўллар билан кўмаклашади. Аввало болага
бошни тикка тутиш, буришни, сўнгра ўтиришни, тикка туришни,
қадам ташлашни, секин-аста юришни ўргатади ва, ниҳоят, шу

тариқа бола тез чопишни ҳам ўрганиб олади. Болани гапи-
ришга ўргатиш учун сўзларни овоз чиқариб айтиб, сўнгра шу
сўзда ифодаланган нарса ёки ҳаракат қўл билан кўрсатила-
ди ва ҳоказо.

40. Шунингдек, ўқувчига бирор ишни етарли
даражада тушунтирмасдан, қандай бажариш
кераклигини кўрсатмасдан туриб, уни бажартирмоқчи бўлган,
бунинг устига бола шу ишни эндигина бажаришга уринаётган
пайтда унга кўмаклашмасдан, балки болани ҳолдан тойгунча
ишлашга ундайдиган, бола бирор нарсани кўнгилдагидек бажара
олмаса, ҳовлиқадиған, ғазабланадиган муаллим — энг ёмон
муаллимдир. Бу — болани қийнаш эмасми? Бу, қўрқа-қўрқа зўр-
ға тикка тура оладиган гўдакдан шахдам қадам ташлаб юриш-
ни талаб қилган, ҳали ўзи юра олмайдиган болани уриб бўлса
ҳам юргизмоқчи бўлган тарбиячига ўхшайди. Табиат бизга
бошқача таълим беради: қувватсиз нарса етарли даражада куч
тўплагунча, уни авайлаб парвариш қилмоқ лозим.

Тузатиш.

41. Демак, бу гаплардан қуйидаги хулосалар
келиб чиқади.

I. Ўқитиш пайтида ҳеч қандай тан жазоси қўлланмаслиги ке-
рак (агар бола дарсни ўзлаштира олмаётган бўлса, бунинг учун
муаллимнинг ўзи айбдор, чунки у ё боланинг ўқишга бўлган
иштиёқини уйғота олмаган ёки ҳафсаласизлик қилган).

II. Ўргатиш бўлган нарсани шунчалик аниқ тушунтириш
керакки, бола уни беш бармоғидек билиб олсин.

III. Ўқувчи осонроқ фаҳмлаб олиши учун ўрганилаётган нар-
сани идрок этишда имкони борица ташқи сезгилар кўпроқ қат-
нашсин.

42. Масалан, эшитишни доимо кўриш билан, нутқни қўл ҳа-
ракатлари билан қўшиб, боғлаб бориш зарур. Демак, ўргатила-
ётган нарсани тингловчига фақат гапириб беришнинг ўзигина
кифоя қилмайди, балки унинг шаклини чизиқ кўрсатиш ҳам ке-
рак, бунда кўриш орқали нарсанинг образи хаёлда ҳам сақлана-
ди. Ўз навбатида ўқувчилар идрок этган нарсаларини дарҳол
овоз чиқариб гапириш, қўл ҳаракатлари билан ифодалаб бериш-
га ўргансинлар. Ҳар бир нарсани бола хотирасида сақлаб,
қалбига жо қилиб, эшитганда, кўрганда уни дарҳол билиб олади-
ган даражада ёдда қолдириш зарур. Бунинг учун эса одатда
шу синфда ўрганиладиган нарсаларнинг ҳаммаси: теоремалар,
қоидалар, ёки ўша предметнинг образи ва белгиларини (эмбе-
лемаларини) ўқув хонасининг деворларида тасвириб кўрсатиш
фойдалидир.

Ўқитиш шундай ташкил этилса, материални пухта ўзлашти-
ришга жуда катта ёрдам берган бўлур эди. Шунингдек, болалар
эшитган ёки китобдан ўқиганларини ўзларининг кундалик даф-
тарларига ёки ёзув дафтарларига кўчириб ёзишни ўргансинлар,
чунки бунинг натижасида боланинг хаёли ўсади, кейинчалик
ҳам уни тезгина хотирлай оладиган бўлади.

ТУҶҚЗИНЧИ АСОС.

Ҳамма нарса
фойдаланиш учун
яратилади.

43. Табиат фойда бермайдиган нарсани яратмайди. Қуш боласи шаклланар экан, маълумки, унга қанотлар учиниш учун берилади, оёқлар — югуриш учун ва ҳоказо. Дарахтдан ўсиб чиқадиган нарсаларнинг ҳаммаси, ҳатто пўстлоғи ва мевасининг пўчоғи ҳам бирор нарсага ишлатилиш учун ҳосил бўлади.

Тақлид қилиш.

44. Шундай қилиб, ўқувчига нимани ўргатишдан қатъи назар, шу нарса турмушда қандай фойда келтиришини кўрсатиб берилса, ўқувчи уни осонроқ ўзлаштириб олади. Грамматикани ўргатишда ҳам, диалектикани ўргатишда ҳам, арифметикани ўргатишда ҳам, геометрияни ўқитишда ҳам, физика ва бошқа фанларни ўқитишда ҳам ҳамма вақт бунга амал қилиш зарур. Акс ҳолда, нимани гапириб берсангиз ҳам, болага аллақандай ажойиб-ғаройиб нарсаларга ўхшаб туюлаверади. Шу нарса табиатда мавжудлигини ва ақлга тўғри келишини англаб етмай, бола билиб олишдан кўра, кўпроқ кўр-кўрона ишонаверади бўлиб қолади. Ҳар бир нарсанинг ҳаётда қандай фойда келтириши тушунтирилса, бола ҳақиқий билим ва иқтидор ҳосил қилади.

45. Демак, фақат турмушда фойда келтирадиган нарсаларнинггина ўқитиш керак.

УНИНЧИ АСОС.

Ҳамма нарса бир-бирига ўхшайди.

46. Табиат нарсаларни бир-бирига ўхшатиб яратади. Масалан, бир қуш қандай пайдо бўлса, бошқа қушлар ҳам, ҳаттоки бошқа ҳайвонлар ҳам, айрим сабабларга кўра, бир оз ўзгартирилиб худди шундай пайдо бўлган; ўсимликларда ҳам шу ҳолни кўрамиз; бир ўтпоя қандай қилиб уруғдан кўкариб ҳосил бўлса, ёки бир дарахт қандай экиб кўкартирилса, новда чиқариб, гулласа, бошқа ўсимлик ва дарахтлар ҳам ҳамма вақт ва ҳар доим шундай ҳосил бўлади. Дарахтдаги баргнинг биттаси қандай бўлса, бошқалари ҳам шундай бўлади, баргнинг шакли бу йил қандай бўлса, келаси йил ҳам, ундан кейин ҳам — ҳамма вақт худди шундай бўлади.

Қондани бузиш.

47. Шунга биноан, ҳар хил ўқитиш методларини қўлланиш фақат ўқувчини қийнайди ва ўқитишни қийинлаштиради. Афсуски, ҳар хил муаллимлар фанларни турлича ўқитишга қолмасдан, балки бир муаллимнинг ўзи ҳам турлича дарс беради, масалан, грамматикани бир хил ўқитса, диалектикани бошқача ўқитади ва ҳоказо; ваҳоланки бу фанларнинг ҳаммасини ягона гармонияга мувофиқ, нарсалар билан сўзларнинг ўзаро боғлиқ эканлигини назарда тутиб, бир хил метод билан ўқитиш мумкин.

Тузатиш.

48. Шунинг учун ҳам бундан буён бу қондаларга риоя қилиш зарур:

I. Ҳамма фанларни ўқитиш учун — айти бир хил методни қўлланиш, ҳамма санъатларни ўрганиш учун — айти бир хил методни, ҳамма тиллардан дарс бериш учун — айти бир хил методни қўлланиш керак¹.

II. Айти бир мактабда айти бир хил тартиб ўрнатиш ва ҳамма машқларни айти бир хил метод билан бажариш зарур.

III. Иложи борица айти бир-фандан ҳамма ўқувчида айти бир хил китоб бўлиши лозим.

Шундай қилинса, ўқитиш ҳамма вақт осон бўлади, ўқувчи қийналмайди.

XVIII боб

ПУХТА УҚИТИШ ВА УҚИШНИНГ АСОСЛАРИ

Ҳозирги ўқитишнинг юзакилиги.

1. Пухта билим олиб, мактабни битириб чиқаётган ўқувчиларнинг сони жуда кам, ўқувчиларнинг кўпчилиги эса юзаки билимлар билан ёки ҳатто фақат номигагина ўқиб чиқаётир, деган таъналар кўп одамлардан эшитилаётир, қўйингки, фактлар ҳам буни исботлаб турибди.

Бунинг икки хил сабаби бор.

2. Дарҳақиқат бунинг сабаби иккита: ё мактабда муҳим нарсаларга унча эътибор бермай, бутун диққат-эътибор бўлмағур, аҳамиятсиз нарсаларга қаратилади, ёки ўқувчилар ёд олган нарсаларини унутиб қўяверади, чунки билимлар, кўпинча фақат юзаки ўргатилади, боланинг онгига сингдирилмайди. Бу камчилик шунчалик кенг тарқалганки, бунга афсусланмайдиган одамни кам учратасиз. Ахир қачонлардир ўқиган, эшитган, билиб олган нарсаларни эсда сақлаб, дарҳол айтиб бера олмасак, ҳар гал янги-янги нарсаларни билиб олавермасак, қандай қилиб бизни ўқимишли киши десинлар! Афсуски, хотирамиз бу қадар кучли эмас, афтидан, биз ғалвирда сув ташиётган бўлсак керак.

Камчиликларни тузатиш воситасини табиий методдан излаш зарур.

3. Бу нуқсонни бартараф этиш воситаси борми? Албатта, бор. Бунинг учун табиатга мурожаат этиб, у яратган ҳамиша барқарор нарсалардан ўрнатилган олишимиз лозим. Шундай қилсак, ҳар ким фақат ёд олган нарсаларининггина билиб олмасдан, балки ундан ҳам кўпроқ нарсаларни билиб олишига, яъни фақат муаллимдан эшитган ёки китоблардан ўқиганларини бемалол баён этибгина қолмасдан, балки нарсалар ҳақида асосли фикр юритишга ҳам имкон берадиган методни топиш мумкин бўлур эди.

4. Лекин, бунга эришиш учун:

¹ Бу ерда ягона дидактик принцип назарда тўтилади.

I. Фақат ҳаётда керак бўладиган нарсаларнигина пухта ўрганиш лозим.

II. Бундай нарсаларнинг ҳаммасини ҳеч бир истисносиз билиб олиш зарур.

III. Илмларни асосли равишда ўрганиш керак.

IV. Асослар мустаҳкам бўлиши лозим.

V. Кейин ўрганиладиган билимлар фақат шу асосларга таянсин.

VI. Ўрганиш керак бўлган нарсаларнинг ҳаммаси жуда аниқ билиб олиниши лозим.

VII. Кейинги билимлар олдингиларига асосланиши керак.

VIII. Ўзаро боғлиқ нарсаларнинг ҳаммасини доимо биргаликда ўрганиш лозим.

IX. Ҳамма нарса ақл, хотира ва нутққа барабар тақсимландиган бўлиши зарур.

X. Ҳамма вақт машқ ишлаб, билимни мустаҳкамлаб бориш керак. Бу қондаларни батафсилроқ кўриб чиқайлик.

БИРИНЧИ АСОС.

Кераксиз нарса учун бекорга овора бўлмаслик керак.

Кераксиз нарсалардан ҳеч бирини бермаган, балки бош, юрак, қанот каби зарур нарсаларнигина берган. Табиат *дарахтга қулоқ* кўз, пар, соч кабиларни эмас, балки фақат пўстлоқ, қобиқ, ўзак, илдиз каби керакли нарсаларни берган.

Механикавий санъатда бунга риоя қилиш.

7. Шунга ўхшаш, *архитектор* ҳам бино қурмоқчи бўлса, похол, қипиқ, балчиқ ёки тол чивикларини эмас, балки тош, ғишт, болор каби зарур қурилиш материалларини ҳозирлаб қўяди.

8. Демак, мактабларда ҳам:

Мактабларда ҳам. I. *Турмушда ва охиратда керак бўладиган энг зарур нарсаларнигина ўқитиш лозим.* Чунки И е р о н и м айтганидек, ер юзида ўрганилган нарсалар охиратда ҳам асқатадиган бўлсин.

II. Агар ёшларга бирор нарсани *бу дунё учун* (одатда шундай қилинади) *ўргатиш лозим бўлса ҳам, бу илмлар охиратдаги ҳаётга зарар етказмай, турмушда тузукроқ фойдаси тегадиган бўлсин.*

Фақат зарур илмларнигина ўрганиш керак.

9. Кераксиз нарсаларни ўрганишнинг нима ҳожати бор? Билиб олсанг ҳам бирор нафи тегмайдиган, билмасанг ҳам зарари сезилмайдиган ва бари бир ташлаб кетиладиган ёки унутиб юбориладиган билимларни ўрганишнинг нима ҳожати бор? Бу қисқа умрнинг ҳатто бирор дақиқасини бекор кетказмайман

десак ҳам ўрганилиши зарур бўлган нарсалар ошиб-тошиб ётибди. Демак, мактабнинг вазифаси ёшларга фақат зарур илмларнигина ўргатишдан иборат. Ўйин-кулгини қандай қилиб жиддий ишга айлантириш масаласига ҳам ўз ўрнида тўхталиб ўтамиз.

ИККИНЧИ АСОС.

Ишга тааллуқли нарсалар билангина шуғулланиш керак.

10. Табиат ўзи яратаётган нарса учун керак бўладиган ҳеч нимани эътибордан четда қолдирмайди. Масалан, *қушни* яратаётганида унинг на бошини, на қанотини, на оёқларини, на тирноғини, на терисини — ҳуллас шу хил қуш учун зарур нарсалардан ҳеч бирини эсдан чиқармайди.

Мактабда ҳам шу қоидага амал қилиш лозим.

11. Демак, мактабларда ҳам инсонга таълим-тарбия берилар экан, ҳеч нимани эсдан чиқармаслик, яъни инсонни ҳаётга яроқли қилиб тарбиялаш билан бирга, охиратни ҳам унутмаслик керак.

12. Шунинг учун мактабларда фақат илмларнигина эмас, балки хушахлоқлик ва тақводорликни ҳам ўқитиш лозим. Инсон зарур нарсаларни ақлан сеза олиши, нутқ воситасида ифодалай олиши ва амалга ошира билиши учун унга берилаётган илмий таълим кишининг ақлини ҳам, нутқини ҳам, қўлларини ҳам барабар такомиллаштиришга хизмат этсин. Агар булардан бирортаси унутиб қолдирилса, билим чала ва юзаки ўргатилган бўлади, пухта ва асосли бўлмайди. Чунки фақат ҳамма қисмлари *ўзаро маҳкам боғланган нарсанигина пухта бўлиши мумкин.*

УЧИНЧИ АСОС.

Фақат мустаҳкам асосга эга бўлган нарсанигина пухта бўлади.

13. Табиат мустаҳкам пойдеворсиз, илдизсиз ҳеч нарсани яратмайди. Ўсимлик ерга илдиз отмагунча юқорига ўсмайди, агар илдиз чиқармасдан туриб ўсмоқчи бўлса, бари бир, бир оздан кейин сўлиб, қуриб қолади. Шунинг учун ҳам тажрибали боғбон эккан қаламчалари илдиз чиқарганига ишонч ҳосил қилмагунча уни кўчат қилиб ўтқазмайди. Қушлар ва бошқа ҳайвонларда эса ички (овқат ҳазм қилувчи) органлар илдиз ролини бажаради, шунинг учун ҳам дастлаб ҳайвонларнинг ички органлари шакллана бошлайди.

Тақлид қилиш.

14. Масалан, *архитектор* аввал мустаҳкам пойдевор қўяди ва сўнгра бинони тиклай бошлайди, акс ҳолда деворлар қулаб тушган бўлур эди. Худди шунингдек, *рассом* ҳам бўяшдан олдин материални грунтлаб чиқади, чунки бусиз бўёқ ёки тўкилиб, ёйилиб кетади, ёки ранги бузилади.

Қондани бузиш. 15. Қуйидаги ҳолларда муаллим пойдеворсиз бино қурмоқчи бўлган архитекторга ўхшаб қолади: 1) агар аввало ўқувчиларда қизиқувчанлик ва сезгирлиқнинг умумий плани билан таништирмаса, чунки ўқувчилар нималарни бажариш зарурлигини ва амалда нималарни бажараётганликларини жуда аниқ билишлари лозим. Агар ўқувчи қизиқмай, диққат қилмай, тушунмай ўқиса, қандай қилиб унинг билими пухта бўлсин?

Тузатиш. 16. Демак, шунга биноан: I. *Қайси фанни ўқитишдан қатъи назар, аввал ўқувчиларда шу фанга астойдил қизиқиш уйғотиш, уни ўрганишнинг зарурлиги, аҳамияти кабиларни исботлаб бериш лозим.*

II. Тил ёки санъатнинг ғоясини (чунки ғояда буюмнинг ҳамма қисмлари умумлаштирилиб акс этади) шу буюмни ўқувчилар қисмларга бўлиб ўрганишга киришишдан олдин тасаввур қилишлари зарур. Бунда болалар ўқишни бошлаган пайтларида ёки мақсад нималигини, ўрганилаётган нарсанинг ҳажмини ва ички қисмларининг жойланишини кўз олдига келтира олади. Чунки скелет тананинг бутун асосини ташкил этгани сингари, санъатнинг умумий баёни унинг базисини ва асосини ташкил этади.

ТҮРТИНЧИ АСОС.

Асослар чуқур ўрнатилиши лозим. 17. Табиат илдизни жуда чуқур жойлаштиради. Масалан, табиат ҳайвонларнинг яшаш органларини танасининг ичида жойлаштирган бўлади. *Дарахтнинг* томири қанча чуқур жойлашган бўлса, у шунча бақувват бўлади; агар унинг томирлари юзада бўлса, уни осонгина суғириб олиш мумкин.

Бузилган тартибни тузатиш. 18. Маълумки, болада ўқишга мойилликни жиддий равишда уйғотиш ва предметнинг ғоясини бола онгига чуқур сингдириш керак. Ғоя аниқ ўзлаштирилиб, мустаҳкамланиб олгандан сўнг санъат ёки тилни батафсилроқ ўргатишга киришиш лозим.

БЕШИНЧИ АСОС.

Ҳамма нарса ўз илдизидан ўсиб чиқади. 19. Табиатда ҳамма нарса фақат ўз илдизидан ўсиб чиқади. Чунки, *дарахтнинг* шохлари, пўстлоғи, барглари, гули, мева-си — буларнинг ҳаммаси илдиздан ўсиб чиқади. Ёмғир юқоридан ёғиб, боғбон пастдан суғорса ҳам бари бир нам илдиз орқали дарахтнинг танаси, шохлари, новдалари, барги ва мевасига ўтади. Шунингдек, боғбон қаламчани тананинг юқорисидан пайванд қилса ҳам, у дарахтга қўшилиб илдиздан қувват олиб ўсади. Дарахтдаги ҳамма нарса илдиздан униб чиқади,

унга бошқа жойдан барг ёки шохчалар келтириб ўрнатишнинг ҳожати йўқ. Худди шунга ўхшаб, қушнинг парлари ҳам унинг ўзидан ўсиб чиқади, бошқа қушлардан тўкилиб қолган парларни келтириб ўрнатиш мумкин эмас.

Техникада бунга амал қилинади. 20. Шунингдек тадбирли *архитектор* қурган бино фақат ўз пойдеворига ва кашакларига таяниб тураверади, ён томонларидан тиргақ қўйишга ҳожат қолмайди. Агар бино тирговучга муҳтож бўлса, демак у мустаҳкам эмас, бари бир нураб тушади.

21. Ҳовуз ёки сув омбори қурган киши унга кўзада сув ташиб қуймайди, балки сувни ариқ ёки труба орқали оқизади.

Мактабларда. 22. Бу асосий қоидадан келиб чиқадиган хулоса шуки, *ёшларга тўғри таълим бериш — бу ҳар хил муаллифларнинг асарларидан тўпланган сўзлар, иборалар, ҳикматлар, фикрлар йиғиндисини боланинг миёсига жойлаш деган гап эмас, балки нарсаларнинг моҳиятини англаш, қобилиятини ўстириш керак*, токи дарахтнинг куртагидан барг, гул, мева униб чиққанидек, келаси йил эса шу куртакларнинг ҳар биридан янги шохчалар ўсиб барг, гул ва мевалар чиқарганидек, бола ҳам англаш қобилияти туфайли илм дарёсидан (манбаларидан) доимо баҳраманд бўлсин.

Мактабларда бу қоидага ҳеч амал қилинмайди. 23. Дарҳақиқат, мактаблар ҳанузгача боланинг ақлини, ниҳол ўз илдизидан қувват олиб ўсганидек, ривожлантиришга эриша олгани йўқ, аксинча, ўқувчиларга бошқа қушларнинг парларини ёпиниб олган Эзоп қарғаси сингари фақатгина бошқа дархтларнинг шохчаларини келтириб ўз устига илиб олишни ўргатган. Мактаблар боланинг билиш қобилиятини ривожлантиришдан кўра, кўпроқ унинг онгини бошқаларнинг фикри билан тўлдиришга уриниб келмоқда. Бунинг маъноси шуки, мактабда болаларга буюмларнинг ўзини кўрсатиб, уларнинг моҳияти ва қандай ҳосил бўлиши тушунтирилмайди, балки маълум бир муаллифнинг муайян бир нарса ҳақида айтган ва ёзган фикрлари ўргатилади.

Баъзиларнинг фикрлари орасидаги қарама-қаршилиқни пайқаш энг буюк донишмандликдек бўлиб туюлади. Шунинг учун ҳам кўпчилик олимлар фақат бошқа муаллифларнинг китобларидан иборалар, ҳикматли сўзлар, фикрларни топиб, қирқямоқ кўйлакка ўхшаш, илм яратмоқдалар. Горацый бундай кишиларга таъна қилиб: «тақлидчилар—ҳайвонсифат одамлар!» деган эди. Дарҳақиқат, бундай одамлар бировларнинг оғир юкини кўтариб юришга ўрганиб қолган ҳайвонсифат одамлардир.

Усти ялтироқ юзаки олимлик. 24. Нарсалар қандай бўлса, уларни шундайлигича ўрганиш керак бўлса-ю, лекин биз у ҳақда бошқаларнинг фикрларини ўрганиш билан овора бўлишимизнинг нима ҳожати бор? Наҳотки ҳаётда янглишиб юрган ва йўлдан адашган, ё оёқлари чалишиб йиқилган,

ё тўғри йўлдан юришни истамай, бекорга овора бўлиб юрган кишиларни томоша қилишдан бошқа иш топилмаса! О, бандалар, келинг, ўткинчи нарсаларни қўйиб, асосий мақсадга интилайлик. Агар мақсад қатъий ва аниқ бўлса, нега тўппа-тўғри унга қараб бормайлик? Нега энди ўз кўзимиз билан кўришга қараганда бошқаларнинг кўзи билан кўриш афзал бўлсин?

Бунга сабаб — ўқитиш методининг хатолиги.

25. Ҳамма ўқув фанларини ўқитиш методидан кўриниб турибдики, мактаблар болага бировларнинг кўзи билан қарашни, бошқаларнинг ақли билан фикрлашни ўргатиб келаётир. Мактаблар илм булоқларини очиб, ундан ҳар хил ирмоқлар оқизиб чиқаришни ўргатмайди, балки фақатгина бошқалар очган ирмоқларни кўрсатиб, шу ирмоқлар бўйлаб орқага—булоққа томон қайтишни таклиф этади. Ахир, бирорта луғат китоби ҳам (ҳеч бўлмаса, бизга маълум бўлган луғатларнинг ҳаммаси, фақат поляк К на п и й нинг луғати бундан мустасно, чунки биз бу луғат ҳақидаги истакларимизни XXII бобда айтмиз) нутқ ўстиришни ўргатмайди, балки фақат тушунишга ёрдам беради. Гап тузишни ўргатадиган бирорта грамматика дарслигини топиш амри маҳол, аксинча бу дарсликларнинг ҳаммаси гапларни фақат таҳлил қилишнинг ўргатади. Фразеология дарсликларида ҳеч бири ҳар хил ибораларни моҳирлик билан тузиш воситасини ўргатмайди, балки фақат аралаш-қуралаш ибораларни тўплаб беради. Деярли ҳеч қайси муаллим физикани демонстрация ва тажрибалар ўтказиш йўли билан ўқитмайди, аксинча, ҳамма муаллимлар физикани Аристотель ёки бошқа муаллиф тузган текстларни ўқитиш йўли билан ўргатадилар. Ҳеч ким боланинг ахлоқини ундаги ички эҳтиросларни бартараф этиш туфайли ўстирмайди, лекин ҳамма ташқи белгиларига қараб, фазилатларни бир-биридан ажратиш йўли билан ахлоқ тарбиясини юзаки баён қилиб беради. Агар худонинг хоҳиши билан биз санъат ва тилларни ўқитишнинг махсус методини топа олсак, бу нарсани аниқ бўлиб қолади ва агар худой таолло лозим кўрса, пансофияда¹ бу янада аниқроқ бўлади.

Механика косиблари ўз касбига яхшироқ ўргатади.

26. Таажжубки, қадимгилар ҳам буни тузукроқ тушуна олмаганлар ёки, ҳеч бўлмаса, кейинчалик илмий текшириш ўтказган кишилар ҳам бу хатони тузатмаганлар, ваҳоланки иш унмаслигининг асосий сабаби, ҳеч шубҳасиз, худди шундадир. Дарҳақиқат, бирор дурадгор ўз шогирдига уй қуриш санъатини уйни бузаётган пайтда ўргатадими? Аксинча, қандай материаллар танлаб олиш, уни ўз вақтида ўлчаб белгилаб қўйиш, кесиш, йўниш, тикка қўйиш, ётқизиб қўйиш, боғлаб қўйиш кабиларни уй қураётган пайтда ўргатади. Ахир уй қуришни билган одамга уни бузиш ҳеч гап эмас, кийим тикишни билган киши уни осон-

гина сўка олади ҳам. Лекин ҳеч ким ва ҳеч қачон дурадгорлик касбини уйларни бузаётганда ёки тикувчилик касбини кийимларни сўкиш пайтида ўрганган эмас.

Ўқимишли кишиларнинг ўз ишларига эътиборсизлик билан қарашларининг икки ёклама зарари.

27. Дарҳақиқат, ўқитиш усулининг хатолиги ва, ҳатто, унинг зарарли оқибатлари ҳаммага маълум. Булар қуйидагилардан иборат: 1) Ҳамманинг бўлмаса ҳам, кўпчилик кишиларнинг билими номенклатурадан иборат, тўғри улар бирор санъатга доир термин ва қоидаларни айтиб бера оладилар, лекин амалда уни дурустроқ қўллана билмайдилар; 2) бирор кишининг ҳам билими илмларнинг яхлит йиғиндисидан иборат эмас, яъни бу илмлар бири иккинчисини қувватлаб, мустаҳкамлаб бойитиб бормайди, балки, аксинча бир-бири билан зўрма зўраки боғлангандир, яъни у ердан бир шингил, бу ердан бир шингил олинган бўлиб, бири иккинчисига боғланмаган ва тузукроқ фойда ҳам келтирмайдиган илмлардир. Ахир, турли муаллифларнинг фикр ва хулосаларидан иборат бўлган бундай илм қишлоқда ўтказиладиган байрам пайтларида янги қурилган уйларнинг олдига келтириб, безатиб қўйиладиган дарахтга жуда ўхшайди-ку, гарчи бундай дарахтга шохчалар, гул ва мевалар осиб, ҳатто турли нақшлар ва гулчамбарлар билан безатилса ҳам, лекин буларнинг ҳаммаси дарахтнинг ўз илдизидан ўсиб чиқмагани учун узоқ турмайди ва кўпая олмайди. Бундай дарахт мева бермайди, унга илиб қўйилган новдалар қуриб қолади ва тушиб кетади. Асосли илм олган киши ўз илдизидан ўсиб, ўз ширасидан баҳраманд бўлаётган ва шунинг учун ҳам кундан-кунга борган сари кўпроқ улғайиб, кўкариб, гуллаб мева бераётган дарахтга ўхшайди.

Тузатиш.

28. Хулоса қуйидагича бўлади: шундай ўқитиш керакки, кишилар илмни иложи борида китобдан эмас, балки ер ва осмондан ўргансин, яъни нарсалар ҳақида фақат бошқаларнинг фикри ва қулатишларини эмас, балки нарсанинг ўзини билиб, ўрганиб олсинлар. Шунда биз қадимги донишмандлар йўлидан борган бўламиз, чунки улар илмни бирор манабдан эмас, балки нарсаларнинг ўзидан ўрганиб олганлар. Қуйидаги қонун-қоидаларга албатта риоя қилиш зарур:

I. Барча илмлар барқарор нарсаларнинг ўзидан келтириб чиқарилсин.

II. Ҳеч нарсани фақат бирор донишманднинг гувоҳлигига асосланибгина ўргатмаслик керак; аксинча, ҳамма илмларни ташқи сезгилар ва ақл асосида исботлаб ўргатиш лозим.

III. Илмни фақат биргина аналитик метод билан ўқитмаслик керак, балки кўпроқ синтетик¹ метод билан ўқитиш лозим.

¹ Диалектик логикага биноан, билиш ва тафаккур процессида бу методлар биргаликда қўлланилади. «Тафаккур,— деган эди Энгельс,— қанчалик онг объектларини уларнинг элементларига бўлишдан иборат бўлса, шунчалик ўзаро бир-бирига ётдош элементларни битта қилиб бирга қўшишдан иборатдир. Анализ бўлмаса синтез ҳам бўлмайди». (Энгельс, Анти-Дюринг, 1928, 36-бет.)

¹ XVII бобнинг учинчи асосидаги иловага қаранг.

ОЛТИНЧИ АСОС.

Аниқ қилиб ажратиб олиш керак.

29. Табиат яратган бирор буюмни ишлатиш қанчалик хилма-хил бўлса, табиат унинг қисмларини ҳам шунчалик кўп ажратган бўлади.

Масалан, ҳайвоннинг гавдаси қанчалик кўп қисмларга ажратилган бўлса, унинг ҳаракатлари шунчалик хилма-хил бўлади; от бу соҳада ҳукизга нисбатан, калтакесак эса шиллиқ қуртга нисбатан бир қанча афзалликларга эга. Илдизи чуқур жойлашиб, новдалари кўп ва узун бўлиб ўсган дарахт мустаҳкам ва чиройлироқ бўлади.

Бунга тақлид қилиш керак.

30. Шунинг учун ҳам ёшларни ўқитиш пайтида ҳамма нарсани шунчалик аниқ қилиб ажратиш лозимки, ўқитаётган ҳам, ўқиётган ҳам қаерда эканлигини ва нима қилаётганини ҳеч қийналмасдан билиб олсин. Демак, мактабларда қўлланилаётган барча китоблар табиатнинг бу қонунларига қатъий риоя қилган ҳолда тузилса, ўқитиш учун катта аҳамиятга эга бўлади.

ЕТТИНЧИ АСОС.

Нарсалар доимо олдинга қараб ҳаракат қилади.

31. Табиатнинг ҳаракати доимо илгарилаб боради, у ҳеч қачон тўхтаб қолмайди, бошлаган ишини охиригача етказмай, янги нарсага ўтмайди, балки олдин бошлаган ишини давом эттиради, кучайтиради ва охиригача етказилади.

Масалан, эмбрион ҳосил бўлганда ривожланиш бош, оёқ, юрак кабиларнинг шаклланишидан бошланади ва кейинчалик ниҳоясига етказилади. Қўчат қилиб экилган дарахт биринчи чиқарган новдаларини улоқтириб ташламайди, балки у новдаларни озиқлантириб туради ва улардан янги новдалар ўсиб чиқади.

32. Шунингдек, мактабларда ҳам:

Бунга тақлид қилиш керак.

1. Барча ўқув машғулоти шундай тақсимланиши лозимки, кейинги дарслар олдингиларига асослансин, олдинги дарсларни кейингилари мустаҳкамлаб борсин.

II. Бола ўқиб тўғри тушуниб олган илмларнинг ҳаммаси унинг хотирасида ҳам мустаҳкам сақланиши керак.

Хотирани кўпроқ ёшлик даврида ўстириш ва мустаҳкамлаш ҳақида.

33. Бу табиий усулда олдин ўтилган дарслар кейин ўтиладиган дарслар учун асос бўлиб хизмат қилар экан, демак ўтилган дарсларнинг ҳаммасини ўқувчилар пухта ўзлаштирган бўлиши зарур. Пухта ўзлаштириш учун эса бола дарсни албатта яхши тушуниб, англаб олган бўлиши, мустаҳкам эсда қолдириши керак. Кивинтилианининг гаплари ҳақ: «Илм эгаллаш хотирага боғлиқ, эшитган (ёки ўқиган) ларимиз эсдан чиқиб кетаверадиган бўлса, ўқиш

беҳуда кетади». Людвиг Вивес ҳам шунини таъкидлаб ўтган: «Хотирани ёшлиқдан ўстириш керак, у узлуксиз машқ қилдириш орқали ўткирлашади. Унга кўп нарсаларни эҳтиёткорлик билан ишониб топшириш керак. Ёшлик даврида хотира чарчаш нима-лигини ҳам билмайди. Демак, у ҳеч бир қийинчиликсиз кенгайверади ва истаган нарсани қамрай олади». («Фанларни ўқитиш ҳақида», 3- китоб.) Шунингдек, «Донишмандликка кириш» номли асарида «Хотирани бекор қўймаслик керак. Хотирадек меҳнат қилишни хуш кўрадиган, меҳнат туфайли ўткирлашиб бораверадиган бирорта ҳам нарса топилмайди. У ҳар куни ниманидир ўзлаштириб туриши лозим; унга қанча кўп ўргатсангиз, шунча ўткирланаверади, қанча кам ўргатсангиз, шунча пасаяверади». Бу фикрнинг жуда тўғрилигини табиат ҳодисалари ҳам кўрсатиб турибди. Масалан, дарахт ўзига намни қанча кўп олса, шунча тез ўсади ва, аксинча, қанча тез ўсса, намни шунча кўп олади. Ҳайвонларда ҳам худди шундай: агар ҳайвон озуқани қанча кўп ҳазм қилса, шунча тез ўсади, катта бўлган сари озуқани кўп ейди ва тез ҳазм қилади. Ҳамма нарса ҳам шунга ўхшаб мутлақо табиий равишда ўса боради. Демак, ёшлик даврида болани асрайман деб вақтни бекорга кетказиш ярамайди (фақат ўйлаб, оқилна иш қилинса, бас). Бу даврда кишининг келажакдаги бутун ҳаёти учун пойдевор қўйилади.

САҚКИЗИНЧИ АСОС.

Нарсалар ҳамма вақт ўзаро боғлиқ бўлади.

34. Табиат ҳамма вақт нарсаларнинг бирини иккинчиси билан боғлайди. Масалан, қуш боласини яратганда унинг бир аъзосини иккинчиси билан, бир суягини иккинчи суяги билан, нерв толасини бошқа нерв толаси билан — ҳуллас ҳамма органларини ўзаро боғлайди. Шунингдек, дарахтнинг илдизидан тана ўсиб чиқади, танаси кўз чиқаради, кўзлардан шохлар, шохлардан янги новдалар, янги новдалардан куртак, куртакдан — барг, гул ва мевалар, ниҳоят яна янги новдалар чиқаради ва ҳоказо. Шохлари, новдалари, барг ва меваси қанча кўп бўлса ҳам бари бир уларнинг ҳаммаси ягона бир дарахтни ташкил этади. Шунингдек, бино мустаҳкам бўлиши учун деворларни пойдеворга мувофиқ қилиб, шип ва томни деворларга мослаб қуриш, ҳуллас унинг ҳамма қисмларини бир-бирига боғлаш лозим, токи яхлит бир нарса — бир уй ҳосил бўлсин.

Бунга тақлид қилиш зарур.

35. Бундан шундай хулосалар келиб чиқади: I. Бутун умр давомида ўрганиладиган илмлар бири иккинчисини тўлдириб, ягона энциклопедия ҳосил қилсин, бу илмларнинг ҳаммаси умумий илдиздан чиқсин ва ҳар бири ўз ўрнида турсин.

II. Ўқитилаётган илмларни етарли далиллар билан шундай асослаш керакки, шубҳа учун ҳам, унутиш учун ҳам мутлақо имконият қолмасин.

Чунки асослар бу бинони қимирлашдан, қулашдан сақлаб, уни мустаҳкамлаб турадиган мих, тўқа ва бандлардир.

Сабабларини тушунтириб ўқитишнинг боиси нимада?

36. Барча илмларни асосли ўқитиш бу ҳамма нарсанинг сабабларини тушунтириб ўқитиш демакдир, яъни бирор нарсанинг фақат қандай ҳосил бўлишини ўргатибгина қолмасдан, балки бу нарса нима учун бошқача бўлиши мумкин эмаслигини ҳам кўрсатиш демакдир. Чунки бирор нарсани билиш — бу нарсаларнинг зарурий боғланишларини англаш демакдир. Масалан,...¹

Демак, биз ҳамма сўзларнинг ясалиши ва келиб чиқиш сабабларини, барча ибораларнинг асосларини, санъатга доир барча қоидаларнинг моҳиятини ўқувчилар тез ва аниқ билиб олишларини истаймиз. Чунки фандаги теоремалар фикр ёки гипотезалар билан эмас, балки нарсаларнинг ўзини бевосита кўриш йўли билан исботланиши керак. Бунинг натижасида бола илмдан фақат қаноат ҳосил қилибгина қолмасдан, балки катта манфаат ҳам кўради, унинг пухта илм эгаллашига имкон яратилади; натижада боланинг кўзи очилади, у олган билимларидан янги-янги хулосалар чиқара оладиган бўлади.

Хулоса.

37. Демак, мактабда ўқитиладиган барча нарсаларнинг сабабларини тушунтириб ўргатиш лозим.

ТУҲҚИЗИНЧИ АСОС.

Табиатда нарсаларнинг ички ва ташқи қисмлари доимо бир-бирига мувофиқ бўлади.

38. Табиат дарахтнинг илдизи билан шохлари орасида миқдор ва сифат жиҳатидан мувофиқликни сақлайди. Чунки дарахтнинг шохлари ер остидаги илдизнинг кучли ёки кучсиз ривожланишига мувофиқ ўсади. Шундай бўлиши зарур, чунки дарахтнинг илдизи ривожланмай, у фақат осмонга қараб ўсаверса, бари бир, у йиқилиб тушган бўлур эди; аксинча, фақат илдизнинг ривожланавериши ҳам фойдасиз, чунки дарахтнинг меваси илдизиди эмас, шохиди бўлади. Шунингдек, ҳайвонларнинг ташқи органлари ҳам ички органларига мувофиқ тарзда ривожланади. Агар унинг ички органлари соғлом бўлса, ташқи органлари ҳам бақувват бўлади.

Бунга тақлид қилиш керак.

39. Башарти илм аввало англашнинг чуқур илдизлари орқали идрок этилиши, мукаммаллаштирилиши ва мустаҳкамланиши зарур бўлса ҳам, шу билан бирга, ўсимлик шираси илдиз орқали шох ва новдаларига боргани сингари, илми ҳам сезиларли даражада ташқи органларга ёйиш тадбирларини кўриш зарур, яъни бола

тушуниб олган нарсаларининг ҳаммасини ифодали қилиб айтиб беришга ва уни турмушда яхши қўллана билишга ўргансин.

40. Демак:

I. Беҳуда овора бўлмаслик учун ҳар қайси фанни ўрганаётганда, аввало, у қандай фойда келтиришини билиб олиш керак.

II. Билиб олинган нарсаларни илмлар бекор кетмаслиги учун бошқаларга ҳам ўргатиш зарур, ундан бошқалар ҳам фойдалансин.

Шу маънода: бировга ўргатсанг, сенинг билиминг озайиб қолмайди, ақл-ақлдан қувват олади, деб жуда тўғри айтилган. Демак, кичкинагина илм чашмаси очилган бўлса ҳам ундан шарақлаб ирмоқлар оқсин. Бу масалага қуйида батафсил тўхталамиз.

УНИНЧИ АСОС.

Ҳамма нарса узлуксиз машқ қилишга боғлиқ.

41. Табиат тўхтовсиз ҳаракати туфайли ўз-ўзидан кўпаяди ва мустаҳкамланади. Масалан, қуш тухум босганида тухумнинг ҳамма жойини баравар иситиш учун уни қимирлатиб, айлантириб туради (буни уйда товуқ, ғоз ёки каптар курк бўлиб, тухум босаётганда кузатиш мумкин). Жўжа тухумдан чиққач, то бақувват бўлгунча, онаси унга тумшугини очиб ёпиш, қанотларини ёйиш, оёқларини чўзиш каби ҳаракатларни машқ қилдиради, турли ҳаракатлар қилдириб, уни юриш ва учишга ўргатади.

Шунингдек, дарахтга ҳам шамол, қуёш қанча кўп тегиб турса, шунча илдизи чуқур кетади, тез ўсади. Бундан ташқари, ёмғир, дўл, яшин ва момақалдиروқ ҳамма ўсимликлар учун керак. Шунинг учун ҳам шамол ва момақалдируқлар кўпроқ бўлиб турадиган мамлакатларда дарахтлар ҳаддан ташқари кўп ва катта бўлиб ўсади.

Ҳунармандлар бундан ўрнак олганлар.

42. Шунга ўхшаш, қурувчи ҳам янги бинонинг пойдевори, деворларини қуришига, уни шамол ва қуёш нури билан қотиришга ҳаракат қилади. Темирчи ҳам темирни чидамлироқ қилиш ва пўлатга айлантириш учун уни бир неча марта оловда қизитиб, сувга тикиб олади, иссиқ ва совуқ билан табиатда ва шу тариқа уни бир неча бор юмшоқ қилиш билан янада бақувват қилади.

Мактабда ўтказиладиган машқлар намунасини ҳам табиатдан излаш керак.

43. Бундан чиқадики, тез-тез ва айниқса, моҳирона уюштирилган машқ ва тақрорларсиз билим мустаҳкам бўлмайди. Қайси хилдаги машқлар энг яхши эканлигини бизга тирик организмларда овқатланиш жараёни, хусусан, овқатни қабул қилиш, ҳазм этиш, бошқа органларни озиқлантириш учун ажратиш жараёнида содир бўладиган табиий процесслар кўрсатиб турибди.

¹ Келтирилган мисоллар латин тили грамматикасига оид бўлгани учун тушириб қолдирилди (Таржимон).

Дарҳақиқат, ҳайвонларнинг (шунингдек, ўсимлиқларнинг ҳам) ҳар бир органи озикланиш учун ҳазм қилиши керак, ҳазм қилинган озуканинг бир қисмини ўзига сингдирса, бир қисмини бошқа органларга ўтказадиган (чунки у бошқа органларга хизмат қилганидек, бошқа органлар ҳам унга хизмат қилади, шу тариқа бутун организм ҳаракатда бўлади). Худди шунга ўхшаш қуйидаги қондаларга амал қилган киши ўз билимини оширган ҳисобланади:

I. Ҳамма вақт маънавий озукани излаш ва тўплаш керак.

II. Излаб топилган, тўпланган нарсаларни чайнаб майдалаш, ҳазм қилиш лозим.

III. Ҳазм қилгач, ажратиб ёндашларга ҳам ўтказиш керак.

Буюк донишмандликнинг сирини кўп нарсаларни сўраш, ўзлаштириб олиш ва ўргатишдадир.

44. Латинча бир шеърда бундай дейилган: иложи борида кўпроқ сўра, сўраб билганларингни ўзлаштир, билиб олганларингни бошқаларга ўргат — бу уч қоидага амал қилган шогирд устозидан ўзади.

Сўраш — билмаган нарсаларни ўқитувчидан, ўртоғидан ёки китобдан ўрганиб олиш демакдир... Ўзлаштириб олиш — билиб олинган ва ўрганилган нарсаларни эсда сақлаш ва яхшиси дафтарга ёзиб олиш демакдир (чунки ҳамма нарсани хотирада сақлай оладиган, зеҳни ўткир одамлар камдан-кам учрайди). Ўргатиш — билиб олинган нарсаларни ўз навбатида ўртоқларига ёки бошқа тингловчиларга гапириб бериш демакдир. Сўраш ва ўзлаштириш усулларини мактабдагилар биладилар, лекин ўргатишни яхши билмайдилар; ваҳоланки, уни жорий этиш жуда фойдали бўлур эди. «Бировга ўргатган киши ўзи ҳам ўрганиб олади» деган гап жуда ҳам тўғри, чунки киши такрорлаш натижасида ўз билимини мустаҳкамлабгина қолмасдан, балки ўша нарсанинг моҳиятини ҳам чуқурроқ билиб олади. Шунинг учун ҳам буюк донишманд Ибн Аҳим Форций ўзи ҳақида гапириб, ўқиган ва эшитганларим ҳатто бир ой ҳам ўтмасдан хотирамдан чиқиб кетади, бошқаларга ўргатган, гапириб берган нарсаларимни беш бармоқдек айтиб беришим мумкин, улар ҳатто ўлгунча ҳам эсимдан чиқмас керак, деган эди. Шунга асосан у, кўпроқ илм ўрганадан деган ўқувчи ўзи билиб олган нарсаларни бошқаларга пул тўлаб бўлса ҳам ўргатиши лозим. Бирор нарсадан кечсанг ҳам, майли, лекин тингловчи топ деган эди.

Бунинг мактабда қандай жорий этиш мумкин.

45. Кўпчилик ўқувчиларга қўл келадиган бу усулни синфда жорий этиш учун муаллим, энг яхшиси, уни қуйидагича қўлланиши лозим. Ҳар бир дарсада янги материални қисқача баён этиб, сўзларнинг маъносини яхшилаб тушунтириб, уни амалда қандай қўллаш мумкинлигини кўрсатиб бўлгач, дарҳол ўқувчиларнинг бирини ўрнидан турғазини керак, у худди муаллимнинг ўзига ўхшатиб қайтадан гапириб берсин, ўша мисолларни келтириб қондани тушунтирсин. Бола бирор жойда янглишиб қолса, дарҳол унинг хатосини тузатиш лозим. Сўнгра бошқа ўқувчи ўрнидан ту-

риб, худди шундай такрорлаб берсин, лекин синфдаги ўқувчилар уни тинглаб туришлари керак; сўнгра учинчи, тўртинчи ва бошқа ўқувчилар ҳам (ҳамма ўқувчилар дарсни яхши тушуниб, билиб олганларини гапириб бера оладиган, ўзлари бошқаларни ўқита оладиган бўлгунча) такрорлайдилар. Бунда ҳар доим қандайдир бирор махсус тартибга риоя қилиш шарт эмас, фақат аввал зеҳни ўткирроқ болани чақириш маъқул, чунки бўшроқ ўқувчилар руҳланиб, унга эргаша олсинлар.

Бу тартибда ўтказиладиган машқларнинг аҳамияти.

46. Бу тартибда ўтказиладиган машқларнинг, айниқса қуйидагича беш хил аҳамияти бор:

I. Ўқувчиларнинг диққат-эътибори доимо муаллимда бўлади. Чунки ҳар бир ўқувчи

муаллим чақириб қолса, дарҳол ўрнидан туриб ўтилган дарсни такрорлаб бериши лозим, шунинг учун ҳам ўқувчи жавобгарликни ҳис этади, хоҳласа-хоҳламаса диққат қилишга, бирор нарсани ҳам эътибордан четда қолдирмасликка мажбур бўлади. Бир неча йил давомида шу тариқа диққатни бир жойга тўплаш натижасида бола турмушда хушёрликка ўрганади.

II. Муаллим ўргатган нарсаларини ҳамма болалар тўғри ўзлаштириб олганликлари аниқ ишонч ҳосил қилади. Агар болалар етарлича ўзлаштира олмаган бўлса, бу камчиликни дарҳол тузатиш имкони туғилади. Бу ўзи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам зарурдир.

III. Бир материални шунча марта такрорлаш натижасида ҳатто энг бўш ўқувчилар ҳам дарсни бошқалар қатори тушуниб олади, зеҳни ўткирроқ болалар эса материални тўла тушуниб олганидан ишонч ва қаноат ҳосил қилади.

IV. Бунча марта такрорлаш натижасида ҳамма ўқувчилар синфнинг ўзидаёқ, дарсни уйда узоқ вақт тиришиб-тирмашиб ўқигандан кўра яхшироқ ўзлаштириб олади ва кечқурун ҳамда эрталаб китобни кўздан кечириш биланоқ ўқувчи ҳазил-ҳазил билан дарсни яхши билиб олганига ишонч ҳосил қилади.

V. Шу тариқа бола ҳар кун «муаллимлик» қилавериш, унда илмга қизиқиш ва ўз кучига ишонч туғилади, катта йиғинларда ҳам ҳатто муҳим масалалар ҳақида эркин гапира оладиган бўлади, ҳаётда бунинг жуда катта аҳамияти бор.

Мактабдан ташқарида ҳам бошқаларни ўқитиш машқлари.

47. Шунингдек, мактабдан бошқа жойларда ўқувчилар дам олаётган ёки сайр қилаётган пайтда ҳам ҳозиргина ёки олдин ўрганилган, ёки дуч келган бирор янги нарса ҳақида ҳар хил мунозара ва тортишувлар ўтказиш мумкин. Бунинг учун бир неча киши тўпланган ерда чек ташлаб ёки сайлов йўли билан бу ишга раҳбарлик қилиб турувчи муаллимнинг ёрдамчисини сайлаб олиш керак. Бу ишдан бўйин товлаган болани қаттиқ жазолаш лозим; чунки биз ўқитиш ва ўқиш имконияти туғилганда бу ишдан ҳеч кимнинг қочмаслигини эсимиз эмас, балки ҳаммамизнинг бунга интилишига қатъий эришишимиз керак. Ёзишга

ўргатиш машқлари масаласига (чунки у ҳам билимни пухта ўзлаштиришга катта ёрдам беради) XXVII—XXVIII бобларда халқ мактаблари ва классик мактабларни баён этганимизда алоҳида тўхталиб ўтамиз.

XIX боб

ЭНГ ҚИСКА ЙЎЛ БИЛАН ЎҚИТИШНИНГ АСОСЛАРИ.

Бу қийин иш деб, эътироз билдириш. Жавоб. Демак, энг қиска йўллари топиш керак.

1. Кимдир биров, бу жуда қийин иш ва ниҳоятда кўп вақт талаб этади дейди, албатта. Бунинг учун қанча муаллим керак? Қанча китобхона очиш лозим? Бундай универсал таълимни амалга ошириш учун қанча куч керак? Жавоб. Албатта, агар биз қисқароқ йўл билан ўқитиш усулини топмасак, бу жуда қийин, тугамайдиган иш ва жуда кўп меҳнат талаб этади. Чунки билишимиз лозим бўлган олам сингари фан ҳам бениҳоядир. Лекин узоқ йўл ҳам яқин бўлиши, қийин иш ҳам осонлашиши мумкин-ку! Тўқувчи сон-саноқсиз ингичка ипларни ниҳоятда тезлик билан бирлаштириб, жуда чиройли нақшлар тўқишини ким билмайди дейсиз? Тегирмончи минг-минглаб ғалла доналарини бир пасда ун қилиб тортишини, унни кепакдан осонгина тозалаш мумкинлигини ким билмайди? Механиклар кичкинагина машина билан оғир юкларни ҳам ҳеч қийналмай кўтара олади-ку! Тарозибон унция¹ ни тарозининг марказдан уёқ-бўёққа суриш орқали бир неча фунтлаб юкларни ўлчайди. Демак, бирор каттароқ ишни бажариш учун ҳамма вақт фақат куч талаб этилмайди, балки санъат ҳам керак. Наҳотки илм аҳллари бундан мустасно бўлса? Келинг, ҳеч бўлмаса орномус бизни бошқа касб эгаларининг санъатидан ўртак олишга, ўқиш, ўқитиш соҳасида мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш воситаларини излаб топишга мажбур этсин.

Дори беришдан олдин касалликни аниқлаш лозим.

2. Олдин касаллик ва унинг сабабларини аниқлашмасдан туриб, дори танлаш мумкин эмас. Дарҳақиқат, ўқитишнинг бунчалик самарасиз бўлиши, ҳатто бутун умрини мактабда ўтказса ҳам ўқувчиларнинг кўпчилиги барча фанлар ва санъатларни билиб олмаслиги, баъзи илмлардан мутлақо хабарсиз қолишининг сабаби нимада?

Ўқитишнинг самарасизлигининг асосида сабаби бор.

3. Бунинг энг муҳим сабаблари қуйидагилар: биринчидан, ўқувчиларга йил давомида, ҳар ойда, ҳар куни нималарни ўргатиш кераклиги аниқ эмас, ким нимани хоҳласа шуни ўқитаверган.

4. Иккинчидан, белгиланган мақсадга хатосиз эриштирадиган воситалар аниқ эмас.

5. Учинчидан, табиат яхлит қилиб яратган нарсалар ҳам яхлитлигича эмас, балки ажратиб ўргатилади. Масалан, мактабга янгидан келган болаларга фақатгина ўқиш ўргатилади, ёзиш эса бир неча ойга суриб қўйилади. Латин мактабида (яъни ўрта мактабда) ўқувчилар бир неча йил давомида фақат сўзларнигина (нарсаларсиз) ёд олганлар, ёшлик даврлари фақатгина грамматикани ўрганиш билан ўтган, лекин фалсафани ўрганиш эса анча кейинга сурилган эди. Бунинг устига болаларга фақат ўқишни ўргатганлар, лекин ўқитишни мутлақо ўргатмаганлар, ваҳоланки, юқорида кўриб ўтганимиздек (ўқиш ва ёзиш, сўзлар ва нарсалар ўрганиш ва ўргатиш), худди чопаетганда — оёқни кўтариш ва тушуриш, гаплашаётганда — тинглаш ва жавоб бериш, тўп ўйнаётганда — тўпни ташлаш ва ушлаб олиш каби бир-галикда олиб борилиши керак.

6. Тўртинчидан, санъат ва фанлар бирор жойда ҳам энциклопедик характерда эмас, балки ҳамма ерда бўлак-бўлак қилиб ўқитилади. Шунинг учун ҳам бундай илм ўқувчининг назарида тараша ёки шох уюмларига ўхшайди ва улар бу билимларнинг бир-бирига қандай алоқадорлигини тушуна олмайдилар; биттаси эътиборни бир нарсага қаратса, иккинчиси бошқа нарсани ўрганади, шу тариқа ҳеч ким мукамал билим ололмайди, демак билим асосли ҳам бўлмайди.

7. Бешинчидан, ҳаддан ташқари хилма-хил ўқитиш методлари қўлланилган; ҳар мактабда ҳар хил метод қўлланилган; қолаверса ҳар бир муаллим ҳар хил метод билан дарс ўтган; ниҳоят бир муаллимнинг ўзи ҳам бир санъат ёки тилни ўқитганда бир хил метод билан, бошқа фанни ўқитганда бошқа бир метод билан иш тутган. Энг ёмони бир фаннинг ўзини ўқитиш методида ҳам изчиллик сақланмаган, демак, ўқувчининг бирор нарсани тузукроқ англаб олиши ҳам амри-маҳол эди. Натижада болалар иккиланиб юрганлар, тузукроқ ўқимаганлар, ҳатто айрим фанларни ўргана бошлаш биланоқ, уларда умидсизлик ва нафрат уйғongan, кўп ўқувчиларнинг бу фанларни ўқигиси ҳам келмаган.

8. Олтинчидан, синфдаги ҳамма болаларни барабар ўқитиш методи қўлланилмаган; синфдаги ҳар бир бола билан алоҳида иш олиб борилган, агар синфда болалар сони кўпроқ бўлса, муаллим ҳаммага дарс бериб чиқиш учун жуда кўп меҳнат сарфлаб, беҳуда овора бўларди, ўқувчилар эса ё бекор туриб қолишарди, ёки қаттиқ чарчатадиган, зерикарли бирор иш билан банд бўлишарди.

9. Еттинчидан, агар синфда бир неча муаллим дарс ўтса, бунинг оқибатида фақат яна саросималик вужудга келар эди. Чунки ҳар бир соатда бир неча хил машғулот ўтиларди, ваҳоланки муаллимларнинг кўплиги ва китобларнинг хилма-хиллиги ўқувчининг диққатини тарқатиб юбориши ҳақида гапирмаёқ қўя қолайлик.

¹ Чор Россиясида 29,86 граммга тенг келадиган аптека ва заргарчиликда ишлатиладиган оғирлик ўлчови.

10. Ниҳоят, саккизинчидан муаллимнинг марҳамати билан ўқувчилар мактабда ёки мактабдан ташқарида бошқа китобларни ўқиши мумкин эди. Ҳар хил муаллифларнинг асарларини бола қанча кўп ўқиса, шунча кўп билим олади, деб ҳисобланар эди, ваҳоланки, аслида бунинг оқибатида боланинг фикри фақат кўпроқ бўлиниб кетади. Бинобарин, шундай қилиб, лабиринтдан эсон-омон қутулиб чиққан одам кам топилгандек, ҳамма фанларни ўрганиб олган кишиларнинг қамлигига ҳам таажжубланмаслик керак; фақат жуда қобилиятли кишиларгина бунга мурассар бўла олганлар.

Бу тўсиқларни бартараф этиш ёғисини табиатдан ўрганиш керак.

Осмондаги қуёшга бир назар ташланг.

(яъни у бутун ер юзига нур сочади, ҳамма элементларга ва унинг бирикмаларига, минералларга, хилма-хил ва сон-саноқсиз ўсимликлар ва ҳайвонларга ёруғлик, иссиқлик, ҳаёт ва қувват бағишлайди), лекин у ҳамма нарсага етади, ҳар йили ўз вазифасини жуда яхши уддалайди.

13. Шу тариқа, ўқитиш методларини назарда тутиб, қуёш ҳаракатининг усулларини кўздан кечирайлик.

I. Қуёш дарахт ёки ҳайвон каби нарсаларнинг ҳар қайсиси билан алоҳида шуғулланмайди, балки бутун ер юзини барабар ёритади, иситади ва буғ билан қоплайди.

II. Қуёш бир шуъла сочганда ҳамма ёқни ёритади. Бир ёмғир ёғиши билан ҳамма нарса суғорилади; бир шамол турса, ҳамма ёқни қуритади, иссиқ ва совуқ ҳам ҳамма нарсага бирдек таъсир этади.

III. Кўп мамлакатларда баҳор, ёз, куз ва қишни бир вақтда келтириб, ҳамма нарсани ўсишга, гуллашга ва ҳосил беришга мажбур этади; албатта, ўз навбатида кўра, айрим мевалар олдинроқ пишиб, баъзилари кечроқ етилиши бунга зид келмайди.

IV. Қуёш ҳамма вақт бир хил тартибга риоя қилади, бугун қандай бўлса, эртага ҳам шундай, бу йил қандай бўлса, келаси йил ҳам шундай; бир хил нарса, албатта, ҳамма вақт ва доимо бир хил шаклда бўлади.

V. У ҳар нарсани, бошқа нарсадан эмас, балки ўз уруғидан ундириб чиқаради.

VI. Бирга бўладиган нарсаларни биргаликда яратади: ёғочни пўстлоғи ва ўзаги билан, гулни барглари билан, мевани пўсти, мағзи ва донаси билан ва ҳоказо.

VII. Ҳамма нарса изчиллик билан содир бўлади, яъни нарсаларнинг бири иккинчисига замин яратади ва алмашинади.

VIII. Ниҳоят, қуёш кераксиз нарсани яратмайди, мабодо, бирор кераксиз нарса ҳосил бўлса, уни қуритиб, йўқотади.

14. Биз бундан қуйидагича намуна олишимиз керак:

I. Бир муаллим бир мактабга ёки камида бир синфга бошчилик қилсин.

II. Ҳар фандан фақат битта муаллифнинг асари (дарслик) қўлланилсин.

III. Бир вазифани синфдаги ҳамма ўқувчилар барабар бажариши лозим.

IV. Ҳамма фанлар ва тиллар бир хил метод билан ўқитилиши керак.

V. Ҳамма нарсани асосли, қисқа ва ишонарли қилиб ўқитиш керак, токи шу йўл билан бошқа нарсаларнинг ҳам маъносини англаш мумкин бўлсин.

VI. Ўзаро боғлиқ нарсаларни ажратмасдан, биргаликда ўргатиш керак.

VII. Изчилликка риоя қилиб ўқитиш лозим, токи, бугун ўрганилган илмлар кеча ўрганилганларни мустаҳкамласин, эрта ўрганиладиганига замин ҳозирласин.

VIII. Ва, ниҳоят, аҳамияти йўқ нарсаларни ўргатмаслик керак.

15. Агар мактабда бу қондаларга амал қилинса, ҳеч шубҳасиз, қуёш ҳар йили Оламни бемалол айланиб чиққанидек, илмларни ҳам тез ва осон ўрганиш мумкин бўлади. Умуман бу фикрларни амалга ошириш мумкин ва осонлигига ишонч ҳосил қилиш учун масалага яқинроқ ёндашайлик.

БИРИНЧИ ПРОБЛЕМА.

Бир муаллим жуда кўп ўқувчини қандай ўқита олади?

Нега бир мактабга бир муаллим бошчилик қилиши керак.

16. Бир муаллим юзлаб ўқувчига раҳбарлик қила олади, деган фикрни фақат айтибгина қолмасдан, балки уни амалга ошириш ҳам керак деб ҳисоблаймиз, чунки бу муаллим учун ҳам, ўқувчи учун ҳам қулайдир. Шубҳасиз синфда ўқувчи қанча кўп бўлса, муаллим дарсни шунча яхши ўтади (конда руда кўп бўлса, уни қазиб чиқарувчи завқ-шавқ билан ишлаганидек), муаллим дарсни қанчалик яхши ўтса, ўқувчилар ҳам шунчалик берилиб кетадилар. Шунингдек, ўқувчиларнинг сони кўп бўлса, улар кўпроқ мамнун бўладилар (ўртоғи кўп одамнинг кўнгли тўқ бўлади). Улар ўзаро бир-бирларига таъсир этадилар ва кўмаклашадилар, чунки бу ёшда болалар бир-бирларидан ўзиб кетишга жуда қизиқадилар.

Бундан ташқари, агар синфда бола оз бўлса, муаллим айтган гапларнинг баъзилари уларнинг эътиборидан четда қолиб кетиши

мумкин, агар болаларнинг сони кўп бўлса, уларнинг ҳар бири ўз қобилиятига яраша билиб олади, сўнгра ҳар ким ўз тушунганини гапириб беради, бу билан бошқаларга кўмаклашган бўлади, чунки ақл ақлдан, хотира хотирадан қувват олади. Қисқаси, нонвой бир марта ҳамир қориб, бир марта тандир қизитиб, бир нечта нон пиширганидек ёки уста бир хумдонда кўп гишт пиширганидек, матбаачи бир терган ҳарфи билан минглаб китобни чоп қилганидек, муаллим ҳам дарсда бир машқни ҳеч қийналмай ҳамма ўқувчига бажартириши мумкин. Бу иш дарахтнинг танаси—унинг сон-саноқсиз шох ва новдаларини кўтариб, озиқлантириб турганига, қуёш бутун ер юзига ҳаёт бағишлаб турганига ўхшайди.

Бундай қилиш мумкинлигини табиат намунаси кўрсатиб турибди.

17. Лекин, буни қандай бажариш мумкин? Юқорида мисолга олинган табиат ҳодисаларига бир назар ташлайлик. Дарахтнинг танаси энг чеккадаги новдагача бориб етмайди, лекин тана ширасини ўздан чиққан шохга ўтказиши, у шохлар бошқа шохчаларга ўтказиши ва шу тариқа танадаги шира дарахтнинг энг чеккадаги ва энг майда новдаларигача бориб етади. Қуёш айрим дарахт, ўт, ҳайвонларни келиб иситмайди, балки юқоридан, ўзи турган жойдан нур сочиб, бутун ер юзини баравар ёритади, ердаги нарсалар эса ёруғлик ва иссиқликни ўзларига керагича қабул қилиб оладилар. Шу билан бирга қуёшнинг таъсири ер юзининг ҳолатига ҳам боғлиқ; масалан, водийларда тўпланиб қолган қуёш нурлари атрофдаги жойларни кучлироқ иситади.

Мактабда табиатга тақлид қилиш керак.

Ўқувчиларни синфларга бўлиш.

учун ўнбоши тайинлаб қўйса, ўнбошиларга ҳам раҳбарлик қиладиган бошлиқлар тайинласа ва ҳоказо.

Ҳаммани бирга ўқитиш бирорта болани ҳам ажратиб ўқитмаслик лозим.

18. Агар ўқитиш ҳам шундай ташкил этилса, бир муаллим ҳар қанча ўқувчига бемалол дарс бера олади. У фақат қуйидаги шартларга риоя қилиши керак:

1. Ҳамма ўқувчиларни маълум группачаларга бўлиб чиқиш лозим, масалан, ҳар ўнта болани бир звенога бирктиб, уларни кузатиб бориш тайинласа ва ҳоказо.
2. Муаллим мактабда ҳам, мактабдан ташқарида ҳам ҳеч қачон бирорта ўқувчини ёки ўқувчиларнинг бир қисмини ажратиб ўқитмаслиги лозим, балки ҳаммани бирга ва бир вақтда ўқитиши керак. Демак, муаллимнинг ўзи ҳам болаларнинг ёнига алоҳида-алоҳида бормайди, бирорта болани ўз ёнига келтирмайди, балки кафедрадан туриб (у ердан ҳамма бола муаллимни кўриб, унинг сўзларини эшита олади), қуёш сингари ҳаммага нур сочади. Ҳамма ўқувчи муаллимга қараб, унинг гапларини диққат билан тинглаб, муаллим айтиб бераётган ёки суратини кўрсатаётган нарсаларни идрок этиши зарур. Дарҳақиқат, бир идишдаги бўёқ билан бир-икки деворнигина эмас, балки бир неча деворларни бўяш мумкин.

Ҳамма диққат муаллимнинг сўзларига қаратилиши керак.

19. Муаллим ҳамманинг ва ҳар кимнинг диққатини ўзига қарата билиши керак. Муаллимнинг нутқи илм манбаи эканлигини болалар яхши билишлари ва у гапираётганда бирор нарсани ҳам эътибордан четда қолдирмай, диққат билан тинглашлари зарур. Демак, энг муҳими муаллим фақат тинглаган кишига гапириши, боланинг диққатини жалб қилиб ўқитиши лозим. Сенеканинг маслаҳатини унутманг: «Гапни фақат уққан одамга гапир». Соломоннинг (Сулаймон пайғамбарнинг) қуйидаги фикри ҳам шунга тааллуқли бўлса керак: «Доно кишининг гапи ҳам маъноли бўлади» (Притч. XVII, 27), яъни маъноли гап бекор кетмайди, балки кишилар дилига жойланади.

Унга қандай эришиш мумкин эди? Назоратчилар ёрдамида ва энг муҳими қуйидаги саккизта шартга риоя қилиб, ўз кучи билан эришади.

20. Лекин муаллим ҳамманинг диққатини фақат назоратчилар ва бошқа ёрдамчилар туфайлигина эмас, балки ўз кучи билан жалб қилиши ва тўплаши мумкин, бунинг учун у қуйидаги саккиз шартга риоя қилиши керак.

1. *Ўргатилаётган нарсадан бола мамнун бўлсин ва манфаатлансин*; шунда ўқувчилар жонли диққат ва иштиёқ билан ишга киришадилар.

2. *Муаллим дарсни бошлашдан олдин ёки ўқувчиларда шу темани ўрганишга қизиқиш уйғотиши ёки олдин ўтилганларни янги материалга боғлаш учун саволлар бериб, уларнинг ҳушёрлигини ошириши лозим*. Ўқувчилар бу соҳада ҳали билимлари камлигини пайқаб, янги дарсни зўр қизиқиш билан идрок этсинлар.

3. *Муаллим баландроқ жойда туриб, ҳамма ўқувчиларни қараб туриш, бирорта боланинг ҳам бошқа иш билан шугулланишига йўл қўймаслиги керак*. Болаларнинг кўзи, фикру хаёли фақат муаллимда бўлсин.

4. XVII бобнинг саккизинчи асосидаги III қондада кўриб ўтганимиздек, *муаллим ҳамма вақт ташқи сезгилар воситасида боланинг диққатини иложи борица жалб этиши лозим*. Бу эса ўзлаштиришни енгиллатибгина қолмай, эътиборни ҳам кучайтиради.

5. *Дарс бораётганда муаллим баъзан тўхталиб: қани палончи, айтчи, мен ҳозир нима ҳақида гапирдим? Бу қисмини такрорлаб бер-чи. Сен айт-чи, шундан сўнг нима бўлган эди? Ўқувчиларнинг билимига доир ва мувофиқ шундай саволлар бериб туриш лозим*. Агар боланинг дарсга диққат этмай тургани аниқланса, унга дарҳол танбеҳ ёки ҳайфсан бериб ўтиш лозим. Бу ҳамма ўқувчиларнинг ҳушёрлигини оширади.

6. *Худди шу тариқа бирор ўқувчидан сўралганда, у жавоб бера олмаса, саволни такрорламасдан, иккинчи, учинчи, ўнинчи, ўттизинчи ўқувчини турғизиб сўраш керак*. Бундан мақсад бир ўқувчига айтилаётган гапга ҳамма диққат қилиб борсин, ундан ҳамма манфаат олсин.

7. Бундай бўлиши ҳам мумкин: чақирилган ўқувчи бирор саволга жавоб беролмай қолса, шу саволни умумий қилиб ўртага ташлаш лозим, биринчи бўлиб ёки тўлиқ жавоб берган ўқувчини ҳамманинг олдида мақташ керак, бошқалар ундан ўрнак олсин; бола жавоб бераётганда хато қилса, бу хатони тузатиб бориш, хатонинг сабабини очиб ташлаш лозим (сезгир муаллим буни тез аниқлайди). Дарсда бу усулни қўллашнинг катта аҳамияти бор.

8. Ниҳоят дарс охирида ўқувчилар шу дарсда ёки олдинги дарсларда тушунолмай қолган жойларини муаллимдан сўраб олсинлар. Синфдан ташқарида сўраш учун зарурат қолмасин; бирор нарсани тушунмаган киши уни муаллимдан ҳамманинг олдида ўзи сўрасин ёки (ўз декурмани¹) ўнбоши орқали (агар ўнбоши қониқарли жавоб бера олмаса) сўратсин, унинг саволини ва берилган жавобини ҳамма эшитсин. Тез-тез тузукроқ савол берадиган болаларни, кўпроқ мақтаб ҳам бориш керак, чунки бошқалар ҳам ундан ўрнак олсин.

Диққат қилишга одатланишнинг жуда катта аҳамияти бор.

22.² Диққатни бир жойга тўплашни бундай ҳар кун машқ қилиш ёшлар учун фақат ўқиш давридагина фойдали бўлиб қолмасдан балки ҳаётда ҳам қўл келади. Албатта бир неча йил давомида доимо зийрак бўлишга одатланиб, натижада киши ўз ишини ҳушёрлик билан, бировнинг мадад бериши, намуна кўрсатишини кутмай бажараверадиган бўлади. Агар мактаблар айнан шундай қилиб ташкил этилса, яқин келажакда бизда энг ишчан одамларнинг сони жуда кўпайиб кетса ажаб эмас.

Эътироз: лекин бунда айрим ўқувчиларга ва ҳаммага етарли эътибор бериш мумкинми? Мумкин:

1. Ўнбошиларнинг ёрдами билан.

чиқишининг ҳеч зарурати йўқ. Чунки муаллимнинг ёрдамчилари—ўнбошилар бор, уларнинг ҳар бири ўз ўртоқларининг ишини кузатиб, назорат қилиб боради.

2. Муаллимнинг ўзи.

23. Лекин, ҳар ҳолда, айрим ўқувчиларни назорат қилиб бориш зарур, яъни айрим ўқувчилар ўз китобларини тоза тутишини, сабоқни қанчалик тўғри ёзиб келишини, дарсни қанчалик яхши эсда қолдириши кабиларни кузатиб бориш керак-ку, деб эътироз билдиришлари мумкин. Жавоб: ҳамма ўқувчидан ҳар кун сўраш ва ҳамманинг дафтарини ҳар кун кўриб

24. Муаллимнинг ўзи фақат бош кузатувчи сифатида гоҳ унга, гоҳ бунга қараб, айниқса ишонч камроқ бўлган ўқувчиларнинг ишини

1 Декурман — латинчадан таржимаси ўнбоши демакдир. Бу ибора латинча фесем—ўн сўздан олинган. Ўн киши бошлиғи, масалан, суворалар, судлар, сенаторлар, мирзалар ўнбошиси шу сўздан олинган. Коменский ҳар ўнта болага ўқиши ва ахлоқни энг яхши ўқувчи ўнбоши бўлади деб тахмин қилган.

2 Латинча текстида ҳам, русча текстида ҳам 21-параграф тушириб қолдирилган.

кўздан кечириб боради. Масалан, ёдлаб келишга берилган текстни бир, икки, уч ўқувчи айтиб берса ҳам, муаллим қобилиятлироқ ва бўшроқ ўқувчиларнинг қанчасини бирин-кетин чақириб сўраса ҳам бари бир синфдаги ҳамма ўқувчи тинглаб туриши керак. Бунда ҳамма ўқувчи жавоб беришга ҳар доим тайёр бўлиб туради, чунки ҳар бир ўқувчи, мендан сўраб қолиши мумкин, деб ҳозирлик кўриб туради. Мўлжалдаги бола яхши жавоб бера бошласа, муаллим уни тўхтатиб давомини бошқа ўқувчидан сўрайди. Агар бу ўқувчи ҳам тутилмай дарҳол жавоб бера бошласа, қолган қисмини яна бошқа ўқувчига айттиради. Шу тариқа бир неча боладан сўрагач, муаллим бу темани ҳамма ўқувчи ўзлаштириб олганига ишонч ҳосил қилади.

Текшириш усуллари:
1) диктант ва ёзма ишлар

25. Диктантларни текширганда ҳам шундай қилиш мумкин. Бир, икки, ёки зарурат бўлса, кўпроқ ўқувчини навбат билан турғизиб, ёзганларини тиниш белгиларини ҳам айтиб, аниқ ва ифодали қилиб ўқитиш керак. Бошқалар ўз дафтарларига қараб, йўл қўйган хатоларини тузатиб борсин. Лекин баъзан муаллимнинг ўзи ҳам битта-иккита ўқувчининг дафтарини кўздан кечириши мумкин, агар эътибор бермай ёзган бўлса, жазоланади (ҳайфсан олади).

2) ва стилистик хатоларни тузатиш.

26. Стилистик хатоларни тузатиш вақтни кўпроқ олади, лекин бунда ҳам юқоридаги усулни қўлланиш мумкин. Масалан, бирор текстни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилаётганда бундай қилиш лозим: ҳар бир декуриондаги (ўнликлардаги) ўқувчиларнинг ҳаммаси таржима қилиб бўлгач, бир ўқувчи турғазилади ва у ўзига рақиб танлаб олади. Иккаласи ҳам ёнма-ён тургач, биринчи чақирилган бола ўзи қилган таржимани қисмларга бўлиб, гапма-гап ўқийди, бошқалар эса диққат билан тинглайди; муаллим ёки ўнбоши ўқиётган боланинг ёнида туриб, унинг дафтарига қараб ҳеч бўлмаса орфографиясини текшириб боради. Ўқувчи таржимани охиригача ўқиб бўлгач, ёнида турган рақиб ўзи сезган хатоларни кўрсатади. Сўнгра шу декуриондаги болалар ўзлари сезган хатоларни айтадилар, кейин синфдаги бошқа ўқувчилар ҳам унга қўшимча қилишлари мумкин; ниҳоят, керак бўлса, муаллимнинг ўзи ҳам йўл-йўриқ кўрсатади. Лекин бу вақтда доска олдида чиқарилган рақибдан ташқари ҳамма болалар ўз дафтарига қараб, хато қилган бўлса, уни тузатиб бориши керак; чақирилган рақиб ҳам баҳолаш учун хатолари тузатилмаган дафтарини муаллимга узатади. Таржиманинг бу қисми текшириб, тузатиб бўлингач, бошқа қисмига ўтилади ва шу тариқа охиригача етказилади. Сўнгра рақиб ўз таржимасини юқоридагидек қилиб ўқийди, лекин олдинги бола унинг хато таржимани қолдириб, тузатилган таржимани ўқимаслигини назорат қилиб боради; айрим сўзлар, иборалар, гаплар ҳақидаги мулоҳазалар юқоридаги тартибда айтилади. Сўнгра яна икки ўқувчини доска олдида чиқариб, текшириш шу тариқа имкони борича (вақт тугагунча) давом эттирилаверади.

Бунда (ўнбоши-ларнинг) вазифалари.

Бу методнинг аҳамияти.

27. Ўнбошилар, биринчидан, ҳамма болалар ўз дафтарларини вақтида ҳозирлаб қўйишини ва, иккинчидан, ҳар ким ўз хатосини бошқаларга қараб тузатиб боришини кузатиб турадилар.

28. Шундай қилиб, бу методда:

I. Муаллимнинг меҳнати енгиллашади.

II. Ҳамма барабар ўрганади, чунки синфдаги болаларнинг бирортаси ҳам эътибордан четда қолмайди.

III. Ҳамманинг диққати кучаяди.

IV. Бир болага бирор масала бўйича айтилган гапдан ҳамма барабар манфаатланади.

V. Болалар тузган ҳар хил жумлалар ўқувчиларнинг фикрини ва нутқини бойитади.

VI. Ниҳоят (уч пар болаларнинг таржимасидаги) хатолар тузатила борган сари қамаяверади ёки ҳеч қолмайди. Ортиб қолган вақтда болалар ўз ихтиёрига қўйилади, мабодо бирор ўқувчи ўзи қилган таржиманинг тўғрилигига шубҳаланаётган бўлса, ёки ўз таржимасини бошқалар таржимасидан тузукроқ деб ҳисобласа, буни ўрнидан туриб айтсин, бошқалар тинглаб, уни муҳокама қилсин.

29. Таржима қилишни ўргатиш машқлари ҳақида айрилган фикрни ҳамма синфларда стилистик хатоларни тузатишда, шунингдек, нотифик санъати (риторика) мантиқ, илоҳиёт, фалсафани ўргатишда ҳам қўлланиш мумкин.

30. Шундай қилиб, иш юқорида кўрганимиздек ташкил этилса, бир муаллим юзлаб ўқувчига ҳеч қийналмасдан таълим бериши мумкин.

ИККИНЧИ ПРОБЛЕМА.

Ҳамма ўқувчиларни қандай қилиб айланиб бир дарсликдан ўқитиш мумкин.

Бунинг учун бешта шартга риоя қилиш керак бўларди.

1. Дарсга тааллуқли бўлмаган китобларни ишлатмаслик лозим.

филмлари ўрганилаётган нарсаларга шунчалик кўпроқ тўпланади.

2. Шу фани ўқиш учун мўлжалланган китоб кўп бўлиши зарур.

таблицасини тайёрлаш, ҳарф намуналарини улашиб чиқиш, қондани, текстни ёки унинг таржимасини айтиб ёздиратиш учун жуда кўп вақт сарфлайди. Демак, ҳамма синфлар

31. Кишининг кўзи олдида нарсалар кўп бўлса, фикр ҳар томонга тарқалиб кетишини ҳамма билади. Демак, сарфланаётган кучни тежаш ва диққатни бир жойга тўплаш учун, биринчидан, болаларнинг қўлига фақат шу синфда ўқиш учун мўлжалланган китобларнигина бериш лозим. Чунки боланинг диққати бошқа китобларга қанчалик камроқ чалғиса, унинг

32. Иккинчидан, доска, ҳарф намуналари, қўлланмалар, луғатлар, турли фан ва санъатларга доир дарсликларни ҳозирлаб қўйиш керак. Афсуски, муаллим ўқувчиларга (одатда) алфавит

учун зарур китоблар кўп нусхада босиб чиқарилса, таржима қилиниши лозим бўлган китоблар она тилига таржима қилинса жуда яхши бўлур эди. Шундай қилиб, диктовка ёзиш, таржима қилиш учун кетадиган вақтни тушунтириш, такрорлаш ва машқ ишлашга сарфлаш имконияти туғилади.

Эътирознинг олдини олиш.

33. Бу ялқов муаллимларга қўл келади деб қўрқмаслик керак. Агар хатиб тавротдан бирор ақидани айтиб, унинг ўқиш, панд-насиҳат, таскин беришдаги аҳамиятини тушунтирса бас, башарти хатиб бу гапларни тавротдан ўқиб, ўзи таржима қилмаган, балки бошқа бир китобдан тайёр таржимани ўқиб гапириб берган бўлса ҳам, бари бир. Тингловчи учун бунинг ҳеч фарқи йўқ. Худди шунингдек, ўқувчи учун ҳам керакли ўқув қуроллари ҳозирлаб қўйилган бўлса бас; уларни муаллимнинг ўзи ясаганми, бошқа биров ясаганми — ўқувчи учун бунинг ҳеч фарқи йўқ. Муаллим буларни қандай ишлатиш лозимлигини аниқ кўрсатиб бериши керак. Лекин бир томондан, хато қилмасликка нишонч кўпроқ бўлиши учун, иккинчи томондан, машқ ишлашга кўпроқ вақт қолдириш учун тайёр ўқув қуролларига эга бўлиш керак.

3. Китоблар жуда аниқ ва тушунарли қилиб ёзилиши зарур.

34. Бундай китобларни ҳамма мактаблар учун тушунарли, асосли ва ихчамлик принципларига риоя қилиб тузиш лозим, ундаги материаллар тўлиқ, асосли ва аниқ бўлиши, яъни ўқувчилар онгида бутун оламни тўғри акс эттиришга ёрдам бериши керак. Биз, айниқса, бу китоблар болаларнинг савиясига мос, тушунарли тилда ёзилишини, уларни ҳатто болалар муаллимнинг ёрдамисиз ўқиб, бемалол тушунаверишларини ис- таймиз ва талаб этамиз.

Китобларнинг диалог шаклида ёзилишининг боси.

35. Китобни бола, ҳатто муаллимнинг ёрдами- сиз ўқиб, бемалол тушунавериши учун у кўпин- ча диалог шаклида ёзилган бўлиши керак. Чун- ки: 1) Текстнинг мазмуни ва услубини айланиб шу йўл билан боланинг кучига мослаштириш мумкин, акс ҳолда бо- лада ўқув фанини тушуниш қийин ёки тушуниб бўлмайди, деган нотўғри фикр ҳосил бўлади, ваҳоланки суҳбатдан кўра, кишини қийнамай ва секин-аста истаган бир йўлга сола оладиган, бошқа табиийроқ, соддароқ усулни топиш қийин. Комедияларнинг муал- лифлари ҳам ахлоққа тўғри келмайдиган ҳодисалар ҳақидаги фикрларини халққа осонроқ англатиш учун шу усулни қўлла- ганлар; Платон ўзининг бутун фалсафасини диалог шаклида баён этган; Цицерон ҳам ўз асарларини оммалаштириш учун бу усулдан кенг фойдаланган ва Августиннинг илоҳиёт ҳақи- даги таълимоти диалог усулида ёзилган. 2) Суҳбатлашиш диқ- қатни тўплайди; жонлантиради ва кучайтиради. Чунки савол ва жавобларнинг хилма-хиллиги, турли ҳодисалар ва уларни кўп ишлатиш формалари кишини ўзига жалб этади. Бунинг устига воқеада иштирок этувчи шахсларнинг хилма-хиллиги ва алмашиб

туриши кишини зериктирмайдигина эмас, балки янада кўпроқ тинглаш иштиёқини туғдиради. 3) Сухбатлашиш натижасида билим пухта ўзлаштирилади. Фақат эшитганимизга нисбатан кўрган нарсаларимизни яхшироқ эсда сақлаймиз. Шунингдек, комедия ва диалог формасида ўргатган нарсамиз ўқувчининг онгида фақат гапириб бергандагига қараганда яхши сақланади (чунки, бизнингча, бу ерда эшитишга нисбатан кўриш кўпроқ) тажриба ҳам бунни кўрсатиб турибди. 4) Умримизнинг кўп қисми гаплашиш билан ўтади, ёшларни бунга тайёрлашнинг энг осон йўли турмушда зарур бўладиган нарсаларни ўргатиш билан бирга, хилма-хил, чиройли, жиддий ва тез фикр юритишга ҳам ўргатишдан иборат. 5) Ниҳоят сухбатлашиш такрорлашни осонлаштиради, уни ҳатто болаларнинг ўзлари ҳам бажаришлари мумкин.

4. Китоблар айни бир нашрда бўлиши керак.

ни тезлатиш учун керак.

5. Китобларнинг мундарижасини ёзиб, синф хонасининг деворига илиб қўйиш лозим.

си ҳам, ақли ҳам ўса боради. Қадимгилар медицинанинг ҳамма таклифлари (сирлари) Асклепия ибодатхонасининг деворларига ёзиб қўйилган, Гиппократ бу ибодатхонага яшинча кириб, уларнинг ҳаммасини кўчириб олган экан, деб бекорга айтмаганлар. Ахир, худой-таолло ҳам оламнинг бу буюк театрини ҳамма жойда ўз донолигининг жонли тимсоли сифатида суратлар, ҳайкаллар ва тасвирлар билан тўлдирган (бу тасвирлар масаласига синфларнинг баёнини берганда батафсил тўхтаймиз).

УЧИНЧИ ПРОБЛЕМА.

Мактабда ҳамма ўқувчилар бир вақтнинг ўзида қандай қилиб фақат бир иш билангина шуғулланишлари мумкин?

Мактабда нега ҳамма ўқувчиларнинг фақат бир иш билан шуғулланишлари зарур?

чисини руҳлантиради (рағбатлантиради), ўзаро фикр алмашиб, бирининг хатосини иккинчиси тузатади. Командир армияга янгидан қақирилганларнинг ҳар бири билан машқни алоҳида ўтказмайди, балки ҳаммасини далага чиқариб, биргаликда машқ

36. Шунингдек, китоблар бир нашрдан чиқиб, бетлари, сатрларигина эмас, балки бошқа томонлари ҳам бир хилда бўлгани яхши: бу айниқса, тушунтириш, кўрсатиш, шунингдек, иш

37. Ҳар бир синф учун ёзилган китобнинг мазмунини қисқа, лекин чиройли (ифодали) текст шаклида ёки сурат ва эмблема шаклида, аудиториянинг деворларига илиб қўйилса, жуда фойдали бўлур эди, чунки уни ҳар сафар кўрганда ўқувчиларнинг идроки ҳам, хотираси ҳам, ақли ҳам ўса боради. Қадимгилар медицинанинг ҳамма таклифлари (сирлари) Асклепия ибодатхонасининг деворларига ёзиб қўйилган, Гиппократ бу ибодатхонага яшинча кириб, уларнинг ҳаммасини кўчириб олган экан, деб бекорга айтмаганлар. Ахир, худой-таолло ҳам оламнинг бу буюк театрини ҳамма жойда ўз донолигининг жонли тимсоли сифатида суратлар, ҳайкаллар ва тасвирлар билан тўлдирган (бу тасвирлар масаласига синфларнинг баёнини берганда батафсил тўхтаймиз).

қилади; қуролни қўлланиш ва уни ишлатиш усулини ҳаммага тушунтиради, гарчи бунни кимгадир бировга кўрсатиб тушунтирса ҳам, лекин бошқалардан бунга диққат билан қарашни ва шундай бажаришни талаб этади. Муаллим ҳам худди шундай қилиши керак.

Бу қандай бажарилиши мумкин?

39. Бунни бажариш учун қуйидагиларга амал қилиш зарур:

I. Мактабда ўқув машғулотларини ҳар йили фақат бир вақтда бошлаш лозим, зотан, қуёш ҳам ҳар йили бир марта (баҳорда) барча ўсимликларга таъсир этиб, уларни ўстира бошлайди.

II. Ўқув материални шундай тақсимлаш керакки, ҳар бир ўқув йили, ҳар бир ой, ҳафта, кун, ҳатто, ҳар бир соатда бажариладиган иш аниқ бўлсин, шундагина синфдаги ҳамма ўқувчига бир хилда вазифа бериш, ҳаммани бир мақсадга ундаш, ҳаммани бир йўлдан бошлаб боришга ҳеч нарса халақит бермайди. Бу масалага ўз ўрнида батафсил тўхтаймиз.

ТУРТИНЧИ ПРОБЛЕМА.

Қандай қилиб ҳамма айни бир метод билан дарс ўтиши мумкин?

Натурал метод фақат битта ва уни ҳамма жойда қўлланиш керак.

40. Ҳамма фанларни ўқитиш учун, шунингдек, ҳамма санъатлар ва тилларни ўқитиш учун ягона натурал метод мавжуд, бу XX, XXI ва XXII бобларда баён этилади. Ҳар сафар янги метод излаб топишдан кўра, зарур бўлиб қолганда, уни бир оз ўзгартириб дарс ўтиш осон-ку; муаллим ўқув фанининг моҳиятига қараб эмас, балки санъат ва тилларнинг қиёсий хусусиятларини ҳамда ўқувчиларнинг қобилияти ва ўзлаштиришини назарда тутиб, ўз фикри билан айрим ўзгаришларни киритади. Хуллас, йўловчи учун тўғри йўлдан бориш қулай бўлганидек, ҳамма жойда натурал метод билан дарс ўтиш ўқувчилар учун ҳам жуда қўл келади. Жузъий тафовутлар умумий асосдан бир оз четга чиқиш сифатида талқин қилинса, бу кўзга янада яққол кўринади.

БЕШИНЧИ ПРОБЛЕМА.

Кўп нарсани тушунишни қандай қилиб оз сўзлар билан ифодалаш мумкин?

Юзаки китоблардан кўра асосли қилиб ёзилган китобларни афзал кўрмоқ керак.

41. Ақлни кўп миқдордаги китоблар билан ёки ортиқча гаплар билан банд қилишнинг ҳеч фойдаси йўқ. Бир қанор сомон ёки кепакка қараганда, бир бурда нон билан бир қултум вино кишига кўпроқ озуқа беради. Юзталаб мис тангани кўтариб юргандан кўра, ҳамёнга, битта кичкина олтин тангани солиб юрган яхши. Қоидалар масаласида ҳам Сенека ҳақ гапни айтган: «Қоидалар уруғликка ўхшаган бўлиши лозим, у оз бўлса ҳам, соз (ҳосилдор) бўлиши керак».

Бешинчи бобда айтилган фикрларни бир эсланг. Инсон—бу кичик олам (микроскосма) дир, унда ҳамма хислатлар мавжуд, ёруғлик бўлса бас, у ҳамма нарсани кўра олади? Сунъий ёруғликда ишлаётган одамга ҳатто кичкина шамчироқнинг алангаси ҳам етарли. *Шунинг учун ҳам фанлар ва тиллар учун ҳажми кичик, лекин мазмуни жиҳатидан яроқли бўлган асосий дарсликларни танлаб олиш ёки янгидан тузиб чиқиш керак.* Улар (Сирах айтганидек, 32, II.) қисқа ва мазмунли бўлсин, яъни ихчам, тушуниш жуда осон бўлган теорема ва қоидаларда асосий нарсаларни тўғри акс эттириши лозим, ўқувчи бу қоидалар ёрдамида ўз-ўзидан келиб чиқадиган бошқа нарсаларни қийналмай билиб олсин.

ОЛТИНЧИ ПРОБЛЕМА.

Қандай қилиб бир ҳаракат билан икки ёки уч хил ишни бажариш мумкин?

Табиат бир ҳаракат билан бир неча хил ишнинг бажарилиши мумкинлигини кўрсатади.

42. Табиат бир вақтнинг ўзида бир ҳаракат билан хилма-хил ишларни бажариш намуналарини кўрсатади. Масалан, дарахт бир вақтнинг ўзида юқорига ҳам, пастга ҳам, ён томонларига қараб ҳам ўсади, шу билан бирга, унинг пўстлоғи ҳам, мағзи ҳам, барглари ҳам, меваси ҳам ўсади. Бунга ҳайвонларда ҳам кўриш мумкин, уларнинг ҳамма органлари баравар ривожланади ва ҳар бир органи бир неча вазифани бажаради. Масалан, одамнинг оёғи ўтириш, тикка туриш, орқага ё олдинга юриш кабиларни бажаришга имкон беради. Оғиз организм учун гўё ҳам эшик, ҳам тегирмон, ҳам керак вақтда овоз чиқарадиган труба ҳисобланади. Упка бир нафас олиш билан юракни, миyani тозалайди, овоз ҳосил қилади ва ҳоказо.

43. Бу нарса санъат асарларида ҳам содир бўлади. Масалан, қуёш соатининг стрелкаси бир соя билан соат нечалигини, (худди бошқа соатлар сингари), шу пайтда қуёш кесиб ўтаётган Бурж белгисини, кеча ва кундузнинг узун-қисқалигини, число кабиларни кўрсата олади. Тўрт ғилдиракли араванинг шотиси аравани юритиш, тўхтатиш, буриш учун хизмат қилади. Яхши нотиқ ва шоир айни бир вақтнинг ўзида ҳам панд-насиҳат беради, ҳам кишида меҳр уйғотади, ҳам ором бахш этади (гарчи, аслида булар уч хил бошқа-бошқа нарсалар бўлса ҳам).

Мактаблар ҳам бунга тақлид қилади, бунинг умумий қоидалари.

44. *Ишларни ўқитишни ҳам худди шундай ташкил этмоқ лозим, токи бажарилган ҳар бир иш бирдан ортиқ самара берсин. Бу ерда умумий қоида шундан иборатки, ҳамма вақт ва ҳамма жойда ўзаро боғлиқ нарсаларни биргаликда бажариш керак.* Масалан, нарса билан сўзни, ўқиш билан ёзиш-ни, стилистик машқ билан ақлни ўстиришни, ўқиш билан ўқитиш-ни, хурсандлик билан жиддийлик ва бошқаларни биргаликда олиб бориш зарур.

Бешта махсус қоида:

1. Сўзларни нарсалар билан боғлаш ва аксинча.

45. Демак, винони идиши билан, қилични қини билан, ёғочни — пўстлоғи билан, мевани пўсти билан сотилиши, сотиб олиниши ва ташиб олинганидек, *сўзларни ҳам уларда ифодаланган нарсалар билан биргаликда ўргатиш зарур.* Чунки сўз нарсанинг қобиги ёки қинидир. Демак, ҳар қанақа тилни, ҳатто она тилини ўрганаётганда ҳам сўзлар билан бирга, уларда ифодаланган нарсаларни ҳам кўрсатиш керак, шунингдек, кўриб турган, дуч келадиган, ейиладиган нарсаларни ҳам сўзлар билан ифодалашга ўргатиш лозим, токи бунинг натижасида нутқ билан фикр доимо бирга бўлиб, биргаликда ривожлансин. Шунинг учун ҳам, тушунган нарсаларининг гапириб бер ва, аксинча, гапирган нарсаларининг тушуниб ол, деган қоидага амал қилиш керак. Ҳали тушуниб олмаган нарсасини ўқиб беришга ёки гапириб бера олмайдиган нарсалари тўғрисида мулоҳаза қилишга йўл қўймаслик керак. Чунки ўзининг ҳис-туйғуларини ифодалай олмайдиган одам—ҳайкалдан, ўзи тушунмай гапирадиган киши—тўтиқушдан фарқ қилмайди. Ахир, биз инсонга билим беришимиз ва бу ишни энг қисқа йўл билан бажаришимиз лозим. Нрсалар билан нутқни бирга ўргатган тақдирдагина биз бу мақсадга эриша оламиз.

Оқибат: гапни чўзиб ҳажмининг катта қилиб юборган китобларни пуч бир нарса деб ҳисоблаш лозим.

2. Ўқиш ва ёзишни бирга олиб бориш.

46. Бу қоидага биноан фақат қуруқ гаплардан иборат бўлган, фойдали нарсаларни ўргатамайдиган барча китобларни мактабда ўқитмаслик керак. Яхшироқ нарсаларни ўргатишга кўпроқ эътибор бериш лозим. Сенека айганидек (Письмо 9), сўзларга эмас, балки сезгиларимизга қараб иш тутишимиз зарур. Майли бундай китобларни ҳам дарсдан сўнг, тез ва йўл-йўлакай, батафсил ва чуқур таҳлил қилмай, ундаги нарсаларни бажаришга жуда берилиб кетмасдан ўрганиш мумкин; чунки асосий куч ва ғайратни муҳимроқ нарсаларни билиб олишга сарфлаш керак.

Жуда яхши мас-лаҳат.

47. *Ўқувчиларни ўқишга ва ёзишга бир вақтда ўргатиб борилса, иш энгиллашади.* Ҳатто ал-фавитни ўрганаётган пайтда ҳам болалар учун ҳарфларни ёзиб машқ қилишдан кўра қизиқтирадиган, ўзига жалб этадиган бошқа бирор усулни ўйлаб топиш қийин. Расм чизишга интилиш хислати болаларда табиий равишда мавжуд бўлгани учун ҳам улар бу ишни хурсандчилик билан бажарадилар; бунда икки хил сезги қатнашгани учун боланинг тасаввури кучли бўлади. Шунингдек, кейинчалик, бола тез ўқишни ўрганиб олгач, ўқиганларини ёзиб машқ қилсин, бунинг натижасида улар секин-аста нарсалар ҳақида илм эгаллаб, хушхлоқлик ва тақводорликни ўрганадилар.

ларни яхши ўзлаштириб олгунча турланиш ва тусланишга доир машқларни қайта-қайта ўқиш ва кўчириб ёзавериши керак. Демак, бу ерда бир машқ натижасида тўрт иш бажарилади.

Бу усулни ҳам-
ма жойда қўлла-
ниш керак.

Ишни анча энгиллаштирадиган бу усулни ҳам-
ма дарсларда қўлланиш мумкин. Ўқиш нати-
жасида билиб олинганлар, Сенека айтгани-
дек, ёзиш туфайли ягона бир нарсга айлансин,
ёки Августин ўзи ҳақида гапириб айтганидек, биз билиб олган-
ларимизни ёзиш орқали мустаҳкамлайлик ва ёзиш билиб олиши-
мизга ёрдам берсин.

3. Стилистик
машқлар ақлни
ҳам, нутқни ҳам,
баравар ўстирсин.

48. Одатда, стилистик машқлар уюштиришда
материал танлаш ва уни ўрганилаётган темага
боғлаш масаласига ҳеч эътибор берилмайди;
натижада бундай машқлар боланинг ақлини
ўстиришга кам ёрдам беради ёки мутлақо ёр-
дам бермайди. Аксинча, бу машқлар қанчалик ғайрат билан ба-
жарилган бўлмасин, кейинчалик у турмушда қўлланилмай, бекор-
га йўқ бўлиб кетади. Шунинг учун ҳам стилистик машқлар бола-
лар шу синфда ўрганаётган фан ёки санъатга доир материаллар
асосида бажарилиши, уларнинг ақлини ўстиришга ёрдам бериши
керак, бунинг учун ўқувчиларга ё тарихий ҳикоялар (шу фанни
кашф этган олимлар ҳақида, бу фан қаерларда ва қайси асрлар-
да айниқса ривож топгани ҳақида ва ҳоказолар) ё шарҳлар ё
тақлид қилса бўладиган материаллар тавсия этилади, яна шунга
эътибор бериш лозимки, машқни бажариш процессида боланинг
ҳам услуби, ҳам ақли, ҳам нутқи ривожлансин.

4. Бошқаларни
ўқитиш натижаси-
да кишининг ўзи
ҳам тезроқ ўргана-
ди.

49. XVIII бобнинг охирида биз бола ўрганиб
олганларини қандай қилиб бошқаларга ўрга-
тиши мумкинлигини айтиб ўтган эдик. Бу усул
фақат билимни пухта ўзлаштиришгагина эмас,
балки тезроқ ўрганиб олишга ҳам ёрдам бера-
ди, шунинг учун у ерда айтилган гаплар бу масалага ҳам таал-
луқлидир.

5. Жиддийлик
ўйин-кулги билан
бирга бўлсин.

50. Ниҳоят, турмушдаги жиддий нарсаларни
яққол акс эттирган турли ўйинларни ўйлаб то-
пиш ва мияга дам бериш учун болаларга бу
ўйинларни бажартириш йўли билан ўқитилса,
иш анча энгиллашади ва бу билан турмушдаги жиддий ишларга
боланинг ҳаваси орта боради. Масалан, бирор асбоб ёки ўйин во-
ситасида касб-ҳунар ҳақида, шунингдек хўжалик ишлари, сиёсат,
ҳарбий иш, архитектура ва бошқалар ҳақида қисман тасаввур
ҳосил қилиш мумкин. Баҳор пайтида ўқувчиларни далага ёки боқ-
қа элтиб, ҳар хил ўтларни кўрсатиб, ўтларнинг номини ва шифо-
лик хислатларини айтиб бериш бўйича мусобақа ўтказилса, бу
билан болаларни медицинани ўрганишга ҳозирлаган бўламиз.
Бунда фақат кимларда табиий равишда ботаникага қизиқиш куч-
ли эканлиги аниқланибгина қолмасдан, балки шунга доир билим-
ларни ўрганиш иштиёқи ҳам уйғотилади. Яхши ўзлаштираётган

ўқувчиларни рағбатлантириш учун уларга мукофот тариқасида
медицина доктори, лицензиати (ҳамшираси) ёки кандидати ун-
вонлари ҳам берилади. Бошқа соҳалар бўйича ҳам шундай қилиш
мумкин: ҳарбий ўйинларда болаларга саркарда, трибун, капитан,
байроқдор каби унвонларни; сиёсатга доир машқларни яхши ба-
жарганларга подшоҳ, вазир, маслаҳатчи, маршал, секретарь, элчи
каби унвонларни, шунингдек консул, сенатор, синдик, адвокат
каби унвонларни бериш мумкин; бундай ўйинлар ўқувчиларни
жиддий ишларга ўргата боради. Ва шунда биз доктор Люте-
ринг бу (қуйидаги) истагини бажарган бўламиз: мактабда бола-
ларни жиддий машғулотларга шундай қизиқтириш керакки, улар
кун бўйи ёнғоқ ўйнаганидан кўра ҳам кўпроқ хурсанд бўлсин.
Фақат шундагина мактаблар ҳаётнинг оstonаси бўла олади.

ЕТТИНЧИ ПРОБЛЕМА.

Ҳамма нарсда изчиллик бўлишига қандай
эришиш керак.

Изчиллик ҳақида
айтилган фикрлар
бу масалага ҳам
тааллуқли.

51. XVI бобнинг V, VI, VII ва VIII асосларида,
шунингдек, XVIII бобнинг V, VI, VII асосла-
рида биз бу масалани батафсил ёритган эдик.
Уша ерда баён этилган қондаларга биноан ла-
тинча мактаб учун дарсликлар тузиш ва дарс-
ликда уни тўғри ва осон қўлланиш ҳақида муаллим учун йўл-
йўриқлар берилиши керак, токи билим, ахлоқ ва тақводорликни
энг юксак даражагача кўтариш имкони яратилсин.

САККИЗИНЧИ ПРОБЛЕМА.

Тўсиқларни бартараф қилиш ва йўқотиш ҳа-
қида.

Ошиқча нарсаларни
бемалол қис-
қартириш керак.

52. «Аҳамияти йўқ нарсаларни билиш ва ўрга-
нишдан кўра бемаза иш йўқ», деб бекорга ай-
тилмаган; «Кўп нарсани билган киши доно бў-
лавермайди, балки фойдали нарсаларни билган
одам донишманддир». Шунингдек, ўқув материалларини бир оз
қисқартириб, ўқитишни осонлаштириш мумкин. Қуйидагилар
қисқартирилиши керак:

I. Аҳамияти кам материаллар.

II. Ёт нарсалар.

III. Барча махсус тафсилотлар.

I. Маъжусийлар-
нинг китобларида
кўп учрайдиган ор-
тиқча, аҳамияти
йўқ нарсалар.

53. Тақводорликка ҳам, ахлоққа ҳам фойдаси
тегмайдиган ва уларсиз ҳам бемалол ўқитаве-
риш мумкин бўлган материаллар ортиқча нар-
салардир, масалан, маъжусий ҳудодлар тарихи-
даги номлар ва диний маросимлар, шоирлар ва
комик ёзувчиларнинг майнавозчиликдан ва

хатто кўпинча адабсизликдан иборат бўлган асарлари кабилар. Агар мабодо кимнингдир бундай китобларни ўқигиси келса, майли ўқийверсин; лекин мактабда бунга йўл қўйиб бўлмайди, чунки мактабда фақат донишмандлик асосларини ўргатиш керак. Сенека айтганидек, вақт етишмай турган пайтда ортиқча нарсаларни ўрганиш ақлга тўғри келмайди.

Демак илми мактаб учун эмас, балки ҳаёт учун ўрганиш зарур, мактабда ўрганилган илмларнинг ҳеч бири кейинчалик бекор кетмасин.

II. Ёт нарсалар, чунки ҳар кимнинг қобилияти ҳар хил

54. *У ёки бу ўқувчининг табиатида мос келмайдиган нарса ёт нарсадир.* Ўтлар, дарахтлар, ҳайвонларнинг табиий хусусиятлари ҳар хил бўлганидек, яъни бирини ундай, бирини бундай парвариш қилиб, ҳаммасини бир мақсад учун барабар ишлатавериш мумкин бўлмаганидек, одамларнинг ҳам табиий хусусиятлари ҳар хил бўлади. Ҳамма нарсани тушунаверадиган зеҳни ўткир болалар ҳам бор, лекин айрим нарсаларни мутлақо тушунмайдиган, зеҳни паст кишилар ҳам истаганча топилади. Биров — савдо илмини ўрганишда истеъдодли, амалий донишмандликда эса ҳеч нарсани тушунмайди. Биров музикани ўрганишга қобилиятсиз, лекин бошқа нарсани ўрганишга моҳир. Бошқа биров математикани ёки шеърятни, ёки мантиқ ва бошқа илмларни ўрганиш масаласида худди шундай. Бундай пайтларда нима қилиш керак? Боланинг табиий қобилияти шу нарсага мойил бўлмаса, унга буни ўргатаман деб уринмаслик керак. Табиатга қарши чиқиш — беҳуда иш.

Хулоса. Чунки табиатга қарама-қарши чиққан киши ҳеч натижа чиқара олмайди ёки эришган нарсаси сарфлаган меҳнатига арзимайди. *Муаллим табиатнинг ҳукмдори эмас, балки ёрдамчисидир, табиатни ўзгартирувчи эмас, балки (уни тузувчи) унга таълим берувчидир.* Шунинг учун ҳам муаллим бирор ўқувчининг ўз қобилияти етмайдиган нарсани ўрганишга уринаётганини сезса, уни шу ишни бажаришга ундайвермаслиги керак, чунки, одатдагидек, бола бошқа бирор ишни яхши бажариб, бу камчиликни тугатиши мумкин. Ахир, дарахтнинг бир шохи кесиб олинса, бошқа шохлари тезроқ ўсади, чунки дарахт ширасининг ҳаммаси қолган шохларга боради. *Ва агар бирорта ўқувчи ҳам ўз қобилияти етмайдиган нарсани ўрганишга мажбур этилмаса, бола ҳеч нарсадан безимайди, зеҳни пастлик ҳам қилмайди; ҳар ким ўз қобилияти етадиган нарсани (худонинг амри билан) қийналмай ўрганиб олади ҳамда кейинчалик ўрни билан худой-таоллога ва кишилик жамиятига хизмат қилади.*

III. Барча махсус тафсилотлар.

55. Киши атайлаб барча тафсилотларни (масалан, ўтлар ва ҳайвонларнинг барча хислатларини, косибларнинг ишларини, асбобларнинг номларини) тўла ўрганмоқчи бўлса эди, ўқиш ҳаддан ташқари зерикарли, жуда чўзилиб кетган ва чалкаш иш бўлур эди. Мактаб

ўқувчилари нарсаларнинг турлари ва муҳим тафовутларини тўла ва асосли равишда билиб олсалар, шунинг ўзи етарлидир, зарур бўлиб қолса бошқа тафсилотларни боланинг ўзи ўқиб олаверади. Душман устидан тез ғалаба қилмоқчи бўлган киши душмanning унча муҳим бўлмаган бирор жойини қамал қилиб туравермайди, балки асосий ҳарбий пунктни ишғол қилишга интилади, агар у жангда ғолиб чиқиб душмanning бош истеҳкомини қўлга киритса, қолганлари ўз-ўзидан таслим бўлади; ўқитишда ҳам худди шундай: бола илм асосларини ўзлаштириб олса, иккинчи даражали нарсаларни ўз-ўзидан билиб олаверади. Бирор тилдаги ҳамма сўзларни ўз ичига олган луғат китобларининг ҳам фойдаси кам. Чунки бу сўзларнинг кўпчилигини ҳеч ким ишлатмайди (қўлламайди), демак, ўқувчиларни қийнаб, бу сўзларни мажбуран ёдлатиш ва эсда сақлашнинг нима ҳожати бор?

Энг қисқа ўқитиш ва ўқиш йўллари ҳақида айтмоқчи бўлган фикрларимиз ана шулардан иборат.

XX боб

ФАН МЕТОДИ¹

Ирмоқлар дарёга қуйилиши керак.

Илм ақл билан кўриш демакдир, унда ҳам кўз билан кўриш шартларига риоя қилиш лозим.

1. **Фанларни, санъатларни, тилларни, ахлоқ ва тақводорликни моҳирлик билан ўқитишга доир юқоридаги кузатишларимизни амалда қўллан**иш мақсадида, ниҳоят уларни бир жойга тўплайлик. Моҳирлик билан ўқитиш — осон, асосли ва тез ўргатишдир.

2. *Илм ёки билиш—бу аслида нарсаларни ақл кўзи билан кўриш демакдир, бунда ҳам кўз билан кўриш ёки сезиш элементлари, яъни кўз, объект ва ёруғлик мавжуд бўлиши керак.* Шу элементлар мавжуд бўлган тақдирдагина кўриш содир бўлади. Ақл кўзи—бу фаҳм ёки ақлий қобилият, объект—идрок қилинган ва ҳали идрок этилмаган нарсалар, ёруғлик—етарли даражада диққат қилиш демакдир. Лекин нарсалар қандай бўлса, уларни ташқи сезгилар ёрдамида шундайлигича кўриш учун, булардан ташқари, маълум бир сезиш усули зарур бўлганидек, бу ерда ҳам нарсалар қандай бўлса, уларни шундайлигича идрок этиб, тўғри ва осон билиб олишга имкон берадиган маълум бир метод зарур.

3. Демак, илм сирларини билиб олмоқчи бўлган ёшлар умуман тўртта шартга риоя қилишлари керак:

- 1) *у соф ақл кўзига эга бўлиши;*
- 2) *объектлар унинг кўзи олдида туриши;*
- 3) *диққатнинг мавжудлиги ва сўнгра*

¹ «Фанларни ўқитиш методи» дейилса, тўғрироқ бўлар эди.

4) кузатиш зарур бўлган нарсалар маълум тартибда, кетма-кет кўрсатилиши лозим. Агар бу шартлар мавжуд бўлса ва уларга амал қилинса, илмларни осон ва тез ўзлаштириб олиш мумкин.

I. Қандай қилиб ақл кўзини соф ас-
раш мумкин.

4. Кишининг табиий қобилияти инсонга боғлиқ эмас. Бу ақл кўзини худой-таолло ўз марҳамати билан тақсимлаб чиққан. Лекин бизнинг вазифамиз бу ойнани чанг бостириб, хиралаштириб қўймасликдан иборат. Ортиқча, фойдасиз ва бекорчи машғулотлар эса ақлни хиралаштиради. Ахир, инсон руҳи айланаётган тегирмон тоши сингари доимо ҳаракатланиб туради: ёрдамчилар, яъни ташқи сезгилар унга ҳамма вақт материал ҳозирлаб (ва кўпинча фойдасиз, яъни ғалла ва ун ўрнига—кепак, сомон, қум, қипиқ каби материалларни етказиб) туради. Тегирмоннинг ҳамма жойини гард босиб кетганидек, ақл ҳам фаҳмламайдиган бўлиб қолади. Демак, ақлни хиралаштириб юбормаслик учун ёшларни бекорчи машғулотлардан халос қилиб, фахрли ва фойдали ишларни оқилона ўргатиш лозим.

II. Ўрганилаётган нарсаларни қандай қилиб ўспирин болага яқин қўйиш мумкин.

5. Ойнада яхшироқ акс этиш учун аввало нарсалар етарли даражада зич ва аниқ жойланиши ва кўриниб туриши зарур. Туман ва унга ўхшаш таркиби сийрак нарсалар нурни кам қайтаради ва ойнада ниҳоятда хира акс этади, йўқ нарсаларнинг эса тасвири ойнага мутлақо тушмайди. Демак, ёшларга нарсаларнинг соясини эмас, балки ўзини, яъни мустақкам, ҳақиқий, фойдали сезгилар ва хаёлга кучли таъсир этадиган нарсаларни ўргатиш керак. Таъсир этиб, таассурот қолдириш учун нарсалар кишининг кўз олдида туриши лозим.

Ҳамма нарса мустақил кузатиш орқали.

6. Шунинг учун ҳам ўқувчилар сезиб идрок этиши мумкин бўлган нарсаларни, албатта, сезгилар воситаси билан, яъни кўриш мумкин бўлган нарсаларни кўз билан кўриб, эшитиш мумкин бўлган нарсаларни қулоқ билан эшитиб, ҳиди бор нарсаларни ҳидлаб кўриб, таъмини сезиш мумкин бўлган нарсаларни татиб кўриб, ушлаб сезиш мумкин бўлган нарсаларни ушлаб билиб олишлари керак. XVII бобнинг саккизинчи асосида айтилганидек, бирданига кўп сезгилар ёрдамида идрок этиш мумкин бўлган нарсаларни иложи борича бир неча сезгилар иштирокида идрок этиш лозим.

Бу қонданинг учта асоси бор:

I. Билиш — сезгилардан бошланади.

балки нарсаларни бевосита кузатишдан бошланиши керак. Нарсанинг ўзини кўриб бўлгач, у ҳақда мулоҳаза қилиб, масалани батафсилроқ ёритиш мумкин.

2. Сезгилар тасдиқлаб беради.

8. Иккинчидан, билимнинг тўғри ва аниқлиги ҳам фақат сезгиларнинг гувоҳлигига боғлиқ. Чунки нарсалар аввало бевосита сезилади ва сўнгра фақат сезгилар воситаси билан мияда акс этади. Бунинг исботи шуки, киши сезиб билган нарсаларига ўз-ўзидан ишонади, мулоҳаза юритиб ёки бошқа кишидан эшитиб билган нарсасига ишониш учун сезгиларига мурожаат қилади. Мисоллар келтириб исботлаш мумкин бўлган фикргагина ишониш мумкин. Киши ўзи сезиб, кўриб турган нарса ҳақида бошқа бировнинг гувоҳлигига биноан хато фикрни айтиб, уни ишонтириш асло мумкин эмас. Демак, билим сезгиларга қанчалик кўпроқ таянса у шунчалик ишончлироқ бўлади. Болаларга ҳақиқий ва мустақкам илм бериш учун, умуман, ҳамма нарсани бевосита кузатиш ва сезгилар асосида ўқитиш керак.

3. Хотирага ўтказди.

9. Учинчидан, сезгилар хотиранинг энг ишончли воситаси бўлгани учун ҳам сезиб идрок этилган нарсалар эсда мустақкам сақланади. Агар киши бирор марта қанд еган бўлса, туяни бир кўрган бўлса, булбул хонишини бир марта эшитган бўлса, Римга бир марта бориб, уни (фақат диққат билан) томоша этган бўлса—албатта, буларнинг ҳаммаси хотирада мустақкам қолади ва эсдан чиқиб кетмайди. Шунинг учун ҳам болалар тавротга оид ва бошқа тарихларни расмлар ёрдамида тез эслаб қолади. Албатта, каркидонни (ёки унинг суратини) бир марта кўрган киши каркидоннинг нима эканлигини тез ва аниқ тасаввур қила олади. Шунингдек, шубҳасиз, бошқадан юз марта эшитилган воқеадан кўра, киши ўзи иштирок этган воқеанинг тарихини яхшироқ билади. П л а в тининг машҳур фикри ҳам шундан олинган: «Эшитганини айтиб берадиган ўнта кишидан ўз кўзи билан кўрган битта гувоҳ афзал», шунингдек, Г о р а ц и й нинг қуйидаги гапи ҳам шундан далолат беради: «Ўз кўзимиз билан кўрган, ўзимиз томоша қилганга қараганда, эшитиш идрок этганларимиз руҳимизга секинроқ сингади».

Одам гавдасининг тузилишини бир марта диққат билан кўрган киши уни ўз кўзи билан кўрмай, батафсил баёнини ўқиган кишига нисбатан тезроқ тушунади ва яхшироқ (тўғрироқ) эсда қолдиради. Кўз билан кўриш исботлашнинг ўрнини боса олади, деган гап ҳам шундан олинган.

Ўқитиш жараёнида суратларнинг аҳамияти жуда катта.

ва қиладилар. Физика ва бошқа фанларда ҳам шундай қилиш керак.

Одам гавдасининг сунъий скелети.

10. Агар ўқитиш жараёнида нарсанинг ўзини кўрсатишнинг имкони бўлмаса, у ҳолда суратини ёки моделини кўрсатиш лозим. Масалан, ботаник, зоограф, геометр, геодезист ва географлар ўз асарларига суратларни кўпроқ илова қиладилар.

Масалан, бизнинг фикримизча, инсон организмнинг тузилишини кўрсатма қурол ёрдамида ўргатиш учун гавда скелетининг (музейлардаги

сингари ёки, ҳатто, ёғочдан ясаб) устига юмшоқ чарм қоплаб, жундан ясалган мускуллар, нерв толалари, вена ва артерия қон томирлари, шунингдек ўпка, юрак, диафрагма пардаси, жигар, ошқозон каби барча ички органларни ўз ўлчовида ясаб, тартиб билан ўрни-ўрнига жойлаштириб, устига номини, вазифаси ва аҳамиятини ёзиб чиқиш керак. Ўқувчилар табиийётни ўрганаётган пайтда бу моделни досканинг олдида қўйиб, инсон организмининг қисмларини кўрсатиб ва тушунтириб берилса, улар дарсни ўйин ўйнаётгандек қизиқиб идрок этади ва шу тариқа одамнинг гавда тузилишини яхши билиб оладилар. *Бундай кўрсатма қуролларни (яъни ўзини кўрсатиш имкони бўлмаган нарсаларнинг тасвири) ни ҳамма фанлар юзасидан тайёрлаш ва мактабларга элтиб, ҳозирлаб қўйиш лозим.* Тўғри, бунинг учун анча маблар ва меҳнат сарфлаш зарур. Лекин бу харажатлар ошиғи билан қопланади.

Ҳамма нарсани сезиш мумкинми.

11. Шу тариқа, ҳамма нарсани, ҳатто руҳий фазилатлар ва кўз ўнгимизда бўлмаган (масалан, осмонда, ер остида, бирор узоқ мамлакатда мавжуд ва содир бўлаётган) нарсаларни ҳам сезгилар ёрдамида идрок этиш мумкин. Бу фикрга ишонмайдиган киши тангри ҳамма нарсани гармония учун яратганини, яъни осмондаги нарсалар ердаги нарсалар билан, йўқ нарсалар — бор нарсалар билан, кўзга кўринмайдиган нарсалар — кўзга кўринадиган нарсалар билан ифодаланиши мумкин эканлигини бир эсга олсин. Роберт Флутнинг «Макромикрокосма» асари ҳам бунни яққол кўрсатиб турибди, чунки унда шамол, ёмғир ва момақалдиروқнинг ҳосил бўлиши кўрсатма асосида жуда яхши тасвирланган. Шубҳасиз, суратлар воситаси билан ҳамма нарсани аниқроқ ва осонроқ тасаввур қилиш мумкин.

III. Дикқатнинг ёғдуси нима.

12. Бу гаплар нарсаларни сезгилар воситаси билан идрок этишга тааллуқли. Агар ёруғлик бўлмаса, нарса кўз ўнгимизда турса ҳам, биз уни кўрмаймиз. *Илм ўрганишда дикқат ана шу ёруғликка ўхшайди, дикқат мавжуд бўлса, ўқувчи илмни тез ва осон идрок этади.* Қоронғи жойда ҳеч нарсани кўриб бўлмаганидек, дикқат қилмаётган одамга бирор нарсани кўрсатиб, тушунтириб берсангиз ҳам у ҳеч нарсани идрок этмаслиги мумкин. Баъзан киши, бошқа хаёлларга берилиб турган вақтда кўз олдида содир бўлаётган воқеаларни ҳам сезмай қолади. Кечаси бировга бирор нарсани кўрсатиш учун, албатта, чироқни ёқиш ва ёруғроқ бўлиши учун пилигини чиқариб туриш керак, шунингдек муаллим ҳам дили зулмат билан қопланган ўқувчига таълим бериш учун аввало боланинг дикқатини жалб этиши лозим, токи у илмни дикқат ва иштиёқ билан идрок этсин. Бунга қандай эришиш мумкинлигини биз XVII бобнинг асосларида ва XIX бобнинг биринчи проблема-сида кўрсатиб ўтган эдик.

IV. Нрсаларни ёруғликда кузатиш методи нисмаларни талаб этади.

13. Ёруғлик ҳақида айтилган гаплар етарли бўлди. *Энди кучли таассурот олиш учун нарсаларни қандай идрок этиш усули ёки методини аниқлаш керак.* Бу усулнинг принципларини аниқлаш учун кўз билан кўриш ҳодисасига бир назар ташлайлик. Бирор нарсани тўғри кузатиш учун қуйидагилар зарур: 1) ўша нарсани кўз олдида қўйиш, 2) маълум масофада, лекин жуда узоққа эмас, 3) ён томонга эмас, балки кўзнинг тўғрисида, 4) нарсани орқага қаратиб ёки чаппасига қўймаслик, балки кўзга қаратиб қўйиш лозим, 5) аввало нарсани бутунлигича кўриб чиқиш, 6) сўнгга ҳар бир қисмини алоҳида кўриш, 7) тартиб билан бошдан охиригача кўриб чиқиш, 8) ҳар бир қисмига алоҳида тўхталиб, 9) фарқларини аниқлаб, синчиклаб кузатиш. Бу шартларнинг ҳаммаси лозим даражада бажарилса, кузатиш тўғри бўлади. Агар бу шартлардан бирортаси бузилса, кузатиш ё мутлақо бўлмайди, ё чала ҳисобланади.

Мисол келтириб, бунни ойдинлаштирайлик.

14. Масалан, ўртоғимиздан келган хатни ўқиш учун: 1) уни кўзимизнинг олдида тутиш керак (ахир, хатнинг ўзини кўрмасдан, уни ўқиб бўлмайди), 2) маълум масофада — кўзга яқинроқ келтирилади (жуда узоқда бўлса, кўзимиз ҳарфларни ажрата олмайди), 3) кўз олдида тўғри қўйиш (ён томонига қўйилган бўлса, чалкаштириб юборилади), 4) хатни тўғри тутиш (хатни ёки китобни ҳеч ким қийшайтириб ёки тескари қўйиб ўқимайди), 5) аввало хатнинг муҳимроқ жойлари: кимдан, кимга, қаердан, қачон келгани кўриб чиқилади (олдин шу нарсалар аниқланмаса, хатдаги фикрларни яхши тушуниб ҳам бўлмайди-да), 6) сўнгга хатнинг ҳаммаси, ҳеч қолдирмай, тўла ўқиб чиқилади, акс ҳолда, хатни тўла тушуниб бўлмайди, балки тасодифан энг муҳим жойи тушириб қолдирилар, 7) бир бошдан бошлаб жумлама-жумла охиригача ўқиш зарур, бир жумла пастдан, бир жумла юқоридан ўқиш ярамайди, 8) ҳар ер-ҳар ерида тўхталиб, маъносини англаб бориш керак (тез ўқиб чиқмоқчи бўлган киши хатнинг бирор муҳим жойини эътибордан четда қолдириб кетиши мумкин), 9) ниҳоят, ҳаммасини тушуниб олгач, хатдаги муҳимроқ фикрларни унча муҳим бўлмаган гаплардан ажрата билиш керак.

Бу тўққиз қоида-ни фанларни ўқи-тиш методига тат-биқ этиш.

I. Қоида.

15. Бу кузатишлардан муаллимлар учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган тўққизта қоида келтириб чиқарилади: *билиш зарур бўлган илмларнинг ҳаммасини ўргатиш керак.* Агар бола билиб олиши зарур бўлган илмлар унга ўргатилмаса, у бу илмларни қаердан ҳам билиб олсин? Демак, ўқувчидан ҳеч нарсани яширмаслик керак, одатда кўролмайдиган ва ноинсоф одамлар жўрттага шундай қилса, пала-партиш иш қиладиган одамлар эҳтиётсизлик натижасида бунга йўл қўядилар. Бу ерда софдиллик ва меҳнат-севарлик талаб этилади.

II Қоида. 16. Амалда мавжуд бўлиб, ҳаётда фойда берадиган илмларни ўқувчиларга ўргатиш лозим.

Ўқитилаётган нарсалар уйдирма гап ёки Платон идеяларидан¹ иборат бўлмай, балки улар теварак-атрофимизда мавжуд бўлиб, бу нарсаларга доир ҳақиқий илмларни ўрганишнинг турмушда катта аҳамияти борлигини болалар яхши тушуниб олсинлар. Шундагина бола илм ўрганишга иштиёқ билан киришади, чуқурроқ тушунади.

III Қоида. 17. Илми айланма йўллар билан эмас, балки тўғри тўғри (бевосита) ўргатиш лозим.

Бунинг маъноси: нарсага кўз қири билан эмас, балки тўғри қараш демакдир, кўз қири билан қараганда эса нарсани тўла, аниқ кўриб ва идрок этиб бўлмайди. Нарса қандай бўлса, уни ўқувчига шундайлигича (ошиқча сўзлар билан уни мавҳумлаштирмай, бўрттирмай ёки камайтирмай), кўрсатиб ўргатиш керак. Бўрттириш ёки камайтириш усулини нарсани дастлаб ўрганаётган пайтда эмас, балки олдин билиб олинган илмларни мақташ ёки камситишда, бировга тавсия ёки танбеҳ беришда қўлланиш мумкин, лекин ўқитиш пайтида нарсаларнинг ўзини бевосита ўргатиш зарур.

IV Қоида. 18. Мактабда нарсаларнинг ўзини ва қандай пайдо бўлишини, яъни сабабли боғланишларини ўргатиш керак.

Ўқувчи нарсалар ҳақида тўғри тушунчалар ҳосил қилсин, ўқувчининг тушунчаси нарсанинг ўзига мос келмаса, демак унинг билими — хатодир. Ҳар қандай буюм қандай яратилган бўлса, у шундай бўлади: агар буюм яратилган вақтдагисига ўхшамаса, демак у бузилган бўлиши керак. Лекин ҳеч нарса сабабсиз содир бўлмайди. Шундай қилиб, нарсанинг яратилиш сабабларини очиш нарсанинг асл моҳиятини ўргатиш демакдир: билиш нарсанинг пайдо бўлиш сабабларини англаш демакдир; сабаб—ақл учун мадад бўлади. Демак, энг яхшиси, энг осони, энг тўғриси нарсалар қандай яратилган бўлса, уларни ўша тартибда ўрганиш керак; масалан, хатни ўқиш учун, у қандай ёзилган бўлса, ўша ҳолатда қўйиш лозим: тескари ёки чаппа қилиб қўйилган хатни ўқиш қийин. Худди шунга ўхшаш, нарса қандай яратилган бўлса, ўша тартибда баён этилса, у тўғри ва осон идрок этилади, нарсанинг ўз тартиби сунъий равишда бузиб кўрсатилса, бу, шубҳасиз, ўқувчини янглиштириб қўяди. Демак, фан методи нарсалар методига ўхшаши керак, яъни нарсаларнинг ҳосил бўлиш тартиби бирламчи бўлиб, уларни ўрганиш тартиби эса унга ўхшаш бўлиши зарур.

¹ Платоннинг фикрича идеялар «олам яратилгунча ҳам мавжуд бўлган» ва улар борлиқнинг моҳиятини ташкил этади. Реал борлиқ эса, унингча, бу идеяларнинг фақат хира ва хунук соясидир (копиясидир) холос.

V Қоида. 19. Ўрганилаётган нарса ҳақида аввало умумий тушунча бериб, сўнгга қисмларга бўлиб ўқитилади.

XVI бобнинг олтинчи қоидасида бунинг асоси баён этилган. Нарса ҳақида умумий тушунча ҳосил қилиш—унинг моҳияти ва шакл белгиларини билиш демакдир. Нрсанинг моҳияти нима? қандай? нима сабабдан? (нега?) сўроқлари орқали аниқланади. Нрсанинг номи, жинси, мақсади ва вазифаси нима сўроғига жавоб беради; нарсанинг ўз вазифасига мос келишига имкон берадиган хусусияти ёки шакли қандай сўроғига жавоб бўлади; нарсани яратувчи куч ёки нарсанинг ўз мақсадига эришиши учун имкон берадиган куч нега сўроғига жавоб беради. Масалан, бу таъриф инсон тўғрисида ҳақиқий умумий тушунча беради, деб ҳисоблайман: «Инсон—барча мавжудотлар устидан ҳукмронлик қилиш (1), ўзи хоҳлаганича фикр қила олиш ва уни амалга ошириш учун (2), худо яратган энг сўнгги (энг қудратли) мавжудот (3) дир ва, шунингдек, инсон ўз истаги ва ҳаракатларини бошқариш учун ақлга эгадир». Бу—инсон тушунчасининг умумий, лекин энг муҳим белгиларини ўз ичига олган асосий таърифидир. Агар сиз, бундан ташқари баъзи бир умумий тур белгиларини аниқламоқчи бўлсангиз: қачон? кимдан? қаердан? эканлигини сўрашингиз мумкин. Шундан сўнг қисмларини: танаси ва руҳини аниқлаш лозим; танани анатомияда тасвирланганидек, органларга ажратиш, руҳ тушунчасини эса уни ташкил этган қобилиятларга бўлиб ўрганиш керак ва ҳоказо, бунда, албатта, маълум тартибга риоя қилинади.

VI Қоида. 20. Нрсанинг ҳамма бўлақларини (бирортасини ҳам, ҳатто аҳамияти камроқларини ҳам қолдирмай) уларнинг бошқа қисмларга нисбатан жойланиш тартиби, ҳолати ва алоқасини назарда тутиб ўрганиш зарур.

Ахир, ҳеч бир кераксиз нарса бўлмайди, ҳатто баъзан кичкина бир заррачада катта нарсаларнинг кучи мавжуд бўлади. Дарҳақиқат, соатнинг ҳатто битта тишчаси синса, ёки букилса, ёки ўз жойидан сурилиб қолса, соат тўхтаб қолади, тирик тананинг бирор қисми кесиб ташланса, у ўлади, нутқнинг боғладиган бирорта бўлақчаси (қўшимча ёки боғловчи) тушириб қолдирилса, унинг маъноси ўзгаради, бузилади ва ҳоказо. Демак, нарсани тўла тушуниш—унинг ҳамма қисмларини билиб олиш, яъни ҳар бир бўлагини ва унинг вазифасини билиб олиш демакдир.

VII Қоида. 21. Илми изчиллик билан, ҳар гал диққатни фақат ҳозир ўқитилаётган материалга тўғрлаб ўрганиш керак.

Кўз бирданига икки ёки учта предметни яхши кўра олмаганидек (масалан, китоб ўқиётганда икки бетни ҳатто устма-уст жойлашган икки сатрни, икки сўзни, ҳатто икки ҳарфни бирданига кўриш мумкин эмас, лекин изчиллик билан, биринкетин кўриб ўқилади) ақл ҳам изчиллик билан, яъни ҳар сафар

фақат бир нарсани идрок этади. Демак, ақлни толиқтириб қўймаслик учун изчиллик билан нарсаларнинг бирини иккинчисидан ажратиб ўрганиш керак.

VIII Қоида. 22. *Ҳар бир темани яхши тушуниб олгунча ўрганавериш лозим.*

Ҳеч нарса бирданига содир бўлмайди, чунки ҳамма нарса ҳаракат туфайли юзага келади; ҳаракат эса изчиллик билан бажарилади. Демак, ўқувчи фаннинг ҳар бир қисмини тўлиқ ўзлаштириб олгандан кейингина, иккинчи қисмини ўргана бошлаши керак. XVIII бобнинг ўнинчи асосида кўрсатилганидек, бунга тўла ўзлаштиргунча фақат қайта-қайта айтавериш, сўрайвериш, такрорлайвериш туфайлигина эришилади.

IX Қоида. 23. *Темани (материални) яхши тушуниш учун нарсаларнинг бир-биридан фарқини аниқ кўрсатиш керак.* «Ўзи яхши билган киши яхши ўргата олади» деган гап бежиз айтилмаган. Предметларнинг кўплиги болани ортиқча банд қилади, хилма-хиллиги эса чалкаштиради. Бунинг олдини олиш учун тегишли табдирлар қўлланилиши, яъни нарсалар кўп бўлса, тартибга риоя қилиш, бирин-кетин ўрганиш лозим; нарсалар хилма-хил бўлса уларнинг фарқларига эътибор бериш, бири иккинчисидан нимаси билан фарқ қилишини ҳаммаша аниқлаб бориш керак. Шундагина билим пухта, аниқ, тўғри бўлади, чунки, XVIII бобнинг олтинчи асосида кўриб ўтганимиздек, нарсаларнинг хилма-хиллиги ҳам, моҳияти ҳам уларнинг фарқларига боғлиқ бўлади.

Мақтабларда ўқитиладиган фанлар шу методга мувофиқлаштирилиши керак. 24. Муаллимларнинг ҳаммаси бундай моҳирлик билан дарс бера олмаётганлиги учун ҳам ўқитиладиган фанларни шу метод талабларига мослаб шундай тузиш керакки, ундан четга чиқиш осон бўлмасин.¹ Агар бу усул тан олинса ва ўнга ҳамма риоя қилса, ўқитиш подшо саройида сайр қилгандек осон ва завқли бўлур эди. Фақат шоҳ саройига кириш имконияти ва етарли вақт бўлса бас, у ердаги нарсаларни: картиналар, нақшли безаклар, буюмлар ва бошқаларни кишининг ўзи томоша қилаверади. Худди шунингдек мактаб ҳам олам театри вазифасини бажариши мумкин. Мактабга бориш имкониятига эга бўлган бола оламдаги ҳамма нарсаларни худой-таолло ва инсон бунёд этган ишларни томоша қилган сингари ўз кўзи билан осонгина кўрган бўлур эди.

САНЪАТЛАР МЕТОДИ¹

Санъатларни ўқитишга фандан кўра кўпроқ эътибор бериш керак.

1. Вивес айтганидек, назария қисқа ва осон бўлиб, фақат ишда қулайлик туғдиради; уни турмушга татбиқ этиш эса қийин ва кўп вақт талаб этадиган ишдир, лекин у катта манфаат ҳам келтиради. Шунинг учун ҳам санъатлар деб аталадиган амалий маҳоратни ёшларга осонроқ ўргатадиган усулларни мукаммал ишлаб чиқиш лозим.

Санъатнинг дастлабки учта талаби.

2. Санъат, аввало, уч нарсани талаб этади: 1) андаза ёки режа, уста шунга қараб буюмни ясайди;

2) материал, чунки буюм шу материалдан ясалади; 3) асбоблар, чунки буюм шу асбоблар ёрдамида ясалади.

Буюмни ясаш жараёнида ҳам учта талабга риоя қилиш лозим:

3. Лекин санъатни эгаллаб олиш учун (асбоб, материал, андаза мавжуд бўлгач) бундан ташқари:

1. Тўғри ишлатиш (асосларни),

2. Оқилона йўналтириш,

3. Кўпроқ машқ қилдириш талаб этилади.

Бу ўқувчига ана шу талабларнинг ҳар бирини қаерда ва қандай бажариш кераклигини ўргатиш, бола иш бажараётганда уни кузатиб, хатоларини кўрсатиб, тузатириб бориш; ниҳоят, буюмни хатосиз, тез ва осон ясашни ўрганиб олгунча такрор-такрор бажартиравериш деган гап.

Бунинг учун ўн бир қоида мавжуд. 4. Бунга доир ўн бир қоида кўрсатиб ўтамир: тўғри бажартириш учун олти қоидага, оқилона, йўналтириш учун уч қоидага, кўпроқ машқ қилиш учун икки қоидага риоя қилиш лозим.

1. 5. Ишни амалда бажариб ўрганиш керак.

Усталар ўз шогирдларига фақат назарий фикрларни ўргатиб, уларни овора қилмайдилар, балки дарҳол амалий ишга ўтиб, тақа қоқишни ўргатиш учун тақа қоқтиради, ўйма нақшлар ясашни ўргатиш учун нақш ўйдиради, рассомликни ўргатиш учун сурат чиздиради, рақсни ўргатиш учун рақсга туширади ва ҳоказо. Шунга ўхшаш мактабда ҳам ёзувни ўргатиш учун болага хат ёздириш, нутқни ўстириш учун гаптириш, ашулани ўргатиш учун кўшиқ айттириш, хулоса чиқаришни ўргатиш учун хулоса чиқартириш лозим, токи мактаблар ҳам иш қизғин бораётган устахонага ўхшасин. Шу тариқа одамни меҳнат чиниқтиради, деган ҳикматнинг чинлигини ҳар ким ўз тажрибасида кўриб билади.

¹ «Санъатларни ўқитиш методи» дейилса, тўғрироқ бўларди. Бу ерда кўпинча оғзаки ва ёзма нутқни ўстиришдан иборат бўлган традицион санъатлар (грамматика, риторика диалектика) ҳақида зикр этилади.

II. 6. *Ҳамма вақт бажартириладиган нарсанинг бирор андазаси ва намунаси мавжуд бўлиши керак.*

Албатта, ўқувчи бошқа кишининг изидан юриб боргандек, андазага қараб иш қилиши керак. Чунки ҳали у нимани ва қандай ясашни билмагани учун ҳеч нарсани мустақил бажара олмайди; демак, унга йўл-йўриқ кўрсатиш лозим: ваҳоланки, нима демоқчи эканингизни у тушунмаса ҳам айтганимни бажартираман деб туриб олиш; ёки чизғич, тўғри бурчак, циркул бермасдан ва бу асбобларни қандай ишлатишни тушунтирмасдан туриб тўғри чизиклар ўтказиш, тўғри бурчаклар, доиралар чизишни талаб этиш нотўғри бўлур эди. Шунинг учун ҳам мактабда бажариладиган ҳамма ишларнинг ҳақиқий, аниқ, оддий, тез тушуниб, тез ўрганиб олинадиган шакли ва намуналари, ҳамма нарсаларнинг ўзи ёки сурати, чизмаси ёки уни қандай бажариш тўғрисида йўл-йўриқ ва машқлар тўплами бўлиши масаласида жиддий ғамхўрлик қилиш зарур. Шундагина кўздан ёруғликда кўришни, бемалол тикка турган одамдан — юришни, асбобларни ишлата оладиган кишидан ишлашни талаб этиш мумкин бўлур эди.

III. 7. *Асбобларни қандай ишлатишни сўз билан тушунтиргандан кўра, амалда кўрсатиш афзал, яъни қоидалар билан тушунтиргандан кўра, мисоллар билан ўргатиш яхшироқ.*

Квинтилиан: «Қоидалар орқали тушунтириш оғир ва мушкул иш, мисоллар билан тез ва осон тушунтириш мумкин». — деб айтганидан буён жуда кўп вақт ўтди. Минг афсуски, мактабларда бу қоида деярли унутиб қўйганлар! Ҳатто грамматикани эндигина ўргана бошлаган ўқувчини ҳам қоида ва изоҳлар билан мустасно ва иловалар билан шунчалик машаққатга қўядиларки, кўпинча улар нима қилишни билолмай қоладилар, бирор нарсани тушуниш у ёқда турсин, аксинча ҳеч нарсани англай олмай-диган бўлиб қоладилар. Лекин усталар ҳеч қачон бундай қилмайди, улар янги олган шогирдларига қоидаларни ёдлатмайди. Уста шогирдини устахонага олиб боргач, ўзи ишлаётганда қараб, кузатиб боришни айтади ва шогирди унга эргашмоқчи бўлса (ахир, инсон тақлид қилувчи мавжудот), унинг қўлига асбобни бериб, қандай ушлаш ва ишлатишни ўргатади; сўнгра шогирд хато қилса, уста унинг хатосини кўрсатади ва бу хатони тузатишни фақат айтибгина қолмасдан, кўпинча амалда кўрсатиб ҳам беради. Тажриба ҳам бу усулнинг тўғрилигини кўрсатиб турибди. Немисларнинг: «Яхши намуна яхши тақлид қилувчини ҳам топади» деган ибораси жуда тўғри айтилган. Теренцийнинг: «Юравер, мен изингдан бораман» деган гапи ҳам шунга мос келади. Шунингдек, болалар узундан-узоқ қоидаларсиз, фақат тақлид қилиш йўли билан юришни, чопишни, гапиришни, турли ўйинларни билиб оладилар. Аслида, қоидаларни ўзлаштириш анча қийин бўлиб, уни тушуниш учун кучли диққат ва ўтқир

зеҳн керак. Мисоллар эса ҳатто жуда зеҳни пасг ўқувчиларга ҳам қўл келади. Ҳеч ким ва ҳеч қачон бирор тил ёки санъатни фақат қоидалар ёрдамида ўргана олган эмас; булар, одатда тажриба асосида, ҳеч қанақа қоидаларсиз билиб олинадилар.

IV. 8. *Машқ қилишни ишнинг ҳаммасини бажаришдан эмас, балки унинг элементларини бажаришдан бошлаш лозим.*

Ахир дурадгор шогирдига бирданига минора ва сарой қуришни ўргата бошламайди, балки аввало, болтани тўғри тутиш, ёғоч кесиш, унинг юзини йўниб текислаш, тўсинларни пармалаб кавлаш, миҳ қоқиш, ёғочларнинг учларини бирлаштириш кабиларни ўргатади. Рассом ҳам ўз шогирдига бирданига одам расмини чизишни буюрмайди, балки олдин бўёқ тайёрлаш, чўткачаларни ҳозирлаб қўйиш, чизиклар ўтказиш; сўнгра хомаки суратлар чизишни ўргатади. Болага савод ўргатмоқчи бўлган киши ҳам бирданига китобдаги катта бир текстни ўқитмайди, балки аввало ҳарф ва унинг элементларини, бўғинларни ва сўзларни, сўнгра гапларни, кичик-кичик текстларни ўқишни ўргатади. Демак, грамматикани ўрганишга эндигина киришган ўқувчи ҳам олдин айрим сўзларни ўзгартиришни, сўнгра сўзларни иккитадан бириктиришни, кейин бир бўлакли, икки бўлакли, уч бўлакли гапларни тузиш ва ўзгартиришни ўргансин; секин-аста қўшма гаплар тузиш ва бутун бир нутқни тузиб чиқишни билиб олсин. Диалектикада ҳам худди шундай: аввал ўқувчи нарса ва тушунчаларни жинс ва тур белгиларига қараб ажратишни ўрганиб олсин, сўнгра нарсалар орасидаги боғланишларни (ҳамма нарсалар бир-бири билан қандайдир бир боғланишда бўлади) аниқлаб чиқсин, кейин нарса ҳақида тушунча ва таъриф берсин, сўнгра тушунчаларни турли йўллар билан бирлаштириб, нарсалар ҳақида фикр юритишни ўргансин: нима ва нимага тааллуқли, нима тўғрисида ва нима учун айтилган, қанақа белгиси (муҳим ёки номуҳим) кўрсатилган. Ўқувчи бундай машқларни бажариб, етарли малака ҳосил қилгач, сўнгра (берилган асосларга биноан, ёки бирорта асоси тушириб қолдирилган бўлса ҳам) хулосалар чиқаришни ва, ниҳоят, мулоҳаза юритиш ёки бир темани изоҳлашни ўрганади. Риторикада (нотиқлик санъатида) ҳам шундай қилинса, иш анча енгиллашади: ўқувчи аввал сўзларнинг синонимини топишни бир оз машқ қилсин, сўнгра от, феъл, равишларга эпитетлар қўшиб айтишни ўргансин ва дарҳол унга зид сўзларни келтира олсин, кейин бир иборанинг маъносини берадиган бошқа ибораларни ишлатишни ўргансин, сўнгра иборанинг ўз маъносини англатадиган образли сўзларни топсин, бир-бирига ўхшаган гапларни ажратиш оддий гапларни истиорали гапларга айлантиришни ўргансин; ниҳоят ўқувчи буларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ва жуда тез бажара оладиган бўлгач, чиройли нутқ сўзлашни ўргатиш лозим. Ҳамма жойда иш шу тариқа секин-аста ташкил этилса, шубҳасиз, натижа яхши бўлади. XVII бобнинг IV асосида бу масаланинг моҳияти ёритилган.

V. 9. Дастлаб, ўқувчига таниш бўлган материал асосида машқ қилдириш лозим.

Бу қонда XVII бобнинг IX асосида ва IV асоснинг VI пунктида баён этилган. Бунинг маъноси шуки, ўқувчининг ёшига, зехнига, савиясига тўғри келмайдиган нарсаларни ўргатмаслик керак, у кучи етмайдиган ишга уриниб, бекордан бекорга овора бўлмасин. Масалан, савод чиқараётган поляк болага латинча, грекча ёки арабча ҳарфларни ўргатмаслик керак, балки фақат ўз она тилидаги ҳарфларни ўргатиш лозим, чунки нима иш бажараётганини унинг ўзи тушунсин. Ўқувчи диалектиканинг қоидаларини қўлла-на олишни ўргансин десак, машқ ишлатиш учун мисолларни Вир-гилий ёки Цицерон асарларидан ёки илоҳиётдан, шунингдек, сиёсат ва медицинага доир асарлардан олмаслик лозим, балки болага таниш бўлган: китоб, кийим-кечак, дарахт, уй, мактаб кабиларни мисолга олиш керак. Шу билан бирга, биринчи қонда-ни тушунтирган мисоллар билан кейинги қоидаларни ҳам тушун-тириш лозим. Диалектикага доир машқ ишлатиш учун дарахт тушунчасини мисолга ола қолайлик, унинг жинси, тур белгилари, ҳосил бўлиш ва ўсиш сабаблари, муҳим ва номуҳим сифатлари кўрсатилади, таъриф берилади, бўлинишлари айтилади, сўнгра қайси усуллар билан дарахт тушунчаси ҳақида бирор фикр айтиш мумкинлиги тушунтирилади, кейин дарахт тушунчаси ҳақида айтилганларга асосланиб, хулоса чиқариш воситаси билан бошқа фикрни қандай исботлаш мумкинлиги ўргатилади ва ҳоказо. Шундай қилиб, ўқувчи қондани ўзига таниш бўлган бир, икки, уч мисолларга қўллана олса, бошқа ҳолатларда ҳам у ҳеч қийнал-май худди шундай қилаверади.

VI. 10. Дастлаб, худди кўрсатилгандек қилиб, аниқ бажариш керак; кейинчалик бир оз эркин бажариш мумкин. Бирор янги буюм ясаётганда ташқи кўрини-шига қанча кўп эътибор берилса, буюмнинг шакли шунча аниқ ясалади. Масалан, бир қолипдан чиққан тангалар ўз шаклига ва бир-бирига жуда ўхшайди. Босмадан чиққан китоблар ҳам, мум, ганч, металлдан қуйилган буюмлар ҳам бир-бирига жуда ўхшай-ди. Демак, кишининг ақли, нутқи, қўли яхши ўрганиб, эркин ва мустақил бажара оладиган бўлгунча, бирор ишни имкони борича худди кўрсатилганидек қилиб бажариш керак. Масалан, хат ёзишни ўргатиш учун юпқа, тагидаги ҳарфлар кўриниб турадиган оқ қоғоз олиб, унинг остига ўрганиш лозим бўлган ҳарфни қўйиб, устидан ручка билан ёздирилади, ўқувчи бу ишни осонгина бажара олади. Ёки рангли бўёқ билан (оч сариқ, жигар ранг) босма қилиб ёзилган ҳарфларнинг устидан сиёҳ билан ёздириб, ўқувчига шу шаклдаги ҳарфларни ёзиш ўргатилади. Стилистик машқларни бажаришда ҳам худди шундай қилиш мумкин, яъни хоҳлаган бир муаллифнинг гап тузиши, гапи, қўшма гапини олиб, худди шунга ўхшаш бошқа конструкция, гап, қўшма гап тузди-рилади. Масалан, «dives opum» (маблағи кўп) деган иборани олиб, ўқувчига худди шунга ўхшаш: «dives nummorum» (тангаси

кўп), «dives pecuniae» (пули кўп), «dives pecoris» (моли кўп), «dives vinearum» (токзори кўп) каби бошқа иборалар тузиш топ-ширилади.

Цицероннинг: «Eubemus in astrologia, iudicio doctissimo-rum hominum, facile primus», (донишмандларнинг фикрича, Эв-дем астрологияда шубҳасиз, энг буюк олим), деган гапини наму-на учун айтиб, худди шунга ўхшаш «Cicero in eloquentia, iudicio doctissimorum oratorum facile primus» (нотиқлик санъати соҳаси-даги донишмандларнинг фикрича. Цицерон нотиқлик санъати-да, шубҳасиз, энг биринчиси), Paulus in apostolatu, iudicio totius ecclesiae facile primus» (барча черков аҳлининг фикрича, Павел, шубҳасиз, хаворийлар орасида энг биринчисидир) каби гаплар туздирилади ва ҳоказо. Логикада ҳам худди шундай машқларни бажартириш мумкин: ҳар қанақа зид фикрларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, ўқувчига шулардан бирини танлаб олишни ўргатиш: «иккаласидан бири бўлиши мумкин: ё кеча, ё кундуз; ҳозир — кеча, демак ҳозир кундуз эмас». Ўқувчи шунга ўхшатиб: «у ё жоҳил, ё донишманд; у — жоҳил, демак, у дониш-манд эмас». «Қаин («Хоин»¹) — ё диёнатли, ё диёнатсиз киши бўлган; лекин Қаин диёнатли киши эмас эди; демак у...» каби хулоса чиқаришни ўрганиб олади.

VII. 11. Намуна жуда мукамал бўлмоғи лозим, ундан фойдаланиб бажарилган иш ҳам жуда аниқ ва мукамал бўлсин. Чунки қийшиқ чизғич ишлатиб, ҳеч ким тўғри чизиқ чиза олмаганидек, хато қўл ёзмадан кўчирилган нусха ҳам ҳеч қачон тўғри бўлмайди. Шунинг учун ҳам мактаб-да, қолаверса турмушда ҳам, бажариладиган барча ишларнинг аниқ, қулай, оддий, осон бажариладиган намунаси мавжуд бўл-син, бу — нарсаларнинг модели, сурати, чизмаси ёки энг қисқа, энг аниқ, тушунилиши осон, истисноларсиз тўғри қўлланма ва қоидалардан иборат бўлиши мумкин.

VIII. 12. Биринчи ўргатаётганда жуда аниқ ба-жартириш, асл нусхадан ҳатто заррача ҳам четга чиқмаслик лозим.

Албатта иложи борича шундай қилиш керак. Бинобарин, шун-дай қилиш зарур, чунки олдин бажарилган иш кейингилари учун асос бўлиб хизмат қилади. Пойдевор мустаҳкам бўлса, бинонинг бошқа қисмларини ҳам пишиқ қилиб қуриш мумкин бўлади; пой-девори бўш бўлса, бино ҳам мустаҳкам бўлмайди. Ошқозон ка-салликлари икки, уч марта такрорланганда тузатиб бўлмаслигини врачлар кузатганидек, бошқа соҳаларда ҳам дастлаб йўл қўйил-ган хатоларнинг кейинги ишларга зарари тегади. Шунинг учун ҳам музика муаллими Тимофей бошқа муаллимдан музика сабоғи олган болаларнинг ота-онасидан ўқиш ҳақини икки марта кўп талаб қилган, чунки, — дер эди у, — олдин аввалги хатоларни

¹ Диний афсонага кўра, Одам алайҳуссаломнинг ўз биродари Авелни ўл-дирган ўғли — Хоин.

тузатиш ва сўнгра тўғри ўргатиш лозим, бунга меҳнат икки марта кўп сарфланади. Шунинг учун ўқувчининг ўрганаётган нарсасини жуда аниқ билиб олишга эришмоқ лозим. Жангда шаҳарнинг дарвозаси эгаллаб олинган, бутун шаҳар ғолиб кишининг қўлига ўтиб қолганидек, дастлабки қийинчиликлар бартараф этилса, кейингилари ўз-ўзидан бартараф этилаверади. Шунинг учун ҳам шошма-шошарликка йўл қўймаслик керак: *биринчи темани пухта ўзлаштирмагунча ҳеч қачон иккинчисига ўтмаслик лозим. Йўлдан адашмаган киши манзилга тез боради. Дастлаб тўғри ўқитишга кетган вақт — кейинги ишларни тезлатиш ва енгиллатишнинг энг яхши гаровидир.*

IX. 13. *Ўқувчининг хатосини муаллим дарҳол тузатиши ва бу хатонинг сабабларини қоида ва қоидаларнинг изоҳларига асосан кўрсатиб бериши лозим.*

Юқорида биз санъатни қоидадан кўра мисоллар ёрдамида ўргатиш маъқулроқ, деган эдик. Энди яна шунини айтишимиз керакки, мисоллар билан бир қаторда қўлланма ва қоидалардан ҳам фойдаланиш лозим, чунки қўлланма ва қоидалар хато қилишга йўл қўймайди, ишни нимадан бошлаш, қандай бажариш, қандай тузатиш, ҳар бир ҳаракатни нега айнан шундай бажариш лозимлигини аниқ кўрсатиб туради. Бу ўрганилаётган нарсани мустаҳкам билиб олишга, ишни аниқ ва ишонч билан бажаришга имкон беради.

Лекин қоидалар, иложи борица қисқа, жуда аниқ бўлиши, ноқулайлик туғдирмаслиги керак; бир марта ўрганиб олинган, улар (ҳатто бу қоидаларга кейинчалик бевосита мурожаат қилишга тўғри келмаса ҳам) ўз аҳамиятини йўқотмайди. Масалан, юришни ўрганаётган болага махсус мослама асбоб катта ёрдам беради, ваҳоланки, кейинчалик унга бу асбоб мутлақо керак бўлмайди.

X. 14. *Санъатни ўқитишнинг энг мукаммал усули синтез билан анализни бирга олиб боришдир.*

Синтез машқларидан олдин анализ машқлари ўтказилиши лозим.

XVIII бобнинг бешинчи асосида табиат ва механик санъат соҳасида келтирилган мисоллар асосида синтезнинг аҳамияти катта эканлигини ва аналитик машқлардан олдин синтетик машқлар ўтказиш зарурлигини кўрсатиб ўтган эдик, бундан ташқари, қуйидаги фикрлар ҳам буни исботлайди:

1. Ҳар доим энг оsonдан бошлаш керак: бошқаникидан кўра ўзимизникини оson тушунамиз. 2. Бошқа муаллифлар атайлаб, сир бой бермасликка ҳаракат қиладилар, биров ихтиро қилган нарсани бир марта кўриш билан ўқувчи унинг маъносини билиб ола қолмайди, балки ҳеч нарсани тушунмаслиги ҳам мумкин. Лекин, бир оз кўпроқ бўлса ҳам, ўқувчининг ўзи ижод этиб машқ қилса, у бунинг маъносига тушунади. 3. Нимага кўпроқ интиланган, ўшани кўпроқ бажариш керак. Биз фақат тайёр нарсаларни ишлатишга одатланиб қолмасдан, балки санъат билан шуғулланиб, янги нарсалар ихтиро қилишга интиламиз. (XVIII бобнинг IV асосида айtilган гапларга қаранг.)

Лекин синтезни анализга доир машқлар билан бирга олиб бориш керак.

15. Лекин синтезни бошқалар бажарган иш ва ижод қилган нарсаларни таҳлил қилиш билан бирга олиб бориш лозим. Ахир, йўлни ундан биринчи марта юраётган кишидан кўра, аввал шу йўлдан бир неча марта ўтган, ундаги чор-раҳа, йўл айрилиш ва ён сўқмоқларни кўрган киши яхшироқ билади-ку. Бунинг устига, нарсалар шунчалик хилма-хил ва маълум даражада чексизки, уларни ҳеч бир қоидаларга сиғдириб бўлмайди ва бир киши уларни билиб ҳам улгурмайди. Кўпчилик кўпроқ нарсаларни билиб олади. Лекин бошқалар билиб олган нарсаларни биз фақат синчиклаб текшириш, ўқиш натижасида ўргана оламиз ҳамда баҳс ва тақлид қилиш йўли билан биз ўша нарсани ясай олиш малакасини эгаллаб оламиз.

Айtilганларнинг моҳияти.

16. Демак, биз ҳар қандай санъатда ҳамма нарсанинг, бажарилиши лозим ёки мумкин бўлган барча ишларнинг тўла ва мукаммал намунаси бўлишини истаймиз. Шу билан бирга, қўлланма ва қоидалар ҳам бўлиши лозим, улар намунада кўрсатилган буюмни ясаш методларини баён этади, биров нарсани қандай бажариш тўғрисида кўрсатмалар беради; намунага қараб ишлаш учун йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилади, хато қилишдан сақлайди ва йўл қўйилган хатоларни тузатишга ёрдам беради. Сўнгра ўқувчига янги-янги мисоллар бериш керак; у, намунада кўрсатилганига қараб, бу мисолларни бирин-кетин бажарсин. Энг охирида унга бошқалар ясаган (лекин энг машҳур санъаткорлар, яъни усталар ясаган) нарсаларни кўрсатиш лозим, ўқувчи буларни олдин кўрсатилган намуна ва қоидалар билан таққослаб, бир томондан уларни (қоида ва намуналарни) бажаришни аниқроқ билиб олсин, иккинчидан ўз ишларининг техникасини сир сақлашни ўргансин. Бундай машқларни қайта бажарган пайтда ўқувчи, ниҳоят, ўзи ва бошқалар ихтиро қилган нарсалар ва уларнинг кўркемлиги ҳақида фикр юрита олади.

XI. 17. *Ўқувчилар шу санъатни мукаммал эгаллаб олгунча бу машқларни давом эттиравериш керак.*

Ахир кишини санъаткор қилиб етиштирадиган ягона восита тажрибадир.

XXII боб

ТИЛЛАРНИНГ МЕТОДИ.

Тилларни нима учун ва айнан қайсыларини ўрганиш керак.

1. Тиллар таълимнинг ёки донишмандликнинг бир қисми сифатида эмас, балки билим олиш ва уни бошқа кишиларга айтиш учун восита сифатида ўрганилади. Шунинг учун ҳамма тилларни билиб олиш шарт эмас.

«Тилларни ўрганиш методи» дейилса, тўғрироқ бўлар эди.

Ҳамма тилларни ўрганиб ҳам бўлмайди. Кўп тилларни ўрганишнинг фойдаси ҳам йўқ, чунки бу иш илм олиш учун сарфланган вақтни эгаллаган бўлур эди. Шунинг учун, фақат, зарур тилларнигина ўрганиш лозим. *Зарур тиллар деганда қуйидагилар назарда тутилади: шахсий ҳаёт учун — она тили; қўшни халқлар билан алоқа қилиш учун — қўшни халқнинг тили; поляклар учун баъзи жойларда немис тили, баъзи жойларда венгер, румин, турк тилларини ўрганиш зарур ҳисобланади. Илмий асарларни ўқиш учун, одатда, файласуфлар ва ҳакимлар (врачлар) латин тилини, шунингдек, грек ва араб тилларини ўрганиши, руҳонийлар — грек ва яҳудий тилларини ўрганиши зарур.*

Ҳар қандай тилни мукаммал билиб олиш керакми?

Мукаммал ўрганишнинг ҳеч зарурати йўқ, чунки бу тилларда бирор киши билан гаплашишга ҳеч эҳтиёж йўқ; бу тилларни фақат китобларни ўқиш ва тушуниш учун керак бўладиган даражада ўрганиш кифоя.

Тилларни нарсалардан ажратиб ўрганмаслик лозим.

Тилларни ўрганиш нарсаларни ўрганиш билан параллел равишда бориши керак, айниқса, ёшлик даврида нутқни ўстириш нарсаларни ўрганиш билан барабар борсин; нарсаларни қанча билсак, фикрни ҳам шунчалик ифодалай олайлик. Чунки XIX бобнинг олтинчи асосида айтилганидек биз тўтиқушни гапиришга ўргатмоқчи эмасмиз, балки инсонни шакллантирамиз.

Оқибат:

1. Насани ҳам, тилни ҳам бир китобдан ўрганиш керак.

Бундан келиб чиқадики, биринчидан, нарсанинг номини унинг ўзи билан бирликда ўрганиш лозим, чунки нарсалар номсиз мавжуд бўлмайди ва идрок этилмайди; балки улар бирлаштирилгани учун ҳам маълум бир ерда мавжуд бўлади, у маълум бир ҳаракатни бажаради. Уйлаймизки, шу фикр «Тиллар эшиги»ни ҳар ҳолда муваффақият билан тузиб чиқишимиз учун мадад бўлди, бу асарда гап қилиб тузилган сўзлар, нарсаларнинг тузилишини ҳам ифодалайди.

2. Тилларни тўлиқ билиш ҳеч ким учун ҳам зарур эмас.

Бундан келиб чиқадики, биринчидан, нарсанинг номини унинг ўзи билан бирликда ўрганиш лозим, чунки нарсалар номсиз мавжуд бўлмайди ва идрок этилмайди; балки улар бирлаштирилгани учун ҳам маълум бир ерда мавжуд бўлади, у маълум бир ҳаракатни бажаради. Уйлаймизки, шу фикр «Тиллар эшиги»ни ҳар ҳолда муваффақият билан тузиб чиқишимиз учун мадад бўлди, бу асарда гап қилиб тузилган сўзлар, нарсаларнинг тузилишини ҳам ифодалайди.

2. Ҳамма тилларни тўлиқ ва мукаммал ўрганиб олиш шарт эмас, балки ҳар бир тилни қанчалик зарур бўлишига қараб ўрганиш лозим.

Масалан, грек ва яҳудий тилларини она тиличалик мукаммал ўрганишнинг ҳеч зарурати йўқ, чунки бу тилларда бирор киши билан гаплашишга ҳеч эҳтиёж йўқ; бу тилларни фақат китобларни ўқиш ва тушуниш учун керак бўладиган даражада ўрганиш кифоя.

3. Тилларни ўрганиш нарсаларни ўрганиш билан параллел равишда бориши керак, айниқса, ёшлик даврида нутқни ўстириш нарсаларни ўрганиш билан барабар борсин; нарсаларни қанча билсак, фикрни ҳам шунчалик ифодалай олайлик. Чунки XIX бобнинг олтинчи асосида айтилганидек биз тўтиқушни гапиришга ўргатмоқчи эмасмиз, балки инсонни шакллантирамиз.

4. Бундан келиб чиқадики, биринчидан, нарсанинг номини унинг ўзи билан бирликда ўрганиш лозим, чунки нарсалар номсиз мавжуд бўлмайди ва идрок этилмайди; балки улар бирлаштирилгани учун ҳам маълум бир ерда мавжуд бўлади, у маълум бир ҳаракатни бажаради. Уйлаймизки, шу фикр «Тиллар эшиги»ни ҳар ҳолда муваффақият билан тузиб чиқишимиз учун мадад бўлди, бу асарда гап қилиб тузилган сўзлар, нарсаларнинг тузилишини ҳам ифодалайди.

5. Иккинчидан, бирор тилни тўлиқ билишнинг ҳеч ким учун зарурати йўқ ва уни тўлиқ ўрганиш лозим, чунки нарсалар номсиз мавжуд бўлмайди ва идрок этилмайди; балки улар бирлаштирилгани учун ҳам маълум бир ерда мавжуд бўлади, у маълум бир ҳаракатни бажаради. Уйлаймизки, шу фикр «Тиллар эшиги»ни ҳар ҳолда муваффақият билан тузиб чиқишимиз учун мадад бўлди, бу асарда гап қилиб тузилган сўзлар, нарсаларнинг тузилишини ҳам ифодалайди.

Доцемий, Киннер ва бошқалар «Тиллар эшиги»ни давом эттириб номуаъқул иш қилганлар, шу сабабдан биз ҳам «Латин тилига қўшимча иловалар» номли асарни бошлаб, охиригача ёзиб тугатмадик.

Шунинг учун биз эскирган ва кам ишлатиладиган сўзлардан тузаётган «Латин тилига қўшимча иловалар»ни, ҳатто ёзиб тугатмадик.

3. Болалар ўзларини тушуна оладиган нарсаларни ўргансин; Цицерон ва бошқа муаллифларнинг асарларини катта бўлгач ўқисинлар.

Болалар асарнинг мазмунига тушуна олмасалар уни гапириб бериш маҳоратини қаердан ҳам эгаллаб олсинлар. Нутқни ва фикрни изчил ривожлантириш учун вақтни бундай мураккаб асарларни ўрганишга беҳуда сарфламаслик керак. Табиатда сакраш ҳодисаси бўлмайди, шунингдек, сакраш санъатда ҳам бўлмайди, чунки санъат табиатга тақлид қилишдан иборат. Болага рақс тушишни машқ қилдиришдан олдин уни юришга ўргатиш лозим; эгарланган отни минигиша ўргатишдан олдин узун таёқчани миниб чопиш ўргатилади; ваъз айтишдан олдин гулдирашни ва бидирлаб гапиришни, сўнгра тузукроқ гапиришни билиш керак. Гапира олмайдиган кишига нутқ сўзлашни ўргатиб бўлмайди, деган эди Цицерон ҳам (Цицерон, нотиқлик ҳақида, III).

Ҳар хил тилларни ўрганиш учун саккиз қоида.

1. Ҳар бир тилни алоҳида ўрганиш керак. Аввало, албатта, она тилини, сўнгра қўшни халқнинг тилини ўрганиш, кейин латин тилини ва ундан кейин грек, яҳудий ва бошқа тилларни бирин-кетин ўрганиш лозим, лекин тиллар биргаликда ўрганилса, бирини иккинчисига аралаштириб юбориш мумкин. Ниҳоят, бу тилларда гапиришни яхши ўрганиб олгач, уларни параллел луғатлар, грамматикалар ёрдамида чоғиштириб кўришнинг аҳамияти катта.

¹ Латинча vosare — атамоқ, ном бермоқ; янги латинчада вокублярий — луғат демакдир.

II. 10. *Ҳар бир тилни ўрганишга алоҳида вақт ажратиш лозим, қўшимча машғулотларни асосий машғулотга айлантирмаслик ва нарсаларни ўрганиш учун ажратилган вақтни сўзларни ўрганишга сарфламаслик керак.* Она тилини ўрганиш онгимиз секин-аста қабул қиладиган нарсаларни ўрганиш билан боғлиқ бўлгани учун у бир неча йилни, яъни 8 ёки 10 йилни, яъни болалик даврини ва ўсмирлик даврининг бир қисмини талаб этади. Сўнгра бир йил давомида шу жойда кўпроқ қўлланиладиган қўшни халқ тилини ўрганиш мумкин. Латин тилини икки йилда, грек тилини бир йилда, яҳудий тилини бир семестрда ўрганиб олиш мумкин.

III. 11. *Ҳар бир тилни қоидаларни ёдлаш йўли билан эмас, балки оғзаки нутқни ўстириш, яъни иложи борица кўпроқ тинглаб, ўқиб, қайта ўқиб, кўчириб ёзиб, оғзаки ва ёзма тақлид қилиш йўли билан ўрганиш яхшироқ бўлади (олдинги бобнинг I ва XI қоидаларида бу ҳақда айтилган гапларга қаранг).*

IV. 12. *Лекин амалий машқлар қоидалар билан асосланиши ва мустаҳкамланиши керак, бу ҳақда олдинги бобнинг II ва бошқа қоидаларида ҳам айтилган.* Бу фикр, айниқса, илм учун фақат китоблардангина ўрганиладиган тилларга тааллуқлидир; лекин жонли тилларни ўрганишда ҳам бу қоидага риоя қилинади. Бошқа тиллар сингари итальян, француз, немис, чех, венгер тилларининг ҳам қоидаларини тузиб чиқиш мумкин.

V. 13. *Тилларнинг қоидалари фалсафий қоидалар эмас, балки грамматик қоидалар бўлиши керак.* Бунинг маъноси шуки, қоидалар сўз, ибора, гапларнинг ясалиши ва алоқаларини жуда чуқур текширмаслиги керак, балки нима ва қандай бўлаётганини изоҳлаб берса, бас. Нарсалар ва сўзларда мавжуд бўлган сабабият ва боғланишлар, ўхшашлик ва тафовутлар, аналогия ва нормадан четга чиқиш ҳодисаларини чуқурроқ ўрганиш — филологнинг иши эмас, балки файласуфнинг ишидир.

VI. 14. *Янги ўрганилаётган тилнинг қоидаларини тузиш (белгилаш) учун олдин ўрганилган тилнинг қоидаларига асосланиш ва фақат улар ўртасидаги фарқларинигина кўрсатиш лозим.*

Ахир иккала тил учун ҳам умумий бўлган қоидаларни такрорлаш фойдасизгина бўлиб қолмасдан, балки зарарли ҳамдир, чунки қоидаларнинг сонини ва фарқларини катта қилиб кўрсатиш ўқувчини чўчитиб юборади. Масалан, грек тили грамматикасини ўрганаётганда от, феълларни аниқлаш ёки келишик, замон кабиларни, ёки олдингиларидан ҳеч фарқ қилмайдиган синтаксис қоидаларини такрор ўрганишнинг ҳеч қандай зарурати йўқ, чунки буларнинг ҳаммасини болалар латин тилини ўтганда билиб олган эдилар. Шунинг учун фақат грек тилининг латин тилидан фарқ қиладиган жойларинигина ўргатиш лозим. Бу ҳолда грек

тили грамматикасини қисқа қилиб, бир неча вараққа сиғдириш мумкин бўлади ва бу грек тилини аниқроқ, осон ва пухта ўзлаштириб олишга ёрдам беради.

VII. 15. *Бирор тилни янги ўрганаётганда болага олдиндан таниш бўлган нарсаларга доир машқларни ишлатиш (бажартириш) керак.*

Бунда, албатта, бирданига ҳам сўзга, ҳам нарсага диққат қилиш зарурати қолмайди, натижада диққат бўлинмайди ҳам, чалғимайди ҳам, балки диққат фақат сўзларга қаратилиб, уларни осонроқ ва тезроқ билиб олиш имконияти туғилади. Бунинг учун болага олдиндан яхши таниш бўлган бирор асар материал бўла олади (ёки лозим топилса, бизнинг «Пойгак» ва «Эшик» асарларимиздан фойдаланиш мумкин; кейинги асар қисқа бўлгани учун уни эсда қолдириш осонроқ, биринчиси бошқа жиҳатлардан фойдали, чунки унда текстлар такрорланиб, сўзларни бир неча марта қайта-қайта ўқиш натижасида яхшироқ билиб олинади ва эсда сақланади).

VIII. 16. *Демак, ҳамма тилларни бир метод билан ўрганиш мумкин.*

Яъни, амалий машқларни бажартириш ва энг осон қоидаларни ёдлатиш методи билан тилларни ўргатиш мумкин, шунда ҳам машқлар болага олдиндан таниш бўлган материалга асосланиб бажарилиши ва олдин ўрганилган тилнинг қоидаларидан фарқ қиладиган қоидаларнигина ўргатиш лозим.

ТИЛЛАРНИ МУКАММАЛ ЎРГАНИШ ҲАҚИДА.

Тилларнинг иккитадан ортигини мукаммал ўрганишнинг ҳеч зарурати йўқ; тилларни ўрганиш тўрт босқичга бўлинади.

17. Шу бобнинг бошланишида биз ҳамма тилларни бирдек мукаммал ўрганиш шарт эмаслигини айтиб ўтган эдик. Фақат она тили ва латин тилларига кўпроқ эътибор бериб, уларни тўлиқ ўрганиш керак. Тилларни ўрганиш тўрт даврга бўлинади:

Биринчиси — болалик, гулдираб гапириш даври, унда бола пойма-пой гапиришни ўрганади.

Иккинчиси — ўсмирлик, етишиб келаётган давр, унда тўғри гапиришни ўрганади.

Учинчиси — ёшлик, жўшқинлик даври, унда чиройли гапиришни ўрганади.

Тўртинчиси — йигитлик, етуклик даври, бунда ифодали гапиришни ўрганади.

18. Ахир бирор соҳада олға қадам ташлаш учун изчилликка риоя қилиш талаб этилади, акс ҳолда, кўпчилигимиз ўз тажрибамиздан кўриб турганимиздек, ҳамма нарса аралашиб, чалкашиб, бузилиб кетади. Лекин бу тўрт босқичга амал қилинса ва уларнинг ҳар бири учун махсус қўлланмалар (яъни, ихчам қилиб, ўқувчилар учун дарслик,

муаллимлар учун методик қўлланмалар) тузиб чиқилса, тилларни ўргатиш осонлашади.

19. I. Эшиколди

Тилларга доир
тўрт хил дарслик

II. Эшик

III. Сарой

IV. Хазина

Булар тил (масалан латин тили) дарсликлари ва унга доир қўлланмалардир.

1. Эшиколди. 20. «Эшиколди» (муқаддима) болаларнинг нутқини ўстириш учун материал бўлиб хизмат қиладиган бир неча юз сўзни ўз ичига олади, бу сўзлар ҳикматлардан иборат бўлиб, турланиш ва тусланишга доир жадваллар ҳам берилади.

II. Эшик. 21. «Эшик» тилда ишлатиладиган ҳамма сўзларни ўз ичига олади. Бундай сўзлар саккиз мингга яқин бўлиб нарсаларни табиий ҳолида ифодалаган қисқа бирикмалар шаклида берилади. Эундан ташқари, шу тилдаги сўзларни қандай ёзиш, қандай талаффуз этиш, сўз ясаш ва гап тузишни жуда тўғри кўрсатиб берадиган грамматик қоидалар ҳам қисқа ва аниқ баён этилиши лозим.

III. Сарой. 22. «Сарой» турли нарсалар ҳақида чиройли ибора ва сўзлардан тузилган ҳар хил гапларни ўз ичига олиши, бу иборалар қайси муаллифнинг асаридан олинганлиги кўрсатилиши керак. Дарслик (китоб)нинг охирида ибора ва сўзларни истаганча ўзлаштириш ва мароқли қилиш мумкинлигини кўрсатадиган қоидалар берилиши лозим.

IV. Муаллифлар хазинаси. 23. «Хазина» деганда биз классик авторларнинг турли нарсалар ҳақида ёзилган, нутқдаги «идиотизм»¹ ва ўткир ибораларни қандай ясаш ва тушуниш (буниси жуда муҳим)га имкон берадиган қоидалар билан бошланган энг яхши асарларини назарда тутамиз. Бундай асарларнинг баъзиларини мактабда ўқитиш учун танлаб олиш зарур, бошқаларининг эса рўйхатини тузиб чиқиш керак, чунки, мабодо бировга кейинчалик ўқиб чиқиш зарур бўлиб қолса, ёки бир масалани билиш истаги туғилиб, ўша асарни тўлиқ ўқиб чиқмоқчи бўлса, шу рўйхатдан асар ва муаллифнинг номини топа олинсин.

Қўлланма. 24. Дарсликлардан тезроқ ва самаралироқ фойдаланишга ёрдам берадиган китоблар қўлланма деб аталади.

I. Чунончи: I. «Эшиколди»га қўшимча тариқасида она тилидаги сўзларни латин тилига, латин тилидаги сўзларни она тилига таржимаси берилган кичикроқ луғат тузиб чиқилади.

¹ Тилшуносликда айрим тиллардан бошқа тилга аниқ таржима қилиб бўлмайдиган иборалар *идиотизмлар* деб юритилади.

II. «Эшик»га қўшимча тариқасида этимология луғати тузиб чиқилади, унда ясама, қўнма, мураккаб сўзлар ҳам берилади.

III. «Сарой»га қўшимча равишда фразеология луғати тузилади, унда «Сарой»нинг текстларида учрайдиган синоним ва парафразаларни¹ фасоҳатли, мароқли қиладиган ҳар турли иборалар берилади. Шу билан бирга, она тилидаги иборалар — она тилида, латин тилидагилари — латинча (башарти лозим деб топилса, грек тилидагилари — грекча) изоҳланиб, бу иборалар асарнинг қайси жойида учраши ҳам кўрсатилади.

IV. Ниҳоят, «Хазина» учун «Умумий справочник» қўлланма бўла олади, чунки бу қўлланмада иккала тилнинг бойликлари (она тили билан латин тили, сўнгра латин-грек тилларининг имкониятлари) шунчалик батафсил баён этилиши лозимки, ундан ҳар қанақа иборани (сўзни) ҳам топиш мумкин бўлсин ва ундаги ҳар бир сўз, иборалар бирига мос келсин; ўз маъносига ишлатилган сўзлар — худди шундай сўзларга, кўчма маънода ишлатилганлари — кўчма маънодаги сўзларга, ҳазил-мазах иборалар — ҳазил-мазах ибораларга, мақоллар — мақолларга ва ҳоказо. Чунки ҳар бир халқнинг тили ҳам шундай имкониятларга эга, ҳар қанақа тилда ҳам сўз, ибора, фикр ва мақоллар истаганча топилади, фақат уларни латин тилига таққослаб танлаш, тузиб чиқиш лозим; бунинг учун, фақат, тақлид қилишни шунга ўхшаш сўзлардан латин тилидаги сингари иборалар тузишни билиш керак.

25. Лекин шунақа универсал справочникни кимдир тузиши керак. Тўғри польшалик иеудит Григорий Кнапий «Полякча — латинча — грекча Хазина асари билан ўз халқига буюк хизмат қилди. Лекин бу асарнинг учта камчилиги бор. Биринчидан, она тилидаги ҳамма сўз ва иборалар унга киритилмаган. Иккинчидан, сўз ва иборалар биз айтган тартибда жойлаштирилмаган, яъни иложи бори-ча ҳар хил сўзлар: атоқли отлар — атоқли отларга, кўчма маъноли сўзлар — кўчма маъноли сўзларга, эскирган сўзлар — эскирган сўзларга мослаштириб жойлаштирилмаган; агар шундай қилинса, иккала тилнинг ҳам хусусияти, бойлиги ва жозибadorлиги намоён бўлур эди. Кнапий эса ҳар битта полякча сўз ва иборага бир неча латинча сўз ва ибораларни берган, ваҳоланки, бизнингча, бирор тилдаги ҳар сўз ва иборага иккинчи тилдан унга аниқ мос келадиган сўз ва ибора топиш керак, токи латинча чиройли ибораларнинг ҳаммасини она тилимизда ҳам ифодалайлик. Худди шундай қилинса, умумий справочник ёрдамида истаган китобни латинчадан она тилига ёки она тилидан латинчага таржима қилиш осон бўлур эди. Учинчидан, Кнапийнинг

¹ Бир иборанинг маъносини берадиган бошқа ибора.

«Хазина»сида иборалар изчил жойлаштирилмаган сўз ва ибораларни бундай бетартиб жойлаштирмаслик лозим эди. Аввало оддий ва тарихий сўзлар, сўнгра қийин, нотиқликка доир сўзлар, ундан кейин мураккаброқ, қийинроқ, одатдан ташқари поэтик сўзлар ва, ниҳоят, эскирган сўзлар берилиши зарур эди.

26. Лекин бундай умумий справочникнинг тузилиши ҳақида, шунингдек, биз кўзлаган мақсадга хатосиз эришиш, яъни тилни мукамал ўзлаштириш учун «Эшиколди», «Эшик», «Сарой» ва «Хазина»ни қўлланиш усуллари ва воситалари ҳақида батафсил гапириб ўтирмаймиз, бу масалани бир оз кейинроқда қолдирармиз ва айрим синфларни тузиш масаласини кўриб чиқаётганда бу масалага ҳам махсус тўхталармиз.

XXIII боб

АХЛОҚ ТАРБИЯСИ МЕТОДИ.

Бундан аввалгиларнинг ҳаммаси асосий масала — ахлоқ ва тақводорликдан кўра муҳим эмас.

1. Ҳозиргача илм, санъат ва тилларни қандай қилиб тезроқ ўргатиш масаласи етарлича ёритилди. Бу фанлар ҳақида Сенеканинг қуйидаги гапларини бемалол эслатиб ўтиш мумкин (Письмо 78): «Буларнинг барчасини биз фақат ўқибгина эмас, балки ёдлаб ҳам олишимиз керак». Дарҳақиқат шундай, чунки фан, санъат ва тилларни билиш, улардан ҳам муҳимроқ нарсаларни ўргатишга тайёргарлик кўришдир, Сенека айтганидек, булар ҳали дастлабки тажрибалар, асосий масала олдинда турибди. Асосий иш нимадан иборат? Донишмандликни ўрганишдан иборат, чунки у бизни олижаноб, жасоратли, ҳикматли қилади. Бу худди биз юқорида айтган ахлоқ ва тақводорликнинг ўзгинасидир фақат шу фазилатлар туфайли ҳақиқатан ҳам биз бошқа жониворлардан юқори, худой-таоллога яқинроқ турамыз.

Буни санъат даражасига кўтариш лозим.

2. Демак, мактабларда ахлоқ ва ҳақиқий тақводорликни тарбиялаш санъатини яхши ташкил этиш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш лозим, токи мактаблар «инсон тарбияланадиган устахона» деган номга муносиб бўлсин.

Ахлоқ тарбияси санъатининг ўн олти қондаси.

3. Ахлоқ тарбиялаш учун асосан қуйидаги ўн олти қондага амал қилиш керак: Яхши фазилатларнинг барчаси, ҳеч истисносиз, ёшларга ўргатилиши зарур. Тўғри ва пок нарсаларнинг ҳеч бирини эътибордан четда қолдирмаслик лозим, акс ҳолда хатоликка йўл қўйилади, гармония бузилади.

4. Аввало асосий, муҳим фазилатлар: донолик, мўътадиллик, жасурлик, одиллик, тарбияланиши лозим.

III. Ахир пойдеворсиз уй қуриб бўлмайди-ку. 5. Ёшлар нарсаларнинг асл тафовутлари ва афзалликларини кўриб, яхши панд-насиҳат тинглаб доноликни эгалласин.

Чунки нарсалар ҳақидаги тўғри фикр ҳар қандай фазилатнинг ҳақиқий асосидир. Вивес бу тўғрида ҳақ гапни айтган: «Чин донишмандлик нарсалар ҳақида тўғри фикр юритишдан, нарсалар аслида қандай бўлса, уларни ўшандай деб ҳисоблашдан, бир чақага ҳам арзимайдиган нарсани қимматбаҳо қилиб кўрсатишга уринмасликдан ёки, аксинча, қимматбаҳо нарсани ҳеч нарсага арзимайди деб ҳисобламасликдан, шунингдек, мақталадиган иш учун жазо бермаслик ва жазолаш лозим бўлган кишини мақтамасликдан иборат. Инсондаги ҳар хил янглишлик ва хатолар ҳам шундан пайдо бўлади ва инсон ҳаётида нарсалар тўғрисида хато фикр юритишдан кўра ҳалокатлироқ нарса йўқ. Шунинг учун ҳам ҳар ким ёшликдан бошлаб нарсалар ҳақида тўғри фикр юритишни ўргансин, катта бўла борган сайин бу одат мустаҳкамлана борсин, майли, тўғрилиқка интилсин, адолатсизликдан холи бўлсин, тўғрилиқ одати табиатига сингиб кетсин...» ва ҳоказо.

IV 6. Бутун ўқиш йиллари давомида мўътадилликни ўргана борсин, ейишда ва ичишда ҳам, ухлаш ва уйғоқлик ҳолатларида ҳам, иш ва ўйинда ҳам, гапириш ва жим туришда ҳам мўътадилликка риоя қилсин.

Ҳар нарсанинг ўз меъёри бор деган доно гапни ёшларга ҳар доим эслатиб туриш зарур, яъни ҳеч қачон болани бирор нарсадан бездириб, жиркантириб қўймаслик лозим.

V 7. Майли, болалар ўз-ўзини тийиш туфайли, яъни ажратилган вақтдан ташқари ортиқча чопиш ёки ўйиндан ўзини тутта олиш, тоқатсизлик, шикоят ва ғазабни жиловлай олиш билан жасурликни ўргансин.

Бунинг учун ҳар бир ишни ўйлаб қилиш, ҳеч бир нарсани берилиб кетиб ёки ҳаяжон билан бажармаслик одати асос бўлиши керак. Ахир инсон ақлли мавжудот, демак у ақл билан иш тутишга, ўз хатти-ҳаракатларини ўйлаб олишга, ҳар бир иш нимага, нима учун, қандай қилса тўғри бажарилишини ўйлаб олишга одатлансин, инсон ўз хатти-ҳаракатларига чиндан ҳукмронлик қилсин. Ваҳоланки болалар (ҳаммаси бўлмаса ҳам) ҳамма вақт ҳам ўйлаб кўриб, тўғри ҳаракат қила олиш қобилиятига эга бўлавермаганликлари туфайли уларга жасурлик ва ўзини тутта билишни ўрганишнинг энг яхши усули ўз билганини қилмасдан, балки бошқаларнинг айтганини бажариш, катталарга ҳар бир ишда албатта итоат этишни ўргатишдир. Отни миниб юришга ўргатмоқчи бўлган киши,— деган эди Лактанций,— аввало уни юган тақишга ўргатади, болаларга тарбия бермоқчи бўлган киши, аввало уларни буйруқни бажаришга ўргатсин. Эҳ-ҳа, бундай қилинса, яъни кишилар ёшликдан бир-бирларига ён босишни, ҳамма ишни ўйлаб бажаришни ўрганса, жамиятни тўлиб-тошиб ётган хатоликлардан қутқаришга кенг йўл очиларди.

VI. 8. Адолатли бўлиш учун ҳеч кимни ҳақорат қилмаслик, ҳарким билан ўзига яраша муомала қилиш, ёлғон гапирмаслик ва алдамаслик, хушмуомала ва ҳаракатчан бўлиш лозим. Болаларни бундай ва юқорида айтилганлардай қилиб тарбиялаш учун қуйидаги қоидаларда кўрсатилган усул ва воситаларга амал қилиш зарур.

VII. 9. Ёшлар учун айниқса зарур бўлган жасурлик фазилатлари: самимий ва меҳнатга чидамли бўлишдир. Ҳаётда одамлар билан муомала қилиш ва меҳнат қилиш керак, шунинг учун ҳам болаларга ўзини кишилардан четга олиб юрмасликни, ҳар қандай зарур меҳнатдан қочмасликни ўргатиш керак, токи улар ёввойи ёки одамови, текинхўр, жамият учун оғир юк бўлиб етишмасинлар. Яхши фазилатлар сафсатабозлик туфайли эмас, балки меҳнат қилиш натижасида тарбияланади.

VIII. 10. Самимийлик хислати очик кўнгул одамлар билан кўпроқ бирга бўлиш ва уларнинг кўз ёнгида ҳар турли топириқларни бажариш йўли билан таркиб топади. Аристотелдан тарбия олган Александр ўн икки ёшидаёқ ҳар хил одамлар: подшолар ва элчилар, олимлар ва омийлар, шаҳарликлар, деҳқон ва косиблар билан тузуккина муомала қилишни билар ҳамда ҳар қанақа масала юзасидан маъноли савол ёки бамаъни жавоб бера олар эди. Бизнинг универсал тарбиямиздан ҳамма баҳраманд бўлиши учун муомала қоидаларини тузиб чиқиш лозим ва ўқувчиларнинг ҳар куни муаллимлари, ўртоқлари, ота-оналари, хизматкор ва бошқалар билан ҳар нарсалар тўғрисида суҳбатлашиб туришини, хушмуомала бўлишни қаттиқ назорат қилиб бориш керак. Ниҳоят, муаллимлар бирор кимсанинг интизомсизлигини, мулоҳазасизлиги, қўполлиги ёки қайсарлигини сезиб қолсалар, дарҳол эътибор бериб, уни тўғри йўлга бошқариб қўйишлари зарур.

IX. 11. Ёшлар доимо бирор жиддий ёки қизиқарли иш билан банд бўлган тақдирдагина меҳнат қилишга одатланадилар.

Меҳнат қилишга одатлантириш учун, киши қанақа ишни ва нима учун бажараётганидан қатъи назар, фақат бирор иш билан банд бўлса, бас. Ҳатто ножиддий ҳаракатлар туфайли ҳосил бўлган одат ҳам кейинчалик имконият туғилиб, замон ва шароит тақозаси билан жиддий фойда келтириши мумкин. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳамма нарсани амалда бажартириб ўргатиш зарур экан, демак, меҳнат малакасини ҳам ишлатиш воситаси билан ўргатиш керак, токи доим бажартириладиган (лекин мўътадил) ақлий ва жисмоний меҳнат — меҳнатсеварлик фазилатига айлانسин, киши бекорчиликни ёқтирмайдиган бўлсин. Шунда Сенека айтган гап ҳақ бўлиб чиқади: «Олижаноб ақл меҳнатдан озиқ олади».

X. 12. Айниқса, болаларга одиллик фазилатининг бир қисми — бошқаларга кўмаклашишни ис-

таш ва ёрдам қилишга тайёр туриш хислатини сингдириш зарур. Чунки инсоннинг гуноҳкор табияти худбинликка жуда мойил, яъни ҳар ким бошқаларнинг фақат у ҳақида ўйлашларини истайди, бошқаларнинг аҳволига эса бефарқ қараб тураверади. Бу эса турли ихтилофларга сабаб бўлади, чунки ҳар ким ўз иши битишини кўриб, умумманфаатини эсдан чиқариб қўяди. Шунинг учун ҳам яшашимиздан мақсадни ёшларга астойдил ўқитмоқ зарур, яъни биз фақат ўзимиз учунгина эмас, балки худой-таолло учун ҳам, атрофимиздаги кишилар учун ҳам, бошқача айтганда, бутун инсоният учун туғиламиз ва яшаймиз; шу эътиқодни дилга жо қилиб, ҳар ким ёшликдан бошлаб худой-таоллога, фаришталарга, қуёшга ва олийҳиммат одамларга тақлид қилишга одатлансин, яъни одамларга кўпроқ фойда келтиришга ҳаракат қилсин, уринсин. Ҳамма киши умумманфаатларини кўзлаб иш қилиш истагини ўзига сингдириб олса, ҳамма жойда бир-бирларига кўмаклашишни тушунса ва билса, шундагина ижтимоий ва шахсий ҳаётда энг яхши вазият вужудга келади. Кишиларнинг буни хоҳлаши ва қила олиши мумкин, фақат одамларга шундай қилишни ўргатиш керак.

XI. 13. Киши қалбини ёмон хулқ эгаллаб олмасдан аввал кичик ёшдан бошлаб болаларда яхши хислатларни ўстира бошлаш зарур.

Ахир, ерга яхши уруғ экилмаса ҳам, бари бир, ўт ўсиб чиқади-ку, лекин қанақа ўт ўсади? Мастак ва бошқа ёввойи ўтлар. Ерга ҳақиқатан ҳам ишлов бермоқчи бўлган киши, яхшиси бу ишни эрта баҳорда қилгани маъқул ва қулайдир, чунки ерни ўз вақтида ҳайдаб, экиб, мола босиб қўйган кишининг ҳосил олишидан кўнгли тўқ бўлади. Ёшликда ўрганган одатнинг аҳамияти жуда катта, чунки «биринчи марта қуйилган нарсанинг ҳиди идишда узоқ вақтгача сақланади».

XII. 14. Яхши фазилатларга тўғрилиқ туфайли эришилади. XX ва XXI бобларда кўриб ўтганимиздек, билиш жараёнида билиб оламиз, юриб юришни ўрганамиз. Болалар чоғиб югуришни ўрганади, гаплашиб нутқни ўстиради, хат ёзиб ёзишни ва ҳоказо билиб олади. Худди шунингдек, итоат қилиб итоат қилишни, эътироз билдириб эътироз қилишни, тўғри гапириб ростгўйликни, астойдил ҳаракат қилиб тиришқоқликни ва ҳоказо эгаллаб олади; фақат ҳамма жойда сўз билан ва амалда намуна кўрсатадиган кишилар топилса, бас.

XIII. 15. Ота-оналар, эналар, муаллимлар ва ўртоқларининг яхши турмуши болаларнинг ҳаёт йўлини доимо ёритиб турсин.

Болалар маймунга жуда ўхшайди: улар нимани кўрса: яхши ёки ёмонми, бари бир, ўз-ўзидан тақлид қилаверадилар. Шундай қилиб, болалар билишдан олдин тақлид қилишни ўрганадилар. Бунда биз, ҳам турмушдан олинган, ҳам тарихий мисолларни назарда тутамиз; албатта, аввало, ҳаётдан олинганларини, чунки улар ҳаммага тушунарли ва кучлироқ таъсир этади. Де-

мак, ҳаммадан аввал ота-оналарнинг ўзлари уй интизомига қаттиқ риоя қилишлари, муаллимлар эса жамиятдаги энг яхши, энг хушхалоқ кишилардан бўлмоғи керак, ўқувчиларга тўғри тарбия беришнинг дурустроқ йўли — ана шу.

XIV. 16. Лекин XXI бобнинг IX қондасида *айтилган* *нидек, тақлид қилиш, уни тўлдириш ва мустаҳкамлаш учун мисоллар ҳаётдан олиниши, ўғит ва қондалар билан изоҳланиши зарур*

Ҳаёт учун бундай йўлланмани инжил китобидан, донишмандларнинг ҳикматидан олиш керак. Масалан, қандай қилиб ва нима учун ҳасад қилмаслик лозим? Ғам-қайғу ва бахтсизликлардан қалбни қайси йўл билан асраш мумкин? Хурсандчиликдан ўзини қандай тийиш лозим? Қандай қилиб ғазабни босиш, жиноятга элтадиган ҳавасдан ўзини қандай тийиш керак? кабилар. Лекин буларнинг барчаси боланинг ёши ва камолоти даражасига мос бўлиши зарур.

XV. 17. Болаларни ахлоқи бузуқ одамлар даврасидан жуда эҳтиётлик билан асраш зарур, улар бундай кишиларга эргашмасинлар.

Ахир, инсоннинг гуноҳкор табияти ёмонликни тез қабул қилади ва кўпроқ сақлаб қолади. Шунинг учун ҳам ёшларни ахлоқсизликка элтадиган нарсалардан, масалан, ёмон ўртоқлардан, беъмани нутқлардан, фойдасиз ва маънисиз китоблардан (чунки кўз кўрган ёки қулоқ эшитган ёмон хулқ руҳ учун заҳардир) ва, ниҳоят, бекорчиликдан бутун чоралар билан асраш зарур, чунки бекор қолса, болалар ахлоқсиз ишларни ўрганади ёки ақли заифланади. Яхшиси, болалар доим бирор нарса билан: жиддий ишми ёки ўйинми билан банд бўлсин, фақат, бекор юрмасин.

XVI. 18. Ҳар қанча уринсак ҳам, бари бир, ёмонликнинг бирор хислати болалар қалбига кириб олиши мумкин, шунинг учун ҳам ахлоққа тўғри келмайдиган айрим хатти-ҳаракатларга қарши интизомга риоя қилдириш мутлақо зарур. Шайтон, жин фақат ухлаган пайтимиздагина эмас, балки уйғоқлигимизда ҳам пойлаб юради; ҳатто биз инсон қалбига яхшилик уруғини экаётган чоғимизда ҳам, у ишга аралашиб, ёмонлик уруғини сепишга ҳаракат қилади: инсоннинг гуноҳкор табияти ҳам ё маълум бир масалада ўзини кўрсатиб туради, шунинг учун ҳам ёмонликка куч билан зарба бериш мутлақо зарур. Қаршилиқ кўрсатиш учун интизомни қўлланиш, яъни шароитга қараб, танбеҳ ё жазо бериш, насиҳат қилиш ё уриш керак. Гуноҳ содир бўлса, дарҳол бу иллатга зарба бериш, иложи бўлса, яхшиси, уни томири билан суғуриб ташлаш лозим. Демак, мактабларда интизом илм ўргатишдан кўра ҳам (чунки ўқитиш усули яхши йўлга қўйилса, кишининг ақли илмдан ҳузур қилади, озиқланади) ахлоқ тарбияси бериш учун зарур.

Дарвоқе, қуйида, XXVI бобда интизом ҳақида гапирилади.

МАКТАБ ИНТИЗОМИ ҲАҚИДА.

Мактабларда интизом бўлиши зарур.

Интизом ўрнатиш учун урта талабга риоя қилиш лозим.

1. Интизом ўрнатишдан мақсад.

2. Қайси ҳолларда жазолаш керак. Ҳар ҳолда, ўқитиш масаласида эмас.

1. «Интизомсиз мактаб — сувсиз тегирмон» — деган чех халқ мақоли жуда тўғри. Оқиб турган сув келмай қолса, тегирмон шу зоҳотиёқ тўхтаб қолгани сингари, агар мактабда интизом бузилса, таълим-тарбия ишлари муқаррар издан чиқади. Утоқ қилинмаса, ёввойи ўтлар экинни босиб кетади. Агар дарахт бутаб турилмаса, ҳосил бермайдиган шохчалари кўпайиб, ёввойилашиб кетади. Лекин бу — мактабда болаларга ашқириш, уларни уриш, калтаклаш керак деган гап эмас; мактабда муаллимлар ҳам, ўқувчилар ҳам ҳушёр ва диққат-этиборли бўлиши керак. Ўқувчилар ҳақиқатан ҳам интизом туфайли, ўқиб билим ола олади.

2. Шундай қилиб, тарбиячи интизом ўрнатиш учун уни амалга ошириш йўллари ва турларини, шунингдек, қанақа, қачон, нима учун қаттиққўллик қилиш лозимлигини билиши зарур.

3. Кўпчиликнинг фикрига қўшилиб биз ҳам, аввало, интизомни тартиб бузувчиларга нисбатан қўлланиши керак, деб ҳисоблаймиз. Лекин бирор киши гуноҳ қилиб қўйгани учун эмас (чунки бўлган иш — бўлган), балки гуноҳкор келгусида бундай хатога йўл қўймаслиги учун интизомга бўйсундириш керак. Интизомни ўрнатаётган пайтда жаҳл, нафрат, ғазаб қилмаслик, балки табиий ва сидқидил бўлиш лозим, токи жазоланаётган киши жазо унинг фойдаси тариқасида берилаётганини, тарбиячининг оталарча ғамхўрлик қилаётганини англасин. Жазоланувчи жазони, доктор берган ачиқ дорини ичган сингари, қабул қилиши керак.

4. Ахлоқсизлик қилгани учун ўқув машғулоти чоғидагига қараганда қаттиқроқ жазо бериш керак. Ахир, ўқув иши тўғри ташкил этилса (юқорида айтиб ўтганимиздек), боланинг диққатини ихтиёрсиз равишда ўзига тортади, ҳаммада ўқишга қизиқиш ҳиссини уйғотади (кишилар ўртасида аҳён-аҳёнда учраб қоладиган бирорта ярамасдан ташқари). Мабодо айрим ҳолларда шундай бўлмаса, бунинг учун ўқувчи эмас, балки ўқитувчи айбдор. Агар боланинг онгини ўқишга

¹ XXIV, XXV бобларда христиан диний ахлоқи тарбиялаш йўллари баён этилган. Шунинг учун ҳам мазкур бобларни тушириб қолдиришни лозим топдик.

жалб этиш усуллари санъатини билмасак, куч ишлатишдан ҳеч бир фойда чиқмайди, албатта. Уриш, калтаклаш йўли билан илмга муҳаббат уйғотиб бўлмайди. Аксинча, бу — болани илмдан бездиради, нафратини келтиради. Шунинг учун ҳам боланинг гаши келаётгани, ўқишдан безигани сезилса, ўқувчига дўқ-пўписа қилмаслик, балки ширин сўз, хушмуомала билан унинг руҳини кўтариш лозим. Бу ҳикматнинг тўғрилигини осмондаги қуёшнинг ҳаракати исботлаб турибди. Эрта баҳорда ёш ва нозик ўсимликларга қуёш ўзининг ўткир нурларини бирдан таратмайди ва ўз алангаси билан уларни бирданига қуритиб, куйдириб юбормайди, балки секин-аста, ерни қизитиб, ўсимликларнинг ўсиши ва кучайишига ёрдам беради ва, ниҳоят, ўсимликлар ўсиб, бақувват бўлиб, уруғ ва мева бера оладиган бўлгач, қуёш ўзининг бутун тафтини ўсимликларга сочади. Боғбонлик санъати ҳам худди шунга ўхшайди. Боғбон ёш, нозик ниҳолларни авайлаб, асраб парвариш қилади, ёш ўсимликни арраламайди, қамчиламайди, ўриб ҳам олмайди, чунки ёш ўсимлик арра, қайчи, ўроқнинг зарбидан қуриб қолиши мумкин. Агар лира, цитра ёки арфа¹нинг торлари диссонанс ҳосил қилса (оҳанги бузилса), созанда асбобни деворга урмайди ёки асбобнинг торини таёқ билан узмайди, балки ўзининг бутун маҳоратини ишга солиб, торларда уйғунлик ҳосил бўлгунча, уларни созлайди. Худди шунингдек, биз ҳам агар ялқов болаларни — қайсар, бўшанг болаларни — мутлақо фаҳмсиз кишилар бўлиб етишишини истамасак, ақлнинг хусусиятларини ҳисобга олишимиз, идрок билан илмни уйғунлаштиришимиз лозим.

Ўқишга қандай қизиқтириш мумкин?

5. Мабодо қизиқтириш ва туртки бериш зарур бўлиб қолса, яхшиси бунга калтаклаш воситаси билан эмас, балки бошқа йўллар билан: баъзан ҳайфсан ва жамоат танбеҳи бериш, баъзан бошқаларни мақташ билан тезроқ эришиш мумкин. «Қара, палончи жуда диққат қилиб ўтиради, ҳаммасини тўғри тушуниб олибди. Сен эса эътиборсизлик қилибсан!». Баъзан ҳазил ишлатиб ҳам қизиқтириш мумкин: «Э, ландовур-а, шу осонгина нарсаниям тушунмаяпсиз! Бошқа бирор нарсани ўйлаб ўтирган бўлсангиз керак!». Шунингдек, илғорлик ёки биринчи ўринни эгаллаш учун ҳафталик ёки бир ойлик мусобақа ўтказиш ҳам мумкин. Шунинг эсдан чиқармаслик керакки, бу фақат ҳазил-мазахга ёки эрмакка айланиб, ўз аҳамиятини йўқотиб қўямасин, балки мақташ ҳам, танбеҳ бериш ҳам ҳамма вақт боланинг иштиёқини оширсин. Шунинг учун энг муҳими бу ишга ўқитувчи бевосита аралашсин, бу иш хўжа кўрсин учун эмас, балки жиддий равишда олиб борилсин, эътиборсизлиги учун берилган танбеҳдан бола хижолат тортсин, жуда тиришқоқ ўқувчини эса кўпчилик олдида мақташ керак.

¹ Лира, цитра, арфа — музыка асбобларининг номи.

Емон хулқ учун танбеҳ бериш керак.

6.1) Фақат ахлоқсизлик қилган кишиларгагина шафқатсизроқ ва қаттиқроқ жазо берилиши зарур, чунки: 2) ...қаттиқ итоатсизлик ва атайлаб ёвузлик қилганда, яъни муаллим ёки бирор бошлиқнинг измига эътиборсизлик билан қараса буюрилган ишни била туриб ва жўртгага бажармаса, 3) такаббурлик ва манманлик, шунингдек, бадхоҳлик ва ялқовлик қилиб, оқибатда кўмаклашишни илтижо қилган бирор ўртоғига ёрдам беришдан бош тортса.

Нега шундай?

7. Агар биров одамларга ва ўзига қарши бирор иш қилса — ноҳақлик қилган бўлади, бунинг қаттиқ ҳайфсан бериб тузатиш лозим; присцианга¹ қарши бирор айб қилиш — исноддир, бунинг танбеҳ бериш йўли билан тузатиш лозим. Қисқа қилиб айтганда, интизом ҳамма кишиларда, барча воситалар — доимий одат ва машқ билан... яқин кишиларга жонкуярлик, меҳнатда бардамлик ва турмушда тўғри келадиган вазифаларни ғайрат билан бажариш ҳиссини уйғотиш ва мустаҳкамлашга қаратилиши керак.

3. Интизомнинг осмондаги қуёшга тақлид қилиб олинган шакли.

8. Тартиб-интизомнинг энг яхши намунасини осмондаги қуёшдан ўрганиш мумкин, чунки у ўсадиган барча нарсаларга: 1) доимий равишда ёруғлик ва иссиқлик бериб туради, 2) тез-тез шамол ва ёмғир юборади, 3) онда-сонда, яшин ва момақалдиروқ беради, зеро яшин ва момақалдиرونинг ҳам фойдаси бор.

Буни қандай қўлланиш мумкин.

9. Мактабдор қуёшга тақлид қилиб, ёшларни одоб доирасидан четга чиқармасликка ҳаракат қилади. 1) Доимий намуна кўрсатиш йўли билан албатта мактабдорнинг ўзи ҳамма соҳада жонли намуна бўлиши лозим. Бусиз барча уринишлар беҳуда кетади.

2) Тушунтириш, панд-насиҳат ва баъзан танбеҳ бериш йўли билан. Лекин ўргатаётганда ҳам, эслатаётганда ҳам, буюраётганда ҳам танбеҳ бераётганда ҳам шунга астойдил интилиш лозимки, буларнинг барчаси оталарча ғамхўрлик, ҳаммани илмли қилиш, ҳеч кимни қатордан қуруқ қолдирмаслик учун қилинаётгани аниқ кўриниб турсин. Агар ўқувчи сизнинг яхшилик қилаётганингизни сезмаса ва бунга тўла ишонч ҳосил қилмаса, тартиб-қоидаларни ҳурмат қилмайди, интизомсизлик қилаверади.

3) Ниҳоят, мабодо кимнингдир характери шунчалик ярамас чиқиб, бу енгил чоралар таъсир этмаса, бошқа қаттиқ жазо тадбирларини қўлланиш керак ва бирор кишини тарбиялаш фойдасиз ва мумкин эмас, дейишдан олдин ҳамма тадбирларни ишга солиб кўриш зарур. Балки, баъзи бировлар учун «таёқ эшакни мулла қилади» деган мақсд ҳозир ҳам фойдали бўлар. Бундай

¹ Присцианга қарши айб деганда грамматика қоидалари ва умуман илмий-таълимий маънодаги хатолар назарда тутилади.

қаттиқ жазо, балки жазоланаётган кишининг ўзига фойда келтир-маса ҳам, ҳар ҳолда, бошқалар ундан ҳайиқади-ку.

Эҳтиёткорлик. Фақат фавқулдда ҳоллардагина қаттиқ жазолаш мумкин, чунки бу энг сўнгги чора — бўлар-бўлмасга, тез-тез қўлланаверилса, жазонинг ҳам бурди кетиб қолади.

Айтилганларнинг моҳияти. 10. Юкорида айтилган ва айтмоқчи бўлганларимизнинг моҳияти бир: ...Бошқача айтганда, ўқувчилар ҳамма вақт ўз тарбиячиларини севиш ва ҳурматлашни билсин ҳамда ўзларини керакли томонга бошлаб боришга рози бўлибгина қолмасдан, балки бунга ўзлари ҳам астойдил интилизсинлар. *Бундай кайфиятни биз айтиб ўтган воситалар: яхши намуна, ширин сўз, самимият ва очиқ қўнғиллик билан тарбиялаш мумкин...*

Тўғри келадиган таққослаш. 11. (Буни яна бир мисол билан тушунтира қоллайлик.) Қўли гул уста болгани бир марта уриш билан чиройли шакл ясаганини ким, қаерда кўрган? Ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳеч қаерда кўрмаган. Шаклни болга зарби билан эмас, балки қуйиб ясаш яхшироқ. Буюмнинг бирор жойи ортиқча ёки кераксиз бўлса, моҳир уста уни болга билан қаттиқ урмайди, балки болгача билан секин-секин уриб, ажратиб олади ё арралаб туширади, ёки омбур билан узиб ола қолади, бу ишларни у авайлаб бажаради ва, ниҳоят, ясалган буюмни ҳар доим пардозлайди, силлиқлайди... Биз бўлса худонинг тирик шаклу-шамойилини — онгли мавжудотни зўрма-зўраки шакллантириш мумкин деб юрибмиз!

Бошқа ўхшатиш. 12. Ахир, балиқчи ҳам суви чуқур жойдан катта тўр билан балиқ тутаетганида тўрнинг пастки четини сувнинг остигача тушириш учун унга кўрғошин боғласа, тўрнинг юқори чети сувга ботмаслиги учун унга энгил пўкак боғлаб қўяди. Худди шунингдек, ёшларда яхши фазилатларни тарбияламоқчи бўлган киши, бир томондан, албатта, қаттиққўллиги билан ёшларни ҳайиқтириши ва итоат эттира олиши керак, иккинчидан, меҳрибонлик билан уларни хурсанд қилиши ва муҳаббатини қозониши керак. Ана шундай аралаш кайфиятни уйғота олган санъаткор бахтлидир. Шундай тарбиячиси бўлган ёшлар бахтли ёшлардир.

13. Буюк донишманд, теология доктори Эйльгард Любиннинг фикри ҳам шунга тааллуқли. У, грек, лотин ва немис тилларида нашр этилган «Янги Васият» (Новый Завет) асарининг кириш қисмида мактаб ишини яхшилаш ҳақида фикр юритиб, қуйидагиларни айтган эди:

«...Иккинчидан, — ёшларнинг савиясига мослаб ўргатиладиган нарсаларнинг барчаси улардан ўз хоҳишига қарши ва мажбуран бажармаслигини, балки, аксинча, иложли борица ҳамма нарсани ихтиёрий равишда, завқланиб мустақил бажаришни талаб этиши лозим. Шунга кўра, биз чивик ва уриш, яъни эркин кишиларга мутлақо тўғри келмайдиган бу қўлчилик воситалари

мактабларда қўлланилмаслигини ва улар мактаблардан мутлақо четлаштирилишини қатъий талаб этамиз. Чивик ва уриш фақат маҳбустларга ва ярамас ёвуз кишиларга нисбатан қўлланилиши керак. Бундайлар ўзининг хулқи билан мактабда дарҳол билиниб қолади ва кўпинча ёвуз характериға мос келадиган фаҳмсизлиги, қобилиятсизлиги учунгина эмас, шу билан бирга кўп ҳолларда табиатиға сингиб кетган бузуқчилиги учун тезда мактабдан четлатилиши лозим. Мабодо уларға илм ва санъат ҳам ўргатилса, унда илм ва санъат вайронгарчилик қуролиға айланади, улар бу қилич билан ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам қириб ташлайди. Аммо жазонинг бошқа турлари ҳам борки, уни эркин ва аслзода ёшларға нисбатан қўллаш керак.»

XXVII боб

МАКТАБЛАРНИ УҚУВЧИЛАРНИНГ ЕШИ ВА САВИЯСИГА МОСЛАБ ТУРТ БОСҚИЧЛИ ҚИЛИБ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА.

**Болаларимиз
халқнинг доноли-
гидан ибрат олиши
керак.**

1. Хунарманд шогирдиға ўз касбини ўргатиш учун маълум муддат белгилайди (икки йил, уч йил ва ҳоказо, муддатнинг қисқа-узоқлиги касбнинг оддий-мураккаблигига боғлиқ бўлади). Шогирд касб-хунарни белгиланган шу муддатда ўрганиб олиши зарур. Ҳар бир шогирд шу касб соҳасида устаға ёрдамчи бўлиб ишлай бошлайди ва бир оз вақт ўтгач, уста бўлиб олади. Мактабда ёшларға илм ўргатиш соҳасида ҳам шу тартибға риоя қилиш лозим: санъат, илм ва тилларни ўргатиш учун ҳам маълум муддат белгилаш керак; *белгиланган муддат (бир неча йил) да бола илмларни ўрганиб, мактабни битирсин, бу ердан у маълумотли, ахлоқли... бўлиб чиқсин.*

**Тўлиқ маълумот
олиш учун киши-
нинг бутун ёшлик
даври (24 ёшгача)
талаб этилади.**

2. Илмларни эгаллаш, руҳий лаёқатларни ўстириш учун инсоннинг бутун ёшлик даври, яъни туғилгандан вояға етгунча, чунончи, 24 ёшгача бўлган давр талаб этилади (чунки бу даврда инсон бирорта санъатни ўрганиш билангина чекланмайди, балки эркин санъатларнинг барчасини, фанларни ва бир неча тилларни билиб олиши зарур), бу 24 йил табиат тақозосига биноан бир неча даврларға бўлинади. Ахир, тажриба кўрсатиб турганидек, инсон танаси тахминан 25 ёшгача ўсади, холос, сўнгра эса бақувват бўла бошлайди. Бу секин ўсишнинг сабаби (чунки ёввойи ҳайвонлар, гавдаси ҳар қанча катта бўлса ҳам, атиги бир неча ойлар мобайнида ёки кўпи билан бир-икки йилда ўсиб камолотға эришади), инсон келгусидаги ҳаётға яхшироқ тайёрланишини назарда тутиб... кўпроқ вақт ажратилганлигида деб тушунмоқ керак.

Ешлик йилларини тўрт даврга бўлиш зарур.

3. Шундай қилиб, инсон танасининг ўсиш йилларини биз маълум тўрт даврга бўламиз: *ғўдаклик, болалик, ўсмирлик, етуклик*. Ҳар бир давр олти йилни ўз ичига олади ва шунга мос келадиган мактаб бўлиши лозим, чунончи:

- | | |
|------------------------|---|
| 1. Ғўдаклик даври учун | она мактаби. |
| 2. Болалик даври учун | бошланғич мактаб ёки она тили халқ мактаби. |
| 3. Ўсмирлик даври учун | латин мактаби, ёки гимназия, |
| 4. Етуклик даври учун | академия ва саёҳат бўлмоғи лозим. |

Чунончи, она мактаби ҳар бир оилада бўлиши; она тили халқ мактаби — ҳар бир жамоада, ҳар бир қишлоқда ва аҳоли яшайдиган ҳар бир жойда бўлиши; гимназия — ҳар бир шаҳарда; академия — ҳар бир давлатда ёки ҳатто каттароқ ҳар бир вилоятда бўлиши зарур.

Таълимнинг мазмуни ва вазифаси материалга қараб эмас, балки формаси билан фарқ қилиши лозим.

4. Бу мактаблар тузилиш жиҳатидан бир-биридан фарқ қилса ҳам, лекин уларнинг ҳаммасида айни бир хил материал ўқитилишини, фақат ўргатиш усули турлича бўлишини истаймиз, яъни ёшларни ҳақиқий инсон қилиб: христианларни — ҳақиқий христиан, донишмандларни — ҳақиқий донишманд қилиб етиштирадиган материал ўргатилиши зарур, фақат у боланинг ёши ва тайёргарлик даражасига мос равишда мураккаблаша борсин. Биз тавсия этаётган табиий метод қонунларига биноан, яъни дарахт бир жойда юз йил турганда ҳам унинг ҳамма қисмлари бу йил ҳам, келаси йил ҳам барабар ўсиб, етила боргани сингари, ўқитиладиган фанларнинг бирини иккинчисидан ажратмаслик, балки ҳамма фанларни биргаликда ўргата бериш зарур.

Бажариладиган машқларнинг турига қараб, мактабларни бир-биридан ажратиш:

1. Чунки бу мактабда — бундай, унисда — ундай ўқитилади.

2. Чунки мазкур мактабда бир нарсага кўпроқ эътибор берилса, бошқасида у нарсага кўпроқ эътибор берилади.

5. Лекин, мактаблар орасидаги фарқ уч хилдан иборат бўлади. Биринчидан дастлабки икки мактабда ҳамма нарса умумий ва элементар тарзда, кейингиларида эса — батафсил ва мукамал ўргатилади. Зеро дарахт ҳам йиллар ошган сайин кўпроқ илдиз ва новдалар чиқаради, етилгандан сўнг эса кўпроқ ҳосил беради.

6. Иккинчидан, биринчи, она мактабда боланинг ташқи сезгиларини ўстиришга кўпроқ эътибор берилади, чунки бола ўз атрофидаги нарсаларни билиб, улар билан тўғри муомала қилишни ўрганиши лозим; она тили мактабида ички сезгилар, ҳаёл ва хотирани ўстиришга кўпроқ эътибор берилади, ўқиш, ёзиш, расм солиш, ашула айтиш, ҳисоблаш, узунлик ва

оғирлик ўлчовлари кабиларни бажариш йўли билан қўл ва нўтқ машқлари кўпроқ ўтказилади; гимназияда нима? нима учун? каби саволлар ёрдамида ўрганиладиган диалектика, грамматика ва ерал фанлар ҳамда санъатлар воситасида сезиб, билиб олинган нарсалар ҳақидаги тушунча ва фикрлар ўстирилади. Ниҳоят, академияда иродага оид хислатларни, чунончи, кишида гармонияни сақлашга ёрдам берадиган қобилиятларни ўстиришга кўпроқ эътибор берилади. Инсоннинг руҳига доир бундай хислатларни илоҳиёт ўргатади, ақлга доирларини — фалсафа, тананинг яшаш функцияларига доирларини — медицина, осойишталик ва тартиб-интизомга доирларини юриспруденция ўргатади.

Бундай изчилликнинг асоси.

7. Бу ақлни тезроқ ўстиришнинг тўғри усулидир. Аввало ташқи сезгилар воситаси билан нарсаларнинг ўзлари билиб олинади, чунки нарсалар бевосита сезгиларга таъсир этади. Сўнгра, ўз навбатида, ички сезгилар ҳаракатга келиб, ташқи сезгилар ёрдамида билиб олинган нарсаларнинг инъикосини ўзида акс эттиради. Мужассамлаштиради ва хотира ёрдамида, шунингдек, қўл ҳаракатлари ва нутқ ёрдамида ифодалайди. Шундан сўнг ақл ишга киришади ва батафсил фикр юритиб, ҳамма буюмларнинг ўзаро муносабатларини пухта ўрганиш учун уларнинг барчасини ўлчаб, таққослаб кўради; бу эса, нарсаларни ва улар ҳақидаги фикрларни тўғри тушуниб олишга имкон беради. Ниҳоят, буларнинг барчасида ирода ўзининг қонуний кучини кўрсатиши лозим, чунки ирода инсоннинг барча ҳаракатларини бирлаштиради ва бошқаради. Шунинг учун ҳам нарсаларни тушуниб олишдан олдин иродани (шунинг сингари ҳаёдан олдин билиш қобилиятини ва сезги-идрокдан олдин ҳаёлни) ўстираман деб уринилса, меҳнат бекорга кетади. Лекин сезиб олинадиган реал нарсаларни (оламни) билишдан олдин, болаларга мантиқ илми, шеърят назарияси, нотиқлик санъати, ахлоқни ўргатаман деган киши худди шундай қилган бўларди. Бундайлар мадорсиз оёқчалари қалтираб зўрға юра оладиган икки ёшлик ғўдакка рақс ўргатмоқчи бўлган одамга ўхшайдилар. Биз ҳар бир ишда табиатга тақлид қиламиз ва табиий ҳодисаларда изчиллик мавжуд бўлганидек, биз ақлий қобилиятларни ривожлантиришда ҳам изчилликка амал қилишимиз зарур.

3. Айрим болалар бу мактабда ўқиса, айримлари бошқасида таълим олади.

8. Учинчи фарқ шундан иборатки, қуйи мактабларда — она мактаби ва бошланғич мактабда ўғил ва қиз болаларнинг барчаси таълим олади; латинча мактаб (гимназия) да кўпинча ҳунармандликдан кўра юқорироқ мартабага интилган ёшлар таълим олади, академияни эса олимлик ва бошқаларга бошчилик қила оладиган кишилар битириб чиқади, шундай қилинса, черков, мактаб ва ижтимоий муассасаларга раҳбар танлашда танқисликка асло ўрин қолмайди.

Мактабларнинг бу тўрт тури:
1. Йилнинг тўрт фаслига мос келади.

Гимназия далалар, боғ ва токзорлардаги мўл ҳосилни йиғиб, уни ақл хазинасига жойлаётган куз фаслини эслатади. Ниҳоят, академия — йиғилган ҳосилни умр бўйи сарфлашга мўлжаллаб тақсимлаётган қишдир.

2. Дарахтларнинг ўсишидаги тўрт босқичга ўхшайди.

10. Шунингдек, ёшларга астойдил тарбия беришнинг бу методи боғдорчилик санъати билан таққослаш мумкин. Ота-онаси ва онагаларининг ҳамхўрлиги тусайли яхши тарбия олган олти яшар гўдакларни эътибор билан ўтқазилган, яхшигина илдиз отиб, новдачалар чиқараётган ёш дарахтга ўхшатиш мумкин. Ун икки яшар болалар новдалари кўпайиб, ғунчалар чиқараётган дарахтга ўхшайди, бу ғунчалар ҳосилга айланадими, йўқми, албатта, ҳозирча аниқ эмас, лекин орадан кўп вақт ўтмай бу нарсa маълум бўлиб қолади. Тиллар ва санъатларни ўрганиб олган ўн саккиз ёшли ўсмирлар ҳамма жойи оппоқ гулларга бурканиб, кўзни қувонтирадиган, ёқимли ҳиди димоққа урилаётган, мўл ҳосил бериши кўриниб турган дарахтга ўхшайди. Ниҳоят, академияда ўқиб, фанларни тўла эгаллаб олган йигирма тўрт ёки йигирма беш ёшли йигитлар ҳосили мўл, меваси пишиб етилган, уни турли эҳтиёжлар учун йиғиб-териблиш мумкин бўлган дарахтга ўхшайди.

Лекин буни батафсилроқ баён этишимиз керак.

XXVIII боб

ОНА МАҚТАБИ ОЧЕРКИ (ҒОЯСИ).

Аввало, муҳим нарсаларнинг барчасини билиб олиш зарур.

1. Дарахт ниҳоллик пайтидаёқ танасидаги барча новдалари ўсиб чиқади, кейинчалик бу новдалар улғайиб, шох ва бутоқларга айланади. Демак, худди шунинг сингари, инсоннинг фойдаси учун бутун умр давомида унга нима-ники ўргатмоқчи бўлсак, шуларнинг барчасини она мактабидаёқ ўргата бошлаш керак. Ўрганиш лозим бўлган нарсаларнинг барчасини юзаки бўлса ҳам бир кўздан кечирсак, бу фикрни рўёбга чиқариш мумкинлиги аниқ бўлади. Буни қисқароқ қилиб, қуйидаги йигирмата асосий бўлимда баён этамиз.

Ўқиб олиш лозим бўлган билимлар рўйхати.

I.

2. Бу ерда болалар дастлаб *метафизикани* умумий тарзда билиб оладилар, чунки болалар аввало нарсаларни умумий ва ноаниқ тарзда идрок этади, кўрган, эшитган, еб кўрган, сеза-

ётган нарсаларнинг барчаси мавжуд эканини пайқаб олади-ю, лекин жумладан улар нима эканлигини фарқлай олмайди ва буни фақат кейинчалик, секин-аста тушуна бошлайди. Демак, болалар шу даврдаёқ: нимадир, ҳеч нарсa, бор, йўқ, шундай, бундай эмас, қаерда, қачон, ўхшайди, ўхшамайди каби умумий терминларни тушуна бошлайди, бу эса, умуман олганда, метафизиканинг асосини ташкил этади.

II

3. *Табиатшунослик (физика)* соҳасида олти ёшгача бўлган болалар сув, ер, ҳаво, олов, ёмғир, қор, муз, тош, темир, дарахт, ўт, қуш, балиқ, ҳўкиз кабиларнинг нималигини билиб олиши мумкин. Шунингдек у, ҳеч бўлма-са ўз танасидаги ташқи аъзоларнинг номини ва ишлатилишини билиши керак. Олти ёшгача бўлган даврда буларни билиб олиш қийин эмас ва бу табиатшуносликнинг асосини ташкил этади.

III.

4. Бола ёруғлик ва қоронғиликнинг фарқини ва номини, шунингдек, соя ва оқ, қора, қизил каби турли рангларнинг фарқини билиб олади, булар оптикага доир билимларнинг негизини ташкил этади.

IV.

5. Осмон, қуёш, ой, юлдузлар нималигини билиб олиш ва улар ҳар кун чиқиши ва ботишини пайқаш *астрономияга* доир билимларнинг бошланғичидир.

V.

6. Бола ўзи яшаётган ва тарбия олаётган жойнинг хусусиятига мувофиқ, тоғ, водий, дала, дарё, қишлоқ, шаҳар, қалъа нималигини билиб олади, бу — *географияга* доир билимлардир.

VI.

7. Соат, кун, ҳафта, йилнинг номини, шунингдек, баҳор, ёз, куз, қиш ва кеча, ўтган кун, эрта, эртадан сўнг кабиларни бола тушуна борса, демак, унда *хронология* асослари таркиб топа бошлайди.

VII.

8. Бола яқинда бўлиб ўтган воқеани, маълум бир одам бирор ишни қандай бажарганини эсда сақлаб, жуда содда тарзда бўлса ҳам гапириб бериши *тарихни* ўргана бошлашидир.

VIII.

9. Бола оз, кўп сўзларини тушунади, камида ўнгача санай оладиган бўлади, уч — иккидан кўплигини, уч битта орттирилса, тўрт бўлишини тушунади ва ҳоказо. Булар *арифметикага* доир билимларнинг асосидир.

IX.

10. Бола нутқдаги катта ва кичик, узун ва қисқа, кенг ва тор, йўғон ва ингичка сўзларини, шунингдек чизиқ, крест ишораси, доира кабиларни тушунса ва маълум бир нарсалар қарич, қулоч, саржин билан ўлчанишини кўрса, *геометрия* элементлари билан танишган ҳисобланади.

X.

11. Бола нарсаларнинг тарозида ўлчанишини кузатса ва қўлида бирор нарсани кўтариб кўриб, оғир ёки енгиллигини аниқласа, *статика*¹нинг асосларини ўргана бошлаган ҳисобланади.

¹ *Статика* — назарий механиканинг жисмлар мувозанати ҳақидаги бўлими.

XI. 12. *Механик санъат (меҳнат)* соҳасида дастлабки тажриба ҳосил қилиш учун боланинг бирор ишни бажаришига рухсат этибгина қолмасдан, балки ҳамма вақт унга ниманидир бажаришни ўргатиб ҳам бориш лозим. Масалан, нарсаларни уёқ-буёққа кўчириш, уларни тартибга келтириш, бирор нарсани қуриш ва бузиш, бирлаштириш ва ҳоказо. Кичкинтойлар бундай ишларни завқ билан бажардилар. Чунки болада нарсаларни сунъий равишда қайта қуришга интилиш иштиёқи табиатан мавжуд, шундай экан, боланинг бундай ишларни бажаришига тўсқинлик қилмаслик, балки, аксинча, уни қўллаб-қувватлаш ва унга оқилона кўмаклашиш зарур.

XII. 13. Бу даврда бола *диалектик санъат* соҳасида ҳам билим ҳосил қила бошлайди. У катталар савол-жавоб йўли билан гаплашаётганини кузатади, шунингдек, ўзи ҳам нималарнидир сўраш ва саволларга жавоб беришни билиб олади. Фақат тўғри келадиган саволлар беришни ҳамда саволларга тўғри жавоб беришни болага ўргатиш лозим, токи болалар маълум тема соҳасида фикр юритишга, темадан четга чиқмасликка одатлансин.

XIII. 14. Она тилида тўғри гапириш, яъни ҳарф, бўғин ва сўзларни аниқ талаффуз қилиш натижасида бола *грамматиканинг* асосларини ўзлаштира бошлайди.

XIV. 15. Бола оиладаги кишиларга тақлид қилиб, улар нутқида учрайдиган образли сўз ва ибораларни ўрганиб олса, демак, у *нотиқлик санъати* (риторика) асосларини эгаллаб олади. Бунда энг муҳими, талаффуз нутқнинг характериға мос бўлиши керак, чунончи, сўроқ маъносида ишлатиладиган сўзнинг охириги бўғини чўзиброқ талаффуз этилиши, жавоб бераётганда овозни пасайтириш лозим. Бу, табиатнинг тақозосидир. Бола талаффузда бирор хато қилса, катталар ўз вақтида кўмаклашиб, уни тузатишлари қийин эмас.

XV. 16. Болалар *поэзия* билан ҳам танишадилар, бунинг учун она тилида ёзилган, кўпинча ахлоқ-одоб темасидаги, ритми ёки вазни кичик-кичик шеърларни иложи борица кўпроқ ёдлатиш лозим.

XVI. 17. Кичкинтойлар *музикани* ҳам ўргана бошлайди, бунинг учун (маросимларда айтиладиган қўшиқлардан) баъзи бир осонроқларини болага ўргатиш керак.

XVII. 18. *Ҳўжаликка* доир дастлабки тушунчалар ҳам ҳосил қилинади, бунинг учун бола оиладаги кишиларнинг номларини, отаси, онаси, энагаси, хизматкор ва бошқалар кимлигини, шунингдек, уйдаги хоналар: даҳлиз, ошхона, ётоқхона, молхона номларини ва стол, идиш, пичоқ, чўтка каби уй анжомларининг номларини эсда сақлайди ва ишлатилишини билиб олади.

XVIII. 19. *Сиёсатга* доир билимлар камроқ ўргатилади, чунки кичик ёшдаги болалар уйда кўрганларидан ташқари нарсаларни тасаввур эта олмайдилар. Шунга қарамай, сиёсат билан ҳам таништириш мумкин, бунинг учун болалар шаҳарнинг баъзи граждандари думага тўпланишлари ва кенгаш аъзоси деб аталишини, улардан кимдир бирови шаҳар бошлиғи, бошқа бирови — шаҳар судьяси, учинчиси — натариус ва ҳоказолар деб аталишини англаб олиши лозим.

XIX. 20. Бола яхши тарбия олиб, фазилатлар унинг қалбида чуқур жойлашсин десак, бу даврда ахлоқ (этика) ҳақидаги таълимот асосларини айниқса пухтароқ ўргатишга алоҳида эътибор бериш керак.

Масалан:

1) *Мўътадиллик* — ейишда ҳам, ичишда ҳам меъёрига риоя қилиш, очлик ва ташналикни қондириш учун заруридан ортиқча истеъмоқ қилмасликдан иборат.

2) Овқат еганда ҳам, кийинишда ҳам *тозаликка* риоя қилиш, қўғирчоқ ва бошқа ўйинчоқларни авайлаб ишлатиш.

3) Катталарни тегишлича ҳурмат қилиш.

4) Буйруқ ва таъқиқлашларга ҳамма вақт тез ва сидқидилдан итоат этиш.

5) Ҳамиша *тўғри сўзлаш*, ҳеч қачон: на ҳазиллашиб, на жиддий ёлғон сўзлашга ёки алдашга йўл қўймаслик керак (чунки ўринсиз ҳазил оқибатда ёмон одатга айланиши мумкин).

6) *Адолатли* бўлиш учун бола бировнинг ҳеч нарсасини ўзиники қилиб олмаслиги, эгасининг розилигисиз бирор нарсани олиб ҳам кетмаслиги, яшириб ҳам, ушлаб ҳам қолмаслиги, ҳеч кимга, ҳеч қачон ёмонлик қилмаслиги, ҳеч насага суқланиб қарамаслиги лозим.

7) Болаларни кичик ёшданоқ бошқаларни *севишга* иложи борица ўргатиш лозим, токи бирор киши муҳтожликдан ёрдам сўраган пайтда, бола ундан ўз нарсасини аямайдиган бўлиши; ҳатто фақат сўраган пайтда эмас, балки ўз хоҳиши билан ҳам ёрдам беришга тайёр туриши лозим...

8) Жиддий ишми ёки ўйин бўлишидан қатъи назар, кичик ёшдаги болаларни *доимо меҳнат қилишга, бирор иш билан доимий шугулланишга* ўргатиш керак, уларни асло бекор қолдирмаслик лозим.

9) Бола ҳар доим маҳмадоналик қилишга, оғзига келган ҳар бир сўзни вайсайверишга одатланмасин, балки зарур пайтда: бошқалар гапираётганда, катта ёшдаги ҳурматли кишилар олдида, ишнинг ўзи жимликни талаб этадиган пайтларда *ўзини тутиб жим тура билиши зарур*.

10) Айниқса бу ёшдаги болаларни *чидамлиликка* ўргатиш керак, бу фазилат бутун умр бўйи зарур бўлади, бола ўзини тута билишга, ғайрати келиб қолгани учун эмас, балки ақл билан ўйлаб ҳаракат қилишга ўргансин; болада эҳтирос кучайиб кетмасдан туриб у ўз жаҳлини боса оладиган бўлиши маъқул.

11) *Илтифотлилик ва бошқаларнинг хизматига тайёр туриш* ёшликда ва умр бўйи керак бўладиган энг яхши хислатдир. Кичик ёшдаги болаларда шунинг учун ҳам, бу фазилатни ўстириш лозим, токи бошқа кишиларга бирор ишда кўмаклашиш имкони туғилса, бола ўша ерда ҳозир бўлсин.

12) *Хушмуомалалик* ҳам шунга тааллуқлидир, бола ўринсиз ва ўйламай бирор иш қилмасин, балки ҳамма вақт камтарликка риоя қилсин. Одамлар билан муомала қилиш тарзлари, саломлашиш, алик олиш, бирор нарсага муҳтож бўлганда камтарона илтимос қилиш, берган ёрдами учун одоб юзасидан эгилиб ва қўлини ўпиб миннатдорлик билдириш кабилар шулар жумласидандир...

Бундан кўра батафсилроқ тўхталмасликнинг сабаби.

23. Она мактабининг мақсади ва вазифаси шулардан иборат. Бу масалаларни она тили ва латин мактабидаги сингари батафсил баён этиш ёки йил, ой давомида ва ҳар куни нима-ни ва қанча бажаришни жадваллар билан кўрсатиш мумкин эмаслигининг иккита сабаби бор. Биринчидан, ота-оналар уй ишлари билан овора бўлиб, тартиб-қоидаларни жамоат мактабидаги сингари аниқ бажара олмайдилар... Иккинчидан, болаларнинг ақлий қобилияти ва ўқишга бўлган иштиёқи турли-тумандир, яъни илмга интилиш баъзиларида эртароқ, баъзиларида кечроқ намоён бўлади. Икки яшар болаларнинг баъзилари яхшигина гапира олади ва ҳамма нарсани тез идрок этади, баъзилари эса буни беш ёшга кирганда ҳам зўрға бажаради, яхшиси бу даврда таълим бериш масаласини ота-оналар ўзлари ўйлаб ҳал этсинлар.

Лекин иккита ажойиб қўлланма ҳам бор: 1. Она мактаби учун дарслик.

24. Лекин бу масалада икки воситани ишга солиш фойдали бўлур эди. *Биринчидан, ота-оналар ва муаллимлар учун қўлланма* ёзиш зарур, чунки бу қўлланма уларнинг ўз вазифаларини яхши тушуниб олишларига имкон беради. Бу қўлланмада болаларга нималарни ўргатиш лозимлиги, бу муҳим ишни қачон бошлаш, уни қайси йўллар билан, қандай сўз бирикмалари ва ҳаракатлар билан тушунтириш мумкинлиги батафсил баён этилиши керак. Бундай китоб («Она мактаби учун қўлланма») ёзишни биз ўз зиммамизга оламиз.

2. Сезгиларга таъсир этадиган восита.

25. Она мактабида машқ қилиш учун *суратлик китобча* яратилса, у болалар учун яхши қўлланма бўлур эди. Чунки бу даврда ташқи буюмларни идрок этиш учун сезгиларни кўпроқ ўстириш зарур. Сезгилар орасида кўриш сезгиси алоҳида ўрин тутаети, шунинг учун ҳам бу қўлланмада физика, оптика, астрономия, геометрия ва бошқа фанларга доир асосий нарсаларнинг суратлари, ҳеч бўлмаса биз юқорида кўрсатган тартибда берилса, тўғри бўлур эди. Қўлланмага: тоғ, водий, дарахт, қуш, балиқ, от, ҳўкиз, қўй, кекса ва ёш, катта ва кичик одамларнинг сурати; сўнгра — ёруғлик ва қоронғилик, қуёш чиқиб турган ва булутли,

шунингдек, ой ва юлдузлар чарақлаб турган осмон сурати; асосий рангларнинг сурати; ундан сўнг уй анжомлари ва касбга оид асбоблар: хурмача, лаган, кружка, болға, омбур кабиларнинг суратлари; кейин мансабдор ва хизматкор кишиларнинг тасвири, масалан, тож кийиб тахтда ўлтирган подшо, шунингдек, қурол тақиб олган сарбоз, қўш ҳайдаётган деҳқон, юк ортиб кетаётган аравакаш, йўлда бораётган хат ташувчи кабиларнинг тасвири киритилиши мумкин. Ҳар бир суратнинг остига, албатта, нарсанинг номи ёзиб қўйилиши лозим, масалан: от, ҳўкиз, кучук, дарахт ва ҳоказо.

Бундай китобнинг аҳамияти.

26. Бу китобнинг учта аҳамияти бор: 1) Юқорида айтганимиздек, нарса ҳақидаги таассуротни кучайтиради. 2) Ўқишни осонроқ ўргатиш учун ҳар қандай китобга ҳам боланинг қизиқишини оширади. 3) Ҳар бир суратнинг остига нарсанинг номи ёзиб қўйилгани учун шунга қараб ҳарфларни ўргатавериш мумкин.

XXIX боб

ОНА ТИЛИ МАКТАБИ ҲОЯСИ.

Бола латинча мактабда ўқишдан аввал она тили мактабида ўқиши керак.

1. Биз IX бобда ўғил ва қиз болаларнинг ҳаммасини жамоат мактабида ўқитиш зарурлигини айтиб ўтган эдик. Энди унга қўшимча қилиб, аввало болаларнинг ҳаммасини она тили мактабида ўқитиш керак, деймиз. Бу фикрга қарши эътироз билдирувчилар бор.

Цеппер «Черков давлати» номли биринчи китобининг 7-бобида ва Альштед «Мактаб ҳақида мулоҳазалар»ининг 6-бобида она тили мактабига келгусида ҳунармандлик билан шуғулланадиган ўғил ва қиз болаларнигина юбориш керак, ота-онасининг фикрича, юқори маълумот олиши лозим бўлган ўғил болаларни эса она тили мактабига эмас, балки тўппа-тўғри латин мактабига юбориш зарур, деб ҳисоблайди. Альштед яна бундай дейди: «Майли, бу фикрга қўшилмаганлар қўшилмай қўя қолсин. Мен тузукроқ маълумот олишини истаган кишиларимга шу йўлдан боришни, шу йўл билан билим олишни тавсия этаман». Лекин бизнинг дидактикага доир мулоҳазаларимиз бу фикрни рад этади.

I.

2. Чунончи: 1) *Биз умумий таълимни амалга оширишни, инсон бўлиб туғилганларнинг барчасини одам бўлиши учун маълумот олишини истаймиз.* Демак, ҳаммани иложи борида бир йўлдан бошлаб бормоқ лозим, шундай қилинса, ёшлар бири иккинчисидан руҳланади, ўрناق олади, бири иккинчисига кўмаклашади.

II.

2). *Биз ҳамма кишиларда барча фазилатларни ўстиришни, чунончи: камтарлик, иноқлик, ишда ўзаро ёрдам беришга тайёрлик хислатларини тарбиялаш-*

ни истаймиз. Шунинг учун ҳам болаларни бунчалик эрта биридан ажратмаслик ва баъзиларининг кеккайиб кетиши, бошқалардан ҳазар қилишига ишора бермаслик керак.

III

3) Кимнинг келажакда нимага, олимпикками ёки ҳунармандликками қодир эканлигини олти ёшда ҳал этиш — жудо барвақт бўлса керак; бу ёшда ҳали боланинг ақлий қобилияти ва нимага мойиллиги етарлича намоён бўлмайди; бу хислатлар кейинчалик аниқроқ билинади. Экин ичида кўкарган бегона ўтларни жуда кичик пайтида юлиб ташлаб бўлмайди, балки ўсиб, каттароқ бўлгач, ўтоқ қилиб чиқилади. Ахир, латинча мактаб фақат бадавлат, атоқли ёки мансабдор кишиларнинг болалари учунгина очилмайди, чунки фақат уларгина юқори мартаба учун туғилмаган ва бошқа болаларни ноумид қилиб, бу мактабдан четлаштирмаслик керак. Шамол истаган жойида хоҳлаган томонига қараб эсаверади.

IV.

3. 4) Тўртинчи асос шуки, биз таклиф этаётган умумий метод ўта севимли нимфани¹, яъни фақат латин тилинигина назарда тутиб қолмасдан, балки, худди шунингдек, барча халқларнинг она тилларини ҳам ривожлантириш йўллари тизлайди, зеро ҳар бир инсон ҳамма вақт худойи тоолони мадҳ этсин. Ўзбошимчалик билан она тили мактабини четлаб ўтиб, бу яхши ниятни барбод қилмаслик керак.

V.

4. 5) Бирор кишига она тилисини билиб олишдан олдин чет тилини ўргатаман дейиш — болани юришига ўргатишдан аввал уни чопишига ўргатаман дейиш билан баробар. Яхшиси, XVI бобнинг IV асосида кўрсатилганидек, кетма-кет ўргатиш лозим. Цицерон айтганидек, гапира олмайдиган одамни нутқ сўзлашга ўргатиб бўлмайди, худди шунинг сингари, она тилисини билмайдиган кишига чет тилини ўргатиш ҳам мумкин бўлмайди, чунки она тили чет тилини ўрганишда етакчилик ролини бажаради.

VI.

5. 6) Ниҳоят, биз болаларга реал билимларни ўргатишимиз лозим, албатта ўқувчилар ташқи оламга (атроф-теварақдаги нарсаларга) доир билимларни нарсаларнинг номи кўрсатилиб, она тилида ёзилган китоблар ёрдамида осонроқ тушуниб оладилар. Шундан сўнг улар латин тилини ўрганишлари осонлашади, чунки ўқувчилар ўзларига таниш бўлган нарсаларнинг чет тилидаги номинигина эсда қолдиради, бунда изчилликка риоя қилиниб, нарсаларнинг ўзи ҳақидаги билимга улар ўртасидаги сабабли боғланишларга доир билим қўшилади, холос.

Она тили мактабининг доираси ва мақсади.

6. Демак, мактабларни тўрт босқичга бўлиш ҳақидаги мулоҳазани назарда тутиб, она тили мактабини биз қуйидагича бўлишини таклиф этамиз: бу мактабнинг доираси ва мақсади

¹ Нимфа — қадимги греклар мифологиясида табиатнинг турли-туман кучларини ифода қилган иккинчи даражадаги худо.

шундан иборатки, олти ёшдан ўн икки (ёки ўн уч) ёшгача бўлган ҳамма болалар бутун умр бўйи зарур бўладиган барча нарсаларни ўрганиб олсинлар. Чунончи:

I. Барча қўл ёзма ва босма ёзувларни она тилида бемалол ўқий олиш.

II. Она тили грамматикаси қоидаларига биноан, аввал чиройли қилиб, сўнгга тез ва ниҳоят хатосиз ёзиш, буларни ўқувчиларга оддийгина қилиб тушунтириш ва уни ўзлаштириб олишга ёрдам берадиган машқлар танлаш лозим.

III. Заруратга қараб, рақамлар ёрдамида ва чўтда ҳисоблашни билиш.

IV. Ҳамма нарсани турли усуллар билан: бўйи, эни, масофаси кабиларни тўғри ўлчаш.

V. Ишлатиладиган барча куйларни айтиш, қобилияти кучлироқ болаларга бадий музыка асосларини ҳам ўргатиш лозим.

VIII. Ўқувчилар қоидаларда ифодаланиб, боланинг ёшига мос мисоллар билан баён этилган ахлоқ ҳақидаги таълимотни ёдлаб олишлари, уни тушунишлари ва амалда қўлланишга интилишлари керак.

IX. Сиёсий ва иқтисодий аҳвол ҳақида болалар уйда ва шаҳарда ҳар кун уларнинг кўз олдида содир бўлаётган ҳодисаларни тушуниш учун зарур бўладиган даражада билишлари лозим.

XI. Бундан ташқари, космография асосларини: осмоннинг юмалоқ шаклда эканлигини, ўртада осилиб турган ернинг шарсимонлигини, ернинг атрофини океан ўраб турганлигини, денгиз ва дарёларнинг эгри-бугрилигини, каттароқ қитъаларни, Европада жойлашган, асосий давлатларни билишлари; ўқувчилар айниқса ўз ватанларидаги шаҳарлар, тоғлар, дарёлар ва бошқа барча диққатга сазовор нарсаларни билиб, ўрганиб чиқишлари зарур.

XII. Ниҳоят, ўқувчилар барча оммавий касбларнинг йўл-йўригини билишлари керак, бу — қисман, хўжалик ишлари масаласида ўқувсиз бўлиб қолмаслик учун, қисман ҳатто келгусида бирор соҳада табиий қобилияти кучли эканлигини осонроқ аниқлаш учун зарур.

Бунчалик катта мақсадлар қўйишнинг сабаби.

7. Она тили мактабида шу айтилганларнинг барчаси кўнгилдагидек бажарилса, фақат латин мактабида ўқишни давом эттирадиган ёшларгина эмас, балки келгусида деҳқончилик, савдо-сотиқ ва касбчилик қиладиган ёшлар ҳам ҳеч қаерда мутлақо нотаниш нарсаларга дуч келиб, қийналиб қолмайди. Демак, ҳар ким ўзининг келгуси фаолиятида учратадиган ёки диний бошқа жойларда эшитадиган нарсалари ёки, ниҳоят, бирор китобда ўқиганлари — буларнинг барчаси унга таниш нарсаларнинг ё кенгроқ баёни, ё батафсилроқ акс эттирилишидан иборат бўлади ва ўқувчилар буларнинг барчасини тўғрироқ тушуниш, муҳокама қилиш ва бажаришга қодир бўлиб чиқади.

Бу мақсадга эриштирадиган воситалар:

I. Синфлар.

кинчисига ҳалақит бермаслиги учун, иложи борица, ҳар бир синф машғулоти алоҳида хонада ўтказиши керак.

II. Китоблар.

бўлган барча илмий, ахлоқий материалларни ўз ичига олсин, шу синфда ўқиётган бола бошқа ҳеч қандай китобга зарурат сезмасин ва шу китоблар ёрдамида янглишмасдан, кўзланган мақсадга эриша олсин. Албатта, бу китоблар она тилининг барча масалаларини, яъни шу ёшдаги болалар ўзлаштира оладиган барча нарсаларнинг номларини ва нутқда кўпроқ ишлатиладиган асосий ибораларни ўз ичига олиши зарур.

Турли синфлар учун ёзилган китобларнинг мазмуни айтиш билан бир хил бўлади; улар фақат шакл жиҳатидан фарқ қилади.

фикрлар баён этилади; кейин ўқиладиган китобларнинг ҳар бири жузъийроқ, нотанишроқ, қийинроқ нарсаларни тушунишга имкон беради ёки шу нарсаларнинг ўзини қизиқиб эсда қолдириш учун бирор янги метод қўлланиш лозим бўлади. Бундаги фикрларни биз кейинроқ батафсил тушунтирамиз.

Барча нарсалар боланинг ёш хусусиятига мос бўлиши лозим.

хуш кўрмайди. Демак, турмушда қачондир зарур бўладиган жиддий нарсаларни ўрганиши, шунда ҳам осон ва мамнуният билан ўрганиши учун жиддий, фойдали нарсаларни қизиқарли шаклда баён этиш, шу йўл билан бола ақлини биз истаган томонга қаратиш лозим.

Ўқувчиларнинг диққатини жалб этиш учун китобларнинг номи қизиқарли бўлсин.

табни боғ билан таққослашади-ку, нега энди биринчи синф учун битилган китобни — гунафша жўяги деб, иккинчи синф китобини — атиргул тупи деб, учинчи синф китобини — истироҳат боғи ва ҳоказо деб аташ мумкин эмас?

8. Қуйидаги воситалар бу мақсадга эришиш учун хизмат қилиши лозим:

I. *Ўқув машғулоти олти йил давом этадиган она тили мактабининг барча ўқувчилари олтига синфга ажратилиши лозим, бири иккинчиси*

II. *Алоҳида синфларнинг ўз дарсликлари бўлиши лозим*, бу китоблар шу синф учун зарур

бўлган барча илмий, ахлоқий материалларни ўз ичига олсин, шу синфда ўқиётган бола бошқа ҳеч қандай китобга зарурат сезмасин ва шу китоблар ёрдамида янглишмасдан, кўзланган мақсадга эриша олсин. Албатта, бу китоблар она тилининг барча масалаларини, яъни шу ёшдаги болалар ўзлаштира оладиган барча нарсаларнинг номларини ва нутқда кўпроқ ишлатиладиган асосий ибораларни ўз ичига олиши зарур.

9. Демак, синфларнинг сонига қараб бундай китоблар олтига бўлади, улар бир-биридан мазмун жиҳатидан эмас, балки шакл жиҳатидан фарқ қилади. Бу китобларнинг ҳар бирида ҳамма нарса тўғрисида фикр юритилади, лекин олдин ўқиладиган китобларда нарсалар ҳақида умумийроқ, ҳамма биладиган, осонроқ

фикрлар баён этилади; кейин ўқиладиган китобларнинг ҳар бири жузъийроқ, нотанишроқ, қийинроқ нарсаларни тушунишга имкон беради ёки шу нарсаларнинг ўзини қизиқиб эсда қолдириш учун бирор янги метод қўлланиш лозим бўлади. Бундаги фикрларни биз кейинроқ батафсил тушунтирамиз.

10. *Шуни назарда тутиш лозимки, бу ерда ҳамма нарса боланинг ёш хусусиятларига мослаштирилган бўлиши керак, маълумки бола табиати қувноқлик, ҳазилкашлик, шўхликка мойил бўлиб, жиддийлик ва раҳмсизликни*

хуш кўрмайди. Демак, турмушда қачондир зарур бўладиган жиддий нарсаларни ўрганиши, шунда ҳам осон ва мамнуният билан ўрганиши учун жиддий, фойдали нарсаларни қизиқарли шаклда баён этиш, шу йўл билан бола ақлини биз истаган томонга қаратиш лозим.

11. Шунингдек, бу китобларнинг номи ҳам қизиқарли бўлиб, болалар диққатини ўзига жалб этсин ва китобнинг мазмунини тўлиқ ифода-лаб бера олсин. Менимча, бу соҳада мавжуд нарсалардан энг чиройлиси — боғнинг турли манзараларидан намуна олиш мумкин. Мак-

табни боғ билан таққослашади-ку, нега энди биринчи синф учун битилган китобни — гунафша жўяги деб, иккинчи синф китобини — атиргул тупи деб, учинчи синф китобини — истироҳат боғи ва ҳоказо деб аташ мумкин эмас?

Техника терминларининг барчаси она тилида ифодаланиши лозим.

Нега?

сўзлар билан ифодалаш зарур. Бу фикримизнинг далиллари:

I.

1) Биз ёшларнинг ҳамма нарсани тез фаҳмлаб олишига ёрдам беришни истаймиз. Чет тилидан олинган сўзларни билиб олиш учун эса аввало уларнинг маъносини тушунтириш зарур, ҳатто тушунтирилгандан сўнг ҳам бола уни тўла англай олмасдан, бу сўз шу маънони билдиради деган гапга ишониб, уни зўрға эсда қолдиради. Ваҳоланки, бирор буюмни ифодалаган сўз она тилида тушунтирилса, бола уни тез тушуниб олади ва дарҳол эсда қолдиради. Бизнинг (мақсадимиз) ўқитишнинг бу биринчи босқичида ҳар хил тўсиқ ва қийинчиликлар иложи борица камроқ бўлиб, ҳамма нарсани болага мумкин қадар осон ўргатишдир.

II.

2) Бундан ташқари, биз она тилини француз тили сингари халқ тушунмайдиган грекча ва латинча сўзларни зўрма-зўраки ишлатиш йўли билан эмас (бунинг учун Стевин уларни қийинди), балки ҳамма нарсани халқ тушуна оладиган сўзлар билан ифодалаш йўли билан ривожлантириш тарафдоримиз. Масалан, Стевиннинг ўзи бельгиялик ватандошларига шу принципни тавсия этган эди («География» кн. I) ва уни математикада моҳирлик билан қўллаган эди.

Уч эътироз.

13. Албатта, бу фикрга қарши эътироз билдирилиши мумкин ва бундай эътирозлардан учтаси мавжуд: Биринчидан, ҳар бир тил ҳам грекча ва латинча терминларни бир хилда яхши ифодалай оладиган даражада сўзларга бой эмас. Иккинчидан, шу нарсаларни ифодалайдиган сўзлар топилганда ҳам, грекча ва латинча терминларга ўрганиб қолган олимлар, улардан воз кечмайди.

Ва, ниҳоят, кейинчалик латин тилида ўқийдиган болалар техника терминларини қайта ёдлаб юрмаслик учун ҳозирданоқ олимлар тилида ўқийвергани яхши.

Биринчи эътирозга жавоб.

14. Бунга шундай жавоб қайтаримиз. Агар бирор тил зарур нарсаларнинг номини ифодалашга ожизлик қилса, сўз ва иборалар етишмаса, бунинг учун ўша тил айбдор эмас, балки шу тилда сўзлашувчи кишилар айбдор. Римликлар ва греклар қадим замонларда сўзларни қўлланишдан олдин уни ўйлаб топишга мажбур бўлган эдилар, улар дастлаб ўйлаб топган сўзлар, терминлар ноқулайдек бўлиб туюлган эди, бу сўзларни ифодали қилиб айтиш мумкинлигига уларнинг ўзлари ҳам ишонмаган эдилар; лекин бу терминлар қабул қилиниб ишлатила бошлагач, маълум бўлдики, улардан кўра ифодалироқ сўз йўқ экан. ens (борлик), essentia

(моҳият), substantia (субстанция), assiqens (тасодифий белги), gualitas (сифат), qiudditas (хусусият) каби сўзлар шулар жумласидандир. Демак, гап тилда эмас, балки шу тилда сўзлашувчи кишиларнинг ҳаракатига боғлиқ.

Иккинчи эътирозга жавоб.

15. Иккинчи эътирозга келсак, майли олим кишилар латинча ва грекча терминларни ишлатаверсинлар. Терминларни она тилида ифода-лаш билан биз оддий халқнинг фан ва эркин санъатларини тушуниб олишга кўмаклашган бўламиз, улар билан чет тилида гаплашишдан, уларга ёт бўлган сўзларни ишлатишдан қутуламиз.

Учинчи эътирозга жавоб.

16. Ниҳоят, кейинчалик (чет) тилларни ўрганадиган болалар ҳам техника терминларини ўз она тилида билишидан ва худони аввал латин тилида эмас, она тилида «ота» деб ишлатганидан унча катта зарар кўрмайди.

III. Учинчи талаб — яхши метод ва унинг тўрт қонуни.

17. Учинчи талаб — бу китобларни ёшларга осон ўргатиш методидан иборат. Бу методни қуйидагича ифодалаш мумкин:
I. *Мактабда ўқув машғулоти хар кун фақат тўрт соат (икки соат эрталаб ва икки соат тушдан кейин) давом этсин; қолган вақтда ўқувчилар ўй-рўзғор ишларини (айниқса камбағал болалари) бажариши ёки тузукроқ ҳордиқ чиқариши мумкин.*

II. *Эрталабки машғулоти пайтида боланинг ақлини ва хотирасини ўстиришга, тушдан кейинги машғулотларда қўли ва овозини ривожлантиришга эътибор қилиш зарур.*

III. Албатта, эрталабки машғулотларда муаллим ҳамманинг диққатини жалб этиб, сабоқни ўқиб беради ва такрорлайди, агар бирор нарсани тушунтириш лозим бўлса, жуда оддий қилиб шундай тушунтириши керакки, тингловчилардан бирортаси ҳам уни тушинмай қолмасин. Сўнгра, навбат билан ўқувчиларга ҳам шуни такрорлатади, бу иш ўқувчилар овоз чиқариб аниқ ва равшан қилиб ўқий олгунча давом этади, бошқалари эса ўз китобларига қараб ичдан ўқиб боради. Машқ ярим соат ёки кўпроқ давом этгач, зеҳни ўткирроқ болалар машқни ёддан айтишга ҳаракат қилади ва натижада ҳатто зеҳни пастроқ ўқувчилар ҳам бунга ёдлаб олади. Ахир, бир соат вақт давомида бу материални ўзлаштириб олиш, айтишга бола хотирасининг ўткирлиги эътиборга олинмаган бўлса, ўқувчилар учун ҳеч бир оғирлик қилмайди.

IV. Тушдан кейинги машғулотларда ҳам шу материал мустаҳкамланади, янги машқлар ўтилмайди, балки ўшанинг ўзи такрорланади; такрорлаш қисман ўша китобдан кўчириб ёзиш йўли билан, қисман мусобақа усулида (ким машқнинг ҳаммасини тезроқ ёдлаб олади ва айтиб бера олади ёки ким тўғри ва чиройлироқ кўчира олади, ким тезроқ санайди, ким яхшироқ айта олади ва ҳоказо) бажарилади.

Барча дарсликларни ўқувчилар ўз қўли билан кўчириб чиқсин дейишимизнинг сабаби.

18. Ўқувчилар дарслик китобларнинг барчасини иложи борида чиройлироқ қилиб кўчириб чиқсинлар дейишимизнинг сабаблари бор, албатта. 1) Кўчириб ёзиш китобдаги барча фикрларни тўғрироқ эсда қолдиришга ёрдам беради, чунки бунда боланинг диққати шу материалга кўпроқ жалб этилган бўлади.

2) Ўқувчилар ёзишни ҳар кун машқ қилавериш натижасида чиройли, тез, тўғри ёзиш малакаси ҳосил қилади, бу эса юқори синфларда ўқиш учун ҳам, ҳаёт учун ҳам жуда зарур.

3) Бу — мактабда бола нима ишлар қилиши лозимлиги ва нималар қилаётганини ота-оналарга яққол кўрсатиш имконини беради. Улар болаларининг кундан-кунга ўзгариб, илгарилаб бораётганини кўриб, уларнинг ўқишдаги ютуқлари ҳақида фикр юритишлари осонлашади.

19. Чет тилини ўрганиш масаласига биз бошқа жойда батафсилроқ тўхталамиз. Бу ерда фақат шуни эслатиб ўтмоқчимизки, агар айрим болалар қўшни халқларнинг тилларини ўрганиши лозим бўлса, бу ишни ўн, ўн бир, ўн икки ёшларда бажариш, чунончи она тили мактаби билан латин мактаби ораллигидаги даврда амалга ошириш керак. Бунинг учун энг қулайи — болани кундалик ҳаётда она тилида эмас, балки ўша ўрганиши зарур бўлган тилда гаплашиладиган жойга юбориш лозим. Агар бола аввал она тили мактабидаги китоблардан ўзига таниш бўлган материалларни ўша тилда ўқиса, кўчириб ёзса, эсда қолдирса ва ўша китоблардан олинган ёзма ва оғзаки машқларни бажарса, у тилни бемалол ўрганиб олади.

XXX б о б

ЛАТИН МАКТАБИ ҒОЯСИ.

Мақсад — тўрт тилни ва илмлар энциклопедиясини ўргатиш.

1. *Латин мактабининг мақсади, бизнингча, тўрт тилни ва илмлар энциклопедиясининг ҳаммасини ўргатишдан иборат. Бу мактабда тузукроқ таълим олиб, уни битириб чиққан ёшлар:*

I. *Грамматикадан билимдон бўлиши, яъни тил ҳодисаларининг барчасини пухта ўзлаштириб олиши ва уларни латин ҳамда она тилида мукамал тушунтириб бера олиши, грек ва яхуди тилларида эса зарур бўлган даражада тушунтириб бера олиши лозим.*

II. *Ўткир мунозарачи бўлиши, тушунчаларга таъриф бера олиши ва уларнинг тафовутларини ажрата билиши, исботлай олиши ва рад эта билиши керак.*

III. *Гандон ёки нотик бўлиши, ҳар қандай темада чиройли гапира олиши лозим.*

IV. *Арифметикадан билимдон бўлиши зарур.*

V. *Геометриядан мутахассис* бўлиши, яъни турли ҳаётий эҳтиёжлар учун геометрияни қўллай билиши керак. Бундан ташқари, геометрияга доир билимлар бошқа фанларни ўрганишда аниқсиз қобилиятни уйғотади ва кучайтиради.

VI. *Музикант* бўлиши (ижрочилик соҳасида ҳам, музика назарияси соҳасида ҳам) керак.

VII. *Астроном* бўлиши, кам деганда осмон сфераси ва уни ҳисоблаш ҳақидаги таълимот асосларини билиши зарур, чунки бусиз физикани ҳам, географияни ҳам, тарихнинг кўп қисмларини ҳам тушуниб бўлмайди.

2. Бу, «етти эркин санъатдан»¹ иборат бўлиб, одатда фалсафа магистри шуларни ўрганиши зарур эди. Лекин юқорида даражага кўтарилиш учун, сизнинг ўқувчиларингиз, булардан ташқари:

VIII. *Физик* бўлиши, яъни оламнинг тузилишини, элементлар кучини, ҳайвонларнинг тафовутини, ўсимлик ва металлларнинг хусусиятларини, инсон танасининг тузилиши ва бошқаларни тушуниши, шунингдек, улар нимадан иборат эканини ҳамда турмушда қўлланилишини билиши лозим, шу билан ёшлар тиббий-ёт, деҳқончилик ва бошқа механик санъатларнинг ҳам бир қисмини билиб олган ҳисобланади.

IX. *Географ* бўлиши, яъни ер шарининг тузилишини, денгизлар, ороллар, дарёлар, давлатлар ва бошқаларни аниқ тасаввур эта олиши керак.

X. *Хронология мутахассиси* (хронолог) бўлиши, яъни муайян бир вақтдан бошлаб, даврларга қараб йил ҳисоби принципларини яхши билиши зарур.

XI. *Тарихчи* бўлиши, яъни йирик давлатларда яшовчи кишилар тақдирида юз берган, черковлар ҳаётида бўлиб ўтган энг муҳим ўзгаришларни, айрим халқлар, баъзи арбоблар ҳаётида содир бўлган ҳар хил воқеа ва урф-одатларни айтиб бера олиши керак.

XII. *Моралист* (насихатгўй) бўлиши, яхши фазилат ва ёмон хулқларнинг барча тури ва кўринишларини аниқ била оладиган бўлишлари лозим. Умумий ғоя масаласида ҳам, шунингдек иқтисодий, сиёсий ва черков ҳаёти ва бошқа соҳаларда ҳам ёмон хулқдан сақланмоқ, яхши фазилатлардан ибрат олмоқ лозим.

XIII. ... 3. *Олти йил ўқиб, латин мактабини битириб чиққан*

¹Septem artes liberales — «Етти эркин санъат» умумий таълим системасининг бошланғичидир. Мактабда ўқитиладиган бу фанлар мажмуини дастлаб қадимги грек Платон (эраимиздан олдинги 427—347 йиллар) ифодалаган ва асослаб берган эди. Ўрта асрларда бу фанлар Septem artes liberales «Етти эркин санъат» деб атала бошлади. Бу фанлар университетларнинг «тайёрлов» факультетида тўлиқ ва мукаммал ўқитилган, чунки «тайёрлов» факультетини битирганлар университетнинг махсус факультетларидан (илоҳиёт, юридик, медицина) бирига кириб ўқир эди. Етти эркин санъатга кирган фанлар икки гурппага бўлинади. 1) triviuma грамматика, риторика, диалектика; 2) quadriviuma: арифметика, геометрия, астрономия ва музика. Бу даражадаги номлар шу фанларнинг ҳозирги мазмунига асло мос келмайди. Ўрта асрларда бу фанларнинг мазмуни ва таълимий аҳамияти мутлақо ўқитувчиларнинг малакасига боғлиқ эди.

ёшлар шу фанлар соҳасида билимларни тўла, мукаммал эгаллаб олмасалар ҳам (зеро, бир томондан, ёшлик даври бунга имкон бермайди, чунки назарий билимларни амалда қўллаб мустаҳкамлаш учун узоқ муддат талаб этилади, иккинчи томондан, бу олти йил ичида илм денгизини ўқиб тугатиб бўлмайди), ҳар ҳолда, келажакда илмларнинг бирор соҳасини мукаммал ўрганиш учун мустаҳкам замин яратиб олишлари керак.

Олтита синф — бу мақсадларга эриштирадиган воқеа.

I грамматика

II физика

III математика

4. Олти йилга мўлжалланган таълимнинг ва-зифалари турлича бўлгани учун олтита ҳар хил синф таъсис этиш лозим ва уларнинг номи қуйидагича бўлиши мумкин:

IV ахлоқ

V диалектика

VI риторика

сифи.

Грамматика синфидан сўнг дарҳол риторика ва диалектика синфлари бошланмаслигининг сабаби.

5. Ҳамма фанларнинг калити сифатида грамматикани олдинги ўринга қўйишимизга ҳеч ким эътироз билдирмаса керак. Лекин одатни қонун деб тушунадиган кишиларга биз диалектика ва риторика ўргатишни орқага суриб, реал фанлардан кейинга қўйишимиз ажабланарли бўлиб туялса керак. Лекин шундай қилиш зарур. Ахир, аввало нарсаларнинг ўзини сўнгра номини, яъни аввал нарсанинг мазмуни, сўнгра формасини ўрганиш лозимлигига юқорида тўхталиб ўтган эдик, шунингдек бу билимларни тез ва пухта эгаллаб олишнинг ягона методи эканлигини ва унинг моҳияти нарсалар ҳақида фикр юритиш ёки чиройли қилиб гапириб беришдан олдин уларни билиб олишдан иборат эканлигини, айтиб ўтган эдик. Акс ҳолда, агар сен текшириб кўрмоқчи ёки бировни ишонтирмоқчи бўлган нарсаларини баён этиш ва тафовутлашнинг барча тайёр усулларини ёдлаб олсанг-у, лекин шу нарсаларнинг ўзини кўрган бўлмасанг, нимани текширишинг ёки кимни ишонтиришинг мумкин? Ҳомиладор бўлмаган аёл туғмаганидек, нарсаларни билиб олмасдан туриб улар ҳақида тузукроқ гапириб ҳам бўлмайди. *Нарсалар, башарти уларни ҳеч ким билиб олмаса ҳам, номи айтилмаса ҳам, нарсалигича мавжуд, лекин кишиларнинг фикри ва сўзи нарсалар ҳақида ва нарсаларга боғлиқ бўлади, фикр ва сўзлар нарсалардан ташқари ишлатилса* (агар бунақа аҳмоқона ва кулгили иш қилинмоқчи бўлинса) *улар ё ҳеч нимани аңлатмайди, ёки мантиқсиз товушлардан иборат бўлади*. Шундай қилиб, фикр ва нутқ нарсаларга асосланар экан, демак, аввало нарсаларни ўргатиш зарур.

Нега ахлоқ тўғрисидаги илм табиат ҳақидаги илмлардан сўнгра ўргатилади?

6. Табиат ҳақидаги илмларни ахлоқ тўғрисидаги таълимотдан олдин қўйиш лозимлигини, (баъзи бировлар бунинг тескарисини қилаётган бўлса ҳам) донишмандлар, олим кишилар далиллар билан ишонарли қилиб исботлаб берганлар. Л и п с и у с («Физиология» кн. I, гл. I) бундай деб

ёзган эди: Буюк олимларнинг фикри бизга маъқул ва биз уларга қўшилиб, ҳаммадан олдин физика ўқитишни талаб этамиз. Фалсафанинг бу қисми кишини жуда мамнун қилади: у бизни ўзига тортади ва диққатимизни тўплайди; киши уни жуда ҳурматлайди, табиат ҳодисаларининг гўзаллиги эса бизни ҳайратда қолдиради; ниҳоят ақл этикани тузукроқ қабул қилиш учун тайёрланади ва ривожланади.

Қадимдагилардан ўрнак олиб, нега физика ўқитишдан олдин математика ўқитилмайди?

7. Математика синфи тўғрисида у физика синфи кетидан ўқитилиши керакми ёки ундан олдин ўқитилиши керакми, деган шубҳа туғилиши мумкин. Дуруст, қадимгилар буюмларни математика машғулотлардан чин маънода олиб қарашдан бошлаганлар, шунинг учун ҳам уларни кўпинча «илм» номи билан атаганлар.

Платон эса унинг академиясига геометрияни билмайдиган кишиларнинг кириб қолишини истамаган эди. Бунинг сабаби тушунарли эди, чунки бу фанлар сонлар ва миқдорлар билан шуғулланган, сезгиларга яқинроқдир ва шу сабабли улар осон ҳамда аниқдир; улар ҳаёл қилиш кучини уйғотади ва мустаҳкамлайди ва ниҳоятда сезгилардан анча узоқроқда бўлган бошқа фанларга, ҳатто шуларга мойил қилади ва уларни қўзғатади.

8. Умуман айтганда, бу тўғри гап. Аммо бу ўринда қандайдир бошқа бир нарсага ҳам эътибор бермоқ лозим.

Чунончи: 1) нарсаларни сезиб идрок этиш туфайли сезгиларни ўстириш ва ақлни уйғотиш лозимлигини, шунингдек сон ҳақидаги илмни ҳам пухта ўргатишни биз она тили мактабида айтган эдик. Демак, она тили мактабини битирган бизнинг ўқувчиларимизни геометриядан ҳеч нарса билмайди, деб айтиш ярамайди; 2) бизнинг методимиз ҳар доим изчиллик билан олға боришни тақозо этади. Шунинг учун миқдорлар соҳасида мукамал тадқиқотларга киришишдан олдин, конкрет нарсалар, жисмлар ҳақидаги илмларни ўрганиш қулай, чунки булар абстракт нисбатларни чуқурроқ тушунишда ўтиш босқичи бўлиб хизмат қилади; 3) математика синфида ўтиладиган фанга осон ва тўғри билиш санъатига тааллуқли жуда кўп нарсаларни киритаётимиз, буларни табиётсиз билиб олиш амри маҳол; шунинг учун ҳам табиётни биз олдинга қўяётимиз. Шунга қарамайдан, агар бошқа мулоҳазалар бўлса, ёки тажрибанинг ўзи бошқача хулосага олиб келса, биз унга қарши эмасмиз. Ҳозирча, мавжуд далилларга биноан, биз бу масалани фақат юқорида баён этилган тартибда ҳал этамиз.

Физикага метафизикани муқаддима қилиш керак, лекин қанақа метафизикани?

9. Биринчи синф учун мўлжалланган «Эшик-олди» ва «Эшик» номли китоблар ёрдамида латин тилини ўрганиш соҳасида шу йўл билан етарли даражада малака ҳосил қилинган, ўқувчига энг умумий фанни ўргатишни тавсия қиламиз. Бу фан «бошланғич фалсафа» ёки

одатда, «метафизика» деб аталади; бизнинг фикримизча, уни «профизика ёки гипофизика» (табиатга муқаддима ёки унинг кириш қисми) деб аташ тўғрироқ бўлур эди. Метафизика табиатнинг биринчи ва энг сўнгги асосларини очиб бериши, чунончи, ҳамма нарсаларнинг асосий шароитларини, ҳамма нарсанинг меъёри билан хусусияти ва тафовутларини, нарсалар ҳақидаги тушунчаларни, шунингдек, аксиомалар, ғоялар ва уларнинг тузилишини очиб бериши керак. Буларнинг ҳаммасини билиб олгач (биз тавсия этаётган метод билан бу ишни жуда осон бажариш мумкин) нарсаларнинг барча тафсилотларини ўрганишга киришилса бўлади, шунда ўрганиладиганларнинг кўп қисми аввалдан маълумдек туюлади, ҳеч нарса янги, нотанишдек тасаввур этилмайди, балки умумий тушунчалар айрим хусусий ҳодисаларга тадбиқ этилади, холос. Бу масалага тахминан три-местр¹ давомида тўхталиб (ахир, буларнинг барчасини ўзлаштириб олиш жуда осон, чунки булар фақат умумий асослар бўлиб, ҳар бир соғлом ақл эгаси буларни мустақил равишда ўзи ҳам билиб олиши мумкин), сўнгга умумий асослардан бевосита нарсаларнинг ўзини текширишга ўтиш мумкин бўлур эди, шунда табиатнинг ажойиб ҳодисалари (булар физиканинг кириш қисмида баён этилган) табиатнинг ўзидан олинган айрим мисоллар келтириш йўли билан секин-аста аниқлана боради. Машғулотларнинг характерига кўра, у «физика» синфи деб аталиши лозим.

Физика синфи-дан сўнг математика, ундан кейин этика синфлари келади.

10. Нрсаларнинг моҳиятидан уларнинг тасо-дифий белгиларини чуқурроқ ўрганишга ўтиш лозим, бу иш «математика синфи»да бажарилади.

11. Сўнгга ўқувчилар барча нарсаларнинг ҳукмдори бўлган инсонни, унинг ўз хоҳишига биноан қиладиган эркин ҳаракатларини ўрганишлари керак, натижада улар нималар бизнинг измимизга, иродамизга оид, нималар бизнинг измимиз ва иродамизга боғлиқ эмаслигини, табиат қонунларига биноан қандай қилиб ҳамма ишни тегишли тартибга солиш мумкинлигини ва ҳоказоларни билиб олади.

Булар ўқишнинг тўртинчи йилида этика синфида ўргатилади. Лекин буларнинг барчасини фақат тарихий нуқтаи назардангина эмас (яъни она тили мактабидаги сингари бирор нарсанинг қандай келиб чиқиши жиҳатидангина эмас), балки сабабли боғланишлари нуқтаи назаридан ҳам билиб олиш зарур, токи ўқувчилар нарсаларнинг сабаби ва оқибатига эътибор қиладиган бўлсинлар. Албатта, дастлабки бу тўрт синфда мунозарали масалаларни ўргатмаслик лозим, чунки биз бу масалани батамом бешинчи синфга қолдиришни тавсия қиламиз ва энди шу масалани кўриб чиқайлик.

Диалектика синфи.

12. Диалектика синфида ўқувчиларни хулоса чиқаришнинг энг қисқа қоидалари билан та-ништириш учун физика, математика ва этика

¹ Ўқув йилининг учдан бир қисми.

фанларини ўқитиш ва бу ерда фақат аҳамияти катта ҳамда олимлар ўртасида келишмовчиликка сабаб бўлаётган нарсаларнинг батафсил кўриб чиқишни тавсия қиламиз. Бу синфда: масаланинг келиб чиқиши ва ҳозирги аҳволи, тезис ва антитезис, тўғри ёки эҳтимол ҳисобланадиган далиллар, маълум бир фикрнинг ҳимоя қилиш кабилар баён этилиши мумкин; сўнгра албатта икки фикрдан бирининг тўғрилиги, хатоликка йўл қўйишнинг сабаби, нотўғри далиллар ва тўғри тезисни исботлайдиган ҳақиқий далиллар баён этилади. Ёки, аксинча, иккала фикр ҳам ҳақиқатга яқин бўлса, улардан бири иккинчисига тўғри келишини тушунтириш лозим. Шу тариқа, бир ишнинг ўзи ҳам олдин ўтилганни завқланиб такрорлаш ҳам аввал пайқаб олинмаган нарсани жуда осон тушунтиришдан иборат бўлади. Хулоса чиқариш маҳорати, номаълум нарсаларни текшириш ноаниқ нарсаларни тушунтириш, шубҳали фикрларни фарқлай олиш умумийни чеклаш, ҳақиқатни ҳақиқат йўли билан ҳимоя қилиш, хато фикрнинг рад этиш ва ниҳоят чалкаштириб юборилган нарсаларни ойдинлаштириб тартибга солиш — буларнинг барчаси мисоллар ёрдамида қисқа ва осон йўл билан ўрганилади.

Риторика синфи. 13. *Сўнги синф — риторика синфи бўлади. Бу синфда ўқувчиларга аввал ўрганилган нарсаларнинг барчасини чинакам, осон ва завқ билан қўллана олишни машқ қилдириш керак, токи бу ерда мактабни битираётган ўқувчилар ниманидир билиб олгани ва бекорга ўқимаганлигини кузатиш мумкин бўлсин.* Сократнинг «Гапир, кимлигининг бир кўрай» деган ҳикматига биноан, биз ҳозиргача донишмандликни эгаллаш учун кимнинг ақлини ўстирган бўлсак, энди доно ва чиройли сўзлаш учун унинг нутқини ўстиришни истаймиз.

14. Демак, аввало нотикликнинг энг қисқа ва энг аниқ қоидаларини билиб олиб, сўнгра машқ ишлашга ўтамиз, яъни нотиклик санъатининг энг яхши усталаридан бирига тақлид қиламиз, лекин бунда бир материални доимо такрорлайвериш ярамайди, балки навбатма-навбат ҳақиқатнинг турли соҳаларини ва хилма-хил нарсаларни, инсоний фазилатларни ҳамда илоҳий донишмандликни ўргана бориб, ўқувчилар билиб олганларини чиройли қилиб гапириб бера олишлари, зарурат талаб этган жойда, ўзлари ҳақиқий ва яхши деб ҳисоблайдиган нарсаларни, яъни фойдали, ёқимли, тўғри нарсаларнинг барчасини ҳимоя қила олишлари лозим. Бу мақсадга эришмоқ учун ўқувчилар таълимнинг шу босқичидаёқ жуда катта тайёргарликка эга бўладилар, хусусан улар турли нарсалар ҳақида яхшигина билим ва етарли даражада сўз, ибора, мақол, ҳикмат, ҳикоят кабиларни билиб оладилар.

Тарих ўрганиш-ни ҳамма синфларга тақсимлаш зарур.

15. Бироқ лозим бўлса, бу ҳақда бошқа жойда батафсилроқ тўхталармиз. Қолганини тажрибанинг ўзи кўрсатиб беради. Фақат қуйидаги фикрни таъкидлашимиз зарур: *маълумки, тарихга доир билимлар таълимнинг энг ажойиб*

қисми бўлиб, инсоннинг бутун ҳаётини ёритиб туради, шунинг учун ҳам уни олти йиллик таълимнинг ҳамма синфларига тақсимлаш мақсадга мувофиқ, токи ўқувчилар қадим замонлардан буён қилинган ёки айтилган диққатга сазовор нарсаларнинг ҳаммасини яхши билиб олсинлар. Лекин тарихга доир бу машғулотларни шундай тақсимлаш лозимки, улар ўқувчи меҳнатини оғирлаштириш эмас, балки енгиллаштириш ва жиддийроқ дарсларни ўтиш учун дам олиш бўлиб хизмат қилсин.

Ва қандай қилиб тақсимлаш. 16. Масалан, ҳар бир синф учун бирор соҳанинг тарихини баён этадиган алоҳида китобча тузиш мумкин, чунончи:

I синф учун — тавротнинг қисқача тарихи

II синф учун — табиёт тарихи,

III синф учун — санъатлар тарихи, яъни турли хил кашфиётлар тарихи,

IV синф учун — ахлоқ тарихи, яъни фазилат ва бошқа сифатларнинг энг яхши намуналари,

V синф учун — маросимлар тарихи, яъни халқларнинг турли диний урф-одатлари ҳақидаги тарих,

VI синф учун — умумий тарих, яъни бутун дунё ва энг буюк халқлар тарихи, айниқса она ватан тарихи; буларнинг барчаси қисқа шаклда, лекин зарур нарсалардан ҳеч бирини тушириб қолдирмай баён этилиши лозим.

Бу ерда доимий ягона методнинг зарурлиги ҳақида эслатма.

17. Бу мактабларда қўлланиладиган махсус метод ҳақида энди фақат қуйидаги фикрни айтиб ўтамиз. Бизнинг фикримизча, одатдаги тўртта ўқув соати бундай тақсимланиши лозим: эрталабки икки соат синфнинг номи ҳисобланадиган фан ёки санъатга бағишланади; тушдан кейинги биринчи соат — тарих дарсига, иккинчи соат — ҳар бир синфда ўтилладиган материалларнинг характериға қараб услуб машқи, овоз, қўл машқларини бажаришга ажратилади.

XXXI боб

АКАДЕМИЯ.

Бу ерда академия ҳақида сўз юритилишининг сабаби.

1. Бизнинг методимиз, албатта, академияга тадбиқ этилмайди. Лекин академияга доир истакларимизни ҳам баён этишга нима халақит беради? Юқорида айтиб ўтганимиздек, *академияга ҳақли равишда ҳамма фанлар ва таълимнинг барча олий фанларини тўлиқ ўрганиб олиш ва ривожлантириш вазифаси юклатилади.*

Академия ҳақида учта истак.

2. Шундай қилиб, академия масаласида биз қуйидагиларни таклиф қилмоқчи эдик:

1. Академияга ҳақиқатан ҳам барча фанлар ҳар томонлама ўрганилсин, илмлар ва инсоний донишмандликнинг бирор соҳаси ҳам эътибордан четда қолмасин.

сигилроқ, аниқроқ ва завқланиб тамоша қилади. Ниҳоят, бун-
й кўчирмани кўздан кечириш муаллифларнинг асарларини
тезроқ такрорлаб чиқиш учун ҳаммага қўл келади, чунки ҳар
ким хотирасида сақланган бирор нарсани асарда учратиб қо-
лади ва уни ҳеч қачон эсдан чиқармайдиган бўлади.

Бу кўчирмалар-
ни нашр этиш ҳа-
қида маслаҳат.
10. Муаллифларнинг асарларига доир бундай
умумий обзорларни (камбағалроқ кишилар-
нинг сотиб олиб ўқиши, ёки катта томларни
ўқишга имконияти бўлмаган кишилар учун)
алоҳида нашр этиш ҳам мумкин ва муаллифларнинг нашр эти-
ладиган асарларига муқаддима сифатида ҳам бериш мумкин,
бунда асарларни тўла ўқишга бўлган киши аввало кўчирма-
ларни ўқиб умумий тасаввур ҳосил қилади.

Академияда Гел-
лиев коллегияси-
даги усулни қўл-
ланиш ҳақида мас-
лаҳат.
11. Академияда ўқув машғулотларини уюш-
тириш методи масаласига тўхталадиган бўл-
сак, балки бу соҳада умумий суҳбатлашишни
жорий этиш ва уни Геллиев коллегиясидаги
сингари олиб бериш жуда фойдали бўлар.

Чунончи: профессор студентларга нима ҳақда гапириб берган
бўлса, энг яхши ёзувчиларнинг шу масалага доир асарларини
уйда ўқиб келишни уларга вазифа қилиб топшириш керак.
Профессор эрталабки машғулотда ўқиган лекциясида масала-
нинг қайси томонларини ёритган бўлса, тушдан кейинги маш-
ғулотда ҳам худди шу масалани қуйидаги тартибда муҳокама
қилиш лозим: агар студентлардан бирортаси бирор нарсани ту-
шунмаган бўлса, ёки ўқиган китобида далиллар билан асослан-
ган қарама-қарши фикрни учратиб қолса, ўша студент бу ҳақда
тингловчиларга савол беради. Бу ерга тўпланган студентлардан
бирортасининг ҳам саволи жавобсиз қолмаслиги лозим (албатта
маълум тартибни сақлаган ҳолда), сўнгра масала қанчалик рав-
шан бўлгани ҳақида бошқалар ўз фикр ва мулоҳазаларини айт-
синлар. Ва, ниҳоят, профессор йиғилишнинг раиси сифатида,
мунозарали масалаларни ҳал этиши лозим. Шу тариқа, ҳар
ким ўқиган фикрларнинг барчаси умумлаштирилади ва у кўпчи-
ликка маълум бўлибгина қолмасдан, балки ҳар кимнинг хотира-
сида мустаҳкам сақланади, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан
фан ютуқларини мустаҳкамлайди.

III. Учинчи қои-
да: то галабага
эришмагунча ҳеч
ким рағбатланти-
рилмаслиги лозим.

га қўйилиши керак. Бу масала, агар бирор кишининг шахсий
фикрига боғлиқ бўлмай, балки ҳамманинг фикри ва гувоҳлигига
боғлиқ бўлса—фақат шундагина амалга ошади. Бунинг учун
йилига бир марта мактабларга бориш лозим; қуйи мактабларга
директорлар бориши, академияларга эса короллик вакиллари

ёки давлат депутатлари боришлари керак. Улар ўқувчи ва ўқи-
тувчилар ўз вазифаларини қанчалик қунт билан бажараётганли-
гини астойдил текшириб кўришлари зарур. Алоҳида тиришқоқ-
лик кўрсатган кишилар омма олдида рағбатлантирилиши,
яъни бундайларга докторлик ёки магистрлик фахрий значоги
берилиши лозим.

Галаба қозониш
усули.

13. Бунда янглишишга йўл қўймаслик мақса-
дида илмий даража олиш учун диспут ўтка-
зиш ўрнига қуйидаги усулни қўллаш жуда
маъқул бўлур эди. Илмий даража олмоқчи бўлган киши (ёки бир
неча киши) ўртага чиқади (раислик қилувчи киши иштирок эт-
майди). Шундан сўнг олимларнинг ўзлари ва тажрибада синов-
дан ўтган кишилар кандидатнинг назарий жиҳатдан ва практика
соҳасида эришган ютуқларини аниқлаш учун ўзлари хоҳлаган
саволларни беришлар. Масалан, текст юзасидан (илоҳий китоб-
дан, Гиппократ асарларидан, ҳуқуқ ва бошқа соҳалардан
олинган) турли саволлар берилади; маълум бир жумла қардан
олинган? Маълум бир фикрга сиз қанчалик қўшиласиз? Бу
фикрга қўшилмайдиган бирорта муаллифни айта олмайсизми?
Ва айнан кимни? Бу фикрга қарши қандай далиллар келтира-
оласиз? Бу қарама-қаршилик қандай бартараф этилади? каби-
лар. Практика соҳасида унга виждон, касалликлар, процесслар-
га доир турли ҳолатларни ечиш вазифасини қаттиқ топшириш
керак; у маълум бир ҳолат рўй берганда нима қилган бўлур эди
ва нима учун шундай қилди? Кандидат нарсалар ҳақида
тўғри ва асосли фикр юрита олиши аниқлангунча қаттиқ туриб
унга турли саволларни беравериш керак. Халқ олдида бундай
жиддий ва қаттиқ имтиҳон беришини олдиндан билган киши
машғулотлар пайтида, албатта тиришиб ҳаракат қилади!

Саёҳатлар ҳа-
қида.

14. Саёҳатлар масаласида (бунга академияда
ўқиш йилларида ёки уни битиргач йўл қўйи-
лади) биз фақат бир нарсани таъкидлаб
ўтиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бу масалада, бизнингча, Платон-
нинг фикрлари маъқул, чунки у, ёшларга жўшқинлик
даврнинг бебошликлари босилмай туриб ҳамда саёҳат қилиш
учун зарур даражада ақл ва тажриба орттирмай туриб саёҳатга
чиқишни тақиқлаб қўйган эди (Платон, О законах, XII 950 д.,
бет), унинг бу фикри бизнинг мулоҳазаларимизга мос келади.

Мактабларнинг
мактаби ҳақида:
унинг мақсади ва
аҳамияти.

15. Биз бу ўринда ҳар бир мамлакатда мак-
таблар мактаби ёки дидактик коллегия зарур-
лигини баён этмоқчи эмасмиз... Олимлар
бир-бирларидан ҳар қанча узоқ масофада бўл-
салар ҳам, уларнинг куч-ғайрати бирлаштири-
лиши ва фан асосларини борган сари кўпроқ очишга, дониш-
мандлик чироғини ёқиб, илм зиёсини одамлар орасига кенг тар-
қатишга, шунингдек, янги жуда фойдали ихтиролар қилиб, ки-
шиларнинг аҳволини яхшилашга қаратилиши зарур. Чунки, агар
биз ҳамма вақт бир жойда туриб қолишни ёки ҳатто орқага қай-

тишни истамасак, бошланган хайрли ишларни қандай қилиб давом эттириш мумкинлигини доимо ўйлашимиз керак. Бунинг учун бир киши ёки бир умр озлик қилади, демак, бу ишни кўпчилик биргалашиб ва изчилик билан давом эттириши зарур. Бу умумий коллегия бошқа мактаблар учун, ошқозон тананинг барча аъзоларига хизмат қилгани сингари, ҳаммага озуқа, ҳаёт лабораторияси бўлиб бемалол хизмат қила олиши мумкин.

6. Лекин яна мактаблар ҳақида айтишимиз лозим бўлган фикрларга қайтайлик.

XXXII боб

МУКАММАЛ УМУМИЙ МАКТАБЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА.

Баён қилинганларни умумлаштириш.

Истакларимизнинг моҳияти: ўқитиш санъати аниқлик ва кўркемликда типография санъатидан қолишмаслиги керак.

Биз таклиф этаётган янги метод орасида ҳам шунчалик тафовут бўлсин. Типография санъати қийин, қиммат, сердиққат иш, лекин у китобларни тезроқ, тўғри ва ихчам қилиб чиқариш учун жуда қулайдир. Шунингдек, ўқитишнинг бу янги методи дастлаб, қийинга ўхшаб туюлса ҳам, бироқ қўлланила бошлагач, у одатдагига нисбатан, жуда кўп болаларни ўқитишга, шунингдек, муваффақиятли ва қийналмай ўқитишга имкон беради.

Қўлда кўчиришга нисбатан китобларни нашр этишнинг афзалликлари.

афзалликлари катта эканлигини кўрсатди. Биринчидан, икки киши бирор китобни маълум бир вақт ичида нашр этиш йўли билан, балки икки юз киши шунча вақтда пат билан кўчириб ёзганига нисбатан ҳам кўпроқ нусхада чиқара олади. Иккинчидан, қўл ёзма китоблар сони, шакли, варақларнинг жойлаштирилиши, бет ва сатрлари жиҳатидан бир-биридан жуда фарқ қилади; китобнинг босмадан чиқарилган нусхалари эса бир-бирига шунчалик мос келадики, ҳатто товуқнинг тухумлари бири

1. Мактабларни қайта қуриш зарурлиги ва йўллари ҳақида биз жуда батафсил гапириб ўтдик. Энди айтган истак ва маслаҳатларимизни умумлаштириш фойдадан холи бўлмас.

2. Бизнинг мақсадимиз ўқитиш методини шу қадар такомиллаштиришдан иборатки, токи бурунги замонда китобларни қўлда кўчириб кўпайтириш усули билан кейинчалик ихтиро этилиб, энди кенг қўлланилаётган типография усулида кўпайтириш орасида қанчалик фарқ бўлса, ўқитишнинг одатланиб қолинган ва ҳозиргача қўлланилиб келинган формаси билан

3. Босма ҳарфларни биринчи марта ихтиро қилган кишининг уринишлари китобларни пат билан жуда эркин ва тез кўчириш одат бўлган ўша вақтларда, фойдаси жуда камдек иш бўлиб туюлганини хаёлга келтириш унча қийин эмас, лекин ишнинг ўзи бу ихтиронинг

иккинчисига бунчалик ўхшамаслиги мумкин. Бу китобларга кўркемлик ва зийнат беради. Учинчидан, перо билан кўчирилган китобнинг ҳар бир нусхасини алоҳида кўриб чиқиб, бир-бири билан солиштириб, хатоларини тузатмагунча, уларнинг тўғри ёзилганини аниқлаб бўлмайди, бу эса жуда қийин ва зериктирадиган иш. Китоб босмадан ҳатто минглаб нусхада чиқарилса ҳам, фақат биринчи экземпляридаги хатолар тузатилса бас, бошқалари ўз-ўзидан тўғри чиқаверади. Типография санъатидан хабарсиз кишига бу ақлга тўғри келмайдигандек бўлиб туюлади, ваҳоланки аслида худди шундай.

Тўртинчидан, перо билан хат битиш учун ҳар қанақа қоғоз ҳам ярайвермайди, балки фақат сиёҳ ёйилиб кетмайдиган пишик қоғоз ишлатилади, аммо типография набори остига нимани қўйсангиз ҳам (ҳатто юпқа сиёҳ ўтказадиган қоғоз, мата кабиларга ҳам), ҳарфлар босилаверади. Ниҳоят, ҳатто хатни чиройли қилиб ёза олмайдиган кишилар ҳам китобларни босмадан чиройли қилиб чиқара олади, чунки бунда улар хатни қўлда ёзмайди, балки усталик билан қуйилган босмахона ҳарфлари (литера)дан фойдаланади, шунинг учун ҳам хат чиройли чиқади.

Биз жорий этмоқчи бўлаётган такомиллашган методнинг ҳозиргача қўлланилиб келинган методдан афзалликлари.

4. Афтидан, ўқитишнинг бу янги ва умумий методга доир ишларнинг барчасини тўғри жорий этсак (биз ҳали бу метод тўла такомиллашган дея олмаймиз, фақат унинг барчага бараварлигини кўрсата оламиз холос), қуйидагига ўхшаш бир нарса ҳосил бўлади.

Бунинг натижасида: 1) муаллимларнинг сони оз бўлса ҳам ҳозир қўлланилиб келаётган методга қараганда жуда кўплаб болалар ўқий олади; 2) ўқувчилар ҳозиргига қараганда анча кўпроқ маълумот олади; 3) билим нозикроқ бўлади ва завқ бағишлайди; 4) шунингдек, қобилияти нисбатан бўшроқ ва идрок қилиши секинроқ бўлган болалар ҳам таълим олади; 5) ниҳоят, ҳатто ўқитувчилик қобилияти табиятан кучли бўлмаган муаллимлар ҳам муваффақиятли дарс бера олади, чунки билим ва кўникмаларни ҳар ким фақат ўзи ўйлаб топмайди, балки ёшларга секин-аста ўргатадиган материаллари дарслик ва қўлланмаларда тайёрлаб қўйилган бўлади. Ҳар бир музикант нота ёзувига қараб бирор симфонияни бемалол чала олгани (балки унинг ўзи бундай симфония ярата олмаслиги ҳам, овоз чиқариб айта олмаслиги ҳам ёки ёддан чала олмаслиги ҳам мумкин) сингари, муаллим ҳам, ўргатиши лозим бўлган барча материаллар тайёрланиб, ўқитиш методлари аниқлаб қўйилган бўлса, болаларга ҳамма нарсани ўқита олмайди, дейсизми?

Бунинг батафсилроқ кўриб чиқайлик.

5. Типография санъатига ўхшатишни давом эттириб, таққослаш ёрдамида бу янги методнинг мантиқий таъсири ҳақидаги фикрларимизни ойдинлаштирайлик, токи фанларни қоғозга қандай тушириш мумкин бўлса, деярли худди ўша методлар билан илмларни

ҳам кишилар онгига сингдириш мумкинлигини ҳамма билсин. Шунинг учун ҳам «типография» сўзига мос равишда бу янги дидактикага ҳам ном ўйлаб топиш ва уни «*дидахография*» (таълимий ёзув) деб аташ ўринли бўлур эди. Лекин бу масалани муфассалроқ баён этамиз.

Типография санъатида қўлланиладиган материаллар ва бажариладиган ишлар таҳлили.

6. Типография санъатига хос материаллар ва алоҳида иш турлари мавжуд. Бу материаллар, асосан, қуйидагилардан иборат: қоғоз, босма ҳарф, қора бўёқ, босма станок. Иш турлари — қоғозни тайёрлаш, асл нусхага қараб ҳарфлар териш, бўёқ суртиш, корректура қилиш, босиш, қуриштириш кабилар; бу ишлардан ҳар бирининг бажариш методлари мавжуд ва унга риоя қилинса, иш тезлашади.

Дидактик санъатда ҳам худди шундай.

7. Дидахографияда бу қуйидагича бўлади. Қоғоз — ўқувчилардир, илмлар алифбеси унинг онгига босилиши керак. Босма ҳарф дарсликлар ва бошқа ўқув қўлланмаларидир, улар ёрдамида ўқув материални боланинг онгига сингдириш осонлашади. Қора бўёқ — муаллимнинг жонли нутқи бўлиб, у нарсалар ҳақида китоблардаги билимларни айтиб беради ва уни тингловчининг онгига етказди. Босма станок ўқув интизоми бўлиб, у илмларни идрок этишга ҳаммани жалб этади ва мажбур қилади.

Қанақа қоғоз ишлатилади.

8. Ҳар қанақа қоғоз ҳам ишлатилаверади, лекин қоғоз қанчалик тоза бўлса, босилган нарса шунчалик аниқ бўлади. Шунингдек, бу метод қобилияти ҳар хил болаларни ўқишга жалб этишга имкон берса ҳам, лекин қобилияти кучлироқларни тезроқ ривожлантиради.

Босма ҳарфнинг дарсликларга алоқаси.

9. Металлдан қуйилган босма ҳарфларга муносабатимиз биз талаб этаётган дарсликларга ажойиб аналогия бўла олади. Биринчидан, дастлаб босма ҳарфни қуйиб, пардозлаб, ишлатишга мослаштириб ва сўнгра китобларни босишга киришилганидек, аввало янги методнинг воситаларини тайёрлаш зарур ва сўнгра бу методни қўлланиш керак.

10. Иккинчидан босма ҳарфлардан кўпроқ ҳозирлаб қўйиш зарур, токи у териш учун етарли бўлсин. Бу талаб дарслик ва ўқув қўлланмаларига ҳам тааллуқли, чунки дарслик ва қўлланмалар етишмаса, ишни бошлаш оғир, зерикарли, фойдасиз бўлиб, мақсадга эришиш ҳам қийин бўлади.

11. Учинчидан, яхши типографияда бирор нарсани босиб чиқариш учун керак бўладиган катта-кичик ҳажмдаги ҳарфлар етарли даражада жамғариб қўйилади. Шунинг сингари, дарсликлар ҳам ақлий маданиятга доир ҳамма нарсани ўз ичига олиши зарур, токи ҳар ким бу китоблардан зарур илмларнинг барчасини ўқиб билиб олсин.

12. Тўртинчидан, типографияда босма ҳарфлари аралаштириб ташланмайди, балки истаган пайтда ишлатишга тайёр туриши учун улар ҳарф кассаси ва хоналарига тартибли равишда

жойлаб қўйилади. Худди шунингдек, дарсликларда ҳам ўқув материални аралаштириб юборилмаслиги, балки программа материалнинг барчаси иложи борица аниқроқ қилиб, ўқув йилларига, ойларига, кун ва соатларига қараб тақсимланиши зарур.

13. Бешинчидан, ҳарф кассасидан шу иш учун керак бўлган ҳарфларгина олинади, қолганлари ўз жойида тураверади. Шунингдек, болаларнинг қўлига фақат шу синфда керак бўладиган дарсликларнигина бериш лозим, бошқа дарсликларни ҳам бериб, боланинг хаёлини бўлмаслик уни чалкаштириб қўймаслик керак.

14. Ниҳоят, ҳарф терувчиларда набор линейкаси бўлади, улар набор линейкаси билан ҳарфларни сўзларга, сўзларни сатрларга, сатрларни саҳифаларга қимирламайдиган қилиб маҳкамлаб қўяди. Шунинг сингари, тарбиячилар қўлида ҳам ишни қандай олиб бориш ҳақида қоидалар бўлиши зарур, яъни тарбиячилар учун қўлланмалар бўлиши ва бу қўлланмаларда нимани, қаерда ва қандай бажариш аниқ кўрсатилиши, ҳар ким ўз билганича иш қилишига йўл қўйилмаслиги лозим.

Икки хил ўқув қўлланмаси.

15. Демак, ўқув қўлланмалари икки хил бўлади: ўқувчилар учун дарслик ва муаллимлар учун қўлланма; қўлланмада дарсликлардан қандай фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилади.

Типография бўёғи дидактикада нимага тўғри келади.

16. Ўқитувчининг нутқи дидактикада типография бўёғи ролини ўйнашини айтиб ўтган эдик. Тўғри, босма ҳарфлар қуруқ бўлса ҳам, пресс остига қўйиб босгач, қоғозга ҳарф босилади. Лекин кўп ўтмай, қоғоздаги бу ҳарф излари йўқолиб кетади. Агар босма ҳарфларга типография бўёғи суртилган бўлса, улар жуда аниқ ва деярли ҳеч ўчмайдиган бўлиб босилади. Худди шунга ўхшаш, китоблар ҳам болалар учун қандайдир ноаниқ, қоронғи бир нарса бўлиб туюлади. Китобларга муаллимнинг нутқи ҳам қўшилса (муаллим китобдагиларни ўқувчиларнинг ёшига қараб яхшилаб тушунтирса ва амалда қўлланишни ўргатса), иш жонланиб кетади ва ҳамма нарса ўқувчиларнинг онгига чуқур сингади, шундай қилиб, ниҳоят, болалар ўргатилаётган нарсаларни чинакам тушуна бошлайди ҳамда ўтилганларни тушуниб олганини англайди. Типография бўёғининг сиёҳдан фарқи шундаки, унга сув аралаштирилмайди, балки мойга аралаштириб тайёрланади (босилган ишларнинг сифати жуда яхши чиқсин деган киши энг тоза ёнғоқ мойига кўмир қукуни қўшиб тайёрланган бўёқ ишлатади). Шу тариқа ўқитишнинг энг тоза мойга ўхшаш ихчам ва оддий методи ёрдамида муаллимнинг нутқи ҳамда ўқув материални болалар онгига жойлашиб қолиши керак.

Ўқув процесси — интизом демакдир.

17. Ниҳоят, типография ишида пресс қандай роль ўйнаса, мактабда интизом шундай роль ўйнайди, чунки фақат интизом ҳар кимнинг билимларни идрок этишига имконият яратади. Типографияда китоб босишга ишлатиладиган қоғознинг ҳаммаси пресс остига қў-

йиб босилган (башарти қаттиқроқ қоғозни — кучлироқ босиш, юмшоқроқ қоғозни — секироқ босиш лозим бўлса ҳам) сингари, ўқишга кирган ҳар бир киши мактабдаги умумий интизомга итоат қилиши зарур. Интизом сақлашга ёрдам берадиган воситалар қуйидагилар: биринчидан, доимо диққат билан кузатиб бориш. Болаларнинг қизиқиши ва хоҳишига ҳеч қачон тўла ишониб бўлмайди (ахир, улар Одаматонинг авлодлари), шунинг учун ҳамма вақт болаларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб бориш керак. Иккинчидан, танбеҳ бериш; интизомни бузган болаларга танбеҳ берилса, улар дарҳол тўғри йўлга кириб олади ва бўйсунди. Ниҳоят, жазолаш, бола белгиланган қоидаларга ёки панд насихатга бўйсунмай қўйса, унга жазо берилади. Лекин бу тадбирларнинг барчасини оқилона, шунингдек, ягона мақсадни кўзлаб, яъни бунинг таъсирида барча ўқувчилар ўз хоҳиши билан ҳушёр бўлиши ҳамда барча топшириқларни яхши бажариши учун қўлланиши керак.

18. Шунингдек, ишларнинг маълум турлари ва бажаришнинг ҳар хил методлари талаб этилишини айтиб ўтган эдик. Бу масалага ҳам қисқача тўхтаб ўтайлик.

19. Биринчидан, бирор китоб қанча нусхада нашр этилмоқчи бўлса, бир йўла шунча варақ қоғоз олиниб, терилган бир хил текст ва бир хил ҳарфлар уларнинг ҳаммасига босилади. Китобнинг кейинги саҳифалари ҳам шунча нусхада ва шу ҳажмда босиб тайёрланади, акс ҳолда китобнинг айрим нусхалари чала босилган бўлур эди. Худди шунингдек, биз тавсия этаётган дидактиканинг методи бир хил йўл билан ўқитиладиган болаларнинг ҳаммасини муаллимнинг ихтиёрига бирданига ва бир вақтда бериши тақозо қилади, токи муаллим шу группадаги болаларнинг ҳаммасини секин-аста ва бошдан охиригача ўқитсин. Машғулотлар бошлангандан сўнг ҳеч кимни мактабга (ўқишга) қабул ҳам қилмаслик ва ўқув йили тугамай туриб, ҳеч кимни группадан чиқариб ҳам юбормаслик керак. Бунинг натижасида, бир муаллим ҳатто группадаги жуда кўп ўқувчига дарс бера олади ва шунга қарамай, болаларнинг барчаси ҳамма нарсани нуқсонсиз ва хатосиз билиб ҳам олади.

Шунинг учун барча жамоа мактабларига Фойдали маслаҳат. ўқувчиларни ҳар йили бир марта қабул қилиш лозим (бизнинг фикримизча, бу ишни баҳор ёки бошқа пайтдан кўра, яхшиси куз фаслида бажариш маъқул), токи ҳар бир синфнинг ўқув программаси йил давомида бажарилсин ва барча ўқувчилар (агар бунга айримларнинг қобилиятсизлиги тўсқинлик қилмаса), кўзланган мақсадга эришиб, навбатдаги юқори синфга биргаликда кўчсин. Чунки типографияда ҳам биринчи А варақнинг ҳамма нусхалари босмадан чиққач В варақни босишга, сўнгра С, Д, Е ва бошқаларига ўтилади.

20. Иккинчидан, босмадан яхши чиққан китобларнинг боблари, стунлари, параграфлари аниқ ажратилган бўлиб, китобнинг четларида ҳамда айрим-сатрлари орасида маълум миқдор-

да бўш жойлар (ё зарур бўлгани учун, ёки аниқ ажралиб туриши учун) қолдирилади. Худди шунингдек, ўқитиш методи ҳам вақт-вақти билан дам олиб-дам олиб ишлашни талаб этади. Маълумки, ўқитишнинг вазифалари йиллар, ойлар, кунлар ва соатларга тақсимланади. Агар бу талаб тўғри бажариладиган бўлса, у ҳолда ҳар бир синф тугалланган ўқув курсига эга бўлиши ва шу тариқа ҳар йили ўз олдига қўйилган маълум вазифани амалга ошириши керак. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, мактабда ўқув машғулотларига ҳар куни фақат тўрт соат вақт ажратилсин: икки соат эрталаб ва икки соат тушдан сўнг. Агар бундан ҳафтанинг шанба кундаги тушдан кейинги икки соатни чиқариб ташласак ва якшанба кунини тоат-ибодат қилишга кетса, ҳаммаси бўлиб бир ҳафтада йигирма олти¹ соат, йил давомида (бундан ташқари, одатдаги каникуллар учун ҳам зарур даражада вақт ажратилади) минг соатга яқин дарс ўтилади. Эҳ-ҳа, агар иш метод жиҳатидан ҳар доим тўғри бажарилса, бунча вақт давомида қанчадан-қанча нарсаларни ўрганиш мумкин бўлур эди.

21. Учинчидан, ҳарфлар терибли бўлгач, қоғоз ўрамлари олинади ва варақларга ажратиб чиқилади, босув ишини осонлаштириш мақсадида, варақлар текисланиб, олиш учун қулай жойга қўйилади. Шунга ўхшаш, ўқувчилар муаллимнинг кўз олдида бўлишлари, яъни ҳамма вақт муаллим ўқувчиларнинг барчасини ва ҳамма ўқувчилар муаллимни кўриб туришлари лозим. Буни қандай бажариш лозимлигини XIX бобнинг биринчи проблемасида кўрсатиб ўтган эдик.

22. Тўртинчидан, ҳарфлар қоғозга яхши босилиши учун, одатда, қоғозни хўллаб, юмшоқроқ ҳолга келтирилади. Мактабда ҳам худди шунингдек ўқувчилар диққатини биз юқорида кўрсатиб ўтган методлар билан ҳамма вақт кўзгатиш зарур.

23. Бешинчидан, бу ишлар бажарилгач, ҳарфлар қоғозга аниқ босилиши учун металл ҳарфларга қора бўёқ суртилади. Шунингдек, муаллим шу соатдаги дарсни ҳар доим нутқ ёрдамида тушунтириб бериши лозим, болалар ҳамма нарсани аниқ тушуниб олгунча олдин бир марта ўқиб бериши, айрим жойларини қайта ўқиши, изоҳлаб бериши керак.

24. Сўнгра, олтинчидан, дарҳол варақларни бирин-кетин пресс остига қўйиб, металлга терилган ҳарфлар ҳамма варақларга ва ҳар бир вараққа алоҳида-алоҳида аниқ қилиб босилади. Ўқитувчи ҳам ўргатиладиган материалнинг мазмунини тушунтириб ва уни осон бажариш мумкинлигини бир неча мисоллар билан кўрсатиб, сўнгра худди шуни айрим ўқувчиларга бажартириши лозим, болалар муаллим кўрсатиб берганини унга эргашиб бажаришга интилизинлар ва уни ўзлари ҳам мустақил бажара оладиган бўлсинлар.

25. Шундан кейин, еттинчидан, босмадан чиққан варақлар шамоллатиш ва қуриштиш учун очиқ жойга қўйилади. Мактабда тақрорлаш, имтиҳонлар олиш, мусобақалар ўтказиш воситасида

¹ Соатларни ҳисоблашда хатога йўл қўйилган. Тўғриси — 22 соат бўлади.

болалар ҳамма нарсани пухта ўзлаштириб олганига ишонч ҳосил бўлгунча ақл вентилицияси давом эттирилаверади.

26. Ниҳоят, оттиск қилиниб бўлгач, босилган варақларнинг ҳаммаси йиғиб олинади ва тартибга келтирилади, китобнинг ҳамма нусхалари беками кўст тайёр бўлганига, уларни муқовалаш, сотиш, жўнатиш ва фойдаланиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилинади. Мактабда йил охирида ўтказиладиган очиқ имтиҳонлар ҳам худди шунинг ўзгинасидир, чунки бунда мактаб ревизорлари ўқувчилар эришган ютуқларни (эгаллаган билимларни), билимлар қанчалик пухта, ўзаро бир-бири билан боғлиқ эканлигини, ўрганиш лозим бўлган нарсаларнинг барчасини ўқувчилар амалда қанчалик билиб олганини текшириб кўрадилар.

27. Умуман айтганда шулар, таом, вассалом, қолганлари эса тафсилотлардир. Энди шунини айтиш кифояки, типография кашф этилиши билан илм манбаи бўлган китоблар кўпайиб кетган сингари, *дидахографиянинг ёки умумий методиканинг* яратилиши билан «Донишмандларнинг кўпайиши дунёни ҳалокатдан қутқаради» (Премудр; VI, 26) деган ҳикматга биноан, инсониятнинг буюк бахт-саодати учун олимларнинг сони ҳам кўпайиши мумкин...

XXXIII боб

БУ УМУМИЙ МЕТОДНИ АМАЛДА ҚўЛЛАНИШИ УЧУН ЗАРУР БУЛАДИГАН ШАРОИТЛАР ҲАҚИДА.

Яхши истаklar
ҳамма вақт ҳам
бажарилавермайди,
деган арз-додлар
эшитилиб туради.

1. Бу масалага доир мулоҳазаларимизни атрофлича ўйлаб кўрган киши, агар мактаблар биз таклиф этган тартибда (қайта) ташкил этиладиган бўлса, христиан давлатлари ва жамоат ишлари нақадар яхшиланиб кетишига ишонмаслик мумкин эмас. Бу фикрлар мулоҳазалигича қолиб кетмаслиги, балки қачонлардир, ҳеч бўлмаса, қисман амалга ошиши учун нималар қилиш зарурлигини ҳам айтиб ўтайлик.

Ахир Иоган Циселий Фрей (Trees) шунча асрлар давомида коллегиялар ва академияларда мавжуд бўлган шу қадар жоҳил тартибларни яхшилашга ҳеч ким журъат этмади-я, деб асоссиз таажубланмаган ва бекорга ғазабланмаган.

Жумладан мактаблар масаласида ҳам.

2. Юз йилдан кўпроқ вақт ичида мактаблар ва ўқитиш методидаги тартибсизликлар ҳақида жуда кўплаб шикоятлар эшитилади. Айниқса кейинги ўттиз йилда мактаблар ишини яхшилаш соҳасида катта уринишлар бўлди. Лекин ундан қанақа натижа чиқди? Барибир, мактаблар қанақа бўлса, шунақалигича қолаверади. Мабодо биров ўз-ўзича ёки бирорта хусусий мактабда бирор чора-тадбирни амалга ошириш учун уриниб кўрган бўлса ҳам, лекин тузукроқ бирор натижа чиқара олмади, чунки у ё жоҳил кишиларнинг мазах-кулгисига дуч келган, ё бадхоҳ одамларнинг қаршилигига учраган, ёки ниҳоят, ҳеч ким кўмаклашмагани учун бу иш унга оғирлик қилган. Шундай қи-

либ, ҳозиргача бўлган барча уринишлар натижасиз қолаверган.

Юриш учун тайёрланган машинани юриштиш керак.

3. Демак, яхши асосий қисмлардан ясалган ёки жуда усталик билан ясалиши лозим бўлган машинани худонинг хоҳиши билан ҳаракатга келтириш йўллари излаш ва топиш керак, машинанинг юришига ҳозиргача тўсқинлик қилиб келган ёки келажакда халақит бериши мумкин бўлган барча тўсиқларни оқилона ва мутлақо бартараф қилмоқ лозим.

Мактабларни тўлиқ қайта қуриш соҳасидаги бешта тўсиқ.

4. Бундай тўсиқлар турлича бўлиши мумкин. Биринчидан, ҳамма жойда очиладиган мактабларга биз истагандек муваффақиятли бошчилик қила оладиган, методик жиҳатдан билимли кишилар камлиги (ахир, мактабларда қўлланилаётган бизнинг «Эшик» номли дарслигимиз хусусида ҳам ақлли бир киши бизга ёзган хатида: бу китобни қўлланиши учун кўп жойларда жуда муҳим бир нарса етишмаслигини, яъни ёшларга бу китоб асосида таълим бера оладиган муносиб кишилар йўқлигини айтган).

5. Иккинчидан, ҳатто бундай муаллимлар топилган тақдирда ҳам ва улар тузилган жадвалга мувофиқ тузуккина дарс ўта олган тақдирда ҳам, лекин барча шаҳар ва қишлоқлардаги, шунингдек болалар туғилиб, тарбия оладиган барча жойлардаги мактабларни, муаллимларни таъминлаш учун маблағни қаердан олиш мумкин?

6. Сўнгра, учинчидан, жуда қашшоқ ота-оналарнинг болалари ҳам мактабга қатнай олиши учун қандай чора-тадбирлар кўриш зарур бўлур эди?

7. Тўртинчидан, менимча, одатдаги методда таълим олган ва ёски таълим системасидан қалбаки бўлса ҳам мамнунлигини пеш қилиб, мақтаниб юрадиган, ҳар қанақа янгиликни менсимайдиган кишиларнинг такаббурлигидан айниқса қўрқмоқ керак, шунингдек, бундай кишиларнинг ўжарлиги ҳам ишга катта тўсқинлик қилади, кичикроқ тўсиқлар ҳақида гапирмаёқ қўя қолайлик, чунки уларнинг чораси осон.

Бу соҳада асосий нарса.

8. Ниҳоят, бу ерда бир нарса муҳим аҳамиятга эга; шу нарсанинг етишмаслиги мактаб соҳасидаги барча ишларни бефойда қилиб қўйиши мумкин, лекин агар у мавжуд бўлса, иш дарҳол юришиб кетади. Бу нарса (шарт) *памметодик китобларнинг¹ етарли бўлиши*. Агар типография асбоблари мавжуд бўлса, уни ишлатишни истайдиган ва ишлата оладиган кишиларни топиш жуда осон ҳамда бундай кишилар яхши ва фойдали китобларни нашр этиш учун сарфланадиган харажатларнинг бир қисмини ўз зиммаларига олишлари ҳам мумкин, шунингдек, бундай жуда ар-

¹ «Памметодик китоблар» ёки «панодидактика» терминлари билан Коменский «умумий педагогика» ва «дидактика» га доир адабиётлар яратиш ҳақидаги фикрни ифодалаган, хусусий методикалар ва махсус-педагогикалар бунга кирмайди.

зон ва фойдали китобларни ҳеч қийналмай сотиб оладиган кишилар ҳам топилиб қолади, худди шунинг сингари, агар умумий дидактикага доир қўлланмалар тайёр бўлса, уни чиқаришга ҳомийлик қиладиган, хайрихоҳлик кўрсатадиган ва ёрдам берадиган кишиларни топиш қийин эмас.

Бу мақсадга эришиш учун биргалашиб ҳаракат қиладиган олимлар коллегияси зарур.

Ахир, бу бир кишининг қўлидан келадиган иш эмас, чунки ҳар ким ҳам бошқа бирор иш билан банд бўлиши, бунинг устига умумий методга тааллуқли нарсаларнинг қўпини билмаслиги мумкин. Агар уни абсолют даражагача такомиллаштироқчи бўлсак, балки бу ишни бир неча аср давомида бажариш мумкин бўлар. Демак, бунинг учун бутун бошли жамият таъсис этиш зарур.

Бу ишга жамият ҳомийлиги, ёрдами ва эътибор бериши зарур.

Бундай коллегиани тузиш учун эса ё бирорта король, ё князь, ёки жамоанинг ёрдам бериши ва олий ҳиммат кўрсатиши зарур. Шовқин сурондан четроқ жой, китобхона кабилар керак. Шунингдек, ...халқларнинг фароғатини юқори кўтаришга ҳолисона қаратилган бундай қутлуғ тадбирга ҳеч ким қаршилиқ қилмаслиги, балки аксинча, ҳамма киши бизга ўқитишнинг янги методларини инъом этишга тайёр... ва ишга кўмаклашиш истагини билдириши зарур.

Тантанали мурожаат.
1. Ота-оналарга.

жон куйдиришингиз лозим. Бу ишга омад тилаб, худолар худосига тинмай ибодат қилинг, ҳукмдорларга ва олимларга ўз илтимосингиз, истак, арз ҳамда талабларингизни айтиб, доимо мурожаат этинглар. Шу билан бирга болаларингизни худонинг мўмин бандаси қилиб тарбияланг, бу билан умумий таълимга муносиб йўл очган бўласиз.

2. Ёшларнинг тарбиячиларига.

12. Шунингдек, жаннат гулларини экиб, сугориб парвариш этиш соҳасида сидқидилдан меҳнат қилаётган ёш авлоднинг барча тарбиячилари..., сиз бажараётган ишни енгиллаштирадиган бундай қўлланмалар иложи борица тезроқ ишлаб чиқилсин ва ундан ҳамма фойдаланадиган бўлсин. Чунки, сиз ер юзидаги ишларни тартибга келтиришга даъват этилган экансиз (Ис., LI, 16), ахир сиз учун ўз меҳнатингиз жуда самарали бўлаётганини кўришдан ҳам афзалроқ нарса бўлиши мумкинми? Ахир,... бисотидаги энг қимматли нарсасини фарзандини сизга топшириб қўйган ота-оналарнинг ишончи сиздан шундай қилишни талаб этади. Тангри қалбингизни руҳлантириб, сизни ва сиз орқали бошқаларни

ҳам бу ҳақда ғамхўрлик қилишга доимо даъват этсин, токи шу тариқа бутун мамлакат мунаввар ва бахтли бўлсин.

3. Олимларга.

13. Олимлар, ...сизларга донолик ва ўткир ақл берган, шунинг учун ҳам сизлар бу масалада оқилона маслаҳат бериб, яхши истакларни тезроқ амалга оширишга кўмаклашишингиз, сизлар ҳеч кечиктирмай ақл учқуни, балки ақл машъали ва шамоли билан бу қутлуғ оловни алангалантиришга ёрдам беришингиз лозим...

Ҳеч ким бу ишдан четда қолмаслиги лозим.

14. Сизлардан шунини ўтиниб илтимос қиламанки, ҳаммамиз куч-ғайратимизни... келгуси авлодларимиз учун сарфлашга эътиборсизлик қилмаслигимиз керак. Ҳар ким бундай умумий ишга ва бунчалик муқаддас мақсадга ўз маслаҳати, эса солиб бориши, панд-насиҳати, тузатиб, рағбатлантириб туриши билан кўмаклашиши лозим. Ҳеч ким, бу менга тааллуқли иш эмас, деб қарамаслиги керак, гарчи у киши мактабда ишламаса ҳам, ёки ҳатто черковдаги, сиёсий ёки медицина муассасаларидаги хизмати бунга халақит беради деб ўйласа ҳам. Чунки бу ишлар билан шуғулланган киши мактаблар фаолиятини яхшилаш соҳасидаги ҳозирги умумий ишдан четда тураман деб ҳисоблаши, ҳар ҳолда, тўғри эмас. Агар сиз ўз вазифангизга содиқ эканлигингизни, сизни бу ишга даъват этганга ва сиз кимлар учун яратилган бўлсангиз ўша одамларга содиқ эканлигингизни исботламоқчи бўлсангиз... ватанга ўзингиз хизмат қилишингиз билан бирга, сиздан кейин ҳам бу вазифаларни бажарадиган кишилар бўлиши ҳақида узоқни кўзлаб ғамхўрлик қилишингиз зарур. Сократни шунинг учун ҳам мақташар эдиларки, у юқори ижтимоий лавозимни эгаллаш ва ўз ватанига шу йўл билан фойда келтириш имкониятига эга бўлса ҳам, лекин ёшларни тарбиялаш иши билан шуғулланишни афзал кўрган; давлатни ўзи бошқаргандан кўра, кўпроқ кишиларни давлатни бошқаришга қобилиятли қилиб тарбиялаган киши давлатга кўпроқ фойда келтиради, деб ҳисоблаган.

Жуда ўқимишли кишилар хато фикрларидан воз кечишларини сўраймиз.

15. Худо ҳаққи ўтинаман, ёлвораман, каттароқ олимлардан бирортаси ҳам, бу ишга эътиборсизлик қилмасин, чунки кичикроқ олим бунга даъват этипти. Ахир, ҳатто сабзавотчилик билан шуғулланувчи ҳам баъзан бирор яхши фикр айтиб қолиши мумкин-ку. «Сен билмаган нарсани, балки хўтик билар»,— деган экан Хризипп... Бу масалаларни манманлик, шуҳрат орттириш, бирор шахсий фойда олиш учун кўтариб чиқмаётганимизга, балки... кишиларнинг ижтимоий ва шахсий ишларини яхшилаш истаги билан қилаётганимизга — бизни фақат шу мақсад қизиқтираётганига тангрининг ўзи гувоҳ. Бизнинг қалбимиз доимо шунга ундаётгани учун ҳам уни айтмасдан тура олмадик. Демак, агар кимдир бизнинг талабларимизни, истакларимиз, ўғитларимиз ва уринишларимизни қўллаб-қувватлаш имконияти бўла туриб, унга тўсқинлик қилиш ҳамда қарши чиқишни маъқул кўрса,

бизга қарши курашмаётганини, балки... ўз виждонига, умумий табиатга қарши чиқаётганини билиб қўйсин.

4. Теология (ақоид) олимларига.

16. Шунингдек, *ақоид олимлари*, сизларга му- рожаат этаман, чунки бу таклифни амалга ошириш сизнинг обрўингиз билан давом эт- тириладими, ёки тўхтатиб қўйиладими — кўп нарса сизларга боғлиқ эканлиги менга аён. Агар сизлар бу таклифни амалга оширишни тўхтатиб қўйишни афзал кўрсангиз, Бернар айт- ган гаплар тўғри бўлиб чиқади, яъни Исо пайғамбарнинг атро- фидигилардан кўра улар орасида ҳам ўзини энг яқин тутадиган кишилардан кўра ёвузроқ душмани йўқ. Лекин биз сизлардан яхшилик чиқишига, шаънингизга яраша иш қилишингизга амин- миз. Сизлар, ҳеч бўлмаганда, парвардигор Петрга фақат ўз қўйларининггина боқишни эмас, балки қўзиларни ҳам ва ҳатто дастлаб айнан қўзиларни боқишни топширганини (Иоанн XXI, 15) ўйлаб кўришингиз керак. Агар қўзилар чўпоннинг таёғи ту- файли ва подадаги одатга кўра яйловда яшашга ўрганиб қол- ган бўлса, чўпон учун, албатта, бундай қўйларни боқиш анча осон бўлади. Агар ким тингловчилари жоҳил бўлишини афзал кўрса, демак, аслида унинг ўзи жоҳил. Агар, конда ишловчилар энг тоза олтинни келтириб берса, ахир, қайси заргар хурсанд бўлмаслиги мумкин? Иложи борица яхши ишлов берилган ҳам- да энг юмшоқ терини қайси этикдўз олмаслиги мумкин? Демак, шунинг сингари бизлар ҳам ақл билан иш қиладиган дунё фар- занди бўлайлик ҳамда мактаблар иложи борица яхши тарбия- ланган тингловчилар етказиб беришини истайлик.

Рашки бартараф қилиш ҳақида ил- тимос.

17. Дин аҳллари худой-таоллонинг хизмат- корлари, лекин бирортангизнинг ҳам қалбин- гизда рашк ўти пайдо бўлмасин! Ахир, сизлар бошқалар назарида — ҳасад нималигини, кек- кайишни билмайдиган, ўжарлик қилмайдиган, ёмонликни ҳеч кимга раво кўрмайдиган фаришталарсиз. Агар сиз хаёлга ҳам келтирмаган ишларни бошқалар бажараётган бўлса, бунга рашк қилманг. Яхшиси, бир-биримиздан ўрнак олайлик, токи Гри- горий айтганидек, ҳаммамиз ҳақиқат органлари¹, бўлиб комил ишонч билан парвардигорни мадҳ этишга интилайлик.

5. Давлат бошлиқ- ларига.

18. Парвардигорнинг амри билан жамият иш- ларини бошқаришга қўйилган жаноблар, сиз- ларга мурожаат этаман. Халқларнинг ҳукм- дорлари ҳамда давлат бошлиқлари, бу сўзлар кўпроқ сизга қа- рата айтилаётир. Ахир сизлар бундай даҳшатли тошқинда, дунё саросима бўлиб турган чоғда, илоҳий уруғликни қутқариб қолиш учун нажот кемасини ясашга даъват этилган Нухларсиз² (Быт., VI). Сизлар — ибодатхона қуриш учун маблағни бошқалардан кўра кўпроқ сарфлаши лозим бўлган князларсиз, токи парвар-

дигор гўзаллик ихтиро қилишни амр этган санъаткорларнинг иши тўхтаб қолмасин (Исх., XXXVI). Сизлар — черков қурди- риш учун меъморларни тўплаб, уларни зарур нарсалар билан таъминловчи Довуд ва Соломонларсиз (I кн. Царств, VI ва I Паралип, 29). Сизлар — агар пайғамбар авлодларини севсангиз, мактаблар очсангиз, Исо пайғамбар хуш кўрадиган бошлиқларсиз (Лука, VII, 5).

Улардан яна ил- тимос.

19. Исо пайғамбар номини ўртага қўйиб, сиз- лардан ўтиниб сўрайман, бола-чақаларингиз бахтли бўлиб, уларнинг ҳузурини кўринг, бу ишга эътиборсизлик билан қараманг! Бу, муҳим, жуда муҳим иш, чунки у худой-таоллонинг шон-шуҳратида ва халқларни ҳа- локатдан умуман қутқаришга тааллуқлидир. Ишончим комилки, халққа оталигингиз — ватанга бўлган муҳаббатингиздир. Агар бирор киши ҳузурингизга келиб сизга маслаҳат бермоқчи бўл- са, яъни иложи борица камроқ маблағ сарфлаб, ҳамма шаҳар- ларни мустаҳкамламоқчи бўлса, барча ёшларга ҳарбий илмни ўргатмоқчи, барча дарёларни кема қатнай оладиган қилмоқчи ва савдо-сотиқни йўлга қўйиб, бойликларни кўпайтирмоқчи ёки бошқа бирор йўл билан барча жамоаларни ва айрим граждан- ларни фаровон қилмоқчи, хавф-хатардан қутқармоқчи бўлса — сиз уни диққат билан тинглабгина қолмасдан, балки сизнинг бахт-саодатингиз, фуқароларингизнинг равнақи ҳақида шунчалик жон куйдириб, ғамхўрлик қилгани учун унга миннатдорчилик билдирган бўлур эдингиз. Биз таклиф этган масаланинг аҳа- мияти бундан кўра каттароқ. Биз бундай кишиларни жуда кўп- лаб тарбиялашнинг ҳақиқий, ишончли, хатарсиз воситасини кўр- сатиб бердик, шу йўл билан таълим-тарбия олган кишилар бундай ва шунга ўхшаш ихтиролари билан ватан равнақи учун ҳамма вақт бирин-кетин хизмат қилаверади. Лютер немис шаҳарларининг ҳокимларини мактаблар қуришга даъват этиб, тўғри фикрларни ёзган эди: «Қаерда шаҳарлар, қалъалар, ҳай- каллар, арсеналлар қуришга бир тилла пул сарфланаётган бўлса, ўша ерда бир болага тўғри таълим бериш учун юз тилла пул сарфлаш керак, чунки бола улғайгач, бошқаларга тўғри йўлни кўрсата олади; ахир саховатли ва доно киши, деган эди у, бутун давлатнинг энг қимматли бойлигидир; ажойиб саройлар, тилла ва кумуш уюми, мисдан ясалган дарвозалар ва темир тамба- лардан кўра унинг аҳамияти каттароқ» (Соломон ҳам шу фикрни таъкидлаган. Екклез., IX, 13). Агар унинг, ҳатто битта болага тўғри таълим бериш учун харажатни ҳеч аямаслик ло- зим, деган фикрини тўғри деб ҳисобласак, унда бундай умумий ва ҳамма нарсани ўз ичига оладиган ҳамда бунчалик тўғри таъ- лимни амалга оширишга кенг йўл очиб берадиган ўқитиш ме- тодига; тангри ўз саховатини томчилаб эмас, дарё тўлиб оққан- дек юбормоқчи бўлиб турган бўлса, худой-таоллонинг шон-шуҳ- рати ер юзида биз билан яшаб, унинг каромати оёқ остидан чиқиб турган бўлса, бунга нима дейиш мумкин?

¹ Орган — музыка асбобининг номи.

² Диний афсоналарга кўра, Нух кема ясаб, одамлар ва ҳайвонларни тў- фондан қутқариб қолган эмиш.

МУНДАРИЖА

«Буюк дидактика» китоби	3
Ян Амос Коменскийнинг ҳаёти ва педагогик назарияси	4
Китобхонларга салом	31
Барча инсоний муассасаларнинг бошлиқларига, давлатларнинг ҳукмдорларига, черковларнинг пастирларига, мактабларнинг ректорларига, ота-оналар ва болаларнинг васийларига	37
Дидактиканинг фойдаси	49
Бобларнинг мазмунинда баён қилинадиган қондалари	51
I боб. Инсон энг мукаммал, олийжаноб ва энг гузал мавжудотдир	53
II боб. Инсоннинг сунгги мақсади нариги дунёдир	54
III боб. Бу дунёда яшаш абадий ҳаёт учун қўриладиган тайёргарликдир ҳолос	58
IV боб. Абадий ҳаётга қўриладиган тайёргарлик уч босқичдан иборат: ўзини ва теваарак-атрофдаги оламни билиш, ўз-ўзини бошқариш ва худони таниш	60
V боб. Илм, фазилат ва тақводорликни эгаллаш имкониятларини бизга табиатнинг ўзи инъом этган	63
VI боб. Инсон бўлиш учун киши билим олиши зарур	73
VII боб. Инсонга илм беришни болалик чоғидан бошламоқ керак. Ўқитиш, фақат ёшлиқ йилларидагина самарали бўлади	78
VIII боб. Ўспиринлар бирга ўқишлари керак, бунинг учун эса мактаблар зарур	81
IX боб. Ўғил ва қиз болаларнинг ҳаммаси ўқишга жалб этилиши керак	84
X боб. Мактабларда ўқитиш универсал бўлиши керак	88
XI боб. Ўз вазифасини тўла бажарайтган мактаблар ҳанузгача йўқ эди	92
XII боб. Мактабларни тубдан ўзгартириб, яхшилаш мумкин	96
XIII боб. Ҳамма соҳада аниқ тартиб ўрнатиш мактабларни тубдан ўзгартиришнинг асосидир	106
XIV боб. Мактаб учун ҳеч ким ва ҳеч нарса асло буза олмайдиган аниқ тартиб яратишни табиатдан ўрганмоқ керак	110
XV боб. Умрни узайтириш асослари	114
XVI боб. Ўқитиш ва ўқишнинг умумий талаблари, яъни қандай қилиб ўқитмоқ ва ўқимоқ керак	119
XVII боб. Осон ўқитиш ва ўқишнинг асослари	132
XVIII боб. Пухта ўқитиш ва ўқишнинг асослари	143
XIX боб. Энг қисқа йўл билан ўқитишнинг асослари	156
XX боб. Фан методи	173
XXI боб. Санъатлар методи	181
XXII боб. Тилларнинг методи	187
XXIII боб. Ахлоқ тарбияси методи	194
XXIV боб. Мактаб интизоми ҳақида	199
XXV боб. Мактабларни ўқувчиларнинг ёши ва савиясига мослаб тўрт босқичли қилиб ташкил қилиш ҳақида	203
XXVII боб. Она мактаби очерки (ғояси)	206
XXIX боб. Она тили мактаби ғояси	211
XXX боб. Латин мактаб ғояси	217
XXXI боб. Академия	224
XXXII боб. Мукаммал умумий мактаблар ташкил этиш ҳақида	228
XXXIII боб. Бу умумий методни амалда қўлланиш учун зарур бўладиган шароитлар ҳақида	235

На узбекском языке

ЯН АМОС КОМЕНСКИЙ

ВЕЛИКАЯ ДИДАКТИКА

Перевод с издания Учпедгиза, М., 1955.

Издательство «Ўқитувчи» Ташкент — 1975

Таржимон Очилов М.

Махсус редактор Нурматов С.

Редактор Эргозиев Ф.

Муқовани расом Г. Жирнов ишлаган.

Бадний редактор Х. Аҳмаджонов

Тех. редакторлар: С. Ахтамова, О. Чигряева

Корректор Р. Мирхолиқов

Теришга берилди 5/1-1975 й. Босишга рухсат этилди 7/IV-1975 й. Қоғоз № 3. 60×90¹/₁₆. Физ. 6. л. 15,0. Нашр л. 15,6. Тиражи 5000.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 191—74. Баҳоси 62 т. Муқоваси 10 т.

ЎзССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг 2-босмаҳонаси. Янгийўл ш. Самарқанд кўчаси, 44. 1975 й. Зак. № 49.

Типография № 2 Государственного Комитета Совета Министров УзССР по делам издательств, полиграфии и книжной торговли. г. Янгийоль, ул. Самаркандская, 44.

Ушбу китобнинг муҳтавоқи ҳақида

Баҳоси 72 т.

«СУҚИТУВЧИ»